

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАЗАРОВА Г.Г., ХАЙДАРОВ Н.Х.**

# **ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР**

**(ўқув кўлланма)**

**ТОШКЕНТ-2005**

65,5 Жаҳон иқтисодияти.  
Назарова Г.Г., Ҳайдаров Н. Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар / академик С.С. Ғуломов таҳрири остида (ўқув қўлланма), ТДИУ, 2005 й. 272-бет

Замонавий халқаро иқтисодий муносабатлар тизимининг вужудга келиши ва ривожланиши, халқаро иқтисодий муносабатлар (ХИМ)нинг таркибий қисмлари: халқаро товар ва хизматлар савдоси, халқаро валюта-молия тизими, капитал ва ишчи кучи глобал бозорлари, илмий-техникавий (энг аввало, ахборотлар) айирбошлаш соҳаларининг энг муҳим масалаларига бағишланган ушбу ўқув қўлланмада назарий тамойиллар ва амалий материаллар хронологик асосда ёритилган.

Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган мазкур қўлланма ўқитувчилар, талабалар, замонавий ХИМ муаммолари билан кизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

**Тақризчилар:**


*Ахмедов Д.Қ. – профессор, и.ф.д.*

*Халилов Х.Х. – доцент, и.ф.н.*

*Зиядуллаева Л. – доцент, и.ф.н.*

Ю-32/32/2

*Тошкент Давлат иқтисодийёт университети Илмий кенгаши олий ўқув юрти бакалаврлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этади.*



© Г.Г.Назарова, Н.Х.Ҳайдаров - "Халқаро иқтисодий муносабатлар" (ўқув қўлланма). Тошкент, ТДИУ, 2005 й. 272-бет.

# Мундарижа

Муқаддима .....	12
<b>1-бўлим. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР</b> .....	14
1-боб. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг кўринишлари ...	14
1-§. ХИМнинг предмети ва уни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари .....	14
2-§. Жаҳон бозори тузилмаси ва замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг кўринишлари .....	16
3-§. XXI аср бўсағасида ХИМнинг хусусиятлари .....	18
4-§. ХИМ таркибида мамлакатлар иштирокининг асосий кўрсаткичлари .....	20
Бобнинг қисқача мазмуни .....	20
Асосий тушунчалар .....	20
Назорат саволлари .....	21
2-боб. Халқаро товар, хизмат ва ишлаб чиқариш омиллари ҳаракати .....	22
1-§. Ишлаб чиқариш ресурслари ва омиллари .....	22
2-§. Ишлаб чиқариш омилларини халқаро айирбошлашнинг ўзига хос хусусиятлари .....	23
3-§. Жаҳон бозорида товар ва хизматлар ҳаракатининг хусусиятлари .....	24
Бобнинг қисқача мазмуни .....	26
Асосий тушунчалар .....	27
Назорат саволлари .....	27
<b>2-бўлим. ХАЛҚАРО САВДО</b> .....	28
3-боб. Халқаро савдо назарияси .....	28
1-§. А. Смитнинг мутлақ устунлик назарияси .....	28
2-§. Д. Рикардонинг нисбий устунлик назарияси .....	29
3-§. Хекшер - Олин - Самуэльсоннинг ташқи савдо тамойиллари .....	30
4-§. Халқаро савдонинг янги назариялари .....	31
Бобнинг қисқача мазмуни .....	32
Асосий тушунчалар .....	33
Назорат саволлари .....	33
4-боб. Халқаро товар номенклатуралари .....	34
1-§. Халқаро товарлар номенклатурасининг хусусиятлари .....	34
2-§. Миллий товарлар номенклатурасининг ўзига хос хусусиятлари .....	42

Бобнинг қисқача мазмуни .....	44
Асосий тушунчалар.....	45
Назорат саволлари .....	45
<b>5-боб. Халқаро савдонинг жуғрофий ва товар таркибидаги ўзгаришлар .....</b>	<b>46</b>
1-§. Жаҳон савдосидаги ўзгаришлар.....	46
2-§. Товарлар оқимининг асосий йўналишлари.....	48
3-§. Халқаро савдонинг товар таркиби.....	49
Бобнинг қисқача мазмуни .....	50
Асосий тушунчалар.....	50
Назорат саволлари.....	50
<b>6-боб. Халқаро савдо: нарх белгилаш ва ташқи савдо баланси</b>	<b>51</b>
1-§. Нарх ва нарх белгилаш назарияси.....	51
2-§. Нарх белгилашнинг асосий механизмлари.....	52
3-§. Жаҳон нархлари тизими ва унинг вазифалари.....	56
Бобнинг қисқача мазмуни .....	57
Асосий тушунчалар.....	57
Назорат саволлари.....	58
<b>7-боб. Ташқи савдо баланси.....</b>	<b>59</b>
1-§. Ташқи савдо балансининг умумий тавсифи .....	59
2-§. Ташқи савдо балансига таъсир этувчи омиллар .....	61
Бобнинг қисқача мазмуни .....	62
Асосий тушунчалар.....	63
Назорат саволлари.....	63
<b>3-бўлим. ТАШҚИ САВДОНИ ТАРТИБГА СОЛИШ .....</b>	<b>64</b>
<b>8-боб. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш.....</b>	<b>64</b>
1-§. Давлат ташқи савдо сиёсатининг моҳияти.....	64
2. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишнинг асосий инструментлари.....	66
Бобнинг қисқача мазмуни .....	67
Асосий тушунчалар.....	67
Назорат саволлари.....	68
<b>9-боб. Тарифли ва тарифсиз чеклашлар.....</b>	<b>69</b>
1-§. Давлат томонидан тартибга солишнинг тарифли усуллари тавсифи .....	69
2-§. Ташқи савдони тарифсиз чеклашнинг асосий кўринишлари.....	70
Бобнинг қисқача мазмуни .....	75
Асосий тушунчалар.....	76

Назорат саволлари .....	76
<b>10-боб. Божхона божлари ва божхона тарифлари .....</b>	<b>77</b>
1-§. Божхона божларининг моҳияти ва кўринишлари .....	77
2-§. Божхона тарифининг тавсифи .....	79
3-§. Тариф сиёсатининг асосий кўринишлари .....	80
Бобнинг қисқача мазмуни .....	81
Асосий тушунчалар.....	82
Назорат саволлари .....	82
<b>11-боб. Эркин савдо ва протекционизм .....</b>	<b>83</b>
1-§. Эркин савдо ва протекционизм сиёсатининг моҳияти.....	83
2-§. Протекционизмнинг ижобий ва салбий томонлари .....	85
Бобнинг қисқача мазмуни .....	87
Асосий тушунчалар.....	87
Назорат саволлари .....	87
<b>12-боб. Протекционистик сиёсатнинг ишлаб чиқарувчилар, давлат даромадлари ва истеъмолчилар турмуш фаровонлигига таъсири .....</b>	<b>88</b>
1-§. Протекционистик чора-тадбирлар жорий қилишдан ишлаб чиқарувчилар кўрадиган фойдалар .....	88
2-§. Давлат учун протекционизмнинг тактик ва стратегик оқибатлари .....	89
3-§. Истеъмолчилар турмуш фаровонлигининг пасайиши ..	90
Бобнинг қисқача мазмуни .....	90
Назорат саволлари .....	91
<b>13-боб. Ташқи савдони давлатлараро тартибга солиш .....</b>	<b>92</b>
1-§. Ташқи савдони давлатлараро тартибга солишнинг моҳияти ва кўринишлари .....	92
2-§. Божхона иттифоқлари .....	93
3-§. КОКОМ фаолияти .....	95
Бобнинг қисқача мазмуни .....	95
Асосий тушунчалар.....	96
Назорат саволлари .....	96
<b>14-боб. Товар ва тарифлар бўйича Бош келишув ва унинг халқаро савдони тартибга солишга таъсири .....</b>	<b>97</b>
1-§. ГАТТнинг имзоланиши сабаблари .....	97
2-§. ГАТТнинг тамойиллари, назифалари ва тузилмаси.....	98
Бобнинг қисқача мазмуни .....	100
Асосий тушунчалар.....	100
Назорат саволлари .....	101

15-боб. Умумжаҳон савдо ташкилоти .....	102
1-§. Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ)нинг ташкил этилиши ва унинг ГАТТдан фарқи.....	102
2-§. УСТнинг тамойиллари, мақсад ва вазифалари.....	102
3-§. УСТ тузилмаси ва фаолияти.....	103
Бобнинг қисқача мазмуни .....	108
Асосий тушунчалар.....	109
Назорат саволлари .....	109
16-боб. Халқаро товар айирбошлаш битимлари .....	110
1-§. Халқаро савдо ҳуқуқларини соддалаштириш бўйича конвенциялар ва бошқа актлар .....	110
2-§. Айрим хом ашё товарлари халқаро савдосини тартибга солиш амалиёти.....	112
3-§. МДХ мамлакатлари доирасида товар битимлари .....	113
Бобнинг қисқача мазмуни .....	114
Асосий тушунчалар.....	114
Назорат саволлари.....	114
4-бўлим. ХАЛҚАРО КАПИТАЛ МИГРАЦИЯСИ.....	115
17-боб. Капитал олиб чиқишнинг моҳияти ва кўринишлари.....	115
1-§. Жаҳон капитал бозорининг моҳияти ва пайдо бўлиш жараёни .....	115
2-§. Капитал олиб чиқиш кўринишлари .....	116
3-§. Умумжаҳон банки гуруҳининг фаолияти .....	117
Бобнинг қисқача мазмуни .....	119
Асосий тушунчалар.....	120
Назорат саволлари.....	120
8-боб. Тўғри ва портфель инвестициялар.....	121
1-§. Тўғри хорижий инвестицияларнинг моҳияти ва аҳамияти.....	121
2-§. Портфель инвестицияларнинг хусусиятлари .....	121
3-§. Инвестицион муҳит тушунчаси.....	122
Бобнинг қисқача мазмуни .....	123
Асосий тушунчалар.....	124
Назорат саволлари.....	124
19-боб. Капитал экспортининг жуғрофий тузилмасидаги ўзгаришлар .....	125
1-§. Инвестиция оқимлари йўналишининг ўзгаришидаги асосий тамойиллар.....	125

<b>2-§. Капитал экспортининг замонавий жуғрофий тузилмаси</b> .....	126
<b>3-§. Жаҳон капитал бозорида Ўзбекистоннинг ўрни</b> .....	127
Бобнинг қисқача мазмуни .....	132
Асосий тушунчалар .....	133
Назорат саволлари .....	133
<b>20-боб. Инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири ва аҳамияти</b> .....	134
1-§. Хорижий инвестицияларнинг экспорт қилувчи мамлакатлар учун аҳамияти .....	134
2-§. Хорижий капитал қўйилмаларнинг импорт қилувчи мамлакатлар иқтисодиётида тутган ўрни .....	135
Бобнинг қисқача мазмуни .....	135
Назорат саволлари .....	136
<b>21-боб. Халқаро кредит</b> .....	137
1-§. Халқаро кредитнинг ХИМда тутган ўрни .....	137
2-§. Халқаро кредит кўринишлари .....	137
3-§. Жаҳон кредит бозорлари .....	138
Бобнинг қисқача мазмуни .....	139
Асосий тушунчалар .....	140
Назорат саволлари .....	140
<b>22-боб. Қарздорлик инкирози ва уни бартараф этиш йўллари</b> .....	141
1-§. Ташқи қарз муаммосининг моҳияти .....	141
2-§. Ташқи қарзлардан қутулиш йўллари .....	142
Бобнинг қисқача мазмуни .....	143
Асосий тушунчалар .....	143
Назорат саволлари .....	144
<b>23-боб. Капитал экспорти назарияси</b> .....	145
1-§. Капитал ҳаракати моҳиятини тушунтиришга асосий ёндашувлар .....	145
2-§. Харид қобилияти паритети назарияси .....	145
3-§. Дж. М. Кейнс тамойили .....	146
4-§. М. Фриденнинг монетар назарияси .....	146
Бобнинг қисқача мазмуни .....	147
Асосий тушунчалар .....	148
Назорат саволлари .....	148
<b>24-боб. Трансмилий корпорациялар</b> .....	149
1-§. Халқаро корпорацияларнинг моҳияти, тузилмаси ва кўринишлари .....	149

2-§. ТМҚнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти.....	151
3-§. ТМҚ фаолиятининг янги кўринишлари: лизинг и факторинг .....	152
Бобнинг қисқача мазмуни .....	157
Асосий тушунчалар.....	158
Назорат саволлари .....	158
25-боб. Эркин иқтисодий ҳудудлар .....	159
1-§. «Эркин иқтисодий ҳудудлар» (ЭИХ) тушунчаси .....	159
2-§. ЭИХнинг асосий кўринишлари.....	161
Эркин иқтисодий ҳудудларнинг турлари.....	162
Бобнинг қисқача мазмуни .....	168
Асосий тушунчалар.....	168
Назорат саволлари .....	169
5-бўлим. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ 170	
26-боб. Халқаро валютавий ҳисоб-китоб муносабатлари.....	170
1-§. ХИМ соҳасида валютавий ҳисоб-китоб муносабатларининг моҳияти .....	170
2-§. Халқаро ҳисоб-китоб кўринишлари.....	173
3-§. Валюта клиринги.....	179
Бобнинг қисқача мазмуни .....	179
Асосий тушунчалар.....	180
Назорат саволлари .....	181
27-боб. Миллий ва хорижий валюта тушунчаси .....	182
1-§. "Валюта" тушунчаси моҳияти .....	182
2-§. Жаҳон валюта-молия тизими хусусиятлари .....	182
3-§. Халқаро валюта фонди — Жаҳон валюта-молия тизимининг етакчи институти .....	187
Бобнинг қисқача мазмуни .....	190
Асосий тушунчалар.....	190
Назорат саволлари.....	191
28-боб. Валюта конвертирланганлиги .....	192
1-§. Валюта чеклашларнинг моҳияти .....	192
2-§. Валюта конвертирланишининг характери ва шартлари.....	193
Бобнинг қисқача мазмуни .....	195
Асосий тушунчалар.....	195
Назорат саволлари.....	196



<b>29-боб. Валюта курси ва унинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар</b> .....	199
1-§. Валюта курсининг асосий тавсифлари .....	199
2-§. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар .....	200
Бобнинг қисқача мазмуни .....	202
Асосий тушунчалар.....	202
Назорат саволлари.....	203
<b>30-боб. Валютага талаб ва тақлиф</b> .....	204
1-§. Валюта режими турлари .....	204
2-§. Валюта таваккалчилиги ва уни сугурталаш усуллари.....	205
Бобнинг қисқача мазмуни .....	207
Асосий тушунчалар.....	207
Назорат саволлари.....	208
<b>31-боб. Валюта бозорлари</b> .....	209
1-§. Валюта бозори турлари .....	209
2-§. Валюта операциялари асосий типларининг тавсифи ..	210
3-§. Собиқ социалистик мамлакагларда миллий валюта бозорларининг шаклланиш босқичлари .....	213
Бобнинг қисқача мазмуни .....	214
Асосий тушунчалар.....	214
Назорат саволлари.....	215
<b>32-боб. Тўлов ва ҳисоб-китоб баланси</b> .....	216
1-§. Тўлов балансининг моҳияти ва тузилмаси.....	216
2-§. Тўлов балансининг халқаро соддалаштирилган схемаси .....	219
3-§. Тўлов балансини тартибга солиш воситалари.....	220
Бобнинг қисқача мазмуни .....	221
Асосий тушунчалар.....	221
Назорат саволлари.....	222
<b>6-бўлим. ХАЛҚАРО ИШЧИ КУЧИ МИГРАЦИЯСИ</b> .....	223
<b>33-боб. Жаҳон ишчи кучи бозори</b> .....	223
1-§. Жаҳон ишчи кучи бозорининг моҳияти ва пайдо бўлиш сабаблари.....	223
2-§. Меҳнат миграциясининг асосий йўналишлари ва марказлари .....	225
3-§. Халқаро меҳнат миграцияси кўринишлари .....	227
Бобнинг қисқача мазмуни .....	228
Асосий тушунчалар.....	228
Назорат саволлари.....	228

<b>34-боб. Ишчи кучи миграциясининг мамлакатларнинг</b>	
<b>иктисодий ривожланишига таъсири</b> .....	229
1-§. Жаҳон ишчи бозоридаги экспортёр мамлакатлар	229
2-§. Миграция жараёнларининг импортёр мамлакатлар	
иктисодиётига таъсири.....	230
3-§. «Ақлли кишиларнинг кетиб қолиши» муаммосининг	
моҳияти.....	231
Бобнинг қисқача мазмуни .....	232
Асосий тушунчалар.....	233
Назорат саволлари .....	233
<b>35-боб. Халқаро илмий-техникавий ва илмий ҳамкорлик</b> .....	234
1-§. Жаҳон ахборот ва технологиялар бозорининг	234
хусусиятлари.....	234
2-§. Инновацион фаолият тушунчаси.....	236
3-§. Халқаро илмий-технологик айирбошлаш каналлари ва	
кўринишлари.....	237
Бобнинг қисқача мазмуни .....	240
Асосий тушунчалар.....	241
Назорат саволлари .....	241
<b>7-бўлим. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ</b> .....	242
<b>36-боб. Жаҳон ҳўжалигида интеграция жараёнлари</b> .....	242
1-§. Халқаро иқтисодий интеграциянинг дастлабки шарт-	
шароитлари ва моҳияти .....	242
2-§. Интеграция жараёнлари жаҳон марказлари .....	243
3-§. Интеграция жараёнларининг миллий иқтисодиётга	
таъсири.....	245
Бобнинг қисқача мазмуни .....	247
Асосий тушунчалар.....	247
Назорат саволлари .....	247
<b>37-боб. Интеграциянинг асосий кўринишлари</b> .....	248
1-§. Интеграцион гуруҳлар типологияси .....	248
2-§. Умумий бозор.....	248
3-§. Иқтисодий иттифок .....	250
4-§. Эркин савдо ҳудудлари (ЭСХ)нинг моҳияти .....	251
Бобнинг қисқача мазмуни .....	251
Асосий тушунчалар.....	252
Назорат саволлари .....	252
<b>38-боб. Европа Иттифоқи</b> .....	253

1-§. Европа Иттифоқи эволюцияси босқичлари, мақсадлари, тамойиллари ва фаолияти .....	253
2-§. Европа Иттифоқи тузилмаси, замонавий босқичдаги муаммолари ва истиқболлари .....	256
Бобнинг қисқача мазмуни .....	258
Асосий тушунчалар .....	259
Назорат саволлари .....	259
<b>8-булим. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДАГИ РОЛИ</b> .....	260
39-боб. Халқаро иқтисодий ташкилотлар .....	260
1-§. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг ХИМда тутган ўрни ва аҳамияти .....	260
2-§. БМТ доирасидаги иқтисодий ҳамкорлик органлари тизими .....	261
3-§. Халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти .....	264
4-§. Баъзи ҳудудий иқтисодий ташкилотлар .....	266
Бобнинг қисқача мазмуни .....	267
Асосий тушунчалар .....	268
Назорат саволлари .....	268
40-боб. Глобал муаммоларнинг иқтисодий жиҳатлари .....	269
1-§. Глобал муаммоларнинг моҳияти ва хусусиятлари .....	269
2-§. Куролсизланиш ва ҳарбий ишлаб чиқаришни ўзгартириш .....	270
3-§. Экологик муаммолар .....	271
4-§. Озиқ-овқат муаммоси .....	272
5-§. Демографик муаммо .....	274
Бобнинг қисқача мазмуни .....	275
Асосий тушунчалар .....	275
Назорат саволлари .....	275
Адабиётлар .....	276

## Муқаддима

Замонавий халқаро иқтисодий муносабатлар тизимининг вужудга келиши ва ривожланишининг энг муҳим масалаларига бағишланган унбу ўқув қўлланмада назарий тамойиллар ва амалий материаллар хронологик асосда ёритилган.

Бу ўқув қўлланманинг ўзига хос томони шундаки, муаллифлар ўз олдиларига ХИМнинг таркибий қисмлари: халқаро товар ва хизматлар савдоси, халқаро валюта-молия тизими, капитал ва ишчи кучи глобал бозорлари, илмий-техникавий (энг аввало, ахборотлар) айирбошлаш соҳаларининг миллий хўжалик тузилмалари ва турли, яъни икки томонлама ва ҳудудийдан тортиб, то умумжаҳон миқёсдаги халқаро ташкилотларнинг фаол иштирокидаги ўзаро таъсирининг табиати ва хусусиятларини очиб бериш мақсадини қўйишган.

Мазкур ўқув қўлланмани тайёрлашда юртимиз ва хорижий иқтисодчиларнинг умумлаштирувчи ва махсус табиатдаги ишлари, ХИМ ривожланишининг долзарб масалалари бўйича турли ўқув-услубий адабиётлар, шунингдек, статистик маълумотномалар ва даврий нашр материалларидан фойдаланилди.

Муаллифлар материалларни қисқа ва лўнда баён этишган, бу китобхон диққатини ХИМнинг энг муҳим масалаларига қаратишини енгиллаштиради. Ўқув қўлланма 8 бўлим 40 та бобдан иборат асосий матндан ташқари бобларнинг қисқача мазмуни, асосий атамаларнинг қисқача луғати ва назорат саволларини ўз ичига олган.

Мавзуларни ўрганишда замонавий ХИМнинг комплекс табиати ва унинг айрим соҳаларини ҳамиша ўзгариб боришига эътибор қаратиш керак. Бундан ташқари сиёсий ходисаларнинг иқтисодий жараёнларга таъсири бизнинг

мамлакатимизда ҳам, хорижда ҳам ханузгача юкори даражадалигини ҳисобга олиш зарур.

Муаллифлар қўлланма мазмунига тааллуқли ҳар қандай танқидий мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қилишади ва ушбу ўқув қўлланма ўқитувчилар, талабалар, замонавий ХИМ муаммолари билан қизиқувчи барча китобхонларга XX-XXI асрлар бўсағасида мамлакатлар ўртасидаги хўжалик алоқалари ривожланишининг асосий тамойилларини чуқуррок тушунишга ёрдам беради деб умид қилиб қоладилар.

# 1-бўлим. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

## 1-боб. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг кўринишлари

### 1-§. ХИМнинг предмети ва уни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари

Халқаро иқтисодий муносабатлар илк давлатлар билан бир пайтда объектив реаллик сифатида пайдо бўлган кенг кўламдаги ранг-баранг алокалар ва муносабатларнинг муҳим таркибий қисмини ифодалайди. Узок тарихга назар ташлар эканмиз, қадимги цивилизациялар эрамиздан аввалги IV-III минг йилликлардаёқ, иқтисодий соҳада ўзаро алокалар олиб боришганига доир бир талай мисолларга дуч келамиз, чунки улар ҳоҳ Қадимий Миср ёки Шумер маданияти бўлсин, ҳоҳ Инд водийси маданияти ёки Шан-Ин давридаги Хитой бўлсин, келиб чиқишининг автохтонлиги (автономлиги) ва жуғрофий жиҳатдан ажралганлигига қарамасдан, бир-бирлари билан хўжалик муносабатларини ўрнатишга ва уларни кейин ҳам давом эттиришга интилишган.

Жуда кўп манбалар шундан гувоҳлик берадики, ахён-ахёнда тартибсиз табиатдаги натурал товар айирбошлаш кўринишдаги муносабатлар ўрнига аста-секин антик давр (эрамиздан аввалги I мингинчи йиллар - эрамизнинг I мингинчи йилларининг ўрталари)га хос бўлган товар-пул муносабатларининг ривожланиши асосидаги доимий хўжалик алокалари вужудга келади.

Ўрта асрларнинг бошланиши ХИМнинг илгариланма ҳаракатида иқтисодиётнинг ялпи натураллашуви, мулкнинг корпоратив-табақаланган тузилмаси ва ижтимоий муносабатларнинг сакрализациясига асосланган орқага чекинишни келтириб чиқарди. Бирок шаҳарларнинг ўсиши ва савдо-

судхўрлик капиталининг ривожланиши Буюк жуғрофий каш-  
фиётлар очилган даврда мамлакатлар ўртасида иктисодий  
соҳадаги алоқаларнинг мисли кўрилмаган даражада кенгайи-  
шига ва Европадаги етакчи давлатлар: Испания, Португалия,  
Голландия, Франция ва Британиянинг колониал империялари  
ташкил топишига пойдевор яратди.

Айнан ана шу омил, шунингдек, ишлаб чиқариш,  
транспорт ва алоқа воситаларида улкан олға силжишни  
ифодалаган XVIII асрнинг охири - XIX асрнинг бошларидаги  
саноат тўнтариши (инқилоби) замонавий кўринишдаги  
ХИМнинг шаклланиши учун зарур бўлган муҳит сифатида  
глобал иктисодий макротизимни юзага келиш жараёнига ҳал  
килувчи таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, инсониятни XIX-XX  
асрлар бўсағасида тараққиётнинг индустриал даврига ўтиши  
анъанавий кўринишдаги ҳудудий хўжалик тизимлари  
эволюциясидан олдинги даврга яқун ясади, жаҳон микёсида  
Европа (тўғрироғи, инглиз-америка) бозор иктисодиёти  
моделининг ғалабасини ифодалади.

Бошқача қилиб айтганда, бир томондан Европа, Шимолий  
Америка ва, маълум даражада, Япония миллий  
хўжаликларини, иккинчи томондан кенг кўламдаги мустамлака  
периферияларни ўз ичига олган жаҳон иктисодий комплекси  
(мажмуаси)нинг юзага келиши халқаро иктисодий муноабатлар  
тизимининг шундай кўринишининг яралишига олиб келдики,  
бу кўриниш шу ҳолатда маълум ўзгаришлар билан ҳозирги  
кунда ҳам мавжуд бўлиб келмоқда. Албатта, ўтган ўн йиллик  
давр ХИМ табиати ва тузилмасига маълум ўзгартиришлар ки-  
ритди. Мустамлакачилик империяларининг тугатилиши ва ри-  
вожланаётган мамлакатлар (180 дан ортиқ) деб аталмиш  
гуруҳларнинг вужудга келиши натижасида иктисодий алоқалар  
уч иктисодий марказ, яъни АҚШ, Европа, Япония билан Осиё,  
Африка ҳамда Лотин Америкасидаги ёш давлатлар ўртасидаги  
алоқалар кўринишини олди. СССРнинг тарқалиб кетиши ва  
собиқ социалистик мамлакатларнинг туб ижтимоий-иктисодий  
ислохотлар йўлига ўтиши режали-буйрукбозлик хўжалигининг  
самарасиз эканлиги ва ривожланишнинг бозор моделига кенг

кўламда ўтиш муқаррар эканлигини намойиш қилди. Ва, ниҳоят, ихтисослашув ва кооперациянинг чуқурлашуви билан бирга кузатилувчи ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви бир қатор интеграцион гуруҳлар, шунингдек, универсал ва ихтисослашган халқаро иқтисодий ташкилотлар пайдо бўлишини рағбатлантирди.

Бу барча ҳодисалар ХИМни иқтисодий фанларнинг бир соҳаси сифатида назария ва амалиёт доирасида ҳар томонлама таҳлил қилишни талаб қилади. Бу фаннинг ўрганиш **объекти иқтисодий айирбошлаш соҳасидаги давлатлараро муносабатлар** бўлса, **предмети - миллий, ҳудудий ва глобал миқёсдаги иқтисодий алоқалар йиғиндисидир.**

## **2-§. Жаҳон бозори тузилмаси ва замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг кўринишлари**

Замонавий ХИМнинг мураккаб, кўп функцияли мажмуаси - турли давлатлар ва ҳудудий ташкилотлар ўртасидаги алоқалар тизимининг бир соҳаси сифатида моддийлаштирилган ва моддийлаштирилмаган (ахборотлар, баъзи хизмат турлари) кўринишдаги ижтимоий маҳсулотнинг яратилиш босқичларини, яъни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмолни бирлаштирувчи жаҳон бозори муҳитида тараккий этиб боради.

Жаҳон бозори ўзининг ҳозирги кўринишига бир неча тамойиллар таъсирида келган бўлиб, бу тамойилларнинг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ёпик типдаги миллий иқтисодиётдан очик иқтисодиётга ўтиш;
- халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви;
- давлат томонидан тартибга солиш усуллариининг такомиллашуви;
- трансмиллий корпорацияларнинг пайдо бўлиши;
- байналмилал иқтисодий айирбошлаш механизмларининг вужудга келиши;
- фан ва техниканинг ривожланиши.



Давлатларнинг ёпик типдаги хўжалик тизими (автаркия)дан қутилишга интилиши ҳақида гапирганда, етакчи мамлакатлар ўз сиёсатларида глобал бозор макротизимини қуришнинг асосий шартин бўлган барча учун баробар рақобат муҳитини сақлаш ёки яратишни илгари сурувчи «очик эшиклар» ва «тенг имкониятлар» тамойилларини амалда қўллаганликларини қайд этиб ўтиш керак.

Халқаро меҳнат тақсимотига келсак, иқтисодий турмушнинг ушбу фақулудда ҳодисаси хўжалик тараққиётининг илмий-техникавий таркибий қисми биринчи даражали аҳамият касб этганлиги туфайли янги сифатларга эга бўлди. Натижада, миллий иқтисодиётларнинг ихтисослашуви ва кооперациялашуви жараёнида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган табиий-жуғрофий омил иккинчи даражали бўлиб қолди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, Трансмиллий корпорациялар (ТМК) номини олган халқаро монополистик гуруҳлар давлат чегараларини кесиб ўтиш орқали сайёрамизнинг барча мамлакатлари ва ҳудудлари бўйлаб менежмент ва маркетингнинг янги услубларини тарқатиш йўналишида ХИМ тузилмасига таъсир этмоқда.

Хўжалик соҳасида байналмилал айирбошлаш механизмлари сезиларли даражада мураккаблашди - кўплаб янги ҳуқуқий меъёр ва тартиблар пайдо бўлдики, улар халқаро ҳамжамият томонидан тан олинди ҳамда иқтисодий масалалар бўйича икки ва кўп томонлама битимларда мустаҳкамланди.

Охири эллик йил давомида бир неча ривожланиш босқичларини, яъни автоматлаштириш, компьютерлаштириш, биологизация кабиларни бошидан кечирган илмий-техникавий инкилоб жаҳон бозорида тамомила янги сегментнинг - ахборотлар ва технологиялар бозорининг пайдо бўлишига олиб келди.

Глобал хўжалик макротизими тузилмасини табиий равишда мураккаблашуви бозор муҳити функцияларининг табақаланиши билан бирга кузатилади. Бу функцияларнинг асосийлари каторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- **индикатив** — бозор агентлари, яъни ишлаб чиқарувчилар, воситачилар ва истеъмолчиларни товар ва хизматларга талаб ва таклиф таъминлаши йўналиши тўғрисида ахборотлардан хабардор қилиш;
- **тартибга солиш** — жаҳон нархлари ҳаракатига таъсир ўтказиш;
- **коммуникатив** — ҳаракатдаги бозор агентлари ўртасида алоқаларни таъминлаш;
- **санациялаш** — ракобат кураши жараёнида бозорнинг «ўз-ўзини даволаши» жараёни, яъни иктисодий жиҳатдан самарасиз компанияларни бартараф этиш ва талабга эга бўлмаган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тўхтатиш.

Бозор кўринишидаги хўжалик муҳитида тузилмавий-функционал ривожланишнинг миллий, ҳудудий ва глобал миқёсдаги таракқиёти ХИМнинг қуйидаги кўринишларини вужудга келишига олиб келди:

- 1) халқаро товар ва хизматлар савдоси;
- 2) халқаро капитал ҳаракати;
- 3) халқаро валюта ҳисоб-китоб тизими;
- 4) халқаро ишчи кучи миграцияси;
- 5) халқаро ахборот ва технологиялар айирбошлаш.

Қайд этиб ўтилган ҳар бир кўриниш ўзига хос фазилагга эга, бироқ бу уларнинг бир-бирига кириб боришига тўсқинлик қилмайди. Бу ҳолатни ТМК фаолияти, интеграция гуруҳларининг ташкил топиши ва эркин иктисодий ҳудудлар фаолиятида яққол кўриш мумкин.

ХИМ субъектлари ҳақида гап кетганда, *давлатлар* (ривожланган, ривожланаётган, ўтиш даври иктисодиётли), *ҳудудий интеграцион гуруҳлар* (масалан, Европа Иттифоқи), *халқаро ташкилотлар*, *трансмиллий корпорацияларни қайд этиш мумкин*.

### 3-§. XXI аср бўсағасида ХИМнинг хусусиятлари

XX асрнинг охири чораги ХИМни ўз таракқиётининг янги босқичига ўтиши бошланганлиги билан тавсифланади. Бу янги босқич олдинги ривожланиш босқичларидан тубдан фарқ

килади. Мутахассислар узок муддатли тамойилларни белгилаш ва келажакдаги иктисодий стратегияни аниқлашга интилган холда тузилманинг энг характерли белгиларини муҳокама қилишни давом эттираётган бўлсалар-да, хозирги кундаёқ ХИМнинг замонавий тузилмасининг қуйидаги хусусиятлари ўз-ўзидан намоён бўлиб турибди:

а) самарали, юқори технологик ҳамда ресурсларни тежовчи ижтимоий ишлаб чиқариш билан тавсифланувчи ахборотлар иктисодиётини шакллантириш;

б) конвейер, кенг халқ оммаси истеъмолига асосланган индустриал тизимни давлат, аралаш ва, айниқса, хусусий компанияларнинг алоҳида йўналтирилган креатив (ижодий) хўжалик фаолиятига ўзгартириш;

в) миллий иктисодиётларни очиклаштириш тамойилларининг ҳудудий миқёсдаги ёпиқ иктисодий блокларни шакллантириш тамойили билан қўшилиб кетиши;

г) халқаро корпорациялар аҳамиятининг ортиб бориши шаронтида давлатнинг тартибга солиш ролининг кучайиши;

д) ҳал этилишида жаҳондаги барча мамлакатларининг жамоавий ҳаракатларини талаб қилувчи, цивилизациянинг глобал муаммолари деб аталмиш экологик, хом ашё, демографик каби муаммоларнинг кескинлашиши.

Замонавий ХИМнинг энг муҳим белгиларини санаб ўтган холда, касбий фаолияти хўжалик соҳаси билан боғлиқ ҳар бир мутахассис учун ўз фаолиятида алоҳида корхона доирасидаги жараёнларга жаҳон бозорининг таъсир қилиш омилларини у банк, завод ёки савдо компанияси бўлишидан қатъи назар, билиши ва ҳисобга олиши керак бўлади.

Шунинг учун ХИМнинг асосий қўринишларини ўрганиш, уларни моделлаштириш усуллари кўп омилларга асосланган таҳлил ва статистикани қўлланишига қараб турли-туман бўлишига қарамасдан, макро ва микро даражада жаҳон на миллий хўжалик конъюнктурасидан муваффақиятли хабардорликнинг зарурий шарт-шаронти ҳисобланади.

#### **4-§. ХИМ таркибида мамлакатлар иштирокининг асосий кўрсаткичлари**

Халқаро иқтисодий муносабатларда давлагнинг тутган ўрни ва аҳамияти статистик кўрсаткичлар мажмуаси билан белгиланади. Улар каторига, одатда, қуйидагиларни киритишади:

- *мамлакат ташқи савдоси ҳажмининг мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмига нисбати (экспорт ёки импорт квотаси);*
- *аҳоли жон бошига тўғри келадиган ташқи савдо айланмаси миқдори (ёки экспорт ва импортнинг алоҳида олинган миқдори);*
- *аҳоли жон бошига тўғри келадиган ташқи инвестициялар (энг аввало, тўғри инвестициялар) ҳажми кўрсаткичи.*

Индекс кўриниши бўйича мураккаброк бўлган бошқа бир катор кўрсаткичлар ҳам мавжуд, уларни таҳлил қилиш мамлакатнинг миллий иқтисодий хавфсизлиги даражаси, шунингдек, бутун ХИМ тизими ривожланишидаги глобал таҳдидлар тўғрисида хулосалар чиқариш имконини беради.

#### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Халқаро иқтисодий муносабатлар — бу миллий, ҳудудий ва глобал миқёсга эга бўлган, беш асосий: халқаро товар ва хизматлар савдоси, халқаро капитал ҳаракати, халқаро валюта ҳисоб-китоб тизими, халқаро ишчи кучи миграцияси, халқаро ахборот ва технологиялар айирбошлаш кўринишида намоён бўлувчи яхлит, ўзгарувчан макротизимдир.

Замонавий ХИМ ривожланишининг бош тамойили жаҳон иқтисодиётини ахборотлаштиришдир; халқаро ва миллий иқтисодий хавфсизлик даражасини баҳолаш савдо ҳажми, ташқи инвестициялар ва ялпи ички маҳсулот каби бир неча муҳим кўрсаткичлар асосида амалга оширилади.

#### **Асосий тушунчалар**

Халқаро иқтисодий муносабатлар — мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасидаги, халқаро ташкилотлар ва корпорациялар иштирокидаги хўжалик алоқалари тизими.

Жаҳон бозори— моддийлаштирилган ва моддийлаштирилмаган кўринишдаги ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол босқичларни ўз ичига олувчи ХИМ субъектлари (миллий ва ҳудудий иқтисодиётлар, халқаро ташкилотлар ва корпорациялар)нинг глобал ўзаро иқтисодий таъсирлашиш муҳитидир.

### **Назорат саволлари**

1. ХИМ предметини аниқланг.
2. ХИМ муҳити нима?
3. Жаҳон бозори тузилмаси ва функцияларини айтинг.
4. XX-XXI аср бўсағасида ХИМнинг асосий кўринишлари қайсилар?
5. Замонавий ХИМнинг етакчи тамойилларини аниқланг.
6. Иқтисодий хавфсизликни таҳлил этишда қайси асосий кўрсаткичлардан фойдаланилади?

## 2-боб. Халқаро товар, хизмат ва ишлаб чиқариш омиллари ҳаракати

### 1-§. Ишлаб чиқариш ресурслари ва омиллари

Маълумки, одамларнинг биологик тур (антропогенез) сифатида ривожланиш жараёни табиат неъматларини ўзлаштириш кўринишидаги ибтидоий хўжалик доирасида кечган. Фақатгина эрамыздан аввалги VI-V минг йилликлардаги неолитик инқилоб инсоният фаолиятининг икки муҳим соҳасида, яъни деҳқончилик ва чорвачиликда, кейинчалик шаҳар типидagi қишлоқларни пайдо бўлиши билан эса хунармандчиликда ҳам ишлаб чиқаришга асосланган иқтисодийнинг шаклланишининг бошланишига асос солди.

Ана шу даврдан бошлаб, ишлаб чиқариш ҳақида иқтисодийнинг моддий асоси сифатида, ресурслар тўғрисида эса *ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи имконий зарур бўлган шарт-шароитлар йиғиндиси* сифатида гапириш мумкин.

Замонавий иқтисодий назарияда қуйидаги ресурслар гуруҳлари ажратиб кўрсатилади:

- *Табиий* — табиатнинг табиий кучлари ва моддалари.
- *Моддий* - инсон томонидан яратилган моддий ишлаб чиқариш воситалари.
- *Меҳнат* — меҳнат қилиш қобилияти ёшидаги аҳоли (15—60-65 ёш).
- *Молиявий* — ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи пул маблағлари.
- *Ахборот* — ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган маълумотлар манбаи ва ахборот оқимлари.

XX ва XXI асрлар бўсағасидаги иқтисодий, юқорида айгиб ўтганимиздек, санаб ўтилган ресурслар ичида ахборот ресурсларининг устуворлиги билан характерланади. Айни пайтда бошқа гуруҳ ресурслар ҳам янги сифатий мазмунга эга бўлган ҳолда ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Ресурслардан фаркли равишда, ишлаб чиқариш омиллари - бу *оқилона фойдаланиш жараёнига ҳақиқатан жалб қилинган табиий, моддий, демографик, молиявий ва ахборот муҳитининг элемент (унсур)ларидир*. Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқариш омиллари *ишлаб чиқарувчи ресурсларни* акс эттиради.

Ишлаб чиқаришга ҳақиқатан жалб қилинган табиий ресурслар ичида, одатда, ер бош омил саналса, моддий ва молиявий ресурслар ичида - **капитал**, меҳнат ресурслари ичида - **аҳолининг иқтисодий фаоллиги**, ахборот ресурслари ичида эса - **инсон ақлий фаолияти натижаларининг йнгииндиси** асосий омил ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай омили баъзи-бир сифатий жиҳатларга эга бўлиб, улар каторига ишлаб чиқариш омилининг эгасига фойда келтириш қобилияти, жаҳон бозорида сотилиш ва харид қилиниш имконияти, ХИМ доирасида мамлакатлар ва ҳудудлар орасида ҳаракатланиш эҳтимоли қиради.

## **2-§. Ишлаб чиқариш омилларини халқаро айирбошлашнинг ўзига хос хусусиятлари**

Энг аввало, ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракати ХИМдаги доимий ўзгаришларнинг зарурий шарти эканлигини қайд этиш керак. Ишлаб чиқариш омиллари ҳаракати халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб боровчи икки асосий кўриниши: **ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперациялашувига** асосланган.

XX аср давомида айрим ишлаб чиқариш омилларини айирбошлаш табиати жиддий ўзгаришларга дуч келди. Унинг кўлами ва жадаллиги сезиларли ўсиб борди, ер ва бошқа табиий-моддий унсурлар ўрнини кўринмас иқтисодиётнинг моддийлашмаган омиллари - капиталнинг бир мамлакатдан бошқасига нақдсиз операциялар орқали оқиб ўтиши ва ахборотлар оқимининг ҳудудлар ўртасида компьютер тармоқлари орқали кўчиши эгаллади.

Қайд этиб ўтилган омилларни айирбошлашнинг илгариланма ҳаракати ҳозирги кунда қуйидаги асосий жиҳатларга асосланган:

- жаҳон бозорида АҚШ - Ғарбий Европа - Япония «учбурчаги»нинг етакчи роли;
- капиталлар ва ахборотлар трансферти (кўчиши) муҳотида ТМҚлар тузилмасининг кўплиги;
- ишлаб чиқарувчи ресурсларнинг жами айланмасида «инсон омили» аҳамиятининг ортиб бориши;
- юкоридаги омиллар ҳаракат механизмлари ва каналларининг кенг қўламдаги ўзаро уйғунлашиши.

Агар илгари айирбошлашнинг тижорий ташкил этувчиси (асосан, олди-сотди ёки ижара орқали) ҳукмрон мавкега эга бўлган бўлса, ҳозирги пайтда ижтимоий ёрдам, муҳтожларга кўмаклашиш, компенсация асосидаги фаолиятнинг кўшма дастурлари каби нотижорий кўринишлари олдинги ўринга чиқмоқда.

Айни пайтда ишлаб чиқариш омилларини иктисодий жараёнга жалб қилинишининг иккиламчи натижасини ифода этувчи халқаро товар ва хизматлар ҳаракатини алоҳида ўрганиб чиқиш керак.

### **3-§. Жаҳон бозорида товар ва хизматлар ҳаракатининг хусусиятлари**

Кейинги ўн йил давомида халқаро товарлар ва хизматлар ҳаракатининг табиати экспорт-импорт операциялари ҳажмининг ортиб бориши ва номенклатурасининг ўзгариши билан белгиланади. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришга нисбатан савдо динамикасининг тезлашиши кузатилади, яъни экспортларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ишлаб чиқаришдаги ҳар 10 фоиз ўсишга товар ва хизматлар айланмасининг 16 фоизга ортиши тўғри келади.

Товар ва хизматлар бўйича битимлар ҳажмининг ўртача ўсиш суръати сўнгги 50 йил ичида қуйидагича бўлди: 1950-70 йиллар - 7 фоиз, 1970-90 йиллар - 5 фоиз, 1990-97 йиллар - 7 фоиз. 2002 йилда жаҳон ишлаб чиқаришида 2-3 фоизга пасай-



иш кутиллаётганига қарамасдан, товар айланмаси ҳажмининг 6 фоизга ошиши кутилмоқда. Бу абсолют қийматда 7 трлн. АҚШ долларига тенг бўлади.

Халқаро савдо тузилмасида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Халқаро савдонинг жами ҳажмида ҳозирданок моддий кўринишдаги товарлар улуши битимларнинг 75 фоиздан камроғини, хизматлар 15 фоиздан ортиқроғини, ахборот ва технологиялар улуши эса 10 фоизни ташкил этмоқда.

Қайд этилган тамойилларнинг асосий сабабларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ривожланган иктисодиётларда ташқи савдони эркинлаштириш;
- ривожланаётган ва собиқ социалистик мамлакатларнинг бозор иктисодиётига ўтиш йўлига кириши;
- фан-техника инкилоби шароитида ихтисослашиш ва кооперациялаштиришнинг ривожланиши;
- интеграция тўлкинининг сайёрамизнинг барча ҳудудларига тарқалиши;
- миллий иктисодиётларни давлат томонидан тартибга солиш жараёнининг фаоллашуви;
- ТМҚлар фаолияти кўламининг кенгайиши.

XX аср сўнгидаги иктисодий вазиятнинг фарқ қилиб турувчи хусусияти - хизматлар соҳасининг шиддат билан ўсиши ҳисобланади. Агар 60-йилларда хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги ҳиссаси, яъни бир давлат ҳудудида бир йил давомида яратилган жами қийматдаги улуши ривожланган ғарб мамлакатлари учун 55 фоиздан ошмаган бўлса, 90-йилларда бу кўрсаткич 70-75 фоизни ташкил этди, боз устига, хизматлар билан боғлиқ соҳаларда бандлар сони ривожланган мамлакатларда 80 фоизга етди.

Кўрсатиб ўтидган тамойиллар хизматнинг товар сифатидаги хусусияти билан белгиланади, аниқроқ қилиб айтганда, товарнинг моддийлашмаган табиати, ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг бир пайтда юз бериши, аслини олганда, товар экспортининг капитал ва ишчи кучи ҳаракати билан биргаликдаги

таъсирига асосланган. Халқаро хизматлар айирбошланиши кўпайиб боришини секинлаштирувчи таъсир сифатида давлатларнинг химоялаш (протекционистик) фаолиятини кўрсатиш мумкин. Давлатлар турли-туман коммунал, транспорт ва бошқа турдаги хизматларни монополлаштириб, уларни тижорий айирбошлашга жалб этишга яроқсиз қилиб қўймоқда.

Кўпчилик мутахассисларнинг таъкидлашича, хизматларни синфлаш халқаро ташкилотларнинг статистик маълумотномаларида ҳали етарлича ўз аксини топгани йўқ. Масалан, Халқаро валюта фондида хизматларнинг фақат тўрт тури ажратиб кўрсатилади: фрахт (транспорт воситасини ижарага олиш), юкларни суғурталашни ҳам ўз ичига олади), бошқа транспорт хизматлари, туризм ва бошқалар.

Бизнинг фикримизча, хизматларни қуйидагича синфлаш тўғри бўлади:

- транспорт хизматлари (фрахтни ўз ичига олади);
- молиявий хизматлар (банк, биржа и брокер хизматлари);
- суғурта хизмати;
- ҳуқуқий хизмат кўрсатиш;
- ахборот-технология, воситачилик хизматлари;
- рекреацион хизматлар (туризм).

Халқаро хизматлар савдоси билан 40 дан ортиқ тузилма шуғулланади, уларнинг ичида жаҳон товарлар ва хизматлар бозори тамойиллари ва тартибларини ишлаб чиқишни мослаштиришга, шунингдек, ақлий мулк ҳуқуқларини химоялаш масалаларини ҳал қилишга қаратилган Умумжаҳон савдо ташкилоти етакчи ҳисобланади.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Ишлаб чиқариш омиллариининг халқаро ҳаракати замонавий ХИМнинг муҳим шарт ҳисобланади; бу жараённинг ўзгариб бориши ва кўринишлари глобал айирбошлашда иштирок этувчи элементларнинг сифатий таркиби билан белгиланади.

Товар ва хизматлар ҳаракати ўсиш суръати бўйича ишлаб чиқаришдан анча олдинда бормоқда ва ишлаб чиқаришга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатмоқда. Хизматлар тармоғи ХИМнинг

энг ўзгарувчан соҳасини акс эттиради, хизматлар соҳаси XXI аср жаҳон иқтисодиётининг асосий моҳиятини белгилаб беради.

### **Асосий тушунчалар**

Ишлаб чиқариш ресурслари — ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун зарур бўлган шарт-шароитлар йиғиндисидир.

Ишлаб чиқариш омиллари — бу оқилона фойдаланиш жараёнига ҳақиқатан жалб қилинган табиий, моддий, демографик, молиявий ва ахборот муҳитининг унсурларидир.

Халқаро ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви — мамлакатлар ўртасидаги меҳнат таксимоти кўриниши бўлиб, унда ўзларининг ички эҳтиёжларидан ортикча бир турдаги маҳсулотлар тайёрлаш билан шуғулланувчи миллий ишлаб чиқаришларнинг табақаланиши юз беради.

Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси — ишлаб чиқариш боскичларининг ўзаро бир-бирини тўлдириши ва уларни мувофиқлаштириш мақсадида миллий иқтисодий комплексларнинг ҳамкорлик қилиши.

Ялли ички маҳсулот (ЯИМ) — маълум давр (одатда бир йил) давомида бир мамлакат ҳудудида яратилган жами қиймат.

### **Назорат саволлари**

1. Ресурслар ва ишлаб чиқариш омиллари қайсилар?
2. Ишлаб чиқариш омилларини халқаро айирбошлашнинг хусусияти нимада?
3. Жаҳон бозорида товар ва хизматлар ҳаракатининг асосий тамойилларини айтинг.

## 2-бўлим. ХАЛҚАРО САВДО

### 3-боб. Халқаро савдо назарияси

#### 1-§. А. Смитнинг мутлақ устунлик назарияси

XVI-XIX асрлар давомида буюк жуғрофий кашфиётлар, саноат тўнтариши ва яхлит миллий давлатларнинг вужудга келиши билан боғлиқ равишда ташқи савдо операциялари ҳажми ва номенклатурасининг сезиларли кенгайиш жараёни иктисодчилар олдига ХИМнинг асосий кўринишларидан бири саналган халқаро савдони назарий асослаш муаммосини кўйди.

Илк индустриал даврдаги етакчи мамлакатларнинг замирида пул капиталини максимал миқдорда жамғариш ва минимал миқдорда импорт қилишга интилиш ётган меркантилистик сиёсати XVIII асрнинг охирига келибқ янги бозорларнинг очилиши ва хусусий савдо компанияларининг шиддат ила ривожланиши билан боғлиқ амалиёт томонидан карама-каршилиққа дуч келди.

Шунинг учун классик сиёсий иктисоднинг асосчиларидан бири шотланд профессори Адам Смит ўзининг «**Халқ бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқотлар**» деб номланган машҳур китобида мамлакатлар ўртасидаги савдонинг назарий моделини яратишга катта эътибор беради, мамлакатлар *жуғрофий жойлашувининг* ҳар хиллиги натижасида у ёки бу товарларни *ишлаб чиқариш харажатлари* бир хил бўлмаслиги туфайли юзага келадиган *халқаро меҳнат тақсими* бу моделнинг асосини ташкил этади. Буюк иктисодчи илгари сурган тамойилда «соғлом фикр»га таянувчи хўжалиқ субъектининг мақсадга мувофиқ муомала принциплари ташқи савдо соҳасига кўчирилади: тадбиркор ўз мамлакатигаги нисбатан хориждан паст нархда товар сотиб олар экан, ўз мамлакатида маълум устунликлар натижасида ишлаб чиқариш арзон тушадиган товар тайёрлашни мақсад қилади. Бундай вазиятда давлатнинг халқаро савдодаги роли энг кам даражага камайтиради, товарлар оқимини эса бозордаги

«*кўринмас қўл*», яъни ракобат белгилайди. Шундай килиб, меҳнат таксимоти ва мамлакатларнинг ўзлари мутлак устунликка эга бўлган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашуви, кейинчалик, яъни ички эҳтиёжлар кондирилгандан сўнг бу товарларни бошка мамлакатларда кам сарф-харажатларга эга бўлган товарларга айирбошлаш ўзаро савдо қилувчи мамлакатларга ресурсларни тежаш ҳисобига харажатларни қисқартириш имконини беради. Демак, мамлакатларни камрок харажатлар билан бирор-бир маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашуви шу мамлакат учун қўшимча фойда келтиради.

## 2-§. Д. Рикардонинг нисбий устунлик назарияси

Инглиз иктисодчиси Д. Рикардо «*Сиёсий иқтисод асослари ва солиққа тортиш*» асарида А.Смит тамойилини ривожлантирар экан, мутлак устунлик янада умумийроқ моделнинг хусусий холи эканлигини кўрсатиб берди. Бу модел нисбий устунлик назарияси номини олди.

Адам Смитнинг классик йўлининг давомчиси Давид Рикардонинг ғояларига кўра, алоҳида олинган мамлакатда ҳамиша шундай бир товар топиладики, уни ишлаб чиқариш, жаҳондаги ўртача харажатлар даражасида бошка барча товарларни ишлаб чиқаришга нисбатан самаралироқдир, яъни нисбий устунлик ана шу товарни ишлаб чиқаришда энг кам харажатларга эга бўлинганда юзага чиқади.

Товар айирбошлашнинг конкрет ҳолларини назарий ифодада аниқликка эришиш учун Д. Рикардо бир қатор шартларга риоя қилиш керак, деб ҳисоблайди. Бу шартларнинг энг муҳимлари сифатида қуйидагиларни кўрсатади: *ишчи қучининг халқаро ҳаракатчан эмаслиги, қўшимча чиқимлар (транспорт ва бошқалар) ва техник янгиликлар киритиш натижасида харажатларнинг ўзгаришини эътиборга олмаслик.*

Д. Рикардонинг тамойилига инглиз файласуфи, социологи ва иктисодчиси Дж. Стюарт Милль томонидан қатъа ҳисса қўшилди, у XIX асрнинг ўрталарида ўзининг «*Сиёсий иқтисод асослари*» асарида *айирбошлаш баҳоси талаб ва тақлиф*

қонуни бўйича белгиланишини. бунда мамлакат ўзининг умумий экспорти қийматига тенг миқдорда умумий импортга ҳақ тўлаш имкониятига эга бўлишини исботлади. Бир мамлакат бошқа мамлакатдан ишлаб чиқариш харажатлари бир хил маҳсулотларни нисбий устунликка эга бўлмаган ҳолда ҳам сотиб олишига асосий сабаб шуки, маҳсулот унга талаб бўлган ерда сотилади ва бу талаб истеъмолчининг даромадлари, ўзига хос дидлари ва талабномалари ёрдамида аниқланади.

### **3-§. Хекшер - Олин - Самуэльсоннинг ташқи савдо тамойиллари**

XX асрнинг 30-йилларида швед олимлари Э. Хекшер ва Б. Олин томонидан индустриал жамиятда халқаро савдо ҳажми ва номенклатурасига таъсир этувчи турли-туман омилларнинг тадқиқ этилиши Д. Рикардо назариясини тўлдириш ва асосий жиҳатларини аниқлаштириш имконини берди. Улар ишлаб чиқариш омиллари тамойилини таърифлаб беришди, кейинчалик бу тамойилнинг математик аппарати америкалик иқтисодчи П. Самуэльсон томонидан ишлаб чиқилди.

Д. Рикардонинг ўз ғояларида ҳар бир мамлакатдаги ишлаб чиқариш харажатларини ўзгармас катталиқ деб фараз қилишга асослангани янги назарий моделлар кидириш заруриятини туғдирди. Амалда, ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва товар номенклатурасининг ўзгариши билан умумий харажатлар кўпайиб кетиши юз беради. Бу ҳолат швед иқтисодчилари томонидан Рикардо моделига ўрни қопланадиган харажатларнинг ўсиб бориши шартини киритиш зарурлиги тўғрисида хулоса чиқарилишига олиб келди.

Шундай қилиб, Хекшер-Олин тамойилининг моҳияти ишлаб чиқариш омиллари нархини тенглаштириш принципида ўз аксини топди. Бу принцип миллий ишлаб чиқаришларнинг ҳар хиллиги ишлаб чиқариш омиллари билан бир хил таъминланмаганлик, шунингдек, у ёки бу товарга ички эҳтиёжнинг турличалигига асосланганлигини аниқлаб беради. Бошқача қилиб айтганда, халқаро савдода мамлакатлар ўз ишлаб чиқаришларида нисбатан катта ҳажмга эга бўлган омилларни

талаб этувчи махсулотларни устун даражада ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга ихтисослашадилар. Бинобарин, бу мамлакатлар миллий хўжалик нуктаи назаридан нисбатан камчил омиллар билан таъминланган товарларни импорт қиладилар. *метропол* (саноати ривожланган) ва *колониал* (аграр - хом ашё етказиб берувчи) мамлакатлар ўртасидаги савдонинг ривожланиш жараёнини тушунтиришда кўпроқ фойдали бўлди.

Бирок АҚШ - Ғарбий Европа - Япония «учбурчаги»даги товар оқимларини таҳлил этишда Хекшер-Олин тамойили бир қатор қийинчиликлар туғдиради ва зиддиятларга сабабчи бўлади. Бунга кўплаб йирик иқтисодчилар, жумладан, Нобель мукофоти лауреати америкалик иқтисодчи В. Леонтьев ҳам ўз эътиборини қаратган. Гап шундаки, Леонтьевнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 1947 йилда *капитал сероб мамлакат ҳисобланган АҚШ капитал кўп талаб қиладиган товарларни эмас, балки меҳнат кўп талаб қиладиган товарларни* экспорт қилган.

#### **4-§. Халқаро савдонинг янги назариялари**

Леонтьев парадокси атрофида юзага келган тортишувлар ишлаб чиқариш омилларини чуқурроқ таҳлил этишга ва бир қатор янги халқаро савдо назарияларининг пайдо бўлишига олиб келдики, уларнинг ҳар бири товар айирбошлашнинг у ёки бу жиҳатига урғу беради.

Халқаро савдонинг янги назарияларини икки асосий типга ажратиш мумкин. Хекшер—Олин модели тарафдорлари бу моделни ишлаб чиқариш омиллари қаторига техник янгиликлар ёки ишчи кучи малакаси каби янги омилларни киритиш йўли билан аниқлаштиришга интиладилар (И. Кравис, Д. Кисинг).

Бу назарияга қаршилар эса ўз эътиборларини фирма ичка-рисидидаги ташқи операцияларда катта ўринга эга бўлган таркибий қисмларга қаратишади. Америкалик иқтисодчи С. Линдер ривожланган мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлашнинг кенгайишини импорт қилувчи мамлакат истеъмол таркибининг

бош компания жойлашган мамлакатнинг ана шундай истеъмол таркибига якинлиги билан тушунтиради.

Халқаро савдонинг яна бир кенг тарқалган назарияси, яъни маҳсулот ҳаётий цикли тамойилининг муаллифлари ривожланган мамлакат томонидан амалга ошириладиган товар экспанциясининг асосий босқичларини ажратиб кўрсатишади. Бу тамойилга кўра, ишлаб чиқарилган маҳсулот билан, энг аввало, ривожланиш даражаси яқинроқ бўлган иктисодий ҳамкорлар миллий бозори тўлдирилади, кейин бу товар ривожланаётган давлатлар бозорига суриб чиқарилади. Ривожланаётган мамлакатлар эса, ўз навбатида, бу товарни ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олганларидан сўнг, нисбатан паст баҳода ривожланган мамлакатга - бу циклнинг ташаббускорига экспорт қилади.

Хекшер-Олин модели ва компанияларнинг ташқи савдо фаолияти назарияларини АҚШлик машҳур тадқиқотчи М.Портер бирлаштиришга ҳаракат қилди. Унинг фикрича, замонавий ташқи савдонинг ривожланиши ишлаб чиқариш омиллари, хизмат кўрсатувчи тармоқлар талаби, фирма стратегияси ва рақобат муҳитига боғлиқ. Буларнинг барчаси бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатиб, ҳукумат сиёсати ва қутилмаган ходисаларни ҳисобга олган ҳолда тизимнинг унсурлари сифатида яққол кўринади.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Классик сиёсий иктисод асосчилари А. Смит и Д. Рикардо товар оқимлари ҳаракатига далил сифатида мутлақ ва нисбий устунликнинг миқдорий назарияларини тақлиф этишди; XX асрда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги экспорт-импорт операцияларнинг сифатий хусусиятларини эътиборга олувчи янги тамойиллар (Хекшер—Олин назарияси) пайдо бўлди; кейинги йилларда бир қатор америкалик иктисодчилар томонидан товар айирбошлашнинг турли омилларини ҳисобга олувчи «товар ҳаётий цикли», «халқаро рақобат» ва бошқа моделлар ишлаб чиқилди.



## Асосий тушунчалар

Мутлак устунлик — хўжалик субъектлари (мамлакатлар)нинг ишлаб чиқариш харажатлари миқдорининг турличалигидан (масалан, бир жуғрофий шароитга эга бўлмаслик) фойдаланиши сабабли олган фойдаси.

Нисбий устунлик — хўжалик субъектлари (мамлакатлар)нинг ишлаб чиқариш харажатлари йиғиндисидаги нисбий фарқдан фойдаланиши сабабли олган фойдаси.

Хекшер—Олин—Самуэльсон тамойици — мамлакатнинг экспортга ихтисослашуви миллий иқтисодиётдаги ортиқча ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлигига асосланган.

Товар ҳаётий цикли — товарнинг бозор муҳиtida муомалада бўлиш даври: бозорда пайдо бўлишидан то чиқиб кетгунгача.

## Назорат саволлари

1. А. Смит ва Д. Рикардо тамойилларининг умумий белгилари ва фарқлари қайсилар?
2. Хекшер—Олин моделининг моҳияти нимада?
3. Халқаро савдонинг энг янги назарияларини тавсифланг.

## 4-боб. Халқаро товар номенклатуралари

### 1-§. Халқаро товарлар номенклатурасининг хусусиятлари

Халқаро савдо, вужудга келиши вақти нуқтаи назаридан, ХИМнинг дастлабки соҳасидир. Археологларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, узок ўтмишданок сайёрамизнинг Ўрта ер денгизидан то Тинч океанигача бўлган субтропик минтақасида пайдо бўлган илк давлатлар ҳам бир-бирлари билан савдо алоқаларини ўрнатишган ва олиб боришган.

Савдо алоқалари дастлаб тартибсиз, аҳён-аҳёнда бўладиган характерга эга бўлган. Кейинчалик алоқа йўлларининг ривожланиши билан савдо битимлари маълум бир доимийликни касб этган, бироқ унинг асосида узок вақт давомида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини хунармандчилик буюмларига ҳамда баъзи бир бошқа ресурсларга (минерал, биологик ва бошқаларга) натурал айирбошлаш ётган.

Жаҳон бозорининг вужудга келиши цивилизациянинг индустриал кўринишига хос замонавий товар номенклатурасининг шаклланишига олиб келди. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида мамлакатлар, ҳудудлар ва интеграцион гуруҳлар ўртасидаги товарлар, хизматлар, ахборот ва технологиялар айирбошлашда глобал ўзгаришлар юз берди.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси маълум бир классификацион белгилар, яъни экспорт ва импорт моддалари бўйича товар гуруҳларининг мезонлари билан тавсифланади. Улар ичида ҳозирги пайтда энг кенг тарқалганлари куйидаги товар гуруҳларидир:

- ишлаб чиқариш соҳалари бўйича;
- маҳсулотларни қайта ишлаш даражаси бўйича;
- вазифаси бўйича;
- тайёрланган материали бўйича.

Ўз-ўзидан маълумки, қайси белгининг танланиши классификация схемасига таъсир этади, барча товарлар маълум шифрга эга бўлган бўлимлар, гуруҳлар ва кичик гуруҳларга бўлинади. Шундай қилиб, товар номларининг мос классификацион тизимдаги рўйхати *товарлар номенклатураси* деб аталади.

Халқаро товарлар номенклатурасининг ахамияти шундаки, у ташки савдо алоқалари, ахборотларни самарали сақлаш усуллари ҳақидаги маълумотларни тартибга солиш ва бизни кизиқтирган товар вазиятини кидириш жараёнини тезлаштириш имкониятини беради.

Мамлакатлар ўртасида товар оқимларининг универсал классификаторини яратиш муаммоси биринчи марта Брюсселда ўтган *статистика конгрессида* (1853 йил) ўртага ташланган. Ўтган ўн йил давомида халқаро товар номенклатурасининг энг қулай вариантини кидириш жараёни тўхтамади.

Замонавий товар номенклатурасининг асоси БМТ экспертлари томонидан 1948 йилда ишлаб чиқилган *Иқтисодий фаолиятнинг барча турларининг халқаро тармоқлараро стандарт классификацияси* (ISIC) саналади. Ҳозирги пайтда унинг 1989 йилда ўзгартиришлар киритилган учинчи таҳрири амалда қўлланилмоқда.

1950 йил 12 июлда Статистика комиссиясининг бешинчи сессияси таклифига биноан *БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши* (ЭКОСОС) *Халқаро стандарт савдо классификацияси* (ХССК—SITC)ни тасдиқлади. Ўша пайтдан бери ХССКга 1975 ва 1985 йилларда икки марта ўзгартиришлар киритилди. Бу классификация асосида товарларни қайта ишлаш даражаси ётади.

ХССК 10 та бўлим, 67 та гуруҳ, 26:1 та кичик гуруҳ, 1033 та асосий товар позицияси ва 3118 та субпозициядан иборат. Субпозициялар миллий номенклатурада яна қисмларга ажратилиши мумкин. Мос шифрлар шундай тузилганки, биринчи белги - бўлимни, иккинчиси - гуруҳни, учинчиси - кичик гуруҳни, тўртинчиси - позицияни, бешинчиси - субпозицияни

аниклайди, олтинчи ва бошқа шифрларни товар табиатга қараб аниқлаштирилади.

ХССК негизида *Кенг кўламдаги иқтисодий категориялар бўйича товарлар классификацияси* тайёрланган. Ундан БМТнинг жаҳон савдоси бўйича умумлаштирувчи статистик йилномаларни тузишда фойдаланилади. Бу классификацияда товарлар вазифасига қараб етти гуруҳга, гуруҳлар ўз ичида қайта ишлаш даражасига қараб яна гуруҳланади.

**1-жадвал. Халқаро стандарт савдо классификацияси**

Кодлар		Бўлим ва гуруҳлар номи	Миқдори		
*	2		3	4	5
<b>0</b>		<b>Озик-овқатлар, тирик хайвонлар</b>	<b>36</b>	<b>132</b>	<b>344</b>
	00	Тирик хайвонлар (03 гуруҳдагидан ташқари)	1	6	11
	01	Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	4	17	38
	02	Сут маҳсулотлари ва парранда тухумлари	4	12	22
	03	Балиқлар, денгиз хайвонлари, қисқичбақасимонлар, моллюскалар ва сувда яшовчи умурткасиз хайвонлар	4	14	47
	04	Дон ва дондан қайта ишланган маҳсулотлар	8	21	34
	05	Сабзавотлар ва мевалар	5	27	96
	06	Шакар, шакар маҳсулотлари ва асал	2	7	17
	07	Кофе, чой, какао, дориворлар ва доривор маҳсулотлар	5	16	35
	08	Хайвонлар учун озука (дондан ташқари)	1	6	26
	09	Турли озик-овқат маҳсулотлари	2	6	18
<b>1</b>		<b>Ичимликлар ва тамаки</b>	<b>4</b>	<b>11</b>	<b>22</b>
	11	Ичимликлар	2	5	14

	12	Тамаки ва тамаки маҳсулотлари	2	6	8
<b>2</b>		<b>Ноозик-овқат маҳсулотлари (ёнилғидан ташқари)</b>	<b>36</b>	<b>123</b>	<b>167</b>
	21	Тери ва мўйна хом ашё маҳсулотлари	2.	9	18
	22	Зайтун уруғи ва меваси	2	13	15
	23	Хом каучук, синтетик ва қайта ишлангани (регенерация килингани) билан биргаликда	2	5	16
	24	Ёғоч пўстлоғи ва ўрмон маҳсулотлари	5	12	18
	25	Толали ярим фабрикатлар ва макулатура	1	7	14
	26	Тўқимачилик толлари ва чиқиндилари	8	26	57
	27	Ўғит ишлаб чиқариш учун хом ашё ва руда бўлмаган қазилмалар (кўмир, нефть ва қимматбаҳо тошлардан ташқари)	5	18	48
	28	Металл рудалари ва темир-терсақлар	9	24	44
	29	Бошқа жойда қайд этилмаган ҳайвон ва ўсимликдан олинган хом ашёлар	2	9	37
<b>3</b>		<b>Минерал ёнилғи; ёғловчи ва шунга ўхшаш материаллар</b>	<b>11</b>	<b>25</b>	<b>37</b>
	32	Тошкўмир, кокс ва брикетлар	3	6	7
	33	Нефть, нефть маҳсулотлари ва кўшимча маҳсулотлар	3	10	21
	34	Табиий ва саноат газы	4	8	8
	35	Электрэнергия	1	1	1
<b>4</b>		<b>Ҳайвонлар ва ўсимликдан олинган мой, сарёғ ва мумлар</b>	<b>4</b>	<b>21</b>	<b>44</b>
	41	Ҳайвонлар ва ўсимликдан	1	3	10

		олинган мой ва сарёғ			
	42	Тозаланмаган, тозаланган ёки фракцияланган ўсимлик ёғлари	2	14	27
	43	Ҳайвон ва ўсимликдан олинган мой ва ёғлар, қайта ишланган ҳайвон ва ўсимлик муми; улардан олинган техник аралашмалар	1	4	7
<b>5</b>		<b>Кимё маҳсулотлари</b>	<b>33</b>	<b>126</b>	<b>474</b>
	51	Органик кимё маҳсулотлари	6	24	125
	52	Ноорганик кимё маҳсулотлари	4	18	84
	53	Буёқ моддалар, тери ошлаш, лок ва буёқ маҳсулотлари	3	8	33
	54	Эфир мойи ва хушбўй моддалар; сайқаллаш ва ювиш воситалари	3	10	28
	56	Ўғитлар (ўғит ишлаб чиқаришга керакли хом ашёлардан ташқари)	1	4	21
	57	Дастлабки кўринишдаги пластмассалар	6	20	54
	58	Пластина, лист, плёнка кабилар кўринишидаги пластмассалар	3	13	23
<b>6</b>		<b>Қайта ишланган буюмлар (материалига кўра)</b>	<b>52</b>	<b>233</b>	<b>829</b>
	61	Тери, тери маҳсулотлари, ошланган мўйна	3	13	22
	62	Бошқа жойда кайд этилмаган каучук буюмлари	3	13	31
	63	Ёғоч пуштоғи ва ёғочдан тайёрланган буюмлар (мебелдан ташқари)	3	13	31
	64	Қоғоз, картон ва толали ярим-фабрикат буюмлари	2	13	72
	65	Тўқимачилик иплари, матолар,	9	59	222

		бошқа жойда қайд этилмаган тайёр буюмлар			
	66	Бошқа жойда қайд этилмаган руда бўлмаган казилмалар	7	29	95
	67	Қора металллар	9	36	166
	68	Рангли металллар	8	21	71
	69	Бошқа жойда қайд этилмаган металл буюмлар	8	36	119
<b>7</b>		<b>Машиналар, асбоб-ускуналар ва транспорт воситалари</b>	<b>50</b>	<b>214</b>	<b>653</b>
	71	Кучли энергетик асбоб-усуналар	6	22	44
	72	Саноатнинг айрим тармоқлари учун машина ва асбоб-ускуналар	8	32	116
	73	Металлни қайта ишловчи курилмалар	4	15	70
	74	Бошқа жойда қайд этилмаган умумий фойдаланишга мўлжалланган машиналар ва унинг қисмлари	9	56	151
	75	Электрон ҳисоблаш машиналари ва оргтехника	3	12	30
	76	Дистанцион алоқалар учун асбоб-ускуналар ва курилмалар; товуш аппаратуралари	4	12	36
	77	Бошқа жойда қайд этилмаган электротехника	4	30	126
	78	Йўл транспорти воситалари	6	16	41
	79	Бошқа транспорт воситалари	3	19	39
<b>8</b>		<b>Турли тайёр буюмлар</b>	<b>31</b>	<b>144</b>	<b>442</b>
	81	Бошқа жойда қайд этилмаган стандарт уйлар ва бу уйлар учун курилмалар	3	7	17
	82	Мебель ва унинг қисмлари; ту-	1	6	23

		раржой буюмлари			
	83	Йўл буюмлари, сумка ва шунга ўхшаш буюмлар	1	4	9
	84	Кийимлар	7	37	96
	85	Пойабзаллар	1	7	19
	87	Махсус, илмий ва назорат инструментлари ва аппаратлари (бошқа жойда қайд этилмаган)	4	18	66
	88	Фотоаппаратлар ва фото асбоблар; бошқа жойда қайд этилмаган оптик товарлар; соатлар	5	19	60
	89	Бошқа жойда қайд этилмаган турли тайёр буюмлар	9	45	152
<b>9</b>		<b>Бошқа бўлимларга киритилмаган товарлар ва битимлар</b>	<b>4</b>	<b>4</b>	<b>6</b>
	91	Почта жўнатмалари	1	1	1
	93	Типига кўра классификацияланмаган махсус битимлар ва товарлар	1	1	1
	96	Тангалар (тўлов воситаси бўлмаган олтиндан ташқари)	1	1	1
	97	Танга бўлмаган олтин (олтин рудалари ва концентратларидан ташқари)	1	1	3
	<b>Жами:</b>		<b>261</b>	<b>1033</b>	<b>3118</b>

\* Манба: Григорук Н. Е. *Статистика внешнеэкономических связей. М., 1993. стр. 110-113.*

Бундан ташқари, 1951 йилда Божхона ҳамкорлиги бўйича Кенгаш *божхона тарифлари учун халқаро номенклатура*ни ишлаб чиқди. Асос сифатида Брюссель божхона классификацияси олинди. Товарларни гуруҳлаш товар тайёрланган материал табиатига қараб амалга оширилди. Кейинчалик бу схемага жиддий ўзгартиришлар киритилди ҳамда *Божхона*



ҳамкорлиги бўйича Кенгаш номенклатураси (БХКН) деб номланди. БХКН асосида материалларнинг қайта ишланиш даражаси ва товарларнинг келиб чиқиши ётади.

Божхона ҳамкорлиги бўйича Кенгаш номенклатураси жаҳондаги кўп мамлакатларнинг боғхона органлари томонидан кенг фойдаланилади. БХКН 21 бўлим, 99 гуруҳ. ва 1011 кичик товар гуруҳларини ўз ичига олади. Бу номенклатурага асосан барча буюмлар тўрт рақамли белгига эга, гуруҳлар ва кичик гуруҳлар эса 01 дан 99 гача рақамланади.

БХКН 1988 йил 1 январдан Европа Иттифоқи аъзоларининг статистик амалиётига жорий этилган олти рақамли товар кодига эга бўлган **Комбинацияланган номенклатура** учун асос бўлди.

Халқаро стандарт савдо классификацияси ва Божхона ҳамкорлиги бўйича Кенгаш номенклатурасини бирлаштириш статистлар ва боғхона ходимларининг манфаатларига жавоб берувчи, шунингдек, жаҳон товар ишлаб чиқаришининг кенгайиши ва мураккаблашувини ақс эттирувчи Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизимини (УТ) (1998 й.) яратишга қаратилган.

Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизими ўзидан олдинги барча халқаро товар номенклатураларининг бирлаштирилган кўриниши бўлди. У 21 та бўлим, 99 та гуруҳдан иборат. Ҳар бир товар олти рақамли шифрга эга бўлишига қарамасдан, ҳар бир мамлакат миллий эҳтиёжларига мос ҳолда янада аниқ қисмларга ажратиш учун еттинчи, саккизинчи ва тўккизинчи разрядларни қўшиши мумкин.

Ҳозирги кунда кўпчилик мамлакатларнинг товар номенклатуралари уйғунлаштирилган тизимга асосланган ҳолда қурилмоқда. Шунинг учун бу классификацияни тўлиқ келтириш мақсадга мувофиқ.

УТ ҳақида конвенцияни имзолаган давлатлар (100 дан ортиқ) статистик ва боғхона ҳисобини соддалаштиришга интиладилар.

## **2-§. Миллий товарлар номенклатурасининг ўзига хос хусусиятлари**

Ташки савдонинг ҳолати, ўзгариши ва ривожланишининг асосий тамойиллари тўғрисида батафсил ахборотларни эълон қилувчи Европа мамлакатларига мисол сифатида Германияни келтириш мумкин. Германияда Федерал статистик бошқарма «Ташки савдо» рукни остида ўн еттита бюллетень чиқаради. Улар компьютер версиясига ҳам эга. Бизни, энг аввало 8-сон, «БМТнинг Халқаро савдо стандарт классификациясига мувофиқ ташки савдо» кизиктиради.

Германияда, бошқа Ғарбий Европа давлатлари билан бир қаторда, жаҳон амалиётида барчага маъқул бўлган ташки савдо статистикасининг методологик принципларидан фойдаланилади. Бу принциплар қуйидагилар:

- Товар тарқатувчиларнинг божхона декларациялари асосида экспорт-импортни баҳолаш.
- Барча экспорт товарларини FOB нарх базиси асосида, импорт товарларни эса CIF асосида қайта ҳисоблаш.
- Контрагент-мамлакатларни икки позиция: «ишлаб чиқариш-истеъмол» ва «экспорт-импорт» позицияси бўйича ҳисобга олиш.
- Бир қатор савдо индекси кўрсаткичларини тўлалигича, алоҳида товарлар ва мамлакатлар бўйича (худудлар ёки иктисодий-сиёсий вариантларда) чоп этиш.

АҚШда миллий номенклатура ва ташки савдо статистикасини ташкил этишни ишлаб чиқиш Савдо вазирлигининг рўйхатга олиш бюроси тасарруфидадир. Шу нарса диққатга сазоворки, товарлар ҳаракатини статистик ҳисобга олишнинг америкача моделида фақатгина савдо битимлари эмас, балки ноtijорий операциялар ҳам ҳисобга олинади.

**2-жадвал. Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизими (1988 й.)**

Шифр	Бўлим номлари	Гуруҳлар сони ва уларнинг шифрлари
I	Тирик ҳайвонлар ва улардан олинадиган маҳсулотлар	5(1—5)
II	Ўсимликдан олинадиган маҳсулотлар	9 (6—14)
III	Ҳайвонлар ва ўсимликлардан олинадиган мой, ёғ ва мумлар	1(15)
IV	Озик-овқат саноати маҳсулотлари	9 (16—24)
V	Минерал маҳсулотлар	3 (25—27)
VI	Кимё саноати ва унинг тармоклари билан боғлиқ маҳсулотлар	11 (28—38)
VII	Пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари, каучук ва резина буюмлари	2 (39—40)
VIII	Тери хом ашёси, тери, мўйна, мўйна хом ашёси ва ундан тайёрланган буюмлар	3 (41—43)
IX	Ёғоч ва ёғоч буюмлар	3 (44—46)
X	Қоғоз ва қоғоз буюмлар	3 (47—49)
XI	Газлама ва тўқимачилик буюмлари	14 (50—63)
XII	Пойабзал, бош кийимлар, соябонлар, хасса, қайта ишланган патлар, сунъий гуллар, соч буюмлар	4 (64—67)
XIII	Тош, сопол, шиша буюмлар	3 (68—70)
XIV	Марварид, кимматбаҳо тошлар ва металллар, улардан ясалган буюмлар, жун такинчоклар, тангалар	1 (71)
XV	Қора ва рангли металллар ва улардан тайёрланган буюмлар	12 (72—83)
XVI	Машина ва асбоб-ускуналар	2 (84—85)
XVII	Транспорт воситалари	4(86—89)
XVIII	Приборлар ва аппаратлар, мусика ан-	3 (90—92)

	жомлари	
XIX	Куроллар ва ўк-дори	1 (93)
XX	Турли саноат товарлари	3(94—96)
XXI	Санъат асарлари, антиквар коллекция материаллари	3 (97—99)

Манба: Григорук Н.Е. *Статистика внешнеэкономических связей. М., 1993. С. 116—117.*

АҚШ ташки савдо номенклатурасининг баъзи хусусиятлари: харбий-стратегик йўналишдаги товарлар «товар етказиб беришнинг махсус категорияси»да ҳисобга олинади, бу товарлар киймати ташки савдо айланмасининг умумий ҳажмига номи, физик ҳажми ва ҳамкор мамлакат номи кўрсатилмасдан киритилади, экспорт баҳоланганда FAS баҳоси, импортда эса SIF баҳоси ва «божхона киймати» (яъни, божхона маълумотлари) қўлланилади.

Японияда товар номенклатурасини ишлаб чиқиш ва статистик шарҳларни тайёрлашни 1971 йилдан буён Молия вазирлиги назорат қилади. Бу соҳадаги япон тажрибаси халқаро амалиётни қуйидаги ўзига хос хусусият билан бойитади, яъни ташки савдо ҳажмига 200 минг йснадан кам қийматли товар партиялари, кайтариладиган контейнерлар ва мамлакат худудида жойлаштирилган америка кўшинларининг мулки киритилмайди.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Халқаро товар номенклатураларини ишлаб чиқишда универсал товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизимига мувофиқ сифат жиҳатдан бир хил товарларни гуруҳлаш принципи асос бўлди; дунёнинг деярли барча мамлакатларида миллий товар номенклатураларини ишлаб чиқишда Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизимидан фойдаланилади, бироқ миллий товар номенклатуралари миллий анъаналар, хўжаликларининг хусусиятлари ва бошқа сабабларга кўра фарк қилади;

Ўзбекистонда ҳам ҳозирги пайтда товар оқимларини ҳисобга олиш тизими ўзгартирилмоқда.

### **Асосий тушунчалар**

Халқаро товар номенклатураси — мамлакатлар ўртасида келишилган, таснифланган товар позициялари рўйхати бўлиб, ҳар бир товар позицияси кодлаштирилган рақамларга эга.

### **Назорат саволлари**

1. Қайси халқаро товар номенклатураларини биласиз?
2. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар миллий товар номенклатураларининг ўзига хос хусусиятларини шарҳланг.

## 5-боб. Халқаро савдонинг жуғрофий ва товар таркибидаги ўзгаришлар

### 1-§. Жаҳон савдосидаги ўзгаришлар

Халқаро товарлар ва хизматлар савдоси *миллий хўжаликлар ўртасида тўланадиган жалби товар айланмаси кўринишидаги меҳнат маҳсулотларини айирбошлашнинг ўзига хос формаси* сифатида намоён бўлади. Бунда давлат ва хусусий компаниялар, халқаро ташкилотлар, айрим ҳолларда жисмоний шахслар ҳам жаҳон бозорида асосий субъектлар (агентлар) сифатида катнашади.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг ташқи савдосини миқдорий (жисмоний ва қиймат ҳажми, экспорт-импорт ўсиш суръати) ва сифатий (товар тузилмаси ва жуғрофий йўналиши) характердаги кўрсаткичлар белгилайди.

Халқаро савдонинг асосий таркибий қисми товарлар экспорти ва импорти ҳисобланади, бироқ товар оқимларининг маълум мамлакат ҳудуди орқали ўтиб кетувчи кўриниши - транзитни ҳам эсда тутиш керак, чунки уни амалга ошириш учун маълум ҳақ тўланади, бунга компанияларнинг транспорт харажатлари киради.

Санаб ўтилган товар ҳаракатлари, келиб чиқиши ва белги-ланган мақсадига кўра, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳамкор мамлакатларда амалга оширилган, ўзаро истеъмолга мўлжалланган оддий товар олиб кириш ва олиб чиқиш;
- учинчи мамлакатларга товарлар реэкспорт/импорти;
- кўрғазма, ярмарка, салон кабиларда намойиш қилиш учун товарларни вақтинча олиб кириш ва олиб чиқиш;
- хом ашё ва ярим фабрикаларни реэкспорт-реимпорт қилиш мақсадида учинчи мамлакатга олиб чиқиш ва қайта ишлаш ёки олиб чиқилган мамлакатга қайтадан олиб кириш;
- фирма ичида товар ва хизматларни ТМҚларнинг доирасида кўчирилиши (трансферт).

Жаҳон савдосининг ўзгариши ҳақида гап кетганда, охириги вариантдаги товар оқимларига қудратли миллий ва халқаро

молиявий-саноат гуруҳлари (МСГ) назорати остига олинган филиаллар, шўъба корхоналар ва ассоциациялашган компаниялар ўртасидаги тўғри кооперацион алоқалар ривожланишининг замонавий даврига кўпроқ хос бўлган товар оқими сифатида караш керак. Ташқи савдо операцияларининг ўзгариши, йўналиши ва тузилмасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатувчи бошқа омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) фан-техника инқилоби билан боғлиқ равишда товар айланмасининг умумий ҳажмида машина ва асбоб-ускуналарнинг ошиши, ҳам ашё ва ярим фабрикатларнинг солиштирма оғирлигининг камайиши;

2) жадал ривожланиб бораётган хизматлар ва ахборот-технологиялар айирбошлашининг пайдо бўлиши;

3) кўпчилик мамлакатлар иктисодиётининг очик иктисодиётга ўтиши жараёнида халқаро савдони эркинлаштириш;

4) дунёнинг турли ҳудудларида интеграция жараёнларининг ривожланиши;

5) трансмиллий корпорациялар фаолиятининг фаоллашуви.

Кейинги 50 йил давомида жаҳон савдо айланмаси 14 мартдан кўпроқ ўсди. 1951-1970 йилларда ўртача йиллик ўсиш суръати 7 фоизга, 1971-1990 йилларда - 5 фоиз ва 1991-1997 йилларда - 7 фоизга тенг бўлди. УСТ экспертларининг фикрича, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларидаги инкироз, Япония, Россия ва бошқа мамлакатлар иктисодиётидаги турғунликлар туфайли жаҳон ишлаб чиқаришида камайиш бўлишига карамасдан, XX ва XXI аср бўсағасида жаҳон савдо айланмасининг 6-7 фоизга тенг миқдорда ўсиш кузатилади.

Агар 70—80 йилларда Япония ва Европа Иттифоқининг ташқи савдоси энг тез суръатларда ўсган бўлса, 90-йилларда Хитой ҳамда Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги янги индустриал мамлакатларнинг савдо айланмасида шиддатли ўсиш кузатилди.

Жаҳон савдосининг умумий киймати 1997 йилнинг охирида 6,6 трлн. долларга тенг бўлди, унинг 5,3 трлн. доллари (80,3

%) товарлар, 1,9 трлн. доллари (19,7 %) хизматларга тўғри келди. 2002 йилга келиб жаҳон савдосининг умумий киймати 13 трлн. долларга етди.

## **2-§. Товарлар оқимининг асосий йўналишлари**

Жаҳон савдо ҳажмининг кенгайиши товар оқимларининг дисперсияси (таркалиш) ҳодисасини келтириб чиқаради. Шунга қарамадан, товар айланмасининг 30 фоизга яқини учта йирик экспортёр: АҚШ, Германия ва Японияга тўғри келади. Бахтга қарши, Ўзбекистон бу борада анча орқада қолиб кетган.

Мамлакатлараро товар оқимларининг энг йириклари сифатида АҚШ - Канада (200 млрд. долл.дан зиёд), АҚШ - Япония ва Германия - Франция йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу аънанавий АҚШ - Ғарбий Европа - Япония «Учбурчаги» товар айирбошлашнинг магистрал йўли сифатида ўз аҳамиягини йўқотмаганлигидан далолат беради (ЕИ мамлакатларининг жаҳон экспортидаги улуши 44 фоизни ташкил этади). Бунда АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия ва Франция каби иқтисодий ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг юқори даражада рақобатбардошлиги омили муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан биргаликда, жаҳон бозорларида янги индустриал мамлакатларнинг «овози» барала янграмоқда. ЯИМ қаторига кейинги йилларда Бразилия, Ҳиндистон ва Хитой каби иқтисодий жиҳатдан гигант мамлакатлар кўшилишиди. 90-йилларнинг охирига келиб бу мамлакатлар товарлари рақобатбардошлигининг кескин ошиши (бу айниқса, Сингапур, Жанубий Корея, Тайвань, Малайзия, Хитой ва Туркия товарларига хос) туфайли уларнинг жаҳон экспортидаги улуши 20 фоиздан ошди. УСТ ва ИХТТнинг обрўли мутахассисларининг фикрича, бу тамойил XXI аср бошида Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларининг улуши кескин кўтарилишига, яъни жаҳон товар айланмасининг 40 фоиздан 50 фоизгачаси айнан шу минтақага тўғри келишига олиб келади.



### 3-§. Халқаро савдонинг товар таркиби

Юқорида кайд этиб ўтганимиздек, халқаро савдонинг товар таркибидаги ўзгаришлар ҳам ашё ва кишлок хўжалиги маҳсулотлари улушининг кискариши, машинасозлик учун бугловчи қисмларни айирбошлашнинг кўпайиши ва товар номенклатурасининг тез янгиланиб бориши билан боғлиқ. Бундан ташқари, хизматлар, ахборот ва технологиялар айирбошлаш ҳажми ортиб бормоқда ва савдонинг аъъанавий бўлиб қолган кўринишларини суриб чиқармоқда (4-жадвалга қаранг).

4-жадвалдаги кўрсаткичлар қайта ишлаш саноати маҳсулотлари миқдорининг кескин ўсиб кетиши (80 фоизгача) ва озиқ-овқат, ҳам ашё, ёнилғи солиштирма оғирлигининг камайиб кетиши билан боғлиқ равишда (20 фоизгача) жаҳон савдоси таркиби сезиларли ўзгарганлигини кўрсатиб турибди.

4-жадвал. Жаҳон товар экспорти таркиби (%)

№	Товар гуруҳлари номи	1960	2003
	Жами	100	100
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари ва кишлок хўжалиги ҳам ашёси (01—24)	34,9	8,7
2	ТЭЖ маҳсулотлари (27)	10,1	11,5
3	Нефть-кимё ва кимё саноати маҳсулотлари (28—35, 37—40)	6,2	9,0
4	Ёғоч ва целлюлоза-қоғоз буюмлари (44,47,48)	5,7	3,2
5	Енгил саноат маҳсулотлари (50—67)	5,4	7,1
6	Қора ва рангли металллар (72 — 83)	9,0	5,8
7	Машина ва асбоб-ускуналар (84—90)	21,2	38,3
8	Бошқалар	7,5	16,4

Манба: УСТ маълумотлари бўйича.

Бу ҳолат машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан ҳам ашё ва яримфабрикатлар савдоси монополлашган.

минерал ресурсларнинг тижорий заҳираларига эга бўлган кичик гуруҳдаги давлатлар ўртасида рақобат курашининг кескинлашувига олиб келади.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Кейинги ўн йилликларда жаҳон савдосининг жуғрофий ва товар таркибида сезиларли ўзгаришлар юз берди, бу ўзгаришлар кўпчилик мамлакатларда қайта ишлаш саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ўтилиши ва 80-90-йилларда илм сиғимли товарлар, хизматлар ва ахборотлар савдосининг ривожланиши билан боғлиқ.

### **Асосий тушунчалар**

Халқаро савдо — миллий хўжаликлар ўртасида тўланадиган жами товар айланмаси кўринишидага меҳнат маҳсулотлари айирбошлашнинг ўзига хос шакли.

Экспорт квотаси — мамлакат экспорти қийматининг унинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)га нисбати (фоизларда).

### **Назорат саволлари**

1. Жаҳон савдосидаги ўзгаришларнинг асосий омиллари қайсилар?
2. Халқаро товарлар оқимидаги асосий йўналишлари ҳақида сўзланг.

## **6-боб. Халқаро савдо: нарх белгилаш ва ташқи савдо баланси**

### **1-§. Нарх ва нарх белгилаш назарияси**

Нарх иқтисодий назарияларнинг Асосий тушунчаларидан бири ҳисобланади. У товарлар қийматининг ижтимоий фойдалилиги ифодаси сифатида намоён бўлиб айирбошлаш жараёнида пул белгиларининг маълум миқдори кўринишини қабул қилади.

Мамлакатлар ишлаб чиқаришида иқтисодий шароитларнинг сезиларли фарқ қилиши ишлаб чиқарилаётган товарларнинг тармоқлар бўйича ўртача нархига боғлиқ равишда миллий нархлар даражасининг табақаланишини белгилаб беради. Бунда иқтисодиёт типини катта аҳамият касб этади. Иқтисодиётни бошқаришнинг режали-буйрукбозлик моделида нархлар юқоридан белгиланади ва, одатда, ҳақиқий қиймат мутаносиблигини ифодаламайди. Бозор иқтисодиётида нархлар нафақат иқтисодий, балки сиёсий табиатдаги қўллаб омишларнинг таъсирига дуч келган ҳолда ўз-ўзини бошқариш тизимининг ҳал қилувчи унсури сифатида ҳаракат қилади.

Нарх белгилаш назарияси нархларни шаклланиш шарт-шароитлари, кўриниши, тузилиши ва ўзгариш ҳаракатини ўрганиб чиқади. Классик сиёсий иқтисодда нарх белгилаш назариясининг асосчилари У.Петти ва А.Смит ҳисобланади. Улар товар нархи тўғрисидаги иккита концепцияга асос солишган: биринчиси — меҳнатни қиймат назарияси асосида (К. Маркс), иккинчиси — чекланган фойдалилик моделидан фойдаланиш асосида (К. Менгер ва Ф. Визер) белгилаш.

Биринчи концепцияга асосан, нарх маълум мамлакат учун ишбилармонлик ва жадаллик ҳамда жамият томонидан тан олинган фойдалиликнинг ўртача шартлари бўйича товарда тавдаланган меҳнат харажатларининг пулда ифодаланишидир.

Иккинчи концепцияга кўра, нарх истеъмолчи баҳосида, товар фойдалилиги, яъни унинг истеъмол қийматини ҳисобга ол-

ган ҳолда ишлаб чиқарувчи пул харажатларининг йиғиндисидир.

Бу икки хил ёндашувни таклиф (қиймат) ва талаб (фойдалилик) нуктаи назаридан, назарий жиҳатдан бирлаштиришга инглиз иқтисодчиси А.Маршалл ҳаракат қилди, у фанга «таклиф баҳоси» ва «талаб баҳоси» тушунчаларини олиб кирди. Агар ишлаб чиқарувчи учун баҳо харажатлар (К.Маркс айтганидек, ҳақиқий харажатлар эмас, балки ишчининг меҳнат жараёнида, тадбиркорнинг капитални бесамара сарфланишидан сақланиш натижасидаги азоб-уқубатлари йиғиндиси) билан белгиланса, истеъмолчи учун нарх маълум вақт оралиғидаги фойдалилик чегарасига мос келади, яъни максимал даражада самарали фойдаланишга бўлган хоҳишнинг пулдаги ифодасидир, деб ҳисоблайди А. Маршалл.

Тараққий этган товар ишлаб чиқаришда жаҳон нархлари миллий нарх кўрсаткичларини, энг аввало, маълум товарни ишлаб чиқарувчи (ёки етказиб берувчи) ва мос ҳолда истеъмолчиси бўлган етакчи мамлакатлардаги талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда солиштириш асосида ҳосил бўлади.

## **2-§. Нарх белгилашнинг асосий механизмлари**

Бирор-бир товарга нарх белгилаш механизмига бозорда ана шу товар учун рақобат муҳитининг бор-йўқлиги энг кўп таъсир кўрсатади. Мана шу кўрсаткичга асосан қуйидаги халқаро бозор рақобатларини фарқлай билиш керак:

- *Муқаммал (соф) рақобат* — бозор субъектлари (харидорлар ва сотувчилар) чекланмаган миқдорда кўп, талаб ва таклиф қонуни «соф» ҳолда амал қиладиган бозор;
- *Тўлиқ монополия* — максимал фойда олиш мақсадида нарх ҳукмронлигини ўтказувчи ягона товар етказиб берувчи бозор;
- *Монополистик рақобат* — бир неча монополистлар ва катта миқдордаги ўрта компаниялар бозори, ўрта компаниялар рақобат воситасида гигантлар томонидан нархларни чексиз

кўтариш тамойилини чегаралашга қодирлар, гигантлар эса ўз навбатида вақтинчалик келишувлар - картеллар орқали нарх сиёсатини ўзаро мувофиқлаштиришга интиладилар.

Халқаро иктисодий таҳлилда, одатда, жаҳон баҳосининг икки кўриниши қўлланилади: қайта ишлаш саноати маҳсулоти баҳоси ва хом ашё баҳоси, булар йирик компаниялар - ушбу номенклатурадаги товарларни ишлаб чиқарувчилар ва экспорт килувчиларнинг экспорт баҳолари ҳисобланади. Бу баҳолар учун асос сифатида миллий бозор нархи олинади.

Жаҳон нархларини ҳисоблашнинг энг кенг тарқалган усуллари, бу тўлиқ харажатлар услуви ва тўғри харажатлар усули саналади. Нарх белгилашнинг ҳар икки усулини аниқ мисолларда кўриб чиқамиз (мисоллар С. М. Никитин, Е. С. Глазова ва М. П. Степанованинг "Мировые цены: особенности формирования" асаридан олинган. //Мировая экономика и международные отношения. 1997, № 3.)

Фараз қилайлик, бир ой давомида 1000 бирлик товар тайёрланади. Шартли ҳисоблаб чиқилган кутилаётган даромад микдорининг маҳсулот бирлиги микдорига бўламиз ва товарнинг фабрика баҳосига эга бўламиз, бизнинг мисолда 16,5 долл. (5-жадвалга қаралсин).

**5-жадвал. Нархни тўлиқ харажатлар усули билан аниқлаш. (ойлик харажатлар, долл.)**

Материаллар	9000
Ишчи кучи	1000
Билвосита сарфлар	3800
Жами харажат:	13800
Кутилаётган фойда	2700
Сотишдан кутилаётган даромад	16500

Амалда бу усулни қўллашда ишлаб чиқариш қувватларини иш билан таъминланганлик даражаси меъёри 75-85 фоизга тенг қилиб олинади. Фабрика баҳосига ҳақиқий фойданинг инвестицияланган капиталга нисбати сифатида аниқланувчи мақсадли фойда меъёридан келиб чиқувчи кўшимча (айирма)

кўшилади. Бу кўшимча товар тури ва компаниянинг (давлатнинг) нарх сиёсати табиатига боғлиқ. Бу кўшимчага мисол сифатида акцизни (8-9-бобга қаранг), айирмага эса улгуржи харидорга бериладиган ташламани кўрсатиш мумкин.

Нархни тўғри харажатлар усули ёрдамида аниқлаш жараёни барча харажатларни доимий (копланадиган) ва ўзгарувчан (тўғри) харажатларга ажратишни назарда тутди. Бунда нарх ўзгарувчан харажатларга маълум кўшимчани кўшиш орқали ҳосил бўлади. (6-жадвал).

**6-жадвал. Нархни тўғри харажатлар услуби билан аниқлаш (ойлик харажатлар, долл.)**

Кутилаётган савдо ҳажми	400	800	900
Бир бирлик маҳсулотга кутилаётган нарх	18,0	15,0	14,0
Бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган тўғри харажатлар йиғиндиси	8,58	8,40	8,34
Бир бирлик маҳсулот учун маржинал фойда	9,42	6,60	5,66
Маржинал фойда йиғиндиси	3768	5280	5094
Ишлаб чиқариш кувватларидан 100 фоизга фойдаланилгандаги доимий харажатлар	3000	3000	3000
Олинган фойда	768	2280	2094

Бу ҳолатда фирма дастлаб кутилаётган нархларда истикболдаги савдо ҳажмини баҳолайди (мисолдаги биринчи ва иккинчи қаторлар). Кейин ўзгарувчан (тўғри) харажатлар йиғиндиси ҳисобланади ва бирлик маҳсулотга, шундан кейин кутилаётган нархда башорат қилинган бугун савдо ҳажмига тўғри келадиган маржинал (кўшилган) фойда аниқланади. Олинган маржинал фойда йиғиндисидан доимий харажатларни айтириб, сотишдан келадиган даромад миқдорини белгилаймиз.

Ўтиш даври иктисодиёти ва бозорда жиддий нарх тебранишлари шароитида юқоридаги биринчи усул нисбатан афзалроқ ҳисобланади.

Қайта ишлаш саноати маҳсулотлари жаҳон нархининг шаклланиши маҳсулотнинг ҳаётий цикли, асбоб-ускуналарнинг универсаллиги, инвестицион фаоллик ва бошқа бир катор омиллар (масалан, товар оқимлари - трансмиллий корпорациялар ичидаги трансфертлар табиати) билан боғлиқ.

Иккинчи асосий гуруҳ - ҳам ашё нархларига келсак, улар мавсумий тебранишларга, шунингдек, башоратлар ва сиёсий воқеалар таъсирига кўпроқ даражада боғлиқ. Ҳам ашё маҳсулотлари жаҳон нархининг асосий хусусиятлари қуйидагилар:

- уларнинг шаклланишида асосий ролни ички миллий харажатлар эмас, балки жаҳон бозоридаги талаб ва таклиф нисбати ўйнайди;
- улар асосий ишлаб чиқарувчилар (экспортёрлар) таклиф қилган нарх ва биржадаги котировкалар асосида юзага чиқади;
- асосий ишлаб чиқарувчилар (экспортёрлар)нинг турли-туман нархлари мавжуд бўлиб, улар ҳудудий бозорлар хусусияти, ҳисоб-китобларда валютадан фойдаланишидаги фарқлар, ташламалар ва имтиёзлар тизимининг мавжудлиги қабилар билан белгиланади. Масалан, доимий миқдорларга узок муддатли бевосита товар етказиб бериш;
- етакчи экспортёр (импортёр) бўлган давлатлар картеллар - маълум бир товарни ишлаб чиқариш ва сотишни назорат қилувчи ташки савдо ассоциацияларини ташкил этишлари мумкин (масалан, Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти - ОПЕК).

Миллий ва жаҳон нархларининг ўзаро боғлиқлиги масаласига келсак, уларнинг бир-бирига мўс келиши камдан-кам ҳолларда юз беради. Одатда, ички нархлар жаҳон нархларидан юқори бўлади, бу экспорт баҳоларига нисбатан кўпроқ импорт баҳоларига ҳосдир, зеро айрим ҳам ашё товарлари (нефть) бўйича ички нархлар жаҳон нархларига нисбатан паст даража-

да бўлиши кузатилса ҳам. Охирги ҳолатни мамлакатлар орасидаги божхона тўсикларининг мавжудлиги, жаҳон бозорида энг рақобатбардош компанияларнинг фаолият олиб бориши, шунингдек, халқаро савдода нархларнинг барча экспортёр ва импортёрлар нархларининг ўртача арифметик кийматидан эмас, балки бозордаги лидерларнинг бу маҳсулотга қўйган баҳосига боғлиқлиги билан тушунтириш мумкин.

### **3-§. Жаҳон нархлари тизими ва унинг вазифалари**

Жаҳон нархлари турли ўзаро боғлиқ вазифаларни бажаради, улар мураккаб мажмуасини ташкил этади. Жаҳон нархларининг энг муҳим вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

Индикатив вазифа — маълум вақт оралиғида иқтисодий ҳолатни (бозор конъюнктурасини) баҳолаш имконини беради.

Коммуникатив вазифа — бозор субъектлари: ишлаб чиқарувчи-экспортёрлар, воситачилар, истёъмолчи-импортёрлар ўртасида алоқаларни амалга оширади.

Дистрибьютив вазифа — бозор субъектлари даромадларини таксимлаш имконини беради.

Рағбатлантириш вазифаси — давлат ёки компанияларнинг экспорт-импорт сиёсатини ўзгартиришига ёрдам беради.

Согломлаштириш вазифаси — маҳсулотлари эҳтиёжларни қондира олмайётган компанияларнинг бозордан кетишига, бозор конъюктурасига мослаша олган фирмаларнинг гуллаб-яшнашига олиб келади.

Жаҳон нархлари тизими маълум даражада мураккаб. Жаҳон нархларининг асосий мезонлари қуйидагилар: битимнинг киймат ҳажми, эркин конвертирланган валюталарнинг (АҚШ доллари, евро, япон йенаси ва бошқалар) ишлатилиши, олди-соғди операцияларининг халқаро савдо марказларининг бирида расмий қайд этилиши (масалан: Антверпенда — олмослар, Сингапурда — каучук, Лондонда — олтин бўйича ва бошқалар).

Бу шартлар мавжуд бўлганда битимлардаги жаҳон нархлари қуйидаги кўринишларда намоён бўлиши мумкин:



- таклиф нархи (экспорт, реэкспорт нархи) ва талаб нархи (импорт нархи);
- монопол ва эркин нархлар;
- етказиб бериш шартлари кўрсатилган нархлар, спот, форвард, фьючерс;
- махсус нархлар (бартер, клиринг, ёрдам дастури, трансферт);
- шартнома нархлари (амалга оширилган битимлар учун) ва чоп этилувчи нархлар (маълумотнома, статистика, биржа нархлари).

Бундан ташқари, жаҳон нархлари даражасига давлатнинг тартибга солиш фаолияти ҳам катта таъсир кўрсатади. Давлатнинг тартибга солиш фаолияти миллий иктисодиёт кўринишига боғлиқ равишда давлат назорати даражасига караб, тўлиқ монополиядан (протекционизм) давлат ташкилотларининг жуда кам аралашуви ва бозордаги хусусий агентларнинг тўлиқ эркинлигигача бўлган ораликда ўзгариб туриши мумкин.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Замонавий нарх белгилаш назарияси товар нархини аниқловчи унсур сифатида янги кийматлар яратиш жараёнида вужудга келувчи харажатларни илгари суради; жаҳон иктисодиётида жаҳон нархлари икки кўринишга ажратилади: қайта ишлаш саноати маҳсулоти нархи ва хом ашё нархи, бу ҳар икки кўриниш ўзининг ўзгариш ва шаклланиш хусусиятларига эга; жаҳон нархининг тузилиши ва вазифалари ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлади ва халқаро савдонинг ривожланиш таъминини ҳам жуғрофий жиҳатдан, ҳам унинг товар номенклатураси нуктаи назаридан кузатиб бориш имконини беради.

### **Асосий тушунчалар**

*Нарх* — товарнинг ижтимоий фойдалилиги кийматининг пул бирлигида ифодаланиши.

*Жаҳон баҳоси* - талаб ва таклиф эгри чизиқлари таъсирини ҳисобга олган ҳолда миллий нарх кўрсаткичлари таъсирида халқаро савдо марказларида ҳосил бўлади.

Маржинал (қўшилган) фойда — сотиш нархи ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндилари орасидаги фарк.

Картель — ташки савдо ассоциацияси (унинг аъзолари алоҳида товар гуруҳлари бўйича ишлаб чиқариш ва нарх сиёсатини мувофиқлаштириб олишади).

Бартер — товарни товарга тўғридан-тўғри айирбошланадиган савдо битими.

Клиринг — қарама-қарши товар оқимларида валютадан фойдаланмасдан (нақдсиз) воситачи орқали ўзаро ҳисоб-китобни назарда тутувчи савдо операцияси.

### **Назорат саволлари**

1. Нарх белгилаш назариясининг асосий хусусиятларини тушунтириб беринг.
2. Нарх аниқлашнинг асосий усуллари қайсилар?
3. Жаҳон нархларига таъсир этувчи омиллар қайсилар?
4. Жаҳон нархлари тузилиши ва вазифаларига тавсиф беринг.

## 7-боб. Ташқи савдо баланси

### 1-§. Ташқи савдо балансининг умумий тавсифи

Халқаро товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омиллари ҳаракати, олдинги бобларда қайд этиб ўтилгандек, кўп томонлама табиатга эга. Ҳар бир алоҳида олинган мамлакатда асосий товар оқимларининг икки хил ўзаро таъсири кузатилади: экспорт (олиб чиқиш) ва импорт (олиб кириш). Уларнинг ўзгаришидан давлатнинг ички иқтисодий ҳолати ва ХИМдаги вазиятини баҳолаш учун муҳим индикатор сифатида фойдаланиш мумкин. Шунинг учун товар оқимларининг миқдорий ва сифатий таркиби миллий тўлов балансининг моддалари бўйича статистик таҳлилнинг предмети ҳисобланади.

Тўлов баланси маълум бир мамлакат резидентларининг қолган барча мамлакатлар билан маълум вақт оралигидаги (одамда бир йил) иқтисодий битимлари натижаларини системалаштирилган ҳолда қайд этилишидир. Бошқача қилиб айтганда, тўлов баланси миллий хўжаликнинг четга тўловлари ва четдан келадиган тўловлар ҳолатини қайд этади.

Бу ҳолатда резидент деганда, *фуқаролиги ва паспорт статусидан қатъи назар давлат ҳудудида бир йилдан ошиқ яшаган жисмоний ва ҳуқуқий шахс тушунилади (бу мамлакатда ўз штаб-квартирасига эга бўлган дипломатик миссия ишчилари, ҳарбий персонал ва халқаро ташкилотлар ходимларидан ташқари).*

Бу таъриф бошқа давлатда рўйхатдан ўтган компанияларга нисбатан ҳам тадбиқ этилмайди.

Битим атамаси, бу ерда, *товар, хизмат ёки активларга мулкчилик ҳуқуқи бир мамлакат резидентидан бошқа мамлакат резидентига ўтадиган барча айирбошлашларни билдиради.*

Тўлов балансини асоси - бу барча кўринишдаги битимларни гуруҳлашдир, яъни маҳсулотларнинг оқиб кетиши ва мамлакатга валюта кириб келиши кредитни ифодаласа, маҳсулотларнинг мамлакатга кириб келиши ва валютанинг оқиб кетиши дебитни белгилайди. Шундай қилиб, амалдаги

тажрибаларга кўра, тўлов баланси икки томонлама ҳисоб асосида тузилади, яъни ҳар бир битим бир пайтда иккита ҳисобда - кредит ва дебитда акс эттирилади.

Халқаро валюта фонди классификациясига мувофиқ, ҳар қандай давлатнинг тўлов баланси қуйидаги бўлимлар: жорий операциялар ҳисоби, капитал ва молиявий инструментлар билан операциялар ҳисоби, расмий захиралар ҳисоби бўлимларидан иборат.

Ўз навбатида, жорий операциялар ҳисоби қуйидаги моддаларни ўз ичига олади: товарлар, хизматлар экспорти ва импорти, инвестициялардан соф даромадлар, чет элга соф пул ўтказишлар (трансфертлар).

Жорий операциялар ҳисобининг қайд этилган моддалари ичида экспорт ва импортнинг нисбати мамлакат иқтисодий ҳолатини баҳолашда муҳим ўринни эгаллайди (ХИМ жами ҳажмининг 80 фоизи) ва ташқи савдо баланси (қолдиғи) деб юритилади.

Ҳар бир мамлакатда ташқи савдо баланси миллий божхона ташкилотларининг статистик маълумотлари асосида чиқарилади. Бундан ташқари давлатлар ўртасида товар оқимларини кузатиш (мониторинг) БМТ тизимидаги баъзи халқаро ташкилотлар (масалан, БМТнинг Савдо ва тараққиёт бўйича анжумани - ЮНКТАД, Умумжаҳон савдо ташкилоти - УСТ), шунингдек, мустақил тузилмалар (масалан, ИХТТ) томонидан амалга оширилади.

Ташқи савдо балансини чиқаришда маълум мураккабликларга дуч келиниши шу билан боғлиқки, жаҳон статистикасида экспорт ФОВ нархларида (транспорт воситалари фрахтисиз ва таваккални суғурталасдан), импорт эса СИФ индексларида (товар етказиб бериш умумий қийматининг ўртача 10 фоизига тенг бўлган миқдорда транспорт воситаларини фрахтлаш ва таваккални суғурталаш билан) баҳоланади.

Ташқи савдо баланси кўп жиҳатдан жами тўлов балансининг натижасини белгилаб беради. Жаҳон амалиётидан шу нарса маълумки, мамлакатнинг иқтисодий гуллаб-яшнаши экспорт ва импортнинг ижобий нисбатига, яъни мамлакатдан

олиб чиқилган товарлар қийматининг мамлакатга олиб кири-  
лаётган товарлар қийматидан ортиқ (актив баланс) бўлишига  
боғлиқ. Бирок тарихдан бунга тескари табиатдаги ҳолат ҳам  
мавжуд. Бу ҳолатда ташқи савдо балансидаги камомад бошқа  
манбалардан келадиган киримлар ҳисобига қопланади (маса-  
лан, 70-80 йилларда АКШ ташқи савдо балансида юзага келган  
камомад хизматлар экспорти ва хорижий инвестициялар  
ҳисобига қопланган).

## **2-§. Ташқи савдо балансига таъсир этувчи омиллар**

Ташқи савдо балансининг кўринишлари, яъни актив (ижо-  
бий) ёки пассив (салбий) баланс бир томондан тузилмавий та-  
биатдаги узок муддатли тамойиллар гуруҳи, иккинчи томондан  
жорий даврдаги конъюнктуравий сабаблар билан аниқланади.

Ўз-ўзидан маълумки, ҳар бир мамлакат биринчи катего-  
риядаги омиллар бўйича стратегик қарорлар ишлаб чиқишга  
интилиши ҳамда иккинчи категория бўйича тактик  
ҳаракатларнинг вариантларини кидириши зарур. Бунда,  
юқорида қайд этиб ўтилгандек, маълум бир давлатнинг товар-  
лар номенклатураси ва товар оқимларининг жуғрофий  
йўналишини шакллантирувчи миллий иқтисодий хусусият  
муҳим аҳамият касб этади, бу эса кўп жиҳатдан ташқи савдо  
балансидаги умумий кўринишини белгилаб беради. Бу ҳолатни  
инобатга олган ҳолда жаҳон иқтисодиётида мавжуд бўлган ва  
ташқи савдо балансида таъсир қилувчи асосий узок муддатли  
тамойиллар ва конъюнктуравий сабабларни умумлаштиришга  
ҳаракат қиламиз (7-жадвал).

Жаҳондаги давлатларнинг ташқи савдо балансида юқорида  
келтирилган омилларнинг таъсири табиатининг таҳлили  
қуйидагича хулосага олиб келади: киска муддатли, конъюнкту-  
равий тамойилларнинг ривожланган иқтисодиётли мамлакат-  
ларга таъсири бозорга ўтаётган хўжалик тизимли давлатларга  
таъсирига нисбатан анча-мунча камроқ сезилади. Масалан, ян-  
ги индустриал мамлакатлар, Ўзбекистон ва МДХга аъзо бошқа  
давлатлар.

*7-жадвал. Ташқи савдо балансига таъсир қилувчи омиллар.*

<b>Узоқ муддатли омиллар</b>	<b>Конъюнктуравий омиллар</b>
1. Хом ашё товарлари нархининг пасайиши (мас. ёкилғи)	1. Жаҳон бозорининг жорий конъюктураси (талаб ва таклиф нисбати)
2. Илмий-техникавий инкилобнинг таъсири (иктисодиётни глобал ахборотлаштириш)	2. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш режими
3. Жаҳон иктисодиётида ТМКлар ролининг ортиши	3. Халқаро молия-валюта тизимидаги ҳолат ва миллий валюта курсининг ўзгариши
4. Халқаро савдо блокларининг шаклланиши	4. Сиёсий омиллар (мас., урушлар, инкилоб, ҳукумат таркиби ва сиёсати йўналишининг ўзгариши)

Шу билан бир вақтда иктисодий стратегия нуқтаи назаридан ташқи савдо баланси шаклланишининг узоқ муддатли истикболларини башоратлаш юқорида қайд этилган ҳар икки гуруҳга кирувчи, бир-бири билан доимий товар айирбошлаш жараёнида бўлган давлатлар учун бир хил даражада аҳамият касб этади.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Ташқи савдо баланси мамлакат жами тўлов балансининг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг ҳиссасига мамлакат халқаро иктисодий алоқаларининг умумий ҳажми қийматининг 80 фонзгачаси тўғри келади. Ташқи савдо баланси давлат органларига ва халқаро ташкилотларга бир катор узоқ муддатли ва жорий иктисодий, шунингдек сиёсий омиллар таъсирида алоҳида олинган мамлакатнинг жаҳон савдосидаги ҳолати ва мавқеининг истикболдаги ўзгаришини баҳолаш имконини беради.

## Асосий тушунчалар

Тўлов баланси — мамлакатнинг барча резидентларининг қолган барча мамлакатлар билан маълум вақт оралиғидаги (одатда бир йил) иқтисодий битимлари натижаларининг системалаштирилган ҳолда қайд этилишидир.

Резидент — резидент деганда фуқаролиги ва паспорт статусидан катъи назар давлат ҳудудида бир йилдан ошиқ яшаган жисмоний ва ҳуқуқий шахс тушунилади (бу ўз мамлакатда штаб-квартирасига эга бўлган дипломатик миссия ишчилари, ҳарбий персонал ва халқаро ташкилотлар ходимларидан ташқари).

Мониторинг (иқтисодий мониторинг) — жами иқтисодий кўрсаткичларни кузатиш ва уларга статистик ишлов бериш жараёни.

## Назорат саволлари

1. Ташқи савдо балансининг моҳияти ва таркибига тавсиф беринг.
2. Замонавий босқичда Ўзбекистон ташқи савдо балансининг хусусиятлари нимада?
3. Ташқи савдо балансига қайси омиллар кўпроқ таъсир кўрсатади?

## 3-бўлим. ТАШҚИ САВДОНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

### 8-боб. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш

#### 1-§. Давлат ташқи савдо сиёсатининг моҳияти

Ҳар қандай давлатнинг ташқи савдо сиёсати ҳукумат олиб бораётган умумиктисодий йўналишнинг муҳим таркибий қисми саналади, янада торроқ маънода эса у экспорт-импорт товар оқимларининг ҳажми, товар таркиби ва жуғрофий йўналишини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган бюджет-солиқ фаолиятининг соҳаларидан биридир.

Ташқи савдо сиёсати хўжалик ривожланишининг ички жиҳатлари билан узвий боғлиқ бўлганлиги учун унинг бош вазифаси мамлакат ичкарасида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва миллий бойликни кўпайтириш учун зарур бўлган қулай ташқи иктисодий шарт-шароитларни шакллантириш хисобланади.

XX аср мобайнида ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш тамойиллари ва унга ёндашувлар, ўз навбатида, хўжалик фаолиятининг бу соҳасини тартибга солиш амалиёти ҳам ўзгариб борди. Биринчи жаҳон урушигача (1914—1918 йй.) бозор иктисодиётли мамлакатларда давлатнинг иктисодий жараёнларга аралашуви деярли рад этилган. Иктисодчилар ва сиёсатчилар орасида А. Смитнинг бозордаги «кўринмас қўл»нинг муҳим аҳамиятга эгаллиги ҳақидаги формуласига асосланувчи неоклассик мактаб тарафдорларининг қарашлари ҳукмрон бўлди. Кейинчалик, 30-40-йилларда ишлаб чиқариш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни илгари сурган Дж. М. Кейнс назарияси тарафдорларининг нуктаи назарлари устуворлик қилди. Ва, ниҳоят, 70-80-йилларда М. Фридмен бошчилигидаги Чикаго мактабининг монетаристик тамойилларини ёқловчиларнинг мавқелари кўтарилди. М. Фридмен давлат томонидан иктисодиётга ҳар томонлама, ташқи савдо сиёсатига



эса муомала соҳаси орқали таъсир қилиш механизмларидан фойдаланишни устувор деб ҳисоблайди.

Бугунги кунда давлатлар ўртасида товар айирбошлаш амалиётида юқорида санаб ўтилган назарий фикрларнинг барча йўналишлари синтезидан фойдаланилаётганлиги ҳақида гапириш мумкин. Шунинг учун ҳам мамлакат ташқи савдоси ҳолатига таъсир кўрсатиш воситалари қаторига у ёки бу ҳукумат эга бўлган турли-туман макроиктисодий дастаклар киради.

Замонавий ташқи иктисодий сиёсатда икки асосий тамойил: бир томондан давлатларнинг очик типдаги иктисодиётга, яъни ташқи савдони эркинлаштиришга ўтиш, иккинчи томондан жаҳон бозоридан ажралганлик унсурларини саклаб қолиш, яъни протекционистик чора-тадбирларни амалга ошириш тамойиллари мавжудлигини қайд этиб ўтиш керак.

Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, алоҳида олинган мамлакатда ташқи савдони тартибга солишнинг у ёки бу воситаларини танлаш мамлакатнинг ички иктисодий вазияти ва жаҳон бозоридаги мавқеига, алоҳида вазиятларда эса бутун бир омиллар мажмуасига боғлиқ, масалан:

- рақобат курашининг кескинлашиши;
- валюта курсларининг ностабиллашуви;
- тўлов балансларининг камомадлари;
- ўтиш даври иктисодиётли ва ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи қарзлари кабилар.

Ташқи савдони тартибга солиш воситаларининг турлари доимий равишда кенгайиб бормоқда, бу хўжалик ҳаётининг байналмилаллашуви ва ХИМнинг янги соҳалари, яъни ахборот айирбошлаш ёки сервис хизматлар иктисодиёти кабиларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ.

Ташқи савдони тартибга солиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун асосий шартлар сифатида халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуаси ҳуқуқий майдонини шакллантириш, ташқи иктисодий ахборотлар тизимини яратиш (бу айниқса, хорижий ҳамкорлар қидириш имконияти чегараланган унча катта бўлмаган компаниялар учун керак), шунингдек,

ХИМнинг ана шу соҳасида самарали ишлашга кодир кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш усулларини такомиллаштириш каби-ларни кўрсатиш мумкин.

## **2. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш-нинг асосий инструментлари**

Олдинги бобда кайд этиб ўтилгандек, ташқи савдони дав-лат томонидан тартибга солиш турли кўринишларда бўлиши мумкин. Уларни товар оқимларига таъсири табиатига кўра бир-биридан жиддий фарк килувчи иккита асосий типга ажра-тиш мумкин: иқтисодий ва маъмурий.

Иқтисодий (тарифли деб ҳам аталадиган) усуллардан фой-даланганда ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар, энг аввало, нарх мутаносиблиги, товар ва ресурслар экспорти ҳамда им-портнинг сифати ва шартларига амал қилишади. Ташқи сав-дони тартибга солишнинг маъмурий (мос равишда тарифсиз) усулларидан фойдаланилганда бозор механизмига давлат ор-ганлари томонидан таъсир ўтказилади, уларнинг қарорлари ва ҳатти-ҳаракатлари кўп жиҳатдан ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг хоҳишларини белгилаб беради.

Тарифли усуллар товар нархига бевосита таъсир қилади. Бу усуллар давлатлар ташқи савдо амалиётида энг кенг тарқалган, чунки улар бирданига учта вазифани ҳал қилиш имконини беради:

- 1) фискал — бюджет учун қўшимча маблағларни олиш;
- 2) рағбатлантирувчи — хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни ривожлантириш;
- 3) протекционистик — миллий товар ишлаб чиқарувчилар учун қулай шарт-шароитларни яратиш.

Ташқи савдони тарифли тартибга солиш усуллари қаторига божхона бождари, бождар, йиғимлар, шунингдек, бошка билвосита солиқлар, мас. акцизлар қиради.

Тарифсиз усуллар - товар айирбошлашга таъсир қилиш дастакларини, яъни олиб қириладиган ёки олиб чиқиладиган маҳсулот ҳажми ва номенклатурасини чеклашни билдиради. Улар кўпроқ ривожланаётган ва ҳукумат томонидан протек-

ционистик иктисодий сиёсатни талаб килувчи, бозор тузилмалари шаклланаётган ўтиш даври иктисодиётли мамлакатларга хосдир.

Тарифсиз таъсир килиш воситаларига квоталаш, лицензиялаш, экспортни субсидиялаш, демпинг, картель битимлар ва мамлакатлар ўртасидаги товар оқимларининг йўлида техник тўсиқларни яратиш кабилар киритилади.

Жаҳондаги мамлакатлар ва ҳудудлар бўйича статистик аҳборотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ташқи савдони давлат томонидан бошқариш тарифли ва тарифсиз усулларнинг комбинацияси ёрдамида амалга оширилади. Тарифли усулларнинг мавқеи кейинги пайтда пасайиб бормокда, бу эса Умумжаҳон савдо ташкилот томонидан аъзо-мамлакатлар олдига қўйилган стратегик вазифа, яъни улар орасидаги ўзаро товар айирбошлашда тарифли чеклашларни босқичма-босқич бартараф этиш вазифаси билан боғлиқ. Тарифсиз чеклашларнинг аҳамияти «танловли» протекционистик савдо сиёсатининг кенгайиб бориши туфайли ортиб бормокда.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Ташқи савдони давлат томонидан бошқариш ҳукумат иктисодий сиёсатининг муҳим бир соҳаси сифатида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни қулай шарт-шароитлар билан таъминлаш ва халқ фаровонлигини яхшилашга қаратилган тадбирлар мажмуасини акс эттиради. Ташқи савдони тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар эркин савдо ёки протекционизм режими доирасида амалга оширилади ва бозор механизмига таъсир этишнинг тарифли ҳамда тарифсиз дастакларини ўз ичига олади.

### **Асосий тушунчалар**

Ташқи савдо сиёсати — экспорт-импорт товар оқимлари ҳажми, товар таркиби ва жуғрофий йўналишини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган бюджет-солиқ фаолиятининг соҳаларидан биридир.

ТИФни тартибга солишнинг тарифли усуллари — солик чеклашлари (божхона йиғимлари, божлар, акцизлар ва бошқалар) ёрдамида ташқи савдога таъсир ўтказиш воситалари йиғиндиси.

ТИФни тартибга солишнинг тарифсиз усуллари — ташқи савдога таъсир ўтказишнинг бевосита, маъмурий воситалари гуруҳидир (квоталаш, лицензиялаш, техник стандартларни жорий қилиш, санитар меъёрлар ва бошқалар).

### **Назорат саволлари**

1. Давлат танқи савдо сиёсатининг моҳияти нимада?
2. Ташқи савдо сиёсатида ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш қандай ўринни эгаллайди?
3. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишнинг асосий кўринишлари ва вазифаларини айтинг.

## 9-боб. Тарифли ва тарифсиз чеклашлар

### 1-§. Давлат томонидан тартибга солишнинг тарифли усуллари тавсифи

Олдинги бобда айтиб ўтилдики, ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш турли кўринишларга эга бўлган тарифли ва тарифсиз усулларнинг биргаликда олиб борилиши орқали амалга оширилади. Тарифли усуллар ичида энг кенг тарқалгани тарифлар ҳисобланади, аммо куйида тариф кўринишидаги бошқа чеклашлар - билвосита (эгри) солиқлар ва йиғимлар ҳақида гап боради.

Эгри солиқлар ва йиғимларга, биринчи навбатда, экспорт-импорт операцияларига солинадиган солиқлар киритилади, бунда мамлакатга олиб кириладиган товарлар ҳам, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг мамлакат ҳудудидан олиб чиқадиган маҳсулотлари ҳам сотишда ва миллий божхона ҳудуди чегарасида фойдаланилганда солиққа тортилади. Бу ҳолатда акцизлар қўлланилади ва уларнинг миқдори куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$A = T_{\text{ст}} * A_k$$

Бу ерда  $A$  — акциз миқдори,  $T_{\text{ст}}$  — товарнинг импорт қилинаётган мамлакатдаги қийматига мос келувчи божхона қиймати,  $A_k$  — белгиланган акциз коэффиценти (ставкаси).

Бундан ташқари 60-йилларнинг бошларида кўпгина мамлакатларда (илк марта Францияда) қўшилган қийматдан солиқ (ҚҚС) олиш амалиётга жорий этилган. Бу импорт товарларнинг божхона қийматига божхона божи ва акцизини қўшган ҳолда (агар акциз белгиланган бўлса) 10 - 20 фоизли солиққа тортишни назарда тутди.

Одатда акциз белгиланувчи буюмлар рўйхатига оммавий талабга эга айрим товарлар (алкогол, тамаки маҳсулотлари), зеб-зийнат буюмлари (мўйна, заргарлик буюмлари) ва махсус сифатга эга маҳсулотлар (масалан, осетр ва лосось балиғи икраси) кабилар киритилади. ҚҚСга келсак, у дипломатик миссия, гуманитар ёрдамга мўлжалланган товарлар, ногиронлар ва болаларга аталган баъзи буюм турларига, шунингдек, кўргазма

экспонатлари ва рўйхати доимий равишда аникланиб боровчи бошқа айрим маҳсулотлар учун тўланмайди.

Қайд этиб ўтиш керакки, акцизлар ва ҚҚС товарлар транзити, реэкспорти ва эркин иқтисодий ҳудудларга олиб кирилганда олинмайди. Кўпчилик ҳолларда, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда импорт товарларидан турли махсус йиғимлар: давлат йиғими, муниципал ва бошқа йиғимлар ундирилади. Мамлакатда солиқ ва йиғимлар тизимининг улканлиги ва чалкашлиги хорижий экспортёр-компанияларни йўлдан қайтаради, бундай мамлакат билан алоқаларни кенгайтиришга уларда қизиқиш пайдо бўлишига ёрдам бермайди. Бунинг устига давлатнинг ташки савдо соҳасига ҳаддан ташқари кўп аралашуви коррупция ва амалдор шахслар ўзбошимчилигининг кучайишини рағбатлантирувчи омил хисобланади.

## **2-§. Ташқи савдони тарифсиз чеклашнинг асосий кўринишлари**

Бошқа мамлакатлар билан савдони давлат томонидан тартибга солишнинг тарифсиз усулларининг 50 дан ортиқ тури мавжуд. Уларнинг ичида энг кенг тарқалгани квоталардир. Агар тарифли усуллар аниқ бир товар гуруҳи бўйича экспорт ёки импорт ҳажми масаласини очик қолдирса, квоталар олиб кириладиган ёки олиб чиқиладиган маҳсулотнинг қиймат ёки миқдорий ҳажмини тўғридан-тўғри чеклаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Импорт квоталарини жорий қилишда давлат хорижий рақобатнинг миллий ишлаб чиқарувчиларга таъсирини барта-раф қилишга интилади. Бундай квоталарнинг ҳаракат механизми импорт тарифларидан фойдаланилгандаги ҳолатни эслатади, яъни импорт товарлар таклифи чекланганда ички баҳолар жаҳон нархига нисбатан ўсиб боради. Бирок тарифдан фаркли равишда, импорт квоталари хорижий рақобатнинг ички нархларга таъсир қилишига йўл қўймайди, бу орқали импортдан келадиган фойдани кўпайтиради ва мамлакат тўлов балансини мувозанатга келтириш жараёнини осонлаштиради.

Халқаро битимлар орқали қатъий белгиланувчи тариф ставкалари ўрнатилган вазиятда мамлакат юкоридаги масалани ҳал эта олмайди, УСТ экспорт-импорт операцияларга миқдорий чеклашлар жорий қилишга рухсат беради.

Экспорт квоталари, ўз навбатида, миллий ишлаб чиқарувчиларни етарли табиий ресурслар билан таъминлаш, жаҳон бозоридаги экспорт баҳоларини кўтариш ва ҳарбий-стратегик мақсадларга эришиш қабиларга қаратилган.

Импорт квоталари қаби экспорт квоталари ҳам мамлакат ҳукумати томонидан бир томонлама тартибда ёки манфаатдор ҳамкор билан халқаро қелишув ҳулосаси орқали жорий этилиши мумкин. Улар глобал ёки маълум даврда амал қилувчи, яъни мавсумий бўлиши мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, экспорт квоталарининг муҳим турларидан бири кўнгилли экспорт чеклашлари (КЭЧ) ҳисобланади. КЭЧ ҳолатида экспортёр-давлат «кўнгилли» равишда ўзининг бошқа мамлакатга олиб чиқадиган маҳсулоти ҳажмини чегаралайди ва ҳамкор тазийқи остида минимал импорт нархларини ўрнатади. Бундай амалиёт АҚШ ва Европа Иттифоқида Япония товарлари (автомобиллар, электроника, пўлат)га нисбатан кенг қўлланилади. Ҳозирги пайтда жаҳонда бундай турдаги 100 дан ортиқ битимлар имзоланган, бироқ УСТ аъзо-мамлакатлар олдига улар ўртасидаги савдода, ХХI аср бошларига қелиб, КЭЧни умуман бекор қилиш вазифасини қўймоқда.

Махсус, мантикий ниятсизга етказилган квоталаш усули иктисодий санкция кўринишидаги эмбарго ҳисобланади. Бу усул бир мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳи билан савдо операцияларини бутунлай таъқиқлашни билдиради. Одатда сиёсий мақсадларни кўзлаган ҳолда эмбаргони жорий қилиш бутун номенклатурадаги ёки алоҳида гуруҳдаги товарлар экспорти ёки импортнинг чекланишини назарда тутаяди. ХХ асрда савдони тартибга солишнинг бундай усулига етарли даражада ми-соллар келтириш мумкин. Ҳозирги пайтда, БМТ қарорига кўра, эмбарго сиёсати Ироққа, қисман Югославия, Ливан, Эрон ва баъзи бошқа мамлакатларга нисбатан амалга оширилмоқда.

Квоталаш жараёни (бошқача қилиб айтганда, контингентлаш), одатда, лицензиялаш, яъни махсус рўйхатга киритилган ресурслар ва маҳсулотлар билан ташқи савдо операцияларини амалга оширишга ваколатга эга бўлган давлат ташкилотлари (вазирликлар ва маҳкамалар) томонидан ружсат бериш билан биргаликда кузатилади.

Кўпчилик давлатларда ташқи иқтисодий фаолиятни лицензиялашни жорий қилиш халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиди, уларнинг ичида энг асосийси 1947 йилда имзоланган Савдо ва тарифлар бўйича Бош битим (ГАТТ) ҳисобланади. Кейинчалик ГАТТ доирасида баъзи бир бошқа шартномалар имзоланган.

Ташқи савдони лицензиялаш турли кўринишларни олиши мумкин: бош лицензия, бир марталик лицензия ва автоматик лицензия. Бош лицензиялар лицензия эгасининг маълум товар гуруҳи билан маълум вақт оралиғида (одатда бир йилдан уч йилгача) экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлигини билдиради. Бир марталик лицензия компанияларга хорижий ҳамкор билан аниқ бир битимни амалга ошириш учун берилади. Автоматик лицензия давлат томонидан харидни, яъни харид ҳажмини ҳам, товар оқимларининг жуғрофий йўналишини ҳам доимий равишда назорат қилишни назарда тутади.

Лицензияларни жойлаштиришнинг асосий усулларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- *очик танлов* — бунда максимал нарх таклиф қилган фирма лицензияга эга бўлади;
- *яққол афзаллик тизими* - бунда давлат ана шу соҳадаги энг обрўли компанияларга лицензия беради;
- *харажатлар усули* - бу рақобатчиларига нисбатан каттарок ишлаб чиқариш қувватларига ва бошқа ресурсларга эга корхоналарга лицензия беришни англатади.

Ўз-ўзидан тушунарлики, келтирилган усуллар ичида энг афзали коррупция ва ошна-оғайнигарчиликдан холи бўлган очик танлов усулидир.



Европа Иттифокига аъзо-мамлакатлар орасида экспорт-импорт операцияларини лицензиялаш товар айланмаси умумий ҳажмининг 5-6 фоизи даражасига етади (квоталаш ва лицензиялаш бўйича ўзига хос «лидер» Франция ҳисобланади).

Лицензиялашни талаб этадиган товарлар рўйхатига биринчи навбатда экспортга мўлжалланган квоталанадиган маҳсулотлар, шунингдек, баъзи бир махсус гуруҳдаги товарлар: стратегик аҳамиятга эга товар ва ресурслар, доридармонлар, болалар ассортименти ва бошқалар киради.

Лицензиялашга кўшимча равишда, давлат миллий товар ишлаб чиқарувчиларни бевосита ва билвосита субсидиялар тизими, яъни мамлакат бюджетидан айрим корхоналарга ва маҳаллий ҳокимият органларига дотациялар бериш орқали рағбатлантириши мумкин. Бундан мақсад арзон импорт товарлари рақобатидан ҳимоя қилиш, энг асосийси - миллий саноат ва кишлок хўжалиги маҳсулотларини хорижга экспорт қилинишини рағбатлантиришдан иборат. Бу вазиятда бевосита субсидиялар пул кўринишидаги маблағни, билвосита субсидиялар эса имтиёзли шартларда кредитлаш, солиққа торғиш, хавф-хатардан суғурталашни давлат томонидан кафолатлаш, давлат хазинаси ҳисобидан экспорт қилинадиган товарларни ташқи бозорларда реклама қилиш кабиларни назарда тутади.

ГАТТ (УСТ) қоидаларига мувофиқ, аъзо-мамлакатлар ўртасидаги савдода бевосита экспорт субсидияларидан фойдаланиш таъқиқланган. Европа Иттифоки доирасида кишлок хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга бевосита экспорт субсидиялари бериш бундан мустасно. Юкорида кўрсатилган қоидаларнинг бузилиши импорт қилаётган мамлакатга компенсацияловчи импорт божлари олиш орқали жавоб чоралар кўришга асос бўлади. Бу божлар УСТ арбитражида баҳс хал этилгунга қадар сакланади.

Экспорт субсидиялари миқдори ривожланган мамлакатларнинг қайта ишлаш саноати экспорти қийматининг I фоизидан ошмайди, бироқ бу меъёр айрим товар гуруҳлари учун, айниқса, ривожланаётган ва ўтиш даври иктисодиётли мамлакатларда жуда катта миқдорга етиши мумкин.

Ташки савдони тарифсиз усуллар билан тартибга солиш амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, экспорт субсидиялари кўпинча демпингга - хорижий бозорларда экспортёр мамлакат ички бозоридаги ўртача нархга нисбатан паст баҳоларда сотишга моддий асос бўлади.

Мутахассислар демпингнинг қуйидаги вариатларини ажратиб кўрсатишади:

- *тасодифий* — экспортёрда тасодифий ортиқча товарларни пайдо бўлиши билан боғлиқ;
- *вақтинчалик* — экспортёр томонидан бошқа мамлакат бозорига тезлик билан кириб бориш учун қўлланилади;
- *доимий* — монополист компания томонидан, унинг ташки иктисодий фаолияти давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланилиши шароитида, ташки бозорларда фойдани максималлаштириш учун қўлланилади, бунда ички бозорда нисбатан юкори нарх саклаб турилади.

Демпингдан, энг аввало, даврий пасайишлар даврида ва ички талаб камайганда, иктисодиётни таркибий қайта қуриш даврида фойдаланилади. Масалан, 30-йилларда шунга ўхшаш ҳодиса Шаркий Европа мамлакатларидан импорт килинувчи кишлок хўжалиги маҳсулотлари бозорида кузатилди, 70-йилларда АҚШ ва Европа Иттифоқи томонидан Японияга нисбатан демпингдан фойдаланиш айблови илгари сурилди.

Вақтинчалик ва айниқса, доимий демпингга қарши импортёр-мамлакатлар ГАТТ моддаларига асосланган ҳолда демпингга қарши импорт божларини жорий этиш ҳуқуқига эга бўлганлиги сабабли кейинги пайтда яширин демпинг кенг тарқалмокда. Бу экспортёр ва импортёрлар ўртасидаги импортёрлар томонидан ўз миллий бозорларида товарларни амалда экспортёр етказиб берган нархдан паст баҳоларда сотиш ҳақида ошкор бўлмаган келишувни назарда тутлади. Яширин демпинг йирик ТМКлар томонидан фирма ичида қўлланиладиган бутловчи қисмларнинг трансферти амалиётида кенг тарқалган (мас. япон ТМКлари ичида).

Ташки савдо сиёсатини амалга оширишнинг яна бир ўзига хос усули импорт депозити, яъни импортёр томонидан маълум

муддатга банкка қўйиладиган гаров пули ҳисобланади. Бу фозисиз маблағ олиб кириладиган товарнинг бутун ёки айрим қисми қийматига тенг суммани билдиради. Импорт депозитлари импорт қилувчи компания томонидан экспортёр фирмага нисбатан ўзига хос суғурта кафолати сифатида фойдаланилади.

Ва ниҳоят, товарнинг истеъмол хусусиятлари, уларни ишлаб чиқариш ва сотиш шарт-шароитлари, шунингдек, товар оқимларининг чегарадан ўтиш жараёнига тааллуқли маъмурий характердаги тарифсиз усуллар гуруҳига тўхталайлик. Булар қаторига турли туман техник стандартлар ва сифат сертификатлари, санитария ва экологик хавфсизлик сертификатлари, кадоклаш ва маркировкалашга қўйиладиган талаблар, товар ва бошқаларни божхона тозаловидан ўтказиш бўйича ҳаракатлар мажмуаси қабилар қиради.

Хорижий мамлакатлар билан савдо алоқаларига давлат томонидан таъсир қилиш усулларининг кенг қўламдаги гуруҳи шарҳига яқун ясаган ҳолда шуни қайд этиш мумкинки, бу соҳада кейинги пайтларда халқаро товар оқимларини тартибга солишнинг квоталаш, лицензиялаш ва улар билан боғлиқ бўлган бошқа усуллари кўринишидаги чеклашларни олиб ташлаш жараёнининг фаол ривожланиб бориши кузатилмоқда.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Давлатнинг иқтисодий сиёсати меҳнат тақсимоидан ва мамлакатнинг жаҳон бозоридаги нисбий устунлигидан самарали фойдаланиш мақсадида ташқи савдони тартибга солишнинг тарифли ва тарифсиз чора-тадбирлари мажмуасини назарда тутади.

Давлат томонидан тартибга солишнинг тарифли усуллари (божлар, йиғимлар, солиқлар) кенг тарқалган ва улар амалда квоталаш, экспорт-импорт операцияларини лицензиялаш, очик, кўпинча яшириш равишида ишлаб чиқарувчи, яъни экспортёрларга субсидиялар бериш, демпинг, импорт депозитлари, ва ниҳоят, товар оқимлари йўлига маъмурий-техник ва процедура тўсиқлари кўринишидаги тарифсиз усуллар билан уйғунлашади. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш

ташки савдони ҳам ўз ичига олган ҳолда давлат ташқи иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Товар таркиби ва товар оқимларининг жуғрофий йўналиши, шунингдек, миллий хўжаликнинг ҳолатига боғлиқ равишда турли солиқ турлари ва мамлакат чегарасидан хорижий товарлар билан ўтишда бу солиқ турларини турлича ҳисоблаш услубиятидан фойдаланилади. Ҳозирги кунда адвалор усулда белгиланадиган импорт солиқлари энг кўп тарқалган. Тариф-божхона бирлашмаларининг оммавийлашуви ва халқаро ташкилотларнинг фаолияти импорт солиқлари даражасининг пасайиши ва экспорт, шунингдек, транзит тарифларининг бартараф этилишига имкон яратади.

### **Асосий тушунчалар**

Акциз —товарнинг божхона қийматига давлат органлари томонидан белгиланадиган нарх кўшимчаси.

Квоталаш — давлат томонидан экспорт ва импортнинг қиймат ва жисмоний ҳажмини тўғридан-тўғри чеклаш амалиёти.

Лицензиялаш — давлат томонидан ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга ташқи иқтисодий операциялар олиб боришга рухсат бериш амалиёти.

Кўнгилли экспорт чеклашлари (КЭЧ) - бир ташқи савдо ҳамкори томонидан иккинчиси билан келишилган ҳолда экспорт операциялари ҳажмининг чегараланиши.

Эмбарго — алоҳида мамлакат ёки давлатлар гуруҳи билан савдони бутунлай таъқиқлаш.

Демпинг — хорижий бозорларда экспортёр мамлакат ички бозоридаги ўртача нархга нисбатан паст баҳоларда сотиш.

### **Назорат саволлари**

1. Ташқи савдони тартибга солишнинг тарифли усуллари тавсифланг.
2. Савдодаги тарифсиз чеклашларнинг қандай турларини биласиз?
3. Тарифсиз чеклашларнинг хусусиятлари нимада?

## 10-боб. Божхона божлари ва божхона тарифлари

### 1-§. Божхона божларининг моҳияти ва кўринишлари

Ташқи иқтисодий фаолият амалиётида ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишнинг энг кенг тарқалган усуллари билан божхона божлари ҳисобланади. Божхона божи иқтисодий моҳияти жиҳатидан товар давлат чегарасидан ўтаётганда олинadиган махсус пул йиғими, солиқни билдиради.

Божхона божлари кўринишларининг турли-туманлиги уларнинг товар оқимларини тартибга солиш жараёнида бажарадиган функцияларининг ниҳоятда кенг қўламлилиги билан тушунтирилади. Эслатиб ўтамиз, божхона божларини жорий этишдан асосий мақсад: бюджетнинг даромад қисмини кўпайтириш ва «ноҳалол» рақобат билан курашишдир. Шунинг учун ҳам савдога таъсир ўтказишнинг бу усулидан ҳозирги кунда жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатида фойдаланилади.

Товар оқимларининг йўналишига боғлиқ равишда импорт, экспорт ва транзит божлари мавжуд.

ХИМ амалиётида баъзи ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатлар бюджетлари учун етарли даражада даромад манбаи бўлган импорт божлари нисбатан кўп учрайди. Импорт божларининг ҳаракат механизми импорт товарнинг миллий бозордаги нархини ўртача жаҳон баҳосидан кўтаришдан иборат.

$$\text{Ички нарх} = \text{Жаҳон нархи} + (\text{Жаҳон нархи} \times \text{Тариф ставкаси})$$

Импорт божларини жорий қилиш миллий компаниялар (резидентлар)га ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятини беради, чунки улар жаҳон бозоридаги ўртача даражага нисбатан юқорирок ҳаражатлар билан маҳсулот ишлаб чиқариш им-

кониятига эга бўлади. Аммо бунда истеъмолчиларнинг йўқотишлари импорт тарифлари даражасига мутаносиб равишда ўсади, бу эса, ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, давлатнинг даромадлари билан ҳам, миллий тадбиркорларнинг фойдалари билан ҳам қопланмайди. Бундан хулоса шуки, импорт божлари ҳамиша қисқа муддатли иктисодий самара бергани ҳолда миллат фаровонлигини пасайтиради.

Ҳозирги пайтда экспорт божлари анча кам қўлланилади. Улардан деярли барча ривожланган мамлакатлар вож кечишган, чунки уларни жорий қилиш жаҳон бозоридаги кескин рақобат шароитда экспортнинг кимматлашишига олиб келади (экспорт божларини жорий қилиш АҚШда қонун билан таъқиқланган). Одатда, экспорт божларидан фойдаланиш монополист компаниялар томонидан ишлаб чиқариладиган айрим товарлар (масалан, хом ашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) нархини ана шу товарлар бозорида давлат даромадларини ошириш ва аниқ бир маҳсулотнинг олиб чиқилишини чеклаш учун маъмурий назорат қилишда мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Транзит божлар мамлакат ҳудудини кесиб ўтувчи товарлардан олинади ва транзит йиғимлар кўринишига эга. Бунга яққол мисол қилиб Россия компаниялари томонидан миллий товарларни Литва орқали Калининград областига ва қарама-қарши йўналишда олиб ўтишда тўланадиган шунга ўхшаш божларни тўлаш амалиётини келтириш мумкин. Божхона божига тортишнинг иккита асосий усули мавжуд:

*Махсус*, бунда бож миқдори товарнинг оғирлиги, ҳажми миқдори бирлигидан белгиланган сумма сифатида ўрнатилади (масалан, автомобиль двигателининг 1 см<sup>3</sup> дан).

$$\text{МББ} = \text{ТБК} + \text{МТС}$$

Бу ерда, МББ - махсус божхона божи, ТБК - товарнинг божхона қиймати,

МТС - махсус тариф ставкаси.

*Адвалор* (лот. — ad valorem — кийматдан), бунда божхона божи сотувчи томонидан қайд этилган товар кийматидан фоиз кўринишида аникланади.

$$\text{АББ} = \text{ТБК} \times (1 + \text{АТС})$$

Бу ерда, АББ - адвалор божхона божи, ТБК - товарнинг божхона киймати, АТС - адвалор тариф ставкаси.

Бундан ташқари ташки савдо амалиётида божларни ҳисоблашнинг оралик усули мавжуд. Унинг моҳияти шундан иборатки, маълум бир божхона ташкилоти вазиятдан келиб чиққан ҳолда махсус ва адвалор усуллар орасидаги усулни мустақил равишда танлаш ҳукукига эга бўладилар. Бундай бож муқобил бож номини олган.

Божхона божи ўрнатишнинг у ёки бу усулини танлаш товар гуруҳи табиатига боғлиқ. Хом ашё товарларига одатда биринчи усул қўлланилади, экспорт божларига келсак, улар ҳам одатда махсус усулдан фойдаланган ҳолда ўрнатилади. Адвалор усулдан фойдаланиш бўлса, машинасозлик маҳсулотлари ва бутловчи қисмлар, яъни юқори даражада дифференциацияга эга буюмлар импортида қулай ҳисобланади. Ҳозирги пайтда бу усул ҳиссасига барча божхона йиғимларининг 80 фоизидан кўпроғи тўғри келади. Савдо алоқаларидаги мамлакатлар бири-бири билан турли шартнома муносабатларида бўлганлиги учун импорт божлари: преференциал (махсус имтиёзли) бож, шартномавий (минимал) бож ва асосий (жаҳон бозори учун максимал даражада мумкин бўлган) божлар бўлиши мумкин.

## **2-§. Божхона тарифининг тавсифи**

Миллий божхона божларининг тартиблаштирилган реестри (рўйхати) тариф деб аталади. Жаҳон савдоси номенклатурасининг кенгайиб бориши билан боғлиқ равишда божхона божлари тузилмасининг мураккаблашиб бориши кузатишмоқда. Ҳозирги кунда кўпчилик мамлакатлар дифференциациялашган тарифларга эга.

Божхона тарифларининг шаклланишини асосий принципи - товарни қайта ишлаш даражасининг ошиб бориши билан тариф ставкасининг ортишидир. Масалан, шакар хом ашёсига 5 фоизгача ставка белгиланса, рафинадланган шақарга 15 фоизгача белгиланиши мумкин. Шундай қилиб, божхона божининг ҳақиқий ставкаси хом ашё ва тайёр маҳсулот орасидан фарк қанча кўп бўлса, шунча катта бўлади.

Божхона сиёсатининг шаклланиши жараёнида импорт таклифининг эластиклиги даражаси миқдориға тесқари бўлган оптимал тариф ставкасини белгилаш муҳим аҳамият қасб этади. Бошқача қилиб айтганда, деярли бир хил импорт миқдорини саклаб турувчи хорижий товар етқазиб берувчилар қанчалик қам мослашувчан бўлса, оптимал импорт ставкаси шунчалик юқори, давлатнинг соғ даромади миқдори эса катта бўлади.

Ривожланган мамлақатлар божхона сиёсатининг бош тамоғили XX асрнинг ўрталаридан бошлаб ҳозирги қунгача тариф миқдорининг 60 фоиздан 4-5 фоизгача аста-секин қамай-тирилиб борилиши бўлди.

### **3-§. Тариф сиёсатининг асосий қуринишлари**

Миллий хўжалиқнинг ҳолатига боғлиқ равишда божхона сиёсати олиб боришнинг икки вариантини ажратиб қўрсатиш мумкин - иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган мамлақатлардағи божхона сиёсатлари.

Ривожланган мамлақатлар учун қўп устуңли тарифлар хос бўлиб, у турли импорт боғи ставкалари: барча давлатлар учун тааллуқли бўлган миқдори баланд умумий ставкалар, энг қулай шароит яратиш режими ставкаси (икки мамлақат ўртасида қелишилган ҳолда ўрнатилган савдо операцияларининг имтиёзли тартиби), қамбағал, паст даражада ривожланган иқтисодиётли мамлақатлардан қилинадиган импортлар учун белгиланган преференциал қозғицентли ставкаларни назарда тутати.

Ривожланган мамлақатлар божхона тарифларининг бошқа бир хусусияти, бу тарифларнинг 1988 йилда жорий этилган «Халқаро товарларни тавсифлаш ва қодлаштиришнинг



уйғунлаштирилган тизими» (УТ) билан корреляцияси (ўзаро боғлиқлиги) ҳисобланади.

Ривожланаётган мамлакатлар гуруҳи божхона сиёсатининг ўзига хос хусусияти экспорт божларидан кенг кўламда фойдаланиш ва нисбатан юқори импорт тарифи ставкаларини ушлаб туришдан иборат (бу ставкалар ривожланган мамлакатлар учун мисли кўрилмаган даражага етади - 50-100 фоизгача, Миср, Эквадор, Покистонда ҳатто бундан ҳам юқори).

Бундан ташқари кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда, АҚШ, Япония ва Европадаги ривожланган мамлакатлардан фаркли равишда, эски Брюссель товар номенклатурасидан янги Уйғунлаштирилган тизимга эндигина ўтишмоқда. Шунинг учун уларнинг баъзилари кўп колонкали тарифларни қўллаиди (Сенегалда — 9 та, Малида — 17 та). Миллий тарифлар билан бир қаторда жаҳон иктисодиётида бир неча мамлакатларнинг божхона иттифоқларига бирлашиши кенг таркалиб бормоқда. Божхона иттифоқлари ташқи савдони давлатлараро тартибга солишнинг турли кўринишларидан амалий фойдаланишмоқда, бунда улар турли худудий ва глобал халқаро ташкилотлар кўмагига суянмоқда.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Ташқи иктисодий фаолиятни божхона орқали тартибга солиш ташқи савдони ҳам ўз ичига олган ҳолда давлат ташқи иктисодий сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Товар таркиби ва товар оқимларининг жуғрофий йўналиши, шунингдек, миллий хўжаликнинг ҳолатига боғлиқ равишда турли солиқ турлари ва мамлакат чегарасидан хорижий товарлар билан ўтишда бу солиқларни турлича ҳисоблаш услубиятидан фойдаланилади. Ҳозирги кунда адвалор усулда белгиланадиган импорт солиқлари энг кўп тарқалган. Тариф-божхона бирлашмаларининг оммавийлашуви ва халқаро ташкилотларнинг фаолияти импорт солиқлари даражасининг пайсаниши ва экспорт, шунингдек, транзит тарифларнинг барта-раф этилишига имкон яратади.

## Асосий тушунчалар

Божхона бож — товар давлат чегарасини кесиб ўтганда солинадиган махсус пул солиги.

Божхона тарифи — товар оқимларининг чегарани кесиб ўтишида давлат томонидан олинадиган солиқ миқдори кўрсатилган тартибланган товарлар рўйхати.

Савдода энг кўлай шароит яратиш режими — савдо операцияларининг мамлакатлар ўртасида келишилган ҳолда ўрнатилган имтиёзли тартиби.

## Назорат саволлари

1. Божхона божини таърифланг.
2. Божхона божининг қандай кўринишлари ва уларни ҳисоблашнинг қандай усулларини биласиз?
3. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда божхона сиёсатининг хусусиятлари қанақа?

## 11-боб. Эркин савдо ва протекционизм

### 1-§. Эркин савдо ва протекционизм сиёсатининг моҳияти

Эркин савдо сиёсати (ёки фритредлик — инглизча free trade) иктисодий ҳаётнинг бир ходисаси сифатида XVIII асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди. Унинг назарий жиҳатдан асосланишида А. Смитнинг машҳур асари - «Халқлар бойлиги табиати ва сабаблари» ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Машҳур инглиз иктисодчиси ўзининг китобида инсонлар жамиятига ягона айирбошлаш иттифоки сифатида қарайди, яъни бу иттифокнинг аъзоларига - инсонларга табиатдан савдога интилиш хосдир. Шунинг учун ҳам меҳнат таксимоти асо-сида мамлакатлар ўртасида товар айирбошлаш иктисодий муносабатларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу вазиятда давлат, энг аввало, хўжалик жараёнларига аралашмасдан, талаб ва таклифнинг эркин рақобат қилиши учун энг қулай шарт-шароитлар яратиб бериш орқали товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ёлланма агенти ролини бажаради.

Фритредлик назарияси бошқа бир инглиз иктисодчиси Д. Рикардо асарларида ривожлантирилди ва деярли ниҳоясига етказилди. Д. Рикардо Адам Смитнинг рақобат шароитида эркин тадбиркорликнинг роли ва давлатнинг мамлакат иктисодиётини «кўринмас қўл» ҳукмронлигига, яъни бозорнинг ўз-ўзини бошқариш қонунлари ихтиёрига топширувчи «тунги қоровул» сифатидаги роли ҳақидаги ғояларини ривожлантирди.

Эркин савдо сиёсатининг классик намуналарини XIX асрнинг иккинчи ярмидаги инглиз-саксон мамлакатлари, айниқса, Буюк Британия ва унинг доминионлари (1947 йилгача Британия таркибига кирган, формал жиҳатдан мустақил бўлган давлатлар) иктисодиётида кузатиш мумкин. Ҳозирги пайтга келиб фритредлик тизимининг классик кўриниши давлат ихтиёрида бўлган бирор-бир мамлакат қолмади. Давлатнинг нуфузли ташкилотларининг тартибга солиш борасидаги ролининг сезиларли ошганлигини ҳисобга олсак, бу ўз-ўзидан тушунарли.

албатта. Бирок эркин савдо сиёсатининг унсурлари кўплаб мамлакатларнинг иктисодий курсида ҳозир ҳам учраб туради, айниқса, ривожланган ва ҳудуди ҳамда ресурслари жихатидан кичик бўлган мамлакатларда, масалан, Сингапурда.

Бундан ташқари эркин савдо сиёсатининг юқорида қайд этилган хусусиятлари кейинги вақтда эркин иктисодий ҳудудларнинг бир кўриниши сифатида кенг тарқалган офшшор ҳудудларни яратилиш жараёни ва уларнинг фаолиятида кузатилади. Айни пайтда бир қатор обрўли халқаро ташкилотлар, масалан, Умумжаҳон савдо ташкилоти ёки Савдо ва ривожланиш бўйича БМТ Анжумани (ЮНКТАД) кабилар, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ТИФ соҳасида, асосан ташқи савдода чеклашлар ва тўсиқларни олиб ташлашни фаол қўллаб-қувватламоқдалар.

Ташқи савдони глобал эркинлаштириш жараёни дунёнинг барча китғаларида кенг кўламдаги ҳудудий «эркин савдо» ҳудудларининг вужудга келишида ўз аксини топди. Шу билан биргаликда кўплаб мамлакатлар ўзларининг иктисодий сиёсатларида фақат фритредгина иктисодий ресурсларни самарали жойлаштириш ва фойдаланишга имкон яратади, деган фикрдалар. Албатта, шуни ҳам эсдан чиқармаслик лозимки, эркин савдонинг замонавий талқини давлатнинг иктисодиётга аралашувини бутунлай йўқ қилиш эмас, балки бу аралашувнинг барча хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига зиён етказмайдиган энг оптимал кўринишини қидиришдан иборат.

Иктисодий назарияда одатда эркин савдо протекционизм сиёсатига (ингл. protection — ҳимоя, ҳомийлик), яъни миллий иктисодиётни ички ва ташқи бозор тамойилларининг салбий таъсирларидан ҳимоялаш мақсадида давлат томонидан жорий этиладиган иктисодий ва маъмурий чора-тадбирлар тизимига карама-қарши қўйилади.

Протекционизм ўз моҳиятига кўра, илк давлатлар шаклланган пайтдан буён мавжуд. Бу сиёсатнинг принциплари назарий жиҳатдан америкалик давлат арбоби А. Гамильтон (XVIII асрнинг охири) ва таникли немис иктисодчиси Ф. Лист (XIX асрнинг ўрталари) асарларида ишлаб чиқилган. Бирок

протекционизм амалий чора-тадбирлар серияси сифатида сайёрамизда сўл (СССР) ва ўнг («Учинчи рейх» - фашистлар Германияси) сиёсий оқимларнинг тоталитар режими даврида ўз кульминациясига етган. Бу малакатларда савдо соҳасида давлат монополияси хос эди.

Юкорида қайд этиб ўтилгандек, халқаро иқтисодий муносабатларнинг асосий тамойили сифатида янада кўп сонли мамлакатларнинг аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишини таъминловчи эркин савдо сиёсатиغا ўтиши тан олиниб келинаётган бўлса-да, протекционизмнинг «танланган» реставрацияси деб аталган жараён ҳам кузатилмоқда.

Божхона иттифоқларини ташкил этиш ҳам бу иттифокка аъзо мамлакатлардан учинчи мамлакатлар томон ҳаракатланувчи товар оқимлари йўлида боғхона «девор»ларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Кўпинча миллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан фискал ва ҳомийлик мақсадларини кўзлаб ташқи савдо соҳасида тарифлар ва квоталарни жорий этиш иқтисодий ўсишни рағбатлантиришнинг бошқа механизмларини қидириш ва синовдан ўтказишга нисбатан қулайроқ ва фойдалироқ бўлади. Ва ниҳоят, мустамлакачилик тизимнинг барбод бўлиши ва ўзларининг ҳали ёш бўлган иқтисодиётларини йирик ғарб компаниялари ҳукмронлигидан ҳимоя қилишга интилаётган катта гуруҳдаги ривожланаётган мамлакатларнинг вужудга келиши протекционизм ғояларини яна машҳур қилиб юборди.

## **2-§. Протекционизмнинг ижобий ва салбий томонлари**

Хукуматни ТИФни тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар мажмуасини жорий этишга мажбур этувчи омиллар (ижобий омиллар) ичида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Иқтисодиётнинг янгидан шаклланаётган соҳаларини қудратли хорижий компаниялар рақобатидан ҳимоялаш.
- Жаҳон бозорида рақобатбардош бўлмаган «эски» соҳаларни қўллаб-қувватлаш, зеро бу соҳалар тузилмасини қайта куришни давлат кўмагисиз амалга ошириш жуда мураккаб саналади.

- Дискриминацион савдо сиёсати олиб бораётган мамлакатлар ёки компанияларга жавоб тарикасида демпинг ва хорижий ракобатнинг бошқа ноҳалол усуллари билан курашиш.
- Жаҳон бозори конъюктурасидаги тебранишларнинг миллий иктисодиётга таъсирини камайтириш. Бу омил хом ашё ва табиий ресурслар экспорт килувчи мамлакатлар учун долзарб ҳисобланади.
- Бюджетнинг даромад қисмини кўлайитириш - ўтиш даври иктисодиётли ва ривожланган мамлакатларда давлат бюджети кўпинча протекционистик сиёсатнинг таркибий унсурлари бўлган божхона божлари ва бошқа эгри солиқлар ҳисобига амалга оширилади.

Протекционизмнинг салбий хусусиятларига куйидагиларни киритиш мумкин:

- Аҳоли турмуш даражасида соф йўқотишларнинг ортиб кетиши. Импорт божлари киритилганидан кейин харидорлар олиб кирилган товарлар учун янада юқорирок ҳақ тўлашга мажбур бўлишади. Бу инвестицияларга айланиши мумкин бўлган истеъмолдан ортадиган жамғармаларнинг камайишига олиб келади.
- Янада кўпроқ мамлакатлар томонидан тариф чеклашларини жорий этилишининг занжир реакцияси билан боғлиқ халқаро кўпайтирувчи эффе́ктнинг пайдо бўлиши.
- Миллий иктисодиётда носамаравий соҳалар ва корхоналарнинг сакланиб қолиши. Миллий корхоналарга имтиёзлар берилиши шароитида ишлаб чиқарувчиларда харажатларни камайитириш ва ракобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга рағбат бўлмайди.
- Иктисодий соҳада коррупция ва ўз амалидан фойдаланишнинг бошқа кўринишлари кенг тарқалади. Миллий иктисодиётнинг «ёпиклиги» одатда ТИФни криминаллашуви учун озуқа муҳитини яратади.

Шундай қилиб, протекционизм ташқи савдо операцияларида турли-туман чеклашларни жорий этувчи давлатга вақтинчалик, тактик ютук келтирса-да, стратегик, узок муддатли режада истиқболсиз сиёсат ҳисобланади. Бу сиёсат XX аср

тажрибасидан маълумки, ҳаёт даражасининг ва аҳоли турмуш фаровонлигининг пасайишига олиб келади. Шундай бўлса-да, иктисодий эркинлаштириш курсини саклаган ҳолда протекционизмнинг айрим унсурларидан оқилона фойдаланиш маълум вақт оралиғида миллий иктисодиётни ривожлантиришда ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

**ХИМ** тарихидан маълумки, ташки иктисодий сиёсатнинг икки қарама-қарши кўриниши: эркин савдо ва протекционизм мавжуд. XX аср давомида давлатларнинг ташки иктисодий сиёсатнинг у ёки бу кўринишини маъқул кўришида тебранишлар бўлиб турди: аср боши, 20-йиллар ва 50-йиллар эркин савдо устунлик қилгани билан характерланса, 30-йиллар ва 70-йиллар протекционизмга кўпроқ қизиқиш кучайганлиги билан ажралиб турди. Иктисодий сиёсатнинг ҳар икки кўриниши ижобий ва салбий томонларга эга.

### **Асосий тушунчалар**

***Фритред*** (эркин савдо) — хўжалик юритувчи субъектларнинг давлатнинг энг кам даражада аралашуви шароитида ўз фаолиятларини эркин равишда танлашини назарда тутувчи иктисодий сиёсат.

***Протекционизм*** — хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлатнинг бевосита ва билвосита усуллар орқали фаол аралашувини назарда тутувчи иктисодий сиёсат.

### **Назорат саволлари**

1. Фритред ва протекционизмнинг ўзига хос хусусиятлари қайсилар?
2. Ташки савдо сиёсатининг икки кўринишини кучли ва кучсиз жиҳатлари нимада?
3. Ҳозирги шароитларда қандай иктисодий курс маъқулроқ ҳисобланади?

## **12-боб. Протекционистик сиёсатнинг ишлаб чиқарувчилар, давлат даромадлари ва истеъмолчилар турмуш фаровонлигига таъсири**

### **1-§. Протекционистик чора-тадбирлар жорий қилишдан ишлаб чиқарувчилар кўрадиган фойдалар**

Назарияларнинг далолат бериши ва статистика маълумотларининг тасдиқлашига кўра, иктисодиётда давлат томонидан ташланган протекционистик қадамлар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга ҳамда қисқа ва узок муддатли истикболда давлатнинг ўзига ҳам ҳар хил таъсир кўрсатади. Бундай сиёсатнинг ички бозор учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи миллий компанияларга таъсирини кўриб чиқишдан бошлаймиз.

Миллий компанияларнинг ички бозор учун ишлаб чиқарган маҳсулотлари божхона солиғидан озод бўлганлиги сабабли унинг нархи импорт қилинаётган ана шундай товардан сезиларли даражада паст бўлиши мумкин, бундай шароитда хўжалик юритувчи субъектлар янги технологиялар, хом ашё ва материалларни тежаш ҳисобига харажатларини камайтириш заруриятига эҳтиёж сезишмайди. Амалда импорт ўрнини қоплашга йўналтирилган соҳалардаги миллий фирмалар ўз товарларини импорт тарифига яқин нархларда сотади, натижада кўшимча фойда кўради. Миллий компаниялар даромадларининг ўсиши ва миллий ишлаб чиқаришни кенгайтишининг сабабларидан бири ана шунда.

Тавсифланган ҳолатга иктисодиётдаги ушбу вазият, яъни давлат томонидан тартибга солишнинг тарифсиз усуллари - экспорт ва импортни квоталаш қўлланиладиган вазият ўхшаш кетади. Ҳукуматнинг табиий монополияларни қувватлашга интилиши ички рақобат муҳитининг бир бутунлигини бузади, коррупциянинг юзага келишига, йирик миқдордаги ўғирликларнинг бўлишига, иктисодиётга криминал унсурнинг кириб келишига кўмак беради. Иккинчи томондан эса жаҳон амалиётидан маълумки, протекционизм сиёсати ўрта ва кичик тадбиркорликнинг ривожланиши учун, бинобарин, охир-



оқибат мўътадил бозор маконини тараккий эттириш учун кулай шарт-шароитлар ярата олмайди. Давлатнинг йирик корхоналарга - махсус экспортёрларга асосий эътиборини каратиши ўзининг ғайритабиий кўринишига карамасдан, солик базасининг торайишига, бюджет тушумларининг камайишига ва бандликнинг кискаришига олиб келади.

## **2-§. Давлат учун протекционизмнинг тактик ва стратегик оқибатлари**

ТИФ соҳасида чеклашлар сиёсатини кенг кўламда ва фаол амалга ошириш давлатга киска муддатда муваффақият олиб келиши мумкин. Бу ютуқларни куйидаги жиҳатлар билан боғлаш мумкин: миллий корхоналарда ишлаб чиқариш хажмининг ортиши, бож, солик, йиғимлар ҳисобига бюджет даромадининг кўпайиши, иктисодий хавфсизлик ва мудофаа қобилиятининг таъминланиши.

Бирок ҳақиқатда эса, бу тактик устунликлар стратегик, яъни узок муддатли истикболдан келиб чиксак, карама-карши томонга ўзгаради. Давлатнинг тариф миқдорига кўпайтирилган импорт миқдорига тенг иқтисодий ютуғи истеъмолчилар томонидан давлат фойдасига трансферт тўлов ҳисобланади. Албатта, маблағларнинг бир қисми ижтимоий эҳтиёжлар (ойликларни ошириш, нафақалар тўлаш)га сарфланиши мумкин, бирок уларнинг катта қисми бюрократик ўзбошимчалик ва маблағларнинг давлат ташкилотлари орқали ўтиши билан боғлиқ харажатлар туфайли қайтариб берилмайди.

Бундан ташқари, бошка мамлакатларнинг протекционистик жавоб тадбирларини ҳам унутмаслик лозим. Бу тадбирлар туфайли товар айланмаси камайиб кетади, иш жойлари кискаради, охир-оқибат бир қатор компанияларнинг махсулотлари миллий бозордан арзонрок ва сифатсизроқ товар ишлаб чиқарувчи бошка компаниялар товарлари фойдасига суриб чиқарилади.

### **3-§. Истеъмолчилар турмуш фаровонлигининг пасайиши**

Истеъмолчилар масаласига тўхталадиган бўлсак, уларнинг асосий қисми «белбоғларини маҳкам бойлаб олишлари» керак бўлади, чунки оддий одамларнинг даромадлари ишлаб чиқарувчилар фойдасига қайта тақсимланади, зеро божхона тарифи жорий этилишидан олдинги ва кейинги ички нархлардаги фарқ меҳнаткашлар елкасига тушади. Фақатгина импортни ўрнини қоплаш соҳасида фаолият юритувчи компанияларнинг акцияларига эга бўлган унча катта бўлмаган айрим гуруҳларга кирувчи истеъмолчилар олиб кириш божларидан даромад кўриши мумкин. Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида протекционистик сиёсатни амалга ошириш нарх юқорилиги сабабли ички истеъмолнинг камайишига, солиқ базасининг қисқаришига ва умуман олганда жамият учун соф йўқотишларга олиб келади.

Босқичма-босқич протекционистик сиёсат тоталитар режими томонидан маъмурий-буйруқбозлик тизимида чекланган макон ва замонда олиб борилган. Ҳозирги кунда кузатилаётган давлатлараро миқёсда ташкил этилган божхона иттифоклари кўринишидаги протекционизмнинг «танланган» реставрацияси халқаро ташкилотлар томонидан келажакдаги глобал эркин савдо тизимини яратиш йўлида фаоллик билан ишлаб чиқилаётган қонун-қондалар билан уйғунлашиб бормокда.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Протекционистик чора-тадбирларни вақтинча жорий этиш аҳолини аксарият қисмининг турмуш даражаси пасайиши ҳисобига ишлаб чиқарувчилар ва давлатнинг даромадларини оширишни қўллаб-қувватлайди. Бу узок муддат давом этса, миллий бойлик камаяди ва мамлакатнинг ХИМдаги мавқеи қусизланади.

## **Назорат саволлари**

1.Ташки савдода протекционистик чора-тадбирларни қўллаш туфайли ишлаб чиқарувчилар даромадларининг ошишини қандай тушунтириш мумкин?

2.Протекционизм сийёсатидан давлатнинг тактик ютуғи ва стратегик йўқотиши нималардан иборат?

3.Эркин рақобат бўлмаган шароитда истеъмолчиларнинг мутлак зарар кўриши сабабларини айтинг.

## **13-боб. Ташқи савдони давлатлараро тартибга солиш**

### **1-§. Ташқи савдони давлатлараро тартибга солишнинг моҳияти ва кўринишлари**

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишгина эмас, балки кейинги ўн йилликларда бу соҳада турли-туман давлатлараро ўзаро алоқа кўринишларининг вужудга келиши билан биргаликда кузатилмоқда. Бу тамойил бир неча сабабларга асосланган:

- Хўжалик ҳаётининг байналмилаллашувини чуқурлашуви;
- Товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омиллари жаҳон бозорининг кенгайиши;
- Трансмиллий компанияларнинг ривожланиши;
- Кўплаб халқаро ташкилотларнинг пайдо бўлиши.

Бунинг натижасида бир мамлакатнинг тартибга солиш тадбирлари бошқа давлатларнинг иқтисодиётига бевосита таъсир кўрсатади ва улар ҳам ўзларининг истеъмолчилари ва ишлаб чиқарувчиларини ҳимоя қилиш мақсадида жавоб тадбирларини кўради, бу ҳолат тартибга солиш жараёнини давлатлараро миқёсда мослаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

Мослаштириш жараёни: *А) икки томонлама шартномалар; Б) ҳудудий характердаги кўп томонлама битимлар; В) глобал характердаги кўп томонлама конвенциялар* асосида амалга оширилиши мумкин.

Ташқи савдони давлатлараро тартибга солиш ташкилотларига аъзо мамлакатларнинг мақсадлари билан боғлиқ равишда ТИФни тартибга солиш усулларини мувофиқлаштиришни икки кўринишга ажратиш мумкин. Уларнинг асосий моҳияти куйидагилардан иборат:

- *Товарлар ва ишлаб чиқариш омиллари йўлидаги тўсиқларни бартараф қилиш;*

- *Миллатлараро институтлар билан яхлит иқтисодий ти-  
зилининг шаклланиши йўналишида ҳаракат қилиш.*

Оммабоп адабиётда ТИФни мувофиқлаштиришнинг кўрсатиб ўтилган ҳар икки кўринишини кўпинча иқтисодий интеграция тушунчаси билан бирлаштирилса-да, иқтисодий интеграция том маънода фақат давлатларнинг хўжалик сиёса-тини мослаштиришнинг иккинчи вариантыга мос келади.

Кейинги параграфда ташқи савдони давлатлараро тартибга солишнинг биринчи кўринишини божхона иттифоқларининг шаклланиши мисолида кўриб чиқамиз. Ҳозирги пайтда дунёда уларнинг сони йигирмадан ортик.

## **2-§. Божхона иттифоқлари**

Ҳуқуқий нуқтаи назардан божхона иттифоқи (БИ) икки ва ундан ортик давлатлар ўртасида ўзаро ва учинчи мамлакатлар-га нисбатан соддалаштирилган солиқ сиёсатининг ўтказилишини ақс эттиради. Иқтисодий нуқтаи назардан эса божхона иттифоқларини ташкил этиш, бу ягона иқтисодий ма-конни шакллантириш ва бу макон доирасида ҳар қандай бож-хона чегараларини бартараф этишни англатади.

ТИФни давлатлараро тартибга солишнинг бу кўриниши БИ қатнашчилари ўртасида божсиз савдонигина эмас, балки унинг ташқи чегараларида мувофиқлаштирилган тарифни жо-рий қилишни ҳам назарда тутди. Божхона иттифоқининг эр-кин савдо ҳудудидан фарқи ҳам ана шунда.

Божхона иттифоқларини яратиш ва уларнинг шаклланиши-нинг конкрет натижалари унга аъзо мамлакатларнинг ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳасида юз берадиган таркибий ўзгаришларда ўз аксини топади: талаб ва таклиф нисбий ус-тунлик табиатига мос равишда ўзгаради. Бошқача қилиб айт-ганда, божхона иттифоқи савдонинг кенгайишига қараб тур-муш фаровонлигини оширади, бироқ айни пайтда ишлаб чиқарувчиларнинг арзон маҳсулотлардан қимматроқ товарлар ишлаб чиқаришга мослашишлари натижасида фаровонликни пасайтиради.

Бундан ташқари, божхона иттифоқини шаклланиш жараёнида иккита ёндашув мавжудлигини қайд этиш керак. Бу ёндашувлар товарларга белгиланган умумий ташқи тариф миқдорини бу ташқи тариф ўрнатилмасдан олдин иттифоқ аъзоси бўлган мамлакатда амалда бўлган ўртача ўлчанган тариф миқдорига солиштириш орқали аниқланади. Агар янги тариф ундан олдинги миллий тарифдан юқори бўлса, божхона иттифоқи иштирокчиси бўлган мамлакат нисбатан арзон ташқи таъминлаш манбаларидан иттифоқ ичидаги ресурслар фойдасига воз кечишига тўғри келади. Тавсифланган ҳолатта ўхшаш вазият божхона иттифоқига аъзо мамлакатлар томонидан янги ёқилги ресурслари, материаллар ва бошқаларни ишлаб чиқаришнинг бошланиши билан боғлиқ равишда кузатилиши мумкин.

Агар ўрнатилган тариф ундан олдинги ўртача ўлчанган тарифдан паст бўлса, натижавий баҳоларни ҳисобга олганда ташқи савдонинг ўзгариш вектори учинчи мамлакатлар томон йўналади. Бундай ҳаракатлар одатда рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва божхона иттифоқи иштирокчиларининг ташқи иктисодий фаолиятини жадаллаштириш мақсадида олиб борилади.

Ташқи савдони давлатлараро тартибга солишнинг кенг тарқалган кўриниши сифатида божхона иттифоқи ҳақида гапирганда шуни эсдан чиқармаслик лозимки, унинг фаолияти узок вақт мобайнида алоҳида олинган мамлакатнинг жами товарлар ва хизматлар номенклатурасига тарқалмаслиги мумкин. Божхона иттифоқларининг ривожланиш жараёни биргаликда тартибга солиш соҳасининг аста-секин кенгайиб боришидан гувоҳлик беради, яъни босқичма-босқич олиб бориладиган жараён охир-оқибат миллатлараро мувофиқлаштирувчи ташкилотлар ва институтларни ташкил этиш масаласини кун тартибига қўяди.

Эркин савдо ҳудудидан божхона иттифоқи ва умумий бозор орқали ягона валютага эга бўлган бир бутун иктисодий уюшмагача бўлган катта йўлни босиб ўтган Европа Иттифоқининг ташкил бўлиш тарихи бунга яққол мисол бўла олади. Худди шу йўналишда бошқа ҳудудий гуруҳлар (АСЕАН ва бошқалар) ривожланиб бормоқда.

### **3-§. КОКОМ фаолияти**

Бизни кизиктираётган соҳани давлатлараро тартибга солишга бошқа бир мисол сифатида Ғарб мамлакатлари ва социалистик лагеръ ўртасида товар оқимларини чеклаш учун, албатта сиёсий омилларни ҳисобга олган ҳолда АҚШ ташаббуси билан 1949 йилда ташкил қилинган Экспорт назорати бўйича мувофиқлаштирувчи комитет (КОКОМ)нинг фаолиятини келтириш мумкин. Комитет фаолиятининг асоси сифатида Ғарб давлатларига душман саналган мамлакатларга экспорт қилиш таъқиқланган стратегик жиҳатдан муҳим ҳисобланган товарларнинг мувофиқлаштирилган рўйхатидан фойдаланилади. КОКОМнинг қарорлари расман тавсиявий характерга эга бўлса-да, АҚШ ва унинг иттифокдошлари одатда унинг самарали бажарилишига миллий қонунлар қабул қилиш орқали эришишган.

Социалистик лагерда юз берган демократик ўзгаришлар КОКОМни ўз фаолиятининг асосий йўналишини ўзгартиришга мажбур этди ва КОКОМ сафига бир қатор собиқ социалистик давлатлар қўшиб олинди. Масалан, Россия КОКОМнинг жаҳоннинг «қайноқ нуқталарига» ёки тажаввузкорлиги қутилаётган мамлакатларга маҳсулот экспортини чеклаш ва лицензиялаш қондасига рози бўлди.

1993 йилнинг охирига келиб, КОКОМ янги сиёсий ва иқтисодий манфатлардан келиб чиқиб қайтадан ташкил этилиши тўғрисида қарор қабул қилди.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

ТИФни давлатлараро тартибга солиш икки ва кўп томонлама табиатга эга. ТИФ товар оқимлари йўналишларини келишиб олиш билан чекланиши мумкин, бу эса тариф сиёсатини соддалаштириш асосида божхона иттифокларининг шаклланишига олиб келади. ТИФни тартибга солиш жараёнлари ташқи савдо доирасидан четга чиқиб, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига ҳам кенг тарқалмоқда, натижада миллий хўжалик комплексларининг яқинлашиши ва кейинчалик бирлашиши содир бўлмоқда. Социалистик

мамлакатларга экспортни чеклаган КОКОМ сингари аввалги халқаро ташкилотлар ҳозирги пайтга келиб ўз фаолиятини қайта қурмоқда.

### **Асосий тушунчалар**

Божхона иттифоқи — икки ва ундан ортиқ давлатларнинг бир-бирига ва учинчи мамлакатларга нисбатан соддалаштирилган тариф сиёсатини ўтказишидир.

### **Назорат саволлари**

1. Давлатлараро ташқи савдони тартибга солишнинг асоси ва кўринишларини тушунтириб беринг.
2. Божхона иттифоқи нима?
3. Божхона иттифоқида ташқи тариф даражаси иштирокчи-мамлакатлар иктисодиётига қандай таъсир кўрсатади?



## **14-боб. Товар ва тарифлар бўйича Бош келишув ва унинг халқаро савдони тартибга солишга таъсири**

### **1-§. ГАТТнинг имзоланиши сабаблари**

Иккинчи жаҳон уруши арафасида, айниқса, уруш йилларида давлат томонидан иктисодиётни тартибга солиш амалиётининг тарқалиши жаҳон савдосида божхона тўсиқлари ва бошқа турли чеклашларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бу номенклатуранинг кенгайишини ва ўзаро товар етказиб бериш ҳажмини сезиларли даражада тўхтатиб қўйди, бунинг натижасида юзага келган муаммони фақатгина икки томонлама битимлар билан ҳал этишнинг иложи бўлмади. Халқаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама шартномаларга ўтишни амалга ошириш зарурияти туғилди. Бундай ташкилотлар яратиш ғоясини Дж. М. Кейнс каби 30-йилларнинг машҳур иктисодчилари илгари суришди.

Шунинг учун урушдан кейин Гаванада бўлиб ўтган давлатлараро савдони тартибга солишга бағишланган анжуманнинг чақирилишини ХИМнинг ривожланишида табиий ҳодиса деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ форумнинг европалик иштирокчилари процедура масалалари бўйича АҚШнинг қатъий талабларига дуч келишди, бу талабларнинг бири лойиҳалаштирилаётган ташкилотнинг аъзоларига бериладиган овозлар квотасини белгилаш бўйича эди. Гап шундаки, америкаликлар делегацияси европаликларнинг «бир мамлакат - бир овоз» принципи бўйича овоз бериш тўғрисидаги таклифидан фаркли ўларок, овозлар сони мамлакатнинг жаҳон савдосидаги улушига мутаносиб бўлишини ёқлаб чиқишди.

Аммо Гавана Анжуманининг барбод бўлиши параллел равишда Женева шахрида музокаралар олиб боришга ҳалакат бермади. Бу музокараларнинг натижаси 1947 йил 30 октябрда савдо ва тарифлар бўйича вақтинчалик халқаро актни қабул

килиниши бўлди. Унинг дастлабки матни - ГАТТ (General Agreement on Trade and Tariffs - GATT).

1948 йил 1 сентябрда 23 давлат томонидан ГАТТ имзоланганидан кейин битим кучга кирди. Ҳозирги пайтда унга халқаро ҳуқуқ субъектлари бўлган 148 мамлакат қўшилишган.

## **2-§. ГАТТнинг тамойиллари, вазифалари ва тузилмаси**

Дастлаб Савдо ва тарифлар бўйича Бош келишув уч қисмдан иборат эди. Биринчи қисм ўзаро энг қулай режим ва божхона преференциялари рўйхати ҳақида иккита моддани ўз ичига олган эди. Иккинчиси 21 моддадан иборат бўлиб, савдо сиёсатининг асосий тамойилларидан ташкил топган эди. 13 моддадан иборат бўлган учинчи қисм процедура масалаларига бағишланган эди.

1964—1968 йилларда ривожланаётган мамлакатлар тазийки остида ГАТТнинг тўртинчи, якувловчи қисми ишлаб чиқилди. У ёш, яъни колониал мутеликдан озод бўлган мамлакатларнинг тезкор равишда иктисодий ривожланишига кўмак бериш муаммосини очиб берарди.

ГАТТ моддалари мураккаблиги ва зиддиятлилиги билан ажралиб турса-да, бир қатор мустаҳкам постулатлар (исботсиз қабул қилинадиган қоидалар) улар учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Улар қуйидагилар:

- Ўзида энг қулай шароит яратиб бериш режимини акс эттирувчи ўзаро ён бериш тамойили;
- Барча иштирокчи-давлатлар билан бир хил муносабатда бўлиш тамойили, бу камбағал, иктисодий кучсиз ёки ҳудуди ва аҳолиси жиҳатидан кичик мамлакатларни камситмасликни назарда тутати.
- Савдода божхона тарифлари ва тарифсиз чеклаш усулларини аста-секин камайтириб бориш тамойили, бу ташки савдони эркинлаштиришни назарда тутати;
- Бир томонлама ҳаракатлар олиб боришнинг номақбуллиги тамойили, бу ТИФ соҳасида қарорлар қабул қилишдан олдин кўп томонлама маслаҳатлар ўтказишни талаб қилади;

- Хусусий-хукукий асосда савдо муносабатлари олиб бориш тамойили, бу тамойил туфайли давлат монополияси сиёсатини амалга оширишга ва ГАТТ таркибига СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг киришига йўл қўйилмаган.

Кўп томонлама келишув вазифалари хақида гапирганда, куйидагиларни қайд этиб ўтиш мумкин:

1) жаҳон савдоси мониторинги;

2) савдо соҳасидаги конкрет келишмовчиликлар бўйича халқаро арбитраж;

3) савдо масалалари бўйича ҳужжатлар тайёрлашда БМТга ёрдам бериш;

4) божхона тўсиқлари ва тарифсиз чеклашларни аста-секин бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш.

ГАТТнинг пировард максади - халқаро эркин савдо.

ГАТТнинг вазифалари келишувга аъзо давлатларнинг амалий фаолияти тузилмаси ва кўринишлари аниқлаб берди. Келишув имзоланган пайтдан бошлаб, барча жорий ишларни бажариш *секретариатга* юкланди. *Секретариат* Женевада жойлашган бўлиб йилда бир марта анжуманлар - сессиялар ўтказар эди. Булардан ташқари ГАТТ тарихида «раунд»лар номини олган кўп томонлама маслаҳатлар ўтказилади.

Уругвай раунди номи билан тарихга кирган раундда 125 мамлакат қатнашди ва у ўзига хос муҳим аҳамият касб этди. Унда энг кўп вакиллар иштирок этди, музокаралар вақти энг узок давом этди (97 ой). Раунднинг конкрет натижалари сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

- Умумжаҳон савдо ташкилотини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.
- ГАТТни Савдо ва хизматлар бўйича Бош келишув билан тўлдириш (ГАТС).
- УСТ учун жуда муҳим бўлган учинчи ҳужжат - интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича Бош келишув (ТРИПС)ни ишлаб чиқиш бўйича консенсусга эришиш.
- Ривожланган мамлакатлар томонидан кўпчилик рақобатбардош товарларга божхона божларини тўлик бартараф этиш ёки радикал қисқартириш (5 фонзгача).

- Кўпчилик божхона бождарини соддалаштириш (масалан, божхона бождини ҳисоблаш учун асос сифатида товар фактурасида қайд этилган нархдан фойдаланишга қарор қилинди).
- Экспортга субсидиялар беришни таъқиқлаш (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга тўловлардан ташқари).

Бу барча масалалар Уругвай раундининг - Монтевидео Анжуманининг якуний ҳужжатида ўз аксини топди. Бу Анжуман янги аср бўсағасида жаҳон савдосини ислоҳ қилиш йўлларини белгилаб берди.

1995 йилда ўз ўрнини УСТга бўшатиб берган ГАТТ фаолиятига яқун ясар эканмиз, у ТИФни эркинлаштириш жараёнида, товар оқимлари номенклатурасининг кенгайиши ва ҳажмининг ошишида муҳим аҳамият касб этди ҳамда ташқи савдо соҳасидаги энг обрўли ташкилотга айланди.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Савдони глобал эркинлаштириш жараёнида, унинг номенклатураси ва жуғрофий йўналишларининг ўзгаришида ГАТТ муҳим аҳамият касб этди. Ҳозирги пайтга келиб, ГАТТ мақсадлари, вазифалари ва функциялари янада комплекслаштирилган ҳолда ташкил этилган янги ташкилот - УСТнинг таркибий қисмига айланди. Ўзбекистон Республикасининг УСТга кириши жуда муҳим вазифа ҳисобланади. Умумжаҳон савдо ташкилоти мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасида товар оқимларини тартибга солиш муаммолари билан шуғулланувчи энг салмоқли тузилмага айланди.

### **Асосий тушунчалар**

ГАТТ — Савдо ва тарифлар бўйича Бош келишув — ташқи савдо операцияларини ўтказишда белгиланган тамойилларга амал қилишга рози бўлган мамлакатларни бирлаштирувчи савдо ва тариф масалалари бўйича халқаро акт

### **Назорат саволлари**

1. ГАТТнинг имзоланиши сабабларини айтинг.
2. ГАТТ доирасида давлатлараро мувофаклаштиришнинг та-  
мойиллари ва кўринишлари қандай?

## **15-боб. Умумжаҳон савдо ташкилоти**

### **1-§. Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ)нинг ташкил этилиши ва унинг ГАТТдан фарқи**

Савдо ва тарифлар бўйича Бош келишувнинг «меросхўри ва давомчиси бўлган» Умумжаҳон савдо ташкилоти (World Trade Organization)ни ташкил этиш ҳақида келишув 1994 йилда Уругвай раунди якунлангандан сўнг Марракешда (Марокко) имзоланди. ГАТТ тарихидаги кўп томонлама маслаҳатлар охириги раундининг барча иштирокчиларини қарорига кўра УСТ умумжаҳон савдосининг ягона ҳуқуқий ва институционал асоси деб тан олинади.

Бу икки ташкилотнинг меросийлиги ва бир-бирига ўхшашлигига қарамадан, улар орасида сезиларли фарқлар ҳам мавжуд:

1. ГАТТ БМТнинг «махсуслаштирилган ташкилот» деган махсус статусига эга эмас эди, УСТ бу статусни олди.

2. ГАТТ вақтинчалик қоидалар мажмуаси кўринишидаги давлатлараро келишувни акс эттирар эди, УСТ эса тўлақонли ва доимий мажбуриятларга эга ҳамиша ҳаракатда бўлган ташкилот ҳисобланади.

3. ГАТТ қоидалари фақат товарлар савдосига тааллуқли эди, УСТ эса хизматлар, интеллектуал мулк, сифат ва экология стандартлари ҳамда ташкилот аъзолари ўртасидаги келишмовчиликлар билан ҳам шуғулланади.

Буларнинг барчаси янги тузилма фаолиятининг сифат жиҳатдан янада юқорирок даражасидан далолат беради. УСТни ташкил қилиш А.Смитдан тортиб Дж. М. Кейнсгача бўлган ўтмишнинг буюк иқтисодчилари ғояларининг ҳаётга тадбиқ этилишини акс эттирар эди.

### **2-§. УСТнинг тамойиллари, мақсад ва вазифалари**

УСТнинг асосий тамойиллари қуйидагилар саналади:

- *Дискриминацияларсиз савдо* (келишишган томонлар божхона божлари ва йиғимларидан фойдаланишда бошқа ҳар қандай

мамлакатга қандай қулай шарт-шароитлар яратиб берса, бир-бирига ҳам худди қулайликлар яратиш мажбуриятини олади);

- *Савдода тарифсиз чеклашларни аста-секин бартараф этиб бориш;*
- *Бозорга кириш йўллари узлуксиз кенгайтириб бориш;*
- *Адолатли, соф рақобатга қўмаклашиш;*
- *Ривожланиш ва иқтисодий ислоҳатларни рағбатлантириш.*

УСТнинг энг муҳим мақсадлари сифатида жаҳон иқтисодиётини мустаҳкамлаш, халқаро савдони кенгайтириш, инвестицияларни рағбатлантириш, бандлик даражасини ошириш, сайёрамизда барча мамлакатлар аҳолиси турмуш фаровонлигини кучайтириш кабиларни айтиш мумкин.

Бу ташкилотнинг вазифалари ҳақида гапирганда, уларнинг ГАТТ вазифаларига нисбатан сезиларли даражада мураккаб-лашганини таъкидлаб ўтиш керак. Хусусан, УСТ куйидагиларни амалга оширади:

- Товар ва хизматлар глобал ва ҳудудий бозорлари мониторинги.
- Ташки савдо соҳасида масалалар бўйича ҳукукий шасхлар томонидан маслаҳатлар бериш.
- Стратегик ва жорий муаммолар ҳамда савдо юз берадиган баҳслар юзасидан кўп томонлама учрашувлар ва музокара-лар ўтказиш.
- Ўз ваколати доирасида бошқа халқаро ташкилотлар фаолияти мувофиқлаштириш.
- Товарлар, хизматлар ва интеллектуал мулк масалалари бўйича ҳукукий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.
- Экологик ва бошқа стандартлар глобал тизимини тайёрлаш.

### **3-§. УСТ тузилмаси ва фаолияти**

Ҳозирги пайтда Умумжаҳон савдо ташкилоти барча китъалардан 148 давлатни бирлаштириб турибди. Бундан ташқари бешта мамлакат УСТнинг барча шартларини бажарган, бироқ хали у билан битим имзолагани йўқ, бошқа 30 дав-

лат эса, Ўзбекистон ва МДХнинг бошқа аъзоларини ҳам қўшганда, бу ташкилот билан ўз муносабатларининг турли боскичларида туришибди.

**УСТга аъзо мамлакатлар ва аъзо бўлган санаси  
(2005 йил 26 майгача бўлган ҳолат).**

Мамлакат	Аъзо бўлган санаси	Мамлакат	Аъзо бўлган санаси
Австралия	1 январь 1995 й	Марокко	1 январь 1995 й
Австрия	1 январь 1995 й	Мексика	1 январь 1995 й
Антигуа ва Барбуда	1 январь 1995 й	Мьянма (Бирма)	1 январь 1995 й
Аргентина	1 январь 1995 й	Намибия	1 январь 1995 й
Бангадеш	1 январь 1995 й	Нигерия	1 январь 1995 й
Барбадос ороллари	1 январь 1995 й	Нидерландия	1 январь 1995 й
Баҳрайн	1 январь 1995 й	Янги Зеландия	1 январь 1995 й
Белиз	1 январь 1995 й	Норвегия	1 январь 1995 й
Бельгия	1 январь 1995 й	Покистон	1 январь 1995 й
Бразилия	1 январь 1995 й	Парагвай	1 январь 1995 й
Бруней	1 январь 1995 й	Перу	1 январь 1995 й
Буюк Британия	1 январь 1995 й	Португалия	1 январь 1995 й
Венгрия	1 январь 1995 й	Руминия	1 январь 1995 й
Венесуэла	1 январь 1995 й	Свазиленд	1 январь 1995 й
Габон	1 январь 1995 й	Сенегал	1 январь 1995 й
Гайана	1 январь 1995 й	Сент-Винсент ва Гренадина	1 январь 1995 й
Гана	1 январь 1995 й	Сент-Люсия	1 январь 1995 й
Германия	1 январь 1995 й	Сингапур	1 январь 1995 й
Гондурас	1 январь 1995 й	Словакия Рес.	1 январь 1995 й
Гонконг, Хитой	1 январь 1995 й	АҚШ	1 январь 1995 й
Греция	1 январь 1995 й	Суринам	1 январь 1995 й
Дания	1 январь 1995 й	Тайланд	1 январь 1995 й
Доминикан	1 январь 1995 й	Танзания	1 январь 1995 й
Европа Ҳамдўстлиги	1 январь 1995 й	Уганда	1 январь 1995 й
Замбия	1 январь 1995 й	Уругвай	1 январь 1995 й
Ҳиндистон	1 январь 1995 й	Филлипин	1 январь 1995 й
Индонезия	1 январь 1995 й	Финляндия	1 январь 1995 й
Ирландия	1 январь 1995 й	Франция	1 январь 1995 й
Исландия	1 январь 1995 й	Чехия	1 январь 1995 й
Испания	1 январь 1995 й	Чили	1 январь 1995 й
Италия	1 январь 1995 й	Швеция	1 январь 1995 й



Канада	1 январь 1995 й	Шри-Ланка	1 январь 1995 й
Корея (республика)	1 январь 1995 й	ЖАР	1 январь 1995 й
Кения	1 январь 1995 й	Япония	1 январь 1995 й
Коста-Рика	1 январь 1995 й	Тринидад ва Тобаго	1 март 1995 й
Кот-д'Ивуар	1 январь 1995 й	Зимбабве	5 март 1995 й
Кувейт	1 январь 1995 й	Доминикан Рес.	9 март 1995 й
Люксембург	1 январь 1995 й	Ямайка	9 март 1995 й
Маврикия	1 январь 1995 й	Турция	26 март 1995 й
Макао, Хитой	1 январь 1995 й	Тунис	29 март 1995 й
Малайзия	1 январь 1995 й	Куба	20 апрель 1995 й
Мальта	1 январь 1995 й	Исроил	21 апрель 1995 й
Колумбия	30 апрель 1995 й	Бенин	22 февраль 1996й
Сальвадор	7 май 1995 й	Гренада	22 февраль 1996
Ботсвана	31 май 1995 й	БАА	10 апрель 1996 й
Гвинея-Бисау	31 май 1995 й	Руанда	22 май 1996 й
Джибути	31 май 1995 й	Папуа-Янги Гвинея	9 июнь 1996 й
Лесото	31 май 1995 й	Соломон орол.	26 июль 1996 й
Мавритания	31 май 1995 й	Чад	19 октябрь 1996
Малави	31 май 1995 й	Гамбия	23 октябрь 1996
Мали	31 май 1995 й	Ангола	23 ноябрь 1996 й
Мальдив	31 май 1995 й	Болгария	1 декабрь 1996
Того	31 май 1995 й	Катар	13 декабрь 1996 й
Марказий Африка Рес.	31 май	Нигер	13 декабрь

	1995 й		1996
Буркина-Фасо	3 июнь 1995 й	Конго (Дем. Рес.)	1 январь 1997 й
Миср	30 июнь 1995 й	Монголия	29 январь 1997 й
Польша	1 июль 1995 й	Конго	27 март 1997 й
Швейцария	1 июль 1995 й	Панама	6 сентябрь 1997 й
Гватемала	21 июль 1995 й	Киргизистон	20 декабрь 1998
Бурунди	23 июль 1995 й	Латвия	10 февраль 1999 й
Сьерра-Леоне	23 июль 1995 й	Эстония	13 ноябрь 1999 й
Кипр	30 июль 1995 й	Иордания	11 апрель 2000 й
Словения	30 июль 1995 й	Грузия	14 июнь 2000 й
Мозамбик	26 август 1995г.	Албания	8 сентябрь 2000 й
Лихтенштейн	1 сентябрь 1995й	Оман	9 ноябрь 2000 й
Никарагуа	3 сентябрь 1995й	Хорватия	30 ноябрь 2000 й
Боливия	12 сентябрь 199й	Литва	31 май 2001 й
Гвинея	25 октябрь 1995й	Молдова	26 июль 2001 й
Мадагаскар	17 ноябрь 1995й	Хитой	11 декабрь 2001 й
Камерун	13 декабрь 1995й	Хитой Тайлсйн	1 январь 2002 й
Фиджи	14 январь 1996 й	Арманистон	5 февраль 2003 й
Эквадор	21 январь 1996 й	Македония	4 апрель 2003 й
Гаити	30 январь 1996 й	Непал	23 апрель 2004 й
Сент-Кристофер ва Невис	21 февраль 1996й	Камбоджа	13 октябрь 2004 й

Манба: УСТ маълумотлари бўйича.

ГАТТдан мерос қилиб олинган УСТнинг штаб-квартираси Женевада жойлашган. УСТнинг олий органи аъзо мамлакатлар вакилларидан ташкил топган Вазирлар Анжумани ҳисобланади. У икки йилда камида бир марта чақирилади. Биринчи ва ҳозирча охирги шундай учрашув 1996 йил декабрда Сингапурда бўлиб ўтган. Анжуманнинг барча қарорлари консенсус билан, иложи бўлмаган тақдирда бир мамлакат - бир овоз принципи бўйича қабул қилинади.

*Баҳсларни ҳал этиш бўйича комиссия* ва *Савдо сиёсатини назорат қилиш бўйича комиссиялари* ўз таркибига олувчи *Умумий Кенгаш* УСТнинг жорий ишларининг бажарилишига масъулдир. Кенгаш ишида УСТга аъзо-мамлакатларнинг элчилари иштирок этади.

Умумий кенгаш ўзининг вазифаларини учта асосий ёрдамчи органларга юклайди. Бу органларга, яъни *Товар савдоси бўйича кенгаш*, *Хизматлар савдоси бўйича кенгаш* ва *Интеллектуал мулк ҳуқуқи аспекти бўйича савдо кенгашига* бир неча махсус комитетлар бўйсунди.

УСТ тузилмасининг охирги унсури — *Секретариат* — *Бош директор* (ҳозирги пайтда бу мансабни италиялик Р. Руджеро эгаллаб турибди) ва унинг тўртта ўринбосари томонидан бошқарилади. Улар ташкилот аъзолари ўртасида ва УСТга аъзо бўлмаган мамлакатлар билан музокараларни тайёрлаш ва маслаҳатларни амалга оширишга жавоб беради.

Умумжаҳон савдо ташкилотининг амалий фаолияти унинг аъзоларини таклифлари, ишбилармон доиралар ва жамоатчи ташкилотлар (масалан, истеъмолчилар) фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда ташкиллаштирилади. УСТ ривожланаётган мамлакатларга техник ёрдам кўрсатади, ушбу гуруҳга кирувчи давлатлар, шунингдек, собик социалистик лагерь вакиллари учун кадрлар тайёрлайди. Ташкилот уч тилда "WTO Focus" бюллетенини йилига ўнга сон даврийлик билан нашрдан чиқаради.

1968 йилдан бери ГАТТ, кейинчалик УСТнинг «биргаликдаги фарзанди» бўлган Халқаро савдо маркази - Савдо ва тараққиёт бўйича БМТ Анжумани (ЮНКТАД) фаолият олиб бормокда.

УСТ фаолиятини молиялаштириш манбалари канташчиларнинг жаҳон савдосидаги улушидан келиб чиккан холда белгиланган бадаллари ҳисобланади.

Умумжаҳон савдо ташкилоти фаолиятининг истикболли йўналишлари сифатида ахборот технологиялари бозорини эркинлаштириш, халқаро меҳнат стандартларини ишлаб чиқиш, хорижий инвестицияларни сугурталаш бўйича конвенцияни тайёрлаш, атроф-муҳитни химоялаш бўйича қоидалар мажмуини қабул қилиш кабиларни кўрсатиш мумкин.

1994 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Республикаси ГАТТнинг кузатувчиси мақомини олди. Ўзбекистон Республикаси ГАТТ билан бошлаган музокараларини УСТ билан давом эттирмоқда, зеро ҳозирги пайтда Умумжаҳон савдо ташкилотига республикамизнинг тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб қўшилиши тўғрисидаги масала ўрганиб чиқилмоқда. Бинобарин, республикамизнинг бу соҳадаги қонунчилиги УСТ қоидаларига мослаштирилмоқда. Бу жараёни амалга ошириш республикамиз ташқи савдосини тартибга солувчи миллий меъёрлар, қоидаларни бир шаклга солишга ёрдам беради, бу эса юртимизни УСТ таркибига киришини енгиллаштирибгина қолмай, ортиқча расмиятчиликларга барҳам бериб ташқи иқтисодий фаолият харажатларини камайтиради. Агар республикамиз УСТга аъзо бўлса, мазкур ташкилотга аъзо бўлган 100 дан ортиқ мамлакатлар билан савдо-сотик қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асосларга ва имтиёзларга эга бўлади.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Умумжаҳон савдо ташкилоти мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасида товар оқимларини тартибга солиш муаммолари билан шуғулланувчи энг салмоқли тузилмага айланди. УСТ ўз фаолияти доирасига хизматлар, муаллифлик ҳуқуқлари, транспорт ва бошқа соҳаларни ҳам киритганлиги билан янада кенгайиб бормоқда. Ҳозирги пайтга келиб ҳеч бир мамлакат, жумладан Ўзбекистон ҳам УСТ ишларида иштирок этишдан бош торта олмайди, акс холда иқтисодий тараққиёт борасида бир чеккада қолиб кетиши мумкин.

## **Асосий тушунчалар**

УСТ — Умумжаҳон савдо ташкилоти — халқаро савдони институционал ва ҳуқуқий асосини ташкил этувчи мустақил давлатлараро ташкилот.

## **Назорат саволлари**

1. ГАТТ ва УСТнинг фарқлари нимада?
2. УСТнинг тамойиллари, мақсад ва вазифалари қайсилар?
3. УСТ тузилмаси ва фаолиятининг асосий йўналишларини тавсифлаб беринг.

## 16-боб. Халқаро товар айирбошлаш битимлари

### 1-§. Халқаро савдо ҳуқуқларини соддалаштириш бўйича конвенциялар ва бошқа актлар

Йилдан-йилга экспорт-импорт операциялари ҳажмининг ошиб бориши ва номенклатурасининг кенгайиб бориши бу операцияларни амалга оширишнинг мувофиқлаштирувчи жараёни ўрнатувчи халқаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тузиш заруриятини олдиндан белгилаб берди.

60-йилларнинг бошидан бошлаб БМТ тасарруфидаги ҳукуматлараро ташкилотлар (Савдо ва тараққиёт бўйича Анжуман - ЮНКТАД, Халқаро савдо ҳуқуқлари бўйича Комиссия - ЮНСИТРАЛ, Умумжаҳон савдо ташкилоти) ва бир қатор ноҳукумат тузилмалари, айниқса, Халқаро савдо палатаси ва Божхона тарифларини нашр этиш бюроси кўмагида халқаро савдонинг бу соҳасини тартибга солувчи асосий ҳужжатларини ишлаб чиқишга киришишди.

Савдо анъаналари ва қоидаларини кодлаштириш ишига БМТ доирасида фаолият олиб борувчи Халқаро хусусий ҳуқуқни унификациялаш институти - ЮНИДРУА ҳам катта ҳисса қўшди. ЮНИДРУА мутахассислари 1964 йилда Гаага конвенциясининг асосий қоидаларини ишлаб чиқишди:

- Халқаро товарлар олди-сотдиси бўйича ягона қонуни тўғрисида конвенция;
- Халқаро товарлар олди-сотди шартномаларини тузиш тўғрисида ягона қонуни ҳақида конвенция.

Кўрсатиб ўтилган меъёрий ҳужжатлар «оферта» (аниқ шартлар асосида битим тузиш таклифи) ва «акцепт» (битим тузилганлигини билдирувчи оферта қабул қилинганлигига розилик), эғалик қилиш, мулкчилик ва таваккалчилик ҳуқуқининг бир шухсдан иккинчисига ўтиши, зарур бўлган хусусиятларга эга бўлмаган товарларни олганда импортёр ҳуқуқини химоя қилишга тегишли умумий қоидаларни мувофиқлаштирди.

Халқаро савдо ҳуқуқини такомиллаштириш йўналишидаги навбатдаги кадам 1980 йилда Вена конвенциясида қабул қилинган БМТнинг халқаро товарлар олди-сотдиси шартнома-

лари тўғрисида Вена конвенцияси - ЮНСИТРАЛнинг ишлаб чиқилиши бўлди. Вена конвенцияси факатгина бу ҳужжатни имзолаган давлатларнинг (1997 йилда 40 та аъзо давлат) ҳуқуқий муносабатларигагина тегишли эмас. Конвенция иштирокчилари ва учинчи давлатлар ўртасидаги баҳсларни ҳал этишда халқаро хусусий ҳуқуқ меъёрларига кўра устуворлик иштирокчи мамлакатларга тегишли бўлади. Кўриб чиқилаётган ҳужжатнинг муҳим хусусияти шундаки, унга кўра конвенция иштирокчиси мажбуриятларнинг факат бир қисмини ўз зиммасига олиши мумкин.

ЮНСИТРАЛ патронажи остида ишлаб чиқилиб, 1974 йилда қабул қилинган ва олти йилдан сўнг протокол кўринишида ўзгартирилган Халқаро товарлар олди-сотдисида даъво муддати бўйича БМТ конвенцияси Вена конвенциясига зарурий кўшимча бўлди.

1983 йилда Халқаро товарлар олди-сотдисида вакиллик ҳақида конвенция, 1986 йилда эса халқаро товарлар олди-сотдиси шартномаларида қўлланиладиган ҳуқуқ ҳақидаги Гаага конвенцияси (Халқаро хусусий ҳуқуқ ҳақида конвенция) дунё юзини кўрди, зеро бу конвенциялар керакли сондаги иштирокчилар томонидан ратификацияланмагани учун ҳали ҳуқуқий кучга кирмаган.

Факультатив ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган, аммо жаҳон савдоси амалиётида фаол қўлланиладиган ҳужжатлар қаторига Халқаро савдо палатаси томонидан тайёрланган куйидаги ҳужжатларни киритиш мумкин:

- Халқаро савдо атамаларини изоҳлаш қодалари - ИНКОТЕРМС (1990 йилда таҳрир қилинган).
- Савдо маълумотларини компьютар воситалари орқали халқаро микёсда етказиб бериш тўғрисидаги соддалаштирилган ахлоқ қодалари. Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) билан биргаликда тайёрланган (1988 йилда таҳрир қилинган).

Бундан ташқари ЕИК операциялар хусусиятларига боғлиқ бўлган конкрет олди-сотди шартномаларини тузиш бўйича 30

дан ортик тавсиявий характерга эга бўлган турли хил регламентлар. дастуриамал ва кўлланмалар қабул қилди.

Худди шунга ўхшаш амалиёт ЮНСИТРАЛ фаолиятида ҳам кузатилади, ЮНСИТРАЛ БМТнинг саноат ривожланиши бўйича ташкилоти - ЮНИДО билан биргалликда Саноат объектлари қурилишида халқаро битимлар тузиш бўйича ҳуқуқий Дастуриамални ишлаб чиқди (1988 й.).

Халқаро савдо келишувлари шарҳини тугатар эканмиз, Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши ишлаб чиққан етказиб беришнинг умумий қоидаларини ҳам эсга олиш жоиздир. Бу қоидалар социалистик мамлакатларнинг савдо блоки - Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари ўртасида товар айирбошлаш амалиётида 1979 йилдан бошлаб, то у 1991 йилда тарқалиб кетгунча амалда бўлган ҳуқуқий меъёрлар мажмуасидир (иккинчи таҳрири - 1989 й.). Бутунги кунда бу ҳужжат ЎИЁКнинг собиқ аъзолари ўртасида шартномалар имзоланишида фақатгина факультатив таъсир кўрсатиши ҳақида гапириш мумкин.

## **2-§. Айрим хом ашё товарлари халқаро савдосини тартибга солиш амалиёти**

Хом ашё товарлари хусусида экспортёр-давлатлар ёки импортёр-давлатлар иштирокчилар томонидан мувофиқлаштирилган нарх ва савдо сиёсати олиб борувчи - *картеллар* тузиш орқали кўп томонлама келишувлар тузадилар.

Бундай ташкилотлар фаолиятининг натижаси нарх тебранишларининг секинлашиши, талаб ва таклиф мутаносиблигига эришиш, импортёрлар томонидан товарлар хариди бўйича квота ва мажбуриятларини экспортёр-мамлакатларга бириктириб қўйиш, буфер захиралари тизими (buffer stocks)ни ташкил этиш кабилар ҳисобланади. Ҳозирги пайтда хом ашё ишлаб чиқарувчи мамлакатларнинг, ҳудудий табиатга эга бўлган ҳужжатларни ҳам қўшганда, 20 дан ортик халқаро товар келишувлари мавжуд.

Кўрсатиб ўтилган соҳадаги энг машҳур ва эътиборли тузилма 1960 йил Боғдод Анжуманида ташкил этилган Нефт экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) ҳисобланади. ОПЕК таркибига 12 та давлат қиради. Штаб-квартираси Вена-



да жойлашган. Ташкилот низомида ОПЕКнинг бош мақсади - *халқаро нефть бозорини барқарорлаштириш учун аъзо давлатлар нефть сийсатини мувофиқлаштириш ва соддалаштириш* қондаси акс эттирилган.

### **3-§. МДХ мамлакатлари доирасида товар битимлари**

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) 1991 йил декабрда СССРнинг учта собиқ республикаси - Россия, Украина ва Белорусия Келишув (8 декабрь) ҳамда Олма-ота декларацияси ва Келишув Протоколига (21 декабрь) асосан ташкил этилди.

1992 йилда имзоланган Низом 12 та аъздан иборат янги халқаро интеграцион гуруҳ ташкил этилганлигини мустаҳкамлади, 1993 йил 24 сентябрда иқтисодий иттифокни яратиш ҳақида Келишув умумий иқтисодий маконда товарлар, хизматлар, капиталлар ва ишчи кучининг эркин ҳаракат қилишини назарда тутарди. Келишувнинг 8-моддасида «Ўзаро савдода Келишувчи томонларнинг ички бозорлари интеграциясини ҳисобга олган ҳолда келиб чиқувчи эркин (келишилган) нархлар қўлланилади» деган сўзлар битилган. Бунда келишувчи томонлар ўз навбатида «ўзларининг хўжалик юритувчи субъектларига нисбатан нарх дискриминациясини қўлламасликка» ваъда беришади.

Бирок иқтисодий иттифок тузилгунгача, 1992 йил 20 мартда Киевда гуруҳнинг 11 аъзоси (Озарбайжондан ташқари) “Мустақил давлатлар Ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг ташкилотлари ўртасида товар етказиб бериш умумий шартлари тўғрисида Келишув”ни имзолашди, бу келишув ҳамдўстлик ичида экспорт-импорт битимларини расмийлаштириш жараёнини тартибга солади.

МДХ мамлакатлари келажакда ўз ҳудудларида эркин савдо ҳудуди, божхона иттифоқи, кейинчалик эса Европа Иттифоқи моделига ўхшаш «умумий бозор»ни ташкил этиш вариантини кўриб чиқишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси 1994 йил 10 январда Қозоғистон Республикаси билан ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш тўғрисида шартнома имзолади. Кейинчалик бу шартнома-

га Қирғизистон Республикаси ҳам кўшилди. Фан, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, туризм ва спорт соҳасида ҳамкорликни кучайтириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар ҳам имзоланди. Уч давлат ўртасида ягона иқтисодий макон тўғрисида тузилган шартнома бу мамлакатлар ўртасида товарлар, хизматлар, капиталлар, ишчи кучининг эркин ҳаракатланишини, кредит, ҳисоб-китоб, бюджет, солиқ, нарх, божхона ва валюта сиёсатини баҳамжиҳатлик билан ўтказишни кўзда тутади. Шу жумладан, саноатни интеграциялаштирадиган дастур ишлаб чиқилди.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Халқаро товар битимлари жаҳон савдосининг муҳим дастаклари саналади. Ҳозирги пайтда халқаро савдо муносабатлари соҳасидаги асосий ҳужжат Халқаро савдо тўғрисида Вена конвенцияси саналади. Ҳом ашё товарлари экспорт-импорти картель характердаги икки ва кўп томонлама ҳуқуқий актлар (ОПЕК) билан тартибга солинади. Худудий ташкилотлар доирасида (мас. МДХ) товар оқимларини шу худуд чегарасида тартибга солувчи битимлар қабул қилинган.

### **Асосий тушунчалар**

*Оферта* — аниқ шарт-шароитлар асосида битим тузиш таклифи.

*Акциент* — битим амалга ошганлигини англатувчи офертанинг қабул қилинганлигига розилик бериш.

### **Назорат саволлари**

1. 60-йиллардан бошлаб халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган асосий товар келишувларини айтинг.
2. Халқаро ҳам ашё товарлари савдоси қандай тартибга солинади?
3. Халқаро савдо соҳасида МДХ мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлигининг хусусиятларини тушунтириб бering.

## 4-бўлим. ХАЛҚАРО КАПИТАЛ МИГРАЦИЯСИ

### 17-боб. Капитал олиб чиқишнинг моҳияти ва кўринишлари

#### 1-§. Жаҳон капитал бозорининг моҳияти ва пайдо бўлиш жараёни

Жаҳон капиталлар бозори (ЖКБ) жаҳон иктисодиётининг асосий унсурларидан бири саналади ва у ишлаб чиқариш омилларидан бири бўлган молиявий ресурслар ҳаракатини таъминлайди.

Замонавий ЖКБнинг шаклланиши XIX ва XX асрлар бўсағасида юз берди. Бу пайтда бир қатор етакчи мамлакатларда (Буюкбритания, Франция, Германия, АКШ ва қисман Россия ҳамда Японияда) миллий ҳудуд чегарасидан олиб чиқилиб, бошқа мамлакат хўжалигида фойдаланиш мумкин бўлган нисбатан ортиқча капитал жамғармалари пайдо бўлди.

Молиявий ресурсларнинг бу тарздаги миграциясидан асосий мақсад бир мамлакат ички муомаласидан олинган пул маблағларини қабул қилиб олувчи мамлакатга юқори даромад олиш мақсадида самарали жойлаштириш ҳисобланади.

Капитал миграциясининг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: маълум давлат ҳудудидан молиявий ресурсларни олиб чиқувчи шахснинг (инвестор) бу ресурслардан бошқа мамлакат иктисодиётида фойдаланиши орқали қўшимча фойда олиш имкониятининг борлиги; инвесторларнинг ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳажми ва номенклатурасини кенгайтиришга интилиши; ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари: ишчи кучи, товарлар, хизматлар, ахборотларни айирбошлашга рағбатлантириш.

Ривожланган инфратузилма ва халқаро ҳуқуқий майдоннинг мавжудлиги ҳудудий ва глобал миқёсда капитал ҳаракатини сезиларли равишда осонлаштиради. Ушбу жараён-

да давлат тузилмалари, хусусий компаниялар, халқаро ташкилотлар ва жисмоний шахслар фаол иштирок этишади.

Экспертларнинг баҳолашича, капитал экспортининг ўсиш суръати савдо ва ишлаб чиқаришга нисбатан олдинда бормоқда. Хусусан, охириги ўттиз йил давомида хорижий инвестициялар ҳажми 16 мартадан кўпроққа ўсди.

Ҳозирги кунда халқаро капитал бозори куйидаги қатор хусусиятлар билан характерланади:

1. Капитал экспортининг жуғрофий тузилмасидаги ўзига хос ўзгаришлар.

2. Молиявий ресурслар миграциясида давлат ролининг ортиши (айниқса, ХВФ каналлари бўйича ва «ривожланишга расмий ёрдам» бўйича).

3. Трансмиллий корпорациялар фаолияти доирасида тўғри инвестициялар аҳамиятининг ортиб бориши.

4. АҚШ - Ғарбий Европа - Япония учбурчагида капитал оқими ҳажмининг энг катта миқдорда сакланиб қолиши.

5. Капитал ҳаракати билан боғлиқ молиявий ва ахборот-технология тармоқларини тез ривожланиб бориши (масалан, оффшор ҳудудларни ташкил этиш орқали).

Сўнгги ўн йилликлардаги энг муҳим халқаро муаммо дунёдаги кўпчилик ривожланаётган ва ўтиш даври иктисодиётли мамлакатлар ташқи қарзларининг катта миқдордалиги бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари 90-йилларнинг ўрталарига келиб, ЖКБ аввалига Лотин Америкаси мамлакатлари (Мексика, Бразилия, Аргентина)да тарқалган, кейинчалик Жанубий-Шарқий Осиё (Таиланд, Индонезия, Малайзия), Тайван, Жанубий Корея ва ҳатто Японияни эгаллаб олган глобал миқёсдаги молиявий инкирозга юз тутди.

## **2-§. Капитал олиб чиқиш кўринишлари**

Капитал олиб чиқиш жараёнини унинг у ёки бу қиррасини ақс эттирувчи мезонларга боғлиқ равишда синфларга ажратиш мумкин. *Капитал ҳаракати манбалари* нуктаи назаридан, ҳукуматлараро келишувларга мос равишда эътиборли давлат органлари қарорига биноан давлат бюджетидан расмий молия-

вий ресурсларни олиш (бу типга халқаро ташкилотлар маблағлари ҳам киради) жараёни ёки хусусий, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг тузилган шартномалар асосидаги инвестицион фаолияти натижасида капитал экспортига эга бўламиз.

*Иқтисодий мазмунига* боғлиқ равишда бўш турган маблағлар *тадбиркорлик капитали* (маълум миқдордаги фойдани дивиденд кўринишда олиш ҳуқуқига эга бўлиш мақсадида ишлаб чиқаришга маблағ қўйишга асосланган) ва *суда капитали* (фоиз олиш мақсадида қарз олувчига пул маблағи беришни ифода этади) кўринишида бўлиши мумкин.

*Муддатидан* келиб чиқадиган бўлсак, *қисқа* (бир суткадан бир йилгача), *ўрта* (бир йилдан беш йилгача) ва *узоқ* (беш йилдан ортқ) муддатли капитал қўйилмалари бўлиши мумкин. Аниқ бир муддатни танлаш тузилаётган шартнома шартлари билан аниқланади.

Ва, ниҳоят, *фойдаланиш мақсадига* кўра, капитал қўйилмалари *тўғри* ва *портфель* инвестицияларга бўлинади. Тўғри инвестициялар капитал қўйилган объектни бошқариш (назорат қилиш)ни назарда тутаяди, портфель инвестициялар эса капитал қўйилаётган объект қимматли қоғозлари (акциялар, сертификатлар, полислар кабилар)ни сотиб олиш ва эмиссия қилишда ўз аксини топади ҳамда факатгина фойда олиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Жаҳон хизматлар бозорининг ривожланиш жараёнида капитал олиб чиқишнинг кўрсатиб ўтилган синфлашда келтирилган турли хил кўринишлари орасидаги чегаралар «йўқолиб бормокда». Халқаро ҳамкорликнинг янги кўринишлари: консалтинг, лизинг, форфейтинг ва бошқалар ХИМнинг савдо, валюта, кредит, ахборот соҳалари чегарасида кенг тарқала бошлади.

### **3-§. Умумжаҳон банки гуруҳининг фаолияти**

Юқорида қайд этиб ўтилгандек, капитал бозорида глобал ва худудий даражадаги халқаро ташкилотлар сезиларли ўринга эгадирлар. Йирик капитал қўйилмалари лойиҳаларини амалга оширувчи, ривожланган мамлакатлар томонидан ривожланаётган ва

Ўғиш даври иқтисодиётли давлатларга берилаётган иқтисодий ёрдамни мувофиқлаштирувчи, бошқа халқаро ташкилотларга ўз таъсирини ўткази олувчи Умумжаҳон банки энг эътиборли инвестицион институтларнинг бири ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Умумжаҳон банки жами 85 млрд. доллар миқдоридagi капиталга эга бўлган ва бешта ўзаро бир-бири билан боғлиқ тузилмадан таркиб топган кўп томонлама кредит ташкилоти ҳисобланади. Бу беш институт қуйидагилар саналади:

1. *Халқаро тиклаш ва тараққиёт банки (ХТТБ)*. Бреттон-Вудсдаги иқтисодий Анжуман қарорига биноан 1945 йилда, Халқаро валюта фонди билан бир пайтда ташкил этилган. 180 та давлатни бирлаштирган. ХТТБни Олий органи Бошқарувчилар Кенгаши ҳисобланади. Таркибида 24 аъзони бирлаштирган ижрочи-директорлар кенгаши ХТТБ президенти раҳбарлигида доимий фаолият олиб боради. 1995 йилдан бери америкалик Дж. Вулфенсон ХТТБ президенти лавозимида ишлаб келмоқда. Банк томонидан Вашингтон, Париж, Лондон ва Токиода очилган ахборот марказлари айрим мамлакатлар ва ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишининг шарҳлари билан таниш имконини беради.

2. *Халқаро молия корпорацияси (ХМК)*. ХТТБнинг махсус шаҳобчаси сифатида 1956 йилда ташкил этилган. ХМКнинг асосий мақсади - ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётига хусусий сектор билан ҳамкорликда кўмаклашиш.

3. *Халқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ)* 1960 йилдан бошлаб ўз фаолиятини бошлаган. Кам ривожланган мамлакатларга фойсиз кредитлар бериш билан шуғулланади. ХТТБ банки ўз молиявий ресурсларининг асосий қисмини облигация заёмларини жаҳон бозорига жойлаштириш орқали олса, ХТУ маблағларининг манбаи донор-мамлакатларнинг аъзолик бадаллари ҳисобланади.

4. *Инвестицион можароларни тартибга солиш бўйича Халқаро марказ (ИМТСХМ)* 1966 йилда ташкил топди. Ҳукуматлар ва хорижий инвесторлар ўртасидаги баҳсларни тартибга солиш ва ўзаро муроСага келтириш билан шуғулланади.

5. *Инвестицияларни кафолатлаш бўйича Халқаро агентлик (ИКХА) ўз фаолиятини 1988 йилдан бошлаган. У хорижий инвесторларни ривожланаётган мамлакатларда фаолият олиб бориш жараёнида тижорий хавф-хатардан суғурталашни амалга оширади.*

Умумжаҳон банки гуруҳи ва Халқаро валюта фонди фаолиятларида ташқи ўхшашлик бўлса-да, улар бир-бирдан фарқ ҳам қилади. Умумжаҳон банкига фақатгина ХВФ таркибига кирувчи давлатлар аъзо бўлиши мумкин. ХВФ валюта-молия соҳасида ҳаракат қилади, УБ эса мақсадли инвестицион лойиҳалар билан шуғулланади. ХВФ барча хоҳловчиларга қарз бериши мумкин, Умумжаҳон банки эса фақат ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётли давлатларга кредит беради, бу кредитларнинг кўп қисми 15-20 йил муддатга ҳамда ўртача 7-8 фоиз ставкасига мўлжалланган.

Кейинги пайтда мутахассислар доирасида Банк фаолияти бир хилда баҳоланаётгани йўқ. Дунёнинг турли ҳудудларида амалга оширилган муваффақиятли лойиҳалар билан бир қаторда Банк дастурларининг 80 фоизи яқунланмай қолди ёки амалга ошириш босқичида бекор қилинди. Бундан ташқари, бу ташкилот адресига экологлар ва Банк фаолиятидаги қоғозбозликдан қутулишдан манфаатдор бўлган йирик компанияларнинг вакиллари томонидан танқидий фикрлар айтилди.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Жаҳон капитал бозорининг замонавий кўриниши XIX ва XX аср бўсағасида шаклланди. Бу даврда капитални ички муомаладан олиб максимал даражада фойда олиш мақсадида хорижга чиқариш учун шароитлар етилди. Ривожланган капитал бозорлари жаҳон иқтисодиётида вақтинча бўш турган молиявий ресурслар миграциясининг кўринишлари ва усулларини дифференциялаш билан биргаликда кузатилади. Бунда бешта ўзаро бир-бири билан боғлиқ тузилмадан иборат Умумжаҳон банки муҳим аҳамиятга эга.

## **Асосий тушунчалар**

Тўғри инвестициялар — фойда олиш билан биргаликда капитал кўйилаётган объект устидан назоратни таъминлаш ҳуқуқини берувчи капитал кўйилмалари.

Портфель инвестициялар — хўжалик объектини эксплуатация қилиш орқали даромад олиш ҳуқуқини кафолатловчи капитал кўйилмалари.

Умумжаҳон банки — ўзаро бир-бири билан боғлиқ бешта институтдан таркиб топган кўп томонлама кредит ташкилоти.

## **Назорат саволлари**

1. Жаҳон капитал бозорининг вужудга келиш сабаблари қайсилар?
2. Замонавий ЖКБнинг ўзига хос белгиларини айтинг.
3. Капитал олиб чиқишнинг қандай асосий кўринишларини биласиз?
4. Умумжаҳон банкининг тузилмаси ва вазифалари қандай?



## **8-боб. Тўғри ва портфель инвестициялар**

### **1-§. Тўғри хорижий инвестицияларнинг моҳияти ва аҳамияти**

Тўғри капитал қўйилмаларини амалга ошириш ҳар қандай иктисодиётнинг юрагига - ишлаб чиқариш босқичига таъсир килади. У инвесторга тадбиркорлик фойдасини олиш билан бирга капитал қўйилган объект устидан бошқарув назоратини таъминлаш имкониятини беради. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, тўғри хорижий инвестицияларнинг йиллик умумий ҳажми 2000 йилда 500 млрд. долл.дан ошиб кетди (1995 йилда - 315 млрд. долл.).

Тўғри инвестицияларнинг асосий каналлари йирик корпорацияларнинг шахобчалари ва шўъба корхоналари, шунингдек, 10 фоиздан 50 фоизгача хорижий капитал улушига эга бўлган акционерлик компаниялари, бошқа қўшма корхоналар (ҚК) ни-зом капиталига қўйилган маблағлар ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда инвестициялашнинг ўзига хос белгилари қуйидагилар саналади:

- Фойдани қайта инвестициялаш ролининг кучайиши (айниқса, йирик корпорациялар ичида);
- Инвестиция оқимларини давлат томонидан тартибга солиш-нинг эркинлаштирилиши.

80- ва 90-йилларда инвестицион фаолликнинг ошиб бори-шини бош сабаби трансмиллий корпорациялар (бош фирмалар сони 40 минг, шахобчалар сони 270 мингтага етган) фаолияти-нинг кескин кенгайиб боришида бўлди. Тўғри капитал қўйилмалари ТМҚга қабул қилувчи мамлакатда барқарор ички бозорни ҳамда глобал ва ҳудудий микёсдаги давлатлараро му-носабатларда уларнинг манфаати ҳисобга олинишини таъмин-лар эди.

### **2-§. Портфель инвестицияларнинг хусусиятлари**

Портфель инвестициялар тўғри инвестициялардан мақсадларига кўра фарқ килади, яъни улар капитал қўйилган

объектни назорат қилиш ҳуқуқини бермайди, фақатгина «портфел»даги сотиб олинган улушга мос равишда даромад олиш ҳуқуқини беради, одатда, бу улуш халқаро амалиётда 10 фоиздан ошмайди.

Аниқ бир компаниянинг инвестиция «портфели» анъанавий акциялардан ташқари, облигациялар, депозит сертификатлари, гаров гувоҳномалари, суғурта полислари, ваучер каби-лардан иборат бўлиши мумкин.

Портфель инвестицияларнинг ҳаракати кўпроқ давлат ёки хусусий компаниялар томонидан у ёки бу кўринишдаги қимматбаҳо қоғозлар бўйича тўланадиган фоиз ставкаларидаги фарқ миқдорига боғлиқ.

Жҳон статистикасида портфель инвестицияларга юқори даражада таваккалчилик билан боғлиқ лойиҳаларга венчур капитал кўйилмалари ва жисмоний шахсларнинг суғурта ҳамда нафақа фондларига аннуитет (шахсий жамғарма) кўйилмаларини ҳам киритилади.

Одатда портфель инвестицияларни йирик хусусий инвестицион банклар воситачи сифатида амалга оширишади.

Тўғри ва портфель инвестициялар солиштирилганда шу ҳолга амин бўламызки, тўғри инвестиция киритишда инвесторни капитал қўйиш объекти кўпроқ қизиқтиради.

### **3-§. Инвестицион муҳит тушунчаси**

Хориждан инвестиция қабул қилаётган ҳар бир мамлакатда уларнинг ўзигагина хос бўлган инвестицион муҳит мавжуд. Инвестицион муҳит — мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг самарали айланиши учун зарур бўлган шарт-шароитлар мажмуасидир.

Бу мажмуа қуйидаги асосий шартларни ўз ичига олади:

- Миллий иқтисодиётнинг умумий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар (ЯИМ ҳажми, ЯИМнинг ўсиш суръатлари, инфляция ва ишсизлик даражаси, ишчи кучи қиймати ва ҳоказолар).

- Инвестицияларни рағбатлантириш бўйича давлат сиёсати (айниқса, хўжалик амалиётига давлат аралашувининг табиати ва кўринишлари).
- Мавжуд хўжалик фаолияти конунчилиги, энг аввало, инвестиция оқимларини тартибга солиш соҳасида.
- Мамлакатнинг халқаро ташкилотларда иштироки.

Кўрсатиб ўтилган омиллардан келиб чиқсак, энг қулай инвестиция муҳити бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда мавжуд, зеро бу давлатларда «Халқаро инвестициялар учун тамойиллар» (1972 йилда Халқаро савдо палатаси томонидан тасдиқланган) ва «Капитал ҳаракатини эркинлаштириш кодекси» (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан 1961 йилда қабул қилинган) каби асосий меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

Айни пайтда кўпгина ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатларда миллий ишлаб чиқарувчиларни ички бозорда ҳимоялаш мақсадида хорижий капитал кўйилмалари йўлига тўсиқлар қўйилган ва чеклашлар сақланиб қолган. Масалан, маҳаллий корхоналарда хорижий мулкка лимит ўрнатилади, фойдани олиб чиқиб кетиш каттик назорат остига олинади, валюта операциялари тартибга солинади. Бундан ташқари, ривожланмаган иқтисодий муҳитга чет элдан молия ресурсларини кириб келишига юқори даражадаги сиёсий хавф-хатар ва хўжалик ҳаётининг криминаллашуви ҳам жиддий тўсиқ бўлади.

Бундай шароитларда хорижий инвестицияларни давлат томонидан ва халқаро миқёсда қафолатлаш муҳим роль ўйнайди. Бундай қафолатларни Умумжаҳон банки гуруҳига кирувчи ташкилотларидан бири - Инвестицияларни қафолатлаш бўйича Халқаро агентлик тақдим этади.

### **Ўбнинг қисқача мазмуни**

Тўғри ва портфель инвестициялар жаҳон капитал бозорининг асосини ташкил этади. Замонавий шарт-шароитлардаги тўғри капитал кўйилмаларининг энг етакчи тамойили ТМК фаолияти кўламининг кенгайиши билан боғлиқ. Хориждан мо-

лиявий ресурслар жалб қилишда зарурий иқтисодий омиллар асосида таъминланувчи инвестиция муҳити катта роль ўйнайди.

### **Асосий тушунчалар**

*Инвестицион муҳит* — мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг самарали айланиши зарур бўлган шарт-шароитлар мажмуаси.

### **Назорат саволлари**

1. Тўғри ва портфель инвестицияларнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?
2. «Инвестицион муҳит» атамаси нимани англатади?

## **19-боб. Капитал экспортининг жуғрофий тузилмасидаги ўзгаришлар**

### **1-§. Инвестиция оқимлари йўналишининг ўзгаришидаги асосий тамойиллар**

Жаҳон инвестиция оқимлари миқёси ва жуғрофиясини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, инвестициялар бозорида етакчи ўринларни иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар эгаллаб келишмоқда. АҚШ - Ғарбий Европа - Япония учбурчаклини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.

Бу соҳада АҚШ шак-шубҳасиз биринчи ўринда бормоқда, у энг яқин ракобатчиларини икки мартадан кўпроқ орқада қолдириб кетмоқда. Америка капитали экспортининг жами йиллик ҳажми фақатгина тўғри инвестициялар орқали 700 млрд. долл.дан ошмоқда.

Бу рейтингда кейинги икки ўринни Буюкбритания ва Япония эгаллаб келяпти (ҳар бири 300 млрд. долл.дан ортиқ). Кейинги ўринларда Германия, Франция, Нидерландия, Канада, Швейцария, Италия боришмоқда.

Кейинги йигирма йил ичида капитал асосан тадбиркорлик кўринишида иқтисодий жиҳатдан энг тез ривожланаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги давлатлар гуруҳи, яъни янги индустриал давлатлар томонидан фаол олиб чиқилди. Улар қаторида Тайвань, Жанубий Корея, Форс кўрпазининг нефть казиб олувчи монархиялари (Саудия Арабистони, Қувайт, БАА), Жанубий Африка Республикаси, Бразилия, Мексика ва бошқаларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бироқ бу жараённинг кўлами ҳали унчалик катта эмас. Бундан ташқари 1995-1997 йиллардаги молиявий кризис ЯИД иқтисодиётида бўш турган капиталлар захирасини сезиларли камайтириб юборди.

90-йилларда жаҳон бозоридаги янги тамойил сифатида собиқ социалистик мамлакатлардан капитал олиб чиқиш тан олинди. Бу ерда Хитой ва Россия етакчилик қилишмоқда. Рос-

сиянинг капитал қўйилмаларининг йўналиши устун равишда МДХ мамлакатлари билан боғлиқ.

XXI аср бўсағасида инвестиция оқимлари жуғрофиясидаги асосий ўзгаришлар ҳақида гапирганда қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш жоиз:

- Капитал экспорти (асосан тўғри инвестициялар) ҳажмида АҚШ ва бошқа ривожланган иқтисодиётлар (энг аввало, ЕИ) ўртасидаги фарқнинг кискариши.
- Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар молиявий бозорларнинг бекарорлиги шароитида АҚШ, ЕИ ва Япониянинг капитал импортёри сифатидаги ролининг ошиб бориши.
- ТМК инвестиция оқимлари йўналишида анъанавий устуворликларнинг сақланиб қолиши. Масалан, америка корпорациялари асосий эътиборни Ғарбий Европа ва Лотин Америкасига қаратишади, европаликлар эса ўзларининг Африкадаги етакчи мавқеини сақлаган ҳолда АҚШ бозорини эгаллашга интилишади. Япония корпорациялари асосан Осиё мамлакатларини мўлжалга олишади.
- Умумжаҳон банки, Европа тиклаш ва тараққиёт банки ҳамда худудий молия-кредит муассасалари ва фондлари каби халқаро ташкилотлар ролининг кучайиши.

## **2-§. Капитал экспортининг замонавий жуғрофий тузилмаси**

Юқорида баён қилинган тамойиллар ҳаракатига мос равишда хорижий инвестицияларнинг миллий бозорларга тақсимланиши қуйидагича тавсифланади: ривожланган мамлакатлар гуруҳига 65 фоиз, ривожланаётган мамлакатларга деярли 32 фоиз, ўтиш иқтисодиётли давлатларга 3 фоиздан камроқ.

Илғор иқтисодий мамлакатлар хўжалигида инвестицияларнинг сезиларли равишда ўсиши ахборотлаштириш ва интеграциянинг шиддатли ривожланиши натижасида бу давлатлар иқтисодиётида юз берган қайта қуришлар, шунингдек, ТМКлар қўшилишидаги конъюнктуравий жараёнларга асосланган. Энг фаол-инвестор корпорациялар рейтингини халқаро тадбиркорликнинг «китлари» - "Ройял-Датч Шелл" ва "Экссон" нефть

концернлари, "Форд" ва "Тойота" автомобиль гигантлари, "Дженерал электрик" ва "Юнилевер" машинасозлик гуруҳлари, "Майкрософт" ва "Интел" каби компьютерлаштириш соҳасидаги етакчи компаниялар бошқариб боришмоқда.

Кўп марта таъкидлаб ўтилгандек, чет элдан капитал жалб қилишда жиддий муаммоларга дуч келаётган ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётли давлатлар бозори ҳақида сўз юритганда, импорт қилинаётган маблағларнинг ҳажмида алоҳида мамлакатлар солиштирма оғирлигининг қуйидагича нисбатини кўрамыз:

- ЖАР — 12,8%;
- Мексика — 12%;
- Бразилия — 11,6%;
- Малайзия — 10%;
- Тайвань — 6,5%;
- Россия — 5,1%;
- Бошқалар — 42%.

Хорижий инвестицияларнинг китъалар бўйича тақсимланишини кўриб чиқадиган бўлсак, вазият қуйидагича: Осиёга 65 фоиз, Лотин Америкасига 27 фоиз, Африкага фақат 8 фоиз тўғри келади.

### **3-§. Жаҳон капитал бозорида Ўзбекистоннинг ўрни**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инвестиция муҳити сезиларли равишда яхшиланди. Ҳозирги пайтда хорижий инвестицияларга эга корхоналар ҳам қонуний кафолатлар, ҳам фискал имтиёзларга эга.

Хорижий капиталнинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги аҳамияти йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу тўғри хорижий инвестициялар (ТХИ) миқдорининг ошиб бориши, уларнинг ЯИМ, ташқи савдо айланмаси ва аҳоли бандлигидаги улушининг кўпайишида ўз аксини топмоқда.

ТХИ фаолиятини тартибга солувчи қонуний асос сифатида 1994 йил 5 майда Ўзбекистон Республикасининг "Хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторлар фаолиятини кафолатлаш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки АҚШ, Япония, Туркия, Кореянинг экспорт-импорт банклари, халқаро молия институтлари, экспортни суғурталаш агентликлари, жаҳоннинг йирик банклари ва бошқалар томонидан очилган кредит линияларига хизмат кўрсатади. Бу линиялар орқали республика учун муҳим бўлган, миллий иктисодиёт тузилмасини қайта қуришни таъминловчи инвестицион лойиҳалар кредитланади. Масалан, ЕТТБнинг 60 млн. АҚШ долл. миқдорига тенг биринчи кредит линияси тўлиқ ўзлаштирилган, ЕТТБнинг худди шу миқдордаги иккинчи кредит линияси ва Осие тараккиёт банкнинг 50 млн. АҚШ долл.га тенг кредит линияси ўзлаштириш арафасида. Бу линиялар бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилган ва ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Институционал қайта қуришлар соҳасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун зарур бўлган шароитлар яратиш учун бир қатор ишлар амалга оширилган. «Ўзбекинвест» Миллий суғурта компанияси, ТИФ МБ ва АҚШнинг «ALG, Inc» молия гуруҳи билан биргаликда қўшма компаниялар ташкил этилган. Сиёсий хатардан сақлаш компаниясининг штаб-квартираси Лондонда, Тижорий хатардан сақлаш компаниясининг штаб-квартираси Тошкентда жойлашган.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан Канада, Хитой, Туркия, Голландия, Швейцария каби давлатларнинг банк ва фирмалари билан 35 дан ортиқ ҳукуматлараро битимлар имзоланган ва улар ҳозирги пайтда ҳаракатдадир.

«Ўзбекистон» меҳмонхона мажмуаси базасида Ўзбекистон ва Малайзиянинг қўшма корхонаси ташкил қилинган ва бунга 35,1 млн. АҚШ долл.га тенг маблағ жалб этилган. Хусусийлаштириш ва инвестициялар бўйича Ўзбекистон Халқаро Банки - Ўзприватбанк иш бошлади. Унинг таъсис этувчилари «Мис Пирсон» банки (Голландия), «АЙОК» (АҚШ) халқаро корпорацияси ва Ўзбекистон Республикаси давлат мулк кўмитаси ҳисобланади.

Республикада яратилган қулай инвестиция муҳити туфайли йилдан-йилга республикада иктисодиётига кириб кела-



ётган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми ошиб бормоқда. Агар бу маблағларнинг умумий капитал қўйилмалар ҳажмидаги улуши 1994 йили 0,6 фоиздан кам бўлган бўлса, 1997 йилга келиб 19,9 фоизга етди, бу 1,1 млрд. АҚШ долл.га тенг дегани.

Республикада хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига Асака автомобиль заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Зарафшон-Ньюмонд қўшма корхонаси ва бошқа муҳим аҳамият касб этувчи йирик объектлар қурилиши амалга оширилди.

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар фаолиятини тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий асосни такомиллаштиришга, хориж капиталини янада жалб қилиш ва янги қўшма ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун макроиктисодий шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

### 8.1 - жадвал. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

	Улчов бирлиги	2003	2004	2004 й. 2003 й.га нисбатан % да
Маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат ва хизматлар	млрд. сўм	1441,3	1958,4	х
Фаолият юритаётган корхоналар сони	дона	2209	2412	109,2
Ташқи савдо айлан- маси	млн. долл.	1422,8	1950,9	137,1
Экспорт	млн. долл.	564,4	785,2	139,1
Импорт	млн. долл.	858,4	1165,7	135,8

Республика ташки савдо айланмасида ХИКларнинг улуши	%	21,3	22,5	х
Республика жами экспортида ХИКларнинг улуши	%	15,2	16,2	х
Жами махсулотлар ишлаб чиқаришда ХИКларнинг экспорт улуши, меҳнат ва хизматлар	%	38,1	41,0	х
Республика жами импортида ХИКларнинг улуши	%	29,0	30,5	х
Экспортнинг импортга нисбатан коэффициенти	коэф-т	0,66	0,67	х

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

\* ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

Корхоналарни хусусийлаштириш жараёнида иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, миллий валютанинг жорий халқаро операциялар бўйича эркин конвертациялашнинг кiritилиши, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҚҚСдан ташқари бошқа солиқлардан озод этиш, божхона тарифлари орқали тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналарнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва ташки савдо фаолиятининг ижобий томонга ўзгаришига таъсир кўрсатди.

2004 йилда хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналарда 1958,4 млрд. сўмлик махсулот ишлаб чиқарилган ва хизматлар кўрсатилган. Фаолият юритаётган

хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар сони 203 тага кўпайди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналарда юкори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга автомобил, енгил саноат, озик-овқат, рангли металлургия корхоналари катта хисса қўшди.

2004 йилда, шу жумладан 4 чорақда ташки савдо айланмаси 37,1% ва 30,0%га ўсди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналарнинг республика ташки савдо айланмасидаги улуши таҳлил қилинаётган давр мобойнида 1,2 фоиз ва 1,0 фоиз даражага ортди.

2004 йилда хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар экспорти республика бўйича 785,2 млн. долл.ни ёки республика умумий экспортининг 16,2%ни ташкил этди ва 2003 йилга нисбатан 139,1%га ошди. Машинасозлик (2 баробар), кимё саноати (1,6 баробар), ёкилги энергетика саноати (1,5 баробар), металлургия (1,4 баробар) тармоқлари тез суръатлар билан ривожланди.

Экспортнинг товарлар таркибида ижобий ўзгаришлар юз берди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар экспортида “бошкалар” гурухидан ташқари машина ва ускуналар (28,4%), хизматлар (5,0%), озик овқат (3,9%), энергетика маҳсулотлари (3,6%) нисбатан катта бўлган улушларни ташкил этди, шу жумладан, 4 чорақда машинасозлик мажмуи экспорт улуши бирмунча ошди (даврлар бўйича мос равишда 9,0 фоиз ва 6,9 фоиз даража). Машинасозлик маҳсулотлари экспортида “ЎзДЭУавто” ҚК маҳсулотлари етакчилик қилиб келмоқда. ҚК томонидан 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 18556 донга кўп енгил автомобиллар экспорт қилинган. Россия автомобил бозорига “Nexia” ва “Matiz” автомобилларини етказиб бериш 1,7 баробар ошди. “ЎзДЭУавто” автомобиллари Россияда сотилаётган автомобилларнинг ўнлигида 4 ўринни эгаллади<sup>2</sup>. Қўшма корхоналар маҳсулотини рақобатбардошлигини ошишининг асосий омили маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ бутловчи алохида

қисмларини ички ишлаб чиқаришда кенгайтириш эвазига таннархини пасайтириш (ушлаб туриш) ҳисобига эришилди.

Ижобий ўзгаришлардан бири бу пахта толаси экспортининг қисқариши ҳисобланади. Унинг хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар экспортидаги улуши 2004 йилда 1,0 фоиз даражага, 4 чорақда 2,4 фоиз даражага пасайди (8.2 жадвал).

**8.2 – жадвал. Хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар экспортининг товар таркиби, (%)**

	2004 й. 2003 й.га нисбатан % да	2003	2004
Жами	139,1	100	100
Пахта толаси	96,7	3,3	2,3
Озиқ овқат	127,6	4,2	3,9
Кимё маҳсулотлари	156,0	2,3	2,6
Энергетика маҳсулотлари	149,5	3,3	3,6
Қора ва рангли металллар	137,4	0,8	0,7
Машина ва ускуналар	203,3	19,4	28,4
Хизматлар	157,7	4,4	5,0
Бошқалар	119,6	62,3	53,5

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси

\* ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

**Бобнинг қисқача мазмуни**

Инвестицияларнинг жуғрофий таркибидаги ўзгаришлар бир томондан ривожланган иктисодиётлар ролининг ортиб боришига, иккинчи томондан жаҳон бозорига янги индустриал

мамлакатларнинг катта гуруҳини ва собиқ социалистик давлатларнинг кириб келиши билан боғлиқки, бу халқаро рақобатни кучайтиради ҳамда ТМКларга турли мамлакатлар иқтисодиётларига киритилиши мумкин бўлган тўғри капитал қўйилмалари кўламини кенгайтириш имкониятини беради. Ўзбекистон ҳозирча халқаро капитал бозори тузилмасида камтарона ўринга эга.

### **Асосий тушунчалар**

*Янги индустриал давлатлар* (ЯИД) — иқтисодий жиҳатдан энг тез ривожланаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги давлатлар гуруҳи.

### **Назорат саволлари**

1. Ҳозирги пайтда жаҳон капиталлар бозорида қайси тамойиллар устун?
2. Капитал экспорти ва импортнинг жуғрофий тузилмаси қандай?
3. Инвестиция оқимлари тизимида Ўзбекистоннинг роли ва ўрнини қандай баҳолаш мумкин?

## **20-боб. Инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири ва аҳамияти**

### **1-§. Хорижий инвестицияларнинг экспорт қилувчи мамлакатлар учун аҳамияти**

Бу саволни кўриб чиқисдан олдин шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, замонавий жаҳон иқтисодиётида халқаро капитал бозоридан айри ҳолда деярли бирон-бир мамлакат қолмади. Ҳар бир давлат, одатда, ҳам капитал олиб чиқади ва ҳам олиб киради. Бирок экспорт-импортнинг нисбати бу мамлакатнинг нетто (соф)-экспортёр ёки нетто-импортёр эканлигини кўрсатади.

Инвестиция оқимларининг иқтисодиётга таъсири ҳар икки ҳолатда ҳам турли-туман бўлади, бироқ бир-биридан тубдан фарқ қилади. Ички инвестицияларнинг имкониятлари чегараланган ҳолатларда бўш турган молиявий ресурсларнинг нисбатан ортиқчалиги кузатилганда капитални четга олиб чиқиш талаб ва таклиф қонуни ҳаракати натижасида мамлакатдаги ўртача фойда меъёрининг пасайишини олдини олади, демак, ана шу миллий хўжалик доирасида тадбиркорларнинг инвестицион фаоллигини ушлаб туришга ва мамлакатдаги иш жойларини сақлаб қолишга ёрдам беради. Бундан ташқари бошқа мамлакат ҳудудида олинган юқори даромад ҳисобига миллий иқтисодиётни қайта инвестициялаш мамлакат олдида хўжалик тараққиёти суръатини ошириш истикболларини очади. Капитал олиб чиқишдаги қутилиши мумкин бўлган салбий оқибатлар экспортёрнинг қабул қилиб олувчи мамлакат бозорларида ҳукмрон мавқега эга бўлиши орқали эга бўладиган билвосита таъсир билан компенсацияланади. Инвестиция импорт қилувчилар ўз инвесторлари ва кредиторларига иқтисодий жиҳатдан тобе бўлиб қолишади.

## **2-§. Хорижий капитал қўйилмаларнинг импорт қилувчи мамлакатлар иқтисодиётида тутган ўрни**

Мамлакатда капитал қўйиш усун истикболли соҳалар мавжуд бўлса-ю, ички молиявий ресурслар етишмаса, хорижий инвестицияларни жалб қилиш миллий фойда меъёрининг жаҳондаги ўртача миқдордан юқори бўлишига имконият беради.

Қўшимча капитал қўйилмалари натижасида импортёр-мамлакатда ялпи ишлаб чиқариш ҳажми кенгайди, бу эса янги иш жойларининг очилиши, хом ашёга талабнинг ошиши ва хориждан инвестиция олган ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари экспортининг кенгайишига олиб келади.

Чет эл капиталини жалб қилишнинг салбий жиҳатларига, энг аввало, бу капиталларнинг инвесторлар учун энг фойдали соҳаларга жамланишини кўрсатиб ўтиш мумкин. бу хўжалик-тузилмасидаги номутаносибликни кучайтириши мумкин. Даромаднинг импортёр-мамлакат иқтисодий маконидан чиқиб кетишини ҳам назардан қочирмаслик зарур.

Импортёр-мамлакатлар байналмилал иқтисодий ташкилотларнинг давлатлараро ёрдам дастурлари ва молиявий кўмаклашиш лойиҳалари билан бир қаторда миллий хўжалик комплексларининг ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатувчи ТХИларнинг асосий манбаи бўлган йирик трансмиллий корпорацияларнинг ўсиб бораётган фаоллигига дуч келишмоқда. Шунинг учун ҳам ТМК фаолиятини ўрганиш жаҳоннинг турли мамлакатлари иқтисодиётида инвестицияларнинг роли ва аҳамиятини ифода этувчи иллюстрация сифатида катта қизиқиш уйғотади.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Инвестиция оқимларининг таъсири ҳам капитал олиб чиқувчи, ҳам капитал олиб қирувчи мамлакатлар иқтисодиёти учун етарлича даражада ранг-баранг ва зиддиятлидир. Бундай таъсирнинг аниқ натижаси ички иқтисодий вазият ва жаҳон бозоридаги ташқи конъюнктуравий омиллар билан

белгиланади. Ҳозирги пайтга келиб, нетто-экспортёр ёки нетто-импортёр бўлмаган бирор-бир иктисодиёт қолмади, бироқ алоҳида олинган мамлакатни у ёки бу категорияга киритиш маълум вақт оралиғида олиб кирилган/олиб чиқилган инвестициялар балансига боғлиқ.

### **Назорат саволлари**

1. Капитал экспорт қилувчи ва импорт қилувчи мамлакатлар учун капитал миграциясининг ижобий томонлари қайсилар?
2. Халқаро инвестициялашнинг салбий жиҳатларини тушунтиринг.



## 21-боб. Халқаро кредит

### 1-§. Халқаро кредитнинг ХИМда тутган ўрни

Маълумки, мутахассислар капитал ҳаракатининг икки кўринишини ажратиб кўрсатишади: хўжалик бирликларининг низом фондига инвестиция киритиш билан боғлиқ тадбиркорлик капитали, валюта ва товар ресурсларини қайтаришлик, шошилиқчилик ва тўловлилик шартларида бериш деб тавсифласак бўладиган ссуда капитали. Ссуда капитали бозори субъектлари сифатида тадбиркорлик капиталида бўлганидек, давлат муассасалари, хусусий компаниялар, халқаро ташкилотлар ва жисмоний шахслар чиқиши мумкин. Ўрта асрлардаёқ Шимолӣ Италиянинг баъзи давлатлари худудида (мас. Генуэ ва Венеция республикалари) пайдо бўлган ссуда капитали XX асрда, айниқса, сўнгги йигирма-ўттиз йил ичида кенг миқёсда ривожланди.

### 2-§. Халқаро кредит кўринишлари

Халқаро кредит кўринишларининг хилма-хиллиги иқтисодчиларни бир неча критерийлардан фойдаланишга мажбур этади, уларнинг ичида энг аҳамиятлилари қуйидагилар:

- манбасига кўра - давлат ташкилотлари кредитлари (халқаро ташкилотлар ҳам шунга киради) ва хусусий ташкилотлар кредити;
- мақсадига кўра - тижорий (савдо), молиявий (тўғри ва портфель инвестициялар, қарзларга хизмат кўрсатиш, валютани тартибга солиш) ва аралаш (комплекс хизматлар, жумладан инжиниринг);
- кўриниши бўйича - товар (экспортёрлар - харидорларга) ва валютавий (банклар - миқозларга);
- валютанинг миллий тааллуқчилига кўра - кредитор, қарз олувчи, учинчи давлат, халқаро бирликлар (СДР, евро);
- муддатига кўра - жуда қисқа муддатли (бир суткадан уч ойгача), қисқа муддатли (бир йилгача), ўрта муддатли (бир

йилдан - беш-етти йилгача) ва узоқ муддатли (беш-етти йилдан кўп);

- таъминланишига кўра - таъминланган кредитлар (товардан фойдаланиш ҳукуки ҳужжатлари, тижорий ҳужжатлар, кимматли қоғозлар, моддий бойликлар, кўчмас мулк ва бошқаларни гаровга қўйиш) ва бланк кредитлар (карздор мажбурияти остида кредитни белгиланган муддатда вексель, контокоррент ва овердрафт кўринишида ёпиш) ;
- карз бериш техникаси кўра - фирма кредити (тижорий): молиявий, вексель (соло-вексель кўринишида); очик ҳисоб орқали аванс кредитлари; банк кредитлари: акцепт кредит (ўтказма вексель - траттани ҳисобга олиш кўринишида), акцепт-рамбурс кредит (вексель суммасини импортёр томонидан акцептант банкига ўтказиш - рамбурслаш), брокер кредити, хусусан олдиндан ўрнатилган шартлар билан векселлар ва бошқа карз мажбуриятлари тўлиқ муддатга сотиб олиш билан боғлиқ кредит, яъни форфетирлаш (ҳукукларни нақд тўловга айирбошлаш).

### **3-§. Жаҳон кредит бозорлари**

Жаҳон кредит бозорлари ўз функцияларига кўра етакчи валюта-молия операциялари марказларида: Лондон, Нью-Йорк, Токио, Франкфурт-Майна, Цюрих, Люксембург, Сингапур каби шаҳарларда жойлашган халқаро валюта ва фонд бозорлари билан чамбарчас боғланган.

Худудий ва миллий бозорлар билан солиштирганда бу бозорларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар:

- молия ресурсларининг улкан айланмаси (бир кунда миллиард ва ўнлаб миллиард доллар);
- каттик структуралаш (бу бозорлардаги операциялар билан ўртача 500 тача йирик банк шуғулланади);
- майда ва ўрта карздорларнинг бу бозорга кира олмаслиги;
- эркин конвертирланадиган ва халқаро тўлов бирликлари - СДР ва евродан фойдаланиш;
- валюта-кредит операцияларининг универсаллашуви;

- энг янги алока ва коммуникация воситаларидан фойдаланиш.

Глобал валюта-кредит маконининг муҳим таркибий қисми депозит ва ссуда операциялари европа валюталарида амалга ошириладиган евробозор ҳисобланади. Евробозорда шартларига боғлиқ равишда қуйидаги кредит кўринишлари энг кўп тарқалган:

- каттиқ фоиз ставкаси билан бериладиган кредит (одатда икки йил муддатли);
- маълум вақт оралиғида (уч, олти ой, бир йилда) сузувчи ставкада бериладиган кредит (ролловер кредитлар, бу кредит тури асосий миқдор, қўшимча миқдор (маржа) ва комиссия тўловлардан таркиб топган фоиз индексини қайта кўриб чиқишни билдиради);
- стенд-бай кредити (белгиланган муддатнинг хоҳлаган пайтида мижозга кредитдан фойдаланиш имкониятини бериш билан боғланган);
- синдикатлашган кредитлар (банк гуруҳлари - синдикатлар томонидан берилади, синдикат аъзолари - андеррайтерлар заёмларни мувофиқлаштирилган курс бўйича, одатда еврооблигация, евровексель ёки депозит сертификатлари кўринишида жойлаштиришни кафолатлайди).

Халқаро кредитлаш соҳасида кейинги йилларда юз берган ўзгаришлар ссуда капитали бозорининг глобаллашувига, кредитор ва дебитор мамлакатлар сонининг ўсишига, амалга ошириш механизмига кўра комбинациялашган қатор валюта-кредит операцияларининг пайдо бўлишига, уларни амалга оширишда хавф-хатарларнинг кучайишига олиб келди.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Халқаро кредит ХИМнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни ва товар муомаласи соҳасини зарур молиявий ресурслар билан таъминлаш бўйича турли вазифаларни бажаради. ТИФ амалиётида кредит муносабатларининг асосий тамойиллари тезкорлик, қайтаришлик ва тўловлиликка амал қилишни назарда тутади, айни вақтда кредит операция-

рини таъминлаш ва кафолатлаш асосий ўринда туради. Халқаро кредит кўринишлари ниҳоятда хилма-хил ва қарз беришнинг аниқ максадлари ва шартлари билан белгиланади. Жаҳон кредит марказлари ичида евробозор салмоқли ўринга эга бўлиб, у ерда облигация қарзлари кўринишидаги синдикатлаштирилган ролlover кредитлар катта ўринни эгаллайди.

### **Асосий тушунчалар**

Халқаро кредит — валюта ва товар ресурсларини қайтаришлик, шошиличлик ва тўловлилик шартларида бериш.

Форфетирлаш — бир компаниянинг тижорий ҳуқуқларини бошқа компанияга нақд тўлов билан айирбошлаш.

Ролlover кредитлар — асосий миқдор, кўшимча (маржа) ва комиссия тўловлардан таркиб топган фоиз ставкасини қайта кўриш мумкин бўлган ҳолда ссуда бериш.

Андеррайтерлар — молия бозоридаги мувофиқлаштирилган курс бўйича заёмни жойлаштирувчи гарант компаниялар.

### **Назорат саволлари**

1. Халқаро кредитнинг моҳияти ва пайдо бўлишининг сабабларини тушунтиринг?
2. Ссуда капитали бозорида кредитлашнинг тамойил ва шартлари қандай?
3. Халқаро кредитнинг асосий кўринишларига тавсф беринг.
4. Ссуда капитали евробозорининг аҳамияти нималардан иборат?

## 22-боб. Қарздорлик инқирози ва уни бартараф этиш йўллари

### 1-§. Ташқи қарз муаммосининг моҳияти

Ташқи қарздорлик инқирозининг бошланиши аломати, бу мамлакат томонидан давлат тегишли каналлар орқали ёки давлат кафолати остида олинган кредитлар ва заёмларни тўлаш графигининг бузилишида намоён бўлади. Мутахассислар ташқи қарздорлик инқирозининг конъюнктуравий ва тузилмавий сабабларини фарқлашади.

Конъюнктуравий сабаблар вақтинчалик ва ҳолатий характерда бўлади. Бу сабаблар табиий офат ёки қарздор-мамлакатдаги қандайдир қутилмаган, бироқ етарли даражада жиддий сиёсий вазият оқибати бўлиши мумкин, зеро бу сабаблар қарздор-мамлакатнинг тўлов қобилиятини пасайтирмайди. Тузилмавий сабаблар қарздор-мамлакат иқтисодий таракқиётидаги чуқур тенденциялар билан боғлиқ бўлади, мас. ялпи миллий маҳсулотнинг камайиб кетиши, капиталнинг «оқиб кетиши» ва бошқалар.

Аниқ бир вазиятни баҳолашда халқаро молия институтлари давлатнинг ташқи қарзлари билан унинг ЯММини солиштириш мезонидан фойдаланишади. 1970 йилда ривожланаётган мамлакатлар катта гуруҳининг ташқи қарзлари 10 фоиздан (ЯММнинг 10 фоизи) ошмаган, 1986 йилга келиб бу кўрсаткич охириги ўн беш йил ичидаги энг катта миқдорга, яъни 38 фоизга етди. Бундай ҳолат қарздор-мамлакатларнинг кредиторларга юқори даражада боғланиб қолганидан далолат беради.

Ташқи қарздорликнинг кам аҳамият касб этмаган бошқа бир кўрсаткичи мамлакат ЯММининг қарзга хизмат кўрсатиш учун сарфланадиган нисбий улуши ҳисобланади. Агар бу индекс 5 фоиздан ошиб кетса, қарз юки оғир ҳисобланади. Қарздорнинг қарзни ёпиш имкониятлари унинг экспорт имкониятларига боғлиқ бўлганлиги учун экспертлар ҳолатни таҳлил қилишда қарзнинг экспортга нисбати ва қарзларга хизмат

кўрсатиш бўйича тўловлар (бу қарзга хизмат кўрсатиш меъёри ҚХМ ҳам деб аталади) каби кўрсаткичлардан ҳам фойдаланишади. ҚХМ 20 фоиздан юқори бўлганда тўлов графигининг бузилиши ва қарздорлик муаммосининг пайдо бўлиши хавфи туғилади.

Ташқи қарздорлик инқирози бошланганлигига мамлакат томонидан ўзининг тўлов қобилиятини йўқотганлиги ҳақида баёноти ёки ҳукуматнинг ўз қарзларини кўп томонлама асосда тартибга солиш мақсадида халқаро ташкилотларга расмий мурожаати бевосита сигнал бўлиши мумкин. Бундай ҳолатнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ниҳоятда ноқулайдир: улар конвертирланган валюта танқислиги, импортнинг камайиши, инфляция, ишлаб чиқаришнинг орқага кетиши ва охир-оқибат аҳоли турмуш тарзининг пастлаши ҳамда сиёсий нотурғунликнинг кучайишига олиб келади.

Ҳозирги пайтда ривожланаётган мамлакатлар ва ўтиш даври иқтисодиётли давлатлар йирик қарздорлар ҳисобланишади. Агар 1950 йилда юқоридаги мамлакатларнинг умумий ташқи қарзи суммаси 2 млрд. долл.дан ошмаган бўлса, 90-йилларнинг охирига келиб, бу миқдор фоизлари билан 1 трлн. 400 млрд. долл.дан ошиб кетди. Ташқи қарзларнинг ўсиши қуйидаги давлатларда айниқса, юқори суръатда кечмоқда: Мексика (165,7 млрд. долл.), Бразилия (159,1 млрд. долл.) ва Россия (160 млрд. долл.). Улардан кейинги ўринлардан Индонезия, Аргентина, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа баъзи мамлакатлар жой олишган.

## **2-§. Ташқи қарзлардан қутулиш йўллари**

У ёки бу мамлакатнинг ташқи қарздорлик вазиятидан чиқиб кетишида унинг иқтисодиётининг юқори суръатда ривожланиши стратегик аҳамият касб этади. Айнан иқтисодий ривожланиш ҳукумат ва марказий банкка кредиторлар билан мувофиқлаштирилган ташқи қарзларни тўлаш режимини тиклаш учун етарли миқдорда валюта-молия ресурсларини сафарбар қилиш имкониятини беради. Бунда қарздор томонидан ўз иқтисодий сиёсатини ХВФ, Умумжаҳон банки, Париж клуби ва

бир қатор эътиборли халқаро ташкилотлар билан мувофиқлаштириш мажбуриятининг олиши катта аҳамият касб этади. Бу муаммони ҳал этишнинг аниқ бир усуллари нуқтаи назаридан қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

- Қарзни реструктуризациялаш — кредитнинг тўлаш муддатларини фоизларни тўлашни орқага суриш орқали чўзиш («қиска» кредитлардан «узок» кредитларга ўтиш).
- Қарз конверсияси — қарз мажбуриятларини иккиламчи бозорда ликвидли бўлган қимматли қоғозларга айлантириш.
- Қарзни дисконтлаш — кредитор ва қарз берувчи ўртасида кредит суммасини ёки унинг бир қисмини ўчириш.
- Қарзларни иккиламчи бозорда сотиш - бу ХИМда 80-йилнинг ўрталаридан буён мавжуд.

Ўз-ўзидан тушунарлики, ҳозирги шароитда қарздор-мамлакатлар ташқи қарзлардан бир томонлама воз кечишдан қочишга интиладилар, чунки бу хорижий инвесторлар ишончининг йўқолиши ва қарздорнинг молиявий ҳалокатга олиб келиши мумкин.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Ташқи қарздорлик инқирози - кўпчилик ривожланаётган, сўнгги йилларда эса ўтиш даври иқтисодий мамлакатлар томонидан хориждан олинган қарзларга хизмат кўрсатиш ва уларни тўлаш муддатига риоя қилмаслик сифатида ХИМ муҳитининг 70-90 йиллардаги ўзига хос томонини кўрсатиб беради. Инқироз асосида стратегик ва конъюнктуравий сабаблар комплекси ётади, унинг моҳияти тўловларни фоизлари билан ўз вақтида тўлаш учун зарур бўлган ликвидли ресурсларнинг мавжуд эмаслигидадир.

### **Асосий тушунчалар**

Ташқи қарздорлик инқирози — давлат томонидан ташқи қарзлар ва заёмларни тўлаш графигининг бузилиши.

Қарзга хизмат кўрсатиш меъёри — қарзга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар ва миллий экспорт орасида нисбат.

Қарзни реструктуризациялаш — кредитни тўлаш муддатларини фоизларни тўлашни орқага суриш орқали чўзиш.

Қарз конверсияси — қарз мажбуриятларини иккиламчи бозорда ликвидли бўлган қимматли қоғозларга айлантириш.

Қарзни дисконтлаш — кредитор ва қарз берувчи ўртасида кредит суммасини ёки унинг бир қисмини ўчириш.

### **Назорат саволлари**

1. Ташқи қарздорлик муаммосининг моҳияти нимада?
2. Ташқи қарздорлик муаммосини ҳал этиш йўллари қандай?



## 23-боб. Капитал экспорти назарияси

### 1-§. Капитал ҳаракати моҳиятини тушунтиришга асосий ёндашувлар

Иқтисодий назарияда молия ресурсларининг халқаро миқёсда оқиб ўтиши моҳиятини тушунтиришга бир-биридан фарқ қилувчи икки ёндашув маълум. Бозор иқтисодиётига хос назарияга кўра, капитал экспорти ёки капитал импорти - бу ишлаб чиқариш циклининг энг муҳим омилларидан бирининг вақт ва маконда кўчиб ўтишидир, у бўш турган пул суммаларидан янада самарали фойдаланиш учун шарт-шароит яратиб берувчи халқаро меҳнат тақсимотига асосланган. Бозор иқтисодиётига хос бўлмаган назарияга мувофиқ эса, ортиқча молия ресурсларининг чет элга йўналтирилиши фақатгина бошқа мамлакатларнинг меҳнатқашлари ва табиий бойликларини ортиқча эксплуатация қилиш ҳисобига қўйилган капиталдан юқори фойда олишга интилиш билан тушунтирилади.

Ҳозирги кунда бу икки ёндашувни синтез қилишга ҳаракатлар кузатилмоқда, бунга ТМКлар фаолияти туртки бўлмоқда. Чунки ТМКлар фаолияти фирма ичида башоратлаш ва тузилмасига кирувчи фирмалар ўртасида капитал оқимларини бошқаришни қўшиб олиб боришни талаб қилади.

### 2-§. Харид қобилияти паритети назарияси

Бу тамойил илк бор швед иқтисодчиси Г. Кассел томонидан 1918 йилда асослаб берилган, бироқ унинг тамал тошини инглиз классик иқтисоди мактаби вакиллари (хусусан, Д. Рикардо) асарларидан кидириш керак. Рикардонинг фикрича, валюта курси қиймат асосга эга эмас, балки муомалада бўлган пул миқдорини регламентловчи давлат сиёсати натижасида, демак нарх орқали ҳам ўрнатилади. Харид қобилияти паритети назариясига мувофиқ, валюта курси муомаладаги пул миқдorigа боғлиқ бўлган икки мамлакат пул миқдорининг нисбий қиймати билан аниқланади. Бундан капитал ҳаракати харид қобилияти бўйича миллий валюта курсларининг тенглашиши келиб чиқади, бу эса ўз навбатида, ўртача миллий

даромад меъёрлари орасидаги дифференциациянинг камайишига олиб келади. Қатор коидаларнинг баҳслилигига қарамасдан, харид қобилияти паритети назарияси тарафдорлари ичида П. Самуэльсон ва М. Фридмен каби замонавий классик иқтисодчилар ҳам бор.

### 3-§. Дж. М. Кейнс тамойили

Буюк инглиз иқтисодчиси Дж.М. Кейнс ўзининг фундаментал асари «Бандлик, фоиз ва пул умумий назарияси»да самарали талабни яратиш учун инвестициялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади, инвестицияларни пул-кредит ёки бюджет чора-тадбирлари орқали қўпайтириш мумкин деб қайд этиб ўтади. Иқтисодчининг тамойилига кўра, давлат томонидан фоиз ставкасини манипуляция қилиш мамлакатга хориждан келадиган инвестиция оқимларини қуйидагича ўзгартиради: фоиз ставкаси камайтирилса, ташқи қарзлар ҳажми ортади, фоиз ставкаси оширилса, аксинча, камаяди. Кейнс тамойилининг ўзига хос хусусияти - товар экспанциясини ошириш мақсадида нархларга таъсир қилиш ва мамлакат тўлов балансини тенглаштириш орқали миллий валюта курсини пасайтириш ҳақидаги коида ҳисобланади. Инглиз иқтисодчиси миллий иқтисодиётдаги макроиқтисодий жараёнларга таъсир ўтказиш йўли билан эътиборли ташкилотлар томонидан давлат қарзи назорат қилиниши кераклиги назарда тутади.

Кейнс назарияси жуда кўп замонавий тамойилларнинг яратилишида тамал тоши бўлди. Бу тамойиллар қаторига, масалан, капитал ҳаракатининг портфель инвестициялари кўринишида хусусиятларини эътиборга олувчи *портфель баланси тамойилини* келтириш мумкин.

### 4-§. М. Фридменнинг монетар назарияси

Чикаго монетаристлар мактабининг йўлбошчиси америкалик иқтисодчи М. Фридмен ўз издошлари билан биргаликда сузиб юрувчи валюта курслари назариясини ишлаб чиқди. Сузиб юрувчи валюта курслари тўлов балансини автоматик равишда баробарлаштириш, иқтисодий жараёнларга давлатнинг

ҳаддан ташқари кўп аралашувини мустасно қилиш, валюта чайковчилигини олдини олиш ва капитал ва бошқа ишлаб чиқариш омилларининг миллий чегаралар орқали эркин кўчиб ўтишини рағбатлантириш имкониятини беради.

Монетаристлар назариясига кўра, давлат томонидан пул массасининг ўсиш суръатларини барқарор ушлаб туриш (йилига 3-5 фоиз) ва давлат харажатларини қисқартириш хусусий капитал учун бир иқтисодиётдан бошқасига эркин оқиб ўтиш каналларини очади, бу янги иш жойларини яратиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш имкониятини беради. Бошқача қилиб айтганда, молиявий ресурсларнинг мамлакатлараро кўчиши инфляциядан қутулиш ва капитал экспортини, энг аввало, тўғри инвестицияларни умумжаҳон микёсида рағбатлантириш масаласи билан чамбарчас боғлиқ.

Монетаризм ғоясининг бир қисмини амалга оширишнинг иложи бўлмаган бўлса-да, бу тамойилни ҳаётга тадбиқ этган давлатлар (АҚШ, Германия, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатлар)нинг жаҳон капитал бозорида етакчи ўринларни сақлаб қолишгани унинг асосланганлигини исботлайди.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Жаҳон иқтисодиётида юз берадиган капитал миграцияси жараёнини тушунтиришда замонавий сиёсий иқтисодиётда иккита асосий ёндашув мавжуд: бозор иқтисодиёти ва бозорга асосланмаган иқтисодиёт нуқтаи назаридан ёндашиш. Ҳар икки ёндашувнинг моҳияти XX аср давомида олимлар томонидан яратилган капитал экспорти тўғрисидаги кўплаб тамойиллар асосида ётади. Жаҳон иқтисодиётида капитал ҳаракатининг асосий тамойилларига мисол сифатида инглиз иқтисодчиси Дж. М. Кейнс ва Чикаго мактабининг лидери М. Фридменнинг бошқариладиган бозор иқтисодиёти тўғрисидаги қарашлари йиғиндиси бўлган харид қилиш қобилияти паритети назариясини кўрсатиш мумкин.

## **Асосий тушунчалар**

Харид қобилияти паритети назарияси — валюта курси икки мамлакат пул бирликларининг нисбий қиймати билан аниқланади, у муомаладаги пул миқдорига боғлиқ. Жумладан, Дж. М. Кейнс тамойилига кўра, давлат томонидан фоиз ставкасини манипуляция қилиш мамлакатга хориждан келадиган инвестиция оқимларини куйидагича ўзгартиради: фоиз ставкаси камайтирилса, ташқи қарзлар ҳажми ортади, фоиз ставкаси оширилса, аксинча, камаяди.

Монетаризм — бу назарияга кўра, давлат томонидан пул массасининг ўсиш суръатларини барқарор ушлаб туриш (йилига 3-5 фоиз) ва давлат харажатларини қисқартириш хусусий капитал учун бир иқтисодиётдан бошқасига эркин оқиб ўтиш каналларини очади, бу янги иш жойларини яратиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш имкониятини беради.

## **Назорат саволлари**

1. Капитал миграцияси жараёнини тушунтиришга икки хил ёндашувнинг моҳияти нимада?
2. Капитал экспорти тўғрисидаги асосий назарияларига қисқача тавсиф беринг.

## 24-боб. Трансмиллий корпорациялар

### 1-§. Халқаро корпорацияларнинг моҳияти, тузилмаси ва кўринишлари

Ўз таркибига бош бошқарувчи марказ орқали ривожланишининг умумий стратегиясини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, икки ёки ундан ортиқ мамлакатда хўжалик бирликларига эга бўлган ҳамда катта миқдорда хорижий активларга эга халқаро компания мутахассислар томонидан трансмиллий корпорация (ТМК) номини олган.

Жаҳон иқтисодиётининг ўзига хос «умуртка поғонаси» бўлган замонавий ТМКларнинг характерли белгилари куйидагилар ҳисобланади:

- *Ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятининг катта қисмини бош штаб-квартира жойлашган мамлакат иқтисодий макони чегарасидан ташқарига олиб чиқиш.*
- *Турли давлатларда шахобчалар, шўъба ва ассоциацияланган компанияларнинг катта тармогини шакллантириш.*
- *Иқтисодий фаолиятни самарали башоратлаш ва режалаштириш шароитида ташқи ва ички инвестицион оқимларни бошқариш.*
- *Капиталлар, ишчи кучи, ахборот кўчиши (трансферти)нинг фирма ичкарисидаги каналларининг кўплиги.*

Ишлаб чиқариш қувватларини ва сервис марказларини жаҳоннинг турли ҳудудларига бўлиб-бўлиб жойлаштириш (диверсификациялаш) бундай корпорацияларга халқаро меҳнат тақсимоти шартлари ва ички миллий бозор хусусиятларидан келиб чиқувчи устунликлардан фойдаланиш ҳисобига катта даромад олиш имкониятини беради.

Миллий компаниянинг халқаро компанияга айланишига конкрет мисол сифатида «Электролюкс» гуруҳини келтириш мумкин. «Электролюкс» электр ускуналари ишлаб чиқиш ва таъмирлаш билан шуғулланувчи икки швед фирмасининг кўшилиши йўли билан 1912 йилда ташкил этилган. 50-йилларда бу компания аввал Швецияда сўнгра бошқа Сканди-

навия мамлакатларида ҳам етакчи мавқега эга бўлди. Тайёрланаётган маҳсулотлар номенклатурасини узлуксиз кенгайтириб борган ҳолда компания Ғарбий Европада савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғини яратишга киришди. 80-йилларда «Электролюкс» ўз тузилмасига АҚШ («Уайт Консолидейтид» электр ускуналари ишлаб чиқириш бўйича мамлакатда 3-ўринда турарди), Германия («АЕГ» - 1-ўрин), Италиянинг («Занусси» - 1-ўрин) бир неча йирик компанияларини қўшиб олди. Ҳозирги пайтда унинг жаҳондаги 75 мамлакатда бўлимлари мавжуд, бу ТМКнинг персонали 110 минг кишидан ортик, йиллик айланмаси 16 млрд. долл.дан ошади.

ТМКнинг намунавий тузилмасини *бош компания* (ушбу мамлакатда рўйхатдан ўтган корпорациянинг бош штаб-квартираси) ва бошқа давлатларда жойлашган *шаҳобчалар, шўъба ва ассоциациялашган компаниялар* тизими ташкил этади. Кўпинча ТМК тузилмасига *молия-кредит муассасалари* (банклар, инвестиция фондлари ва сугурта компаниялари) ҳам киритилиш мумкин. Бундан ташқари йирик халқаро корпорациялар одатда ўзининг муҳофаза хизмати, кадрлар тренинги, транспорт ва бошқа хизматларига эга бўлишади.

Шаҳобчаларнинг шўъба корхоналардан фарқи шундаки, улар ўз балансига ва иқтисодий мустақилликка эга эмас. Ассоциациялашган компанияларга келсак, улар бош компания томонидан одатда шартнома муносабатлари тизими (пудрат, траст кабилар) орқали назорат қилинади.

ТМК кўринишлари танланган мезонга боғлиқ равишда турлича синфланади. Энг кенг тарқалган аломат халқаро корпорациянинг бош тузилмаси низом фондидаги капитал улушини белгиловчи миллий мансублик белгиси ҳисобланади. Бу ҳолатда қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:

- *мономиллий* компаниялар (миллий компания, масалан — Швейцариядаги "Нэстле" концерни);
- *мультимиллий* компаниялар (байналмилал компания, масалан — инглиз-голланд "Ройял Датч Шелл" корпорацияси);
- *консорциумлар* (узок муддатли капитал сиғимли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун бир неча

корпорациялар активларининг бир қисмини вақтинчалик мақсадга йўналтирилган бирлаштириш).

Жаҳон иқтисодиёти қайд этилган гуруҳларнинг солиштирма оғирлиги доимо ўзгариб туради. 70-йилларда мономиллий ТМКлар кўпчиликни ташкил этган бўлса, 80-йилларга келиб консорциумлар пайдо бўлди. Сўнгги ўн йил ичида ракобат курашининг кучайиши ва глобал бозорлардаги инқирозли вазиятлар туфайли миллий компаниялар бир-бири билан қўшилиб мультимиллий ТМКларга айланди.

## **2-§. ТМКнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти**

Трансмиллий корпорацияларнинг пайдо бўлиши XIX асрнинг иккинчи ярмига бориб тақалади. 1939 йилда мутахассислар тахминан 300 та инглиз, америка, француз, герман ва япон ТМКлари борлигини ҳисоблашган. 1985 йилда уларнинг сони 12 мингга етган бўлса, ҳозирги кунга келиб дунёнинг 150 мамлакатада 270 минг шахобча ва шўъба компанияларига эга 60 минг бош компания мавжуд деб баҳоланмоқда.

ТМКлар ҳиссасига тўғри инвестицияларнинг 90 фоизи, янги техникага патент ва лицензияларнинг 80 фоизи, ташқи савдо айланмасининг 63 фоизи ва жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг тахминан 50 фоизи тўғри келади.

ХИМнинг муҳим соҳаларини назорат қилувчи тахминан 500 та ТМК жаҳон иқтисодиётининг ўзига хос ўзаги ҳисобланади. Айнан ана ТМКлар халқаро ишлаб чиқариш омилларини айирбошлашнинг самарали каналларини яратишади, бунда ахборотлар ва юқори технология айирбошлаш муҳим аҳамият касб этади. Йирик корпорациялар тузилмаларида илмий-тадқиқот йўналишида унумли фаолият олиб бора оладиган энг кучли мутахассислар ишлашмоқда.

Британиянинг "Файнэншл Таймс" газетаси томонидан компаниялар акцияларининг бозорда капиталлаштирилишини баҳолаш орқали ўтказиладиган рейтингда қуйидаги ўнта компания етакчилик қилишмоқда (9-жадвалга қаранг).

Жадвалдан кўриниб турибдики, етакчи ўринларни Америка, Ғарбий Европа ва Япония ТМКлари эгаллаб туришибди. "Файнэншл Таймс" энг ишончли ва эътиборли европа ТМКлари каторига «АББ» Швеция-Швейцария машинасозлик концернини, Буюкбританиянинг «Бритиш Эйруэйз» компаниясини, Швейцариянинг «Нестле» гуруҳини, «БМВ» немис автомобиль концернини ва «Сиенс» электротехника корпорациясини киритади.

9-жадвал. Дунёнинг йирик компаниялари

Рейтингда- ги мавқеи 2002 й.	Компания	Бош офис кайд қилинган мамлакат
1	Vodafone	Buyukbritaniya
2	General Elektrik	AQSh
3	Exon Mobil	AQSh
4	Vibendi	Frantsiya
5	General Motors	AQSh
6	Royal DutchG Shell Group	Niderlandiya, Buyukbritaniya
7	British Petroleum	Buyukbritaniya
8	Toyota Motor	Yaponiya
9	Telefonika	Ispaniya
10	Fiat	Italiya

### 3-§. ТМК фаолиятининг янги кўринишлари: лизинг и факторинг

ТМКлар иктисодий фаолиятининг анъанавий кўринишлари билан бир каторда кейинги йилларда хўжалик юретишнинг лизинг ва факторинг каби янги кўринишлари ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Моддий бойликлар, энг аввало, машина, қурилмалар ва технологияларни ижарага олишнинг жаҳон амалиётига муддатига боғлиқ равишда тўрт хил вариантдаги операциялар хосдир: рейтинг (бир неча кундан ярим йилгача),



чартер (бир йилгача), хайринг (бир йилдан уч йилгача) ва лизинг (20 йилгача). Лизингнинг моҳияти (ингл. to lease — ижарага олмоқ) машина, қурилмалар, технология ва кўчмас мулкни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун узок муддатга ижарага беришдан иборат. Лизингни эслатувчи бигимлар қадимдан маълум бўлса-да, биринчи лизинг компания 1952 йилда америкалик Г. Шоңфельд томонидан ташкил этилган.

Йигирма етти йилдан сўнг, 1979 йилда Европа миллий лизинг ассоциациялари федерацияси вужудга келди ва у хозирги пайтда 20 давлатнинг 1000 дан ортик компанияларини бирлаштиради. Лизинг бўйича жаҳон айланмасининг 50 фоиздан кўпроғи АҚШга тўғри келади. Энг йирик лизинг компаниялари АҚШнинг "Дженерал Моторс Аксептанс" ва "Дженерал Электрик Кэпитал" компаниялари эканлиги бежиз эмас. Етакчи ўнликка АҚШнинг бешта, Буюкбританиянинг иккита, Япония, Франция ва Германиядан биттадан вакил киришган. Халқаро статистика маълумотларига кўра, узок муддатли ижарага олиш операциялари саноат инвестицияларининг Австралияда 33 фоизини, АҚШда - 30, Буюкбританияда - 18, Швеция ва Францияда - 15, Германия ва Испанияда - 14 фоизини ташкил қилади. Хорижий лизинг компанияларнинг соҳалар бўйича ихтисослашуви баҳолаш орқали қуйидаги манзарага эга бўламиз: бу операцияларнинг 33,3 фоизи офис қурилмаларига, 22,3 фоизи юк ташиш ва енгил автомобилларга, 11,1 фоизи станок ва механизмларга тўғри келади.

1988 йил май ойидан бери Оттава Анжумани қанташчилари (55 мамлакат) томонидан имзоланган «Халқаро молиявий лизинг тўғрисида конвенция» жаҳон бозорига лизинг операцияларининг ҳуқуқий асоси бўлиб ҳисобланади. Ана шу анжуманда лизинг тушунчаси ишлаб чиқилган. Лизинг — бу шундай операцияки, унинг натижасида лизинг берувчи лизинг олувчи ихтиёрига унинг буюртмасига биноан ўзининг олдиндан сотиб олинган моддий мулкни амортизацияни ҳисобга олган ҳолда маълум бир белгиланган тўлов орқали айирбошлайди.

Ҳар қандай ҳаракатдаги мулк ёки кўчмас мулк лизинг объекти бўлиши мумкин (бозорда эркин муомалада бўлиши мумкин бўлмаган мулк, масалан ҳарбий техника бундан истисно).

Мулкни тайёрловчи (сотувчи) ва харидор, суғурта шартномасини расмийлаштириш орқали мулкни ижарага берувчи (лизинг берувчи) ва мулкдан фойдаланувчи (лизинг олувчи)лар лизинг субъекти сифатида чиқиши мумкин. Лизинг берувчи сифатида молия-кредит муассасаси, махсус лизинг компанияси, таъсис ҳужжатларида фаолиятнинг ушбу тури кўзда тутилган ҳар қандай фирма фаолият олиб бориши мумкин. Лизинг тўловлари — бу лизинг операцияси объектдан фойдаланилганлик учун тўлов сифатида доимий бадаллардир. Шартномада иштирокчилар томонидан мувофиқлаштирилган лизинг трансферти жараёни мутаносиб, ўсиб борувчи ва камайиб борувчи тўловларни назарда тутиши мумкин.

Лизинг операциясининг моҳияти куйидагидан иборат. Қурилмалар ёки технологияларга эҳтиёж сезган, бироқ йирик айланма маблағларга эга бўлмаган хўжалик субъекти ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи)дан зарур мулкни сотиб олиш учун молиявий ресурсларга эга бўлган лизинг компанияга мурожаат қилади. Лизинг олувчи ва лизинг компания ўртасидаги шартнома натижасида, лизинг компания зарур қурилмани бозордан қидириб топади, сотиб олади ва лизинг олувчига доимий тўловларга айирбошлаш орқали ижарага беради. Шартнома ҳаракати муддати тугагандан сўнг мулк фойдаланувчи ихтиёрида қолиши ёки 100 фоизли амортизация туфайли ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

Йирик лойиҳаларни амалга оширишда лизинг операциялари иштирокчилари банклар, суғурта компаниялари, инвестицион фондлар ва бошқалар иштироки ҳисобига кўпаяди.

Лизингнинг устунликларига куйидагилар қиради:

- қурилмалар етказиб берувчилар учун - савдо бозорининг кенгайиши;
- лизинг берувчи учун - кредит билан солиштирганда қарз маблағларининг қайтиб келмаслик хатарининг камайиши,

ссудани узишнинг тез мослашувчан схемаси, солиқ имтиёзлари, ижарачига қўшимча хизматлар кўрсатиш имконияти;

- лизинг олувчи учун - айланма маблағлар муаммосини ҳал этиш, вақтинча фойдаланишга олинган мулкнинг маънавий ва жисмоний эскириши хатарининг камайиши, соликка тортиладиган фойданинг камайиши (лизинг тўловлари ишлаб чиқариш ҳаражатларига киради), мижозларга сервис хизмати кўрсатиш соҳасининг кенгайиши.

Шундай бўлса-да, лизингнинг маълум камчиликлари ҳам бор: мулкнинг тез вақт оралиғида маънавий эскириш хатари лизинг берувчи зиммасида бўлади, ижарачининг лизинг тўловлари қиймати қурилманинг харид баҳосидан юқори бўлади, лизинг олувчи лизинг берувчи (кредитор)га тобе бўлиб қолади. Бироқ лизингнинг ижобий жиҳатлари салбий жиҳатларидан кўпроқ, албатта.

Мутахассисларнинг ҳисоблашларича, турли омилларнинг таъсирига кўра лизингнинг 30 га яқин тури мавжуд:

- объектига кўра — *ҳаракатли ва кўчмас*;
- лизинг объектини бериш характерига кўра - *молиявий* (шартнома ҳаракати муддатини бузиш мумкин эмас, бу муддат мулкнинг амортизацияси муддатига тенг). Молиявий лизинг икки вариантда учрайди: *стандарт лизинг* (классик, уч томонлама лизинг), *жорий лизинг* (лизинг берувчи томондан кўрсатиладиган қўшимча хизматларни назарда тутувчи шартнома муддати мулк амортизацияси давридан сезиларли даражада кам) ва *етказиб берувчига лизинг* (сотувчи ва ижарачи роли қўшилганда);
- лизинг объектини тақдим этиш соҳасида - *ички ва ташқи лизинг*. Ташқи лизинг *экспорт, импорт ва сублизингларга* бўлинади (Сублизингда икки ва ундан ортиқ лизинг компаниялари иштирок этади);
- лизинг берувчи ва лизинг олувчининг ўзаро муносабатларига кўра - *соф лизинг* (фақат лизинг объектини ижарага олиш) ва *кенгайтирилган лизинг* (ижарага олиш қўшимча хизматлар билан биргаликда амалга оширилади).

- фойдаланиш максадларига кўра - *шахсий* (объектни факат лизинг олувчи компания ихтиёрига етказиб бериш) ва *лизинг-бланк* (курулмадан шўъба корхоналар ва ассоциациялашган фирмалар фойдаланиши мумкин);
- лизинг операцияси иштирокчилари сонига кўра - *бевосита* (иккитадан ошик эмас), *уч томонлама*, *классик «алоҳида» лизинг* (учтадан кўп);
- ижарага берилаётган курилмани боскичма-боскич алмаштириш имкониятига боғлиқ равишда - *револьвер* ва *револьвермас лизинг*.

Лизингнинг «лиз-бэк» (кайтувчи) ва «бай-бэк» (компенсацион) каби махсус кўринишлари ҳам маълум кизиқиш уйғотади. «Лиз-бэк»да компания ўз мулкани кейинчалик ижарага олиш мақсадида сотади. «Бай-бэк» эса ижарага олинган курилмада ишлаб чиқарилган маҳсулотни етказиб бериш орқали мажбуриятни тўлашни назарда тутади.

Халқаро иктисодий муносабатларда ўз ўрнини топаётган операцияларнинг яна бир кўриниши ТМКга хос бўлган факторинг ҳисобланади. У фирмалар томонидан 60-йиллардан бери қўлланилади. Статистика маълумотларига кўра, факторинг операциялари кўлами кейинги ўн - ўн беш йил ичида кўп мартаба ошди.

Факторинг — бу банк ёки фактор-компанияларнинг маҳсулот етказиб берувчи ва харидор ўртасидаги ҳисобкитобларда етказиб берувчининг молиявий талабини қарзни кейинчалик харидордан ундириб олиш йўли билан тўлаш воситасидаги жами воситачилик операцияларидир. Ишончнома орқали тижорий фаолият ҳам шунга қиради.

Илғор ғарб мамлакатлари бозорларида фактор-компаниялар миқозларга тўловлар, етказиб бериш ва мажбуриятларни назорат қилиш бўйича кенг кўламдаги факторинг хизматларини таклиф қилишмоқда. Факторинг хизматларини кўрсатиш 1988 йил май ойида Оттава Анжумани қатнашчилари томонидан имзоланган «Халқаро факторинг тўғрисида конвенция» доирасида тартибга солинади. Факторинг компанияларининг бирлашиш жараёни шу билан характерланадики, сўнгги йилларда

уларнинг умумий сонининг (40 та) 95 фоизи штаб-квартираси Амстердамда жойлашган глобал ассоциацияга бирлашишди ва ўз фаолиятларида Ўзаро факторинг қоидалари низомига амал қилишади. Факторинг операцияларидан йирик экспортёр-фирмалар энг кўп фойда кўришади, улар тўламаслик хатарини камайтиришади, кўшимча харажатларни тежашади ва мижозлар талабини инкассация қилиш муддатини қисқартиришади.

Факторингнинг асосий кўринишлари ичида қуйидагиларни келтириш зарур:

- *Ички ва ташқи (халқаро);*
- *Бевосита* (битта фактор-компаниянинг мавжудлиги) ва *билвосита* (икки фактор-компаниянинг фаолият олиб бориши: экспорт ва импорт бўйича);
- *Ошкор* (агар экспортёр олиб чиқилган товар учун тўловни харидордан талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса) ва *ошқормас* (агар факторинг ҳақида қелишув ҳақида хорижий харидорга айтилмаса).

Ўз навбатида ошқор факторингнинг типик кўринишлари: *харидор қарзларини олди-сотдисси операциялари* ва *экспортёрнинг кредит операцияларини бошқариш*, ошқормас факторингга ҳисобларни ташламалар билан сотиб олиш (*ҳисобларни дискотлаш*) ва *экспортёр томонидан товарларни хорижий харидорга олиб сотиш*.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

ТМК улкан капиталли хўжалик фаолиятини ташкил этишнинг етакчи кўриниши сифатида ХИМда муҳим аҳамият касб этади. Замоनावий босқичда ТМК тузилмаси бош компания ва жаҳоннинг турли мамлакатларида жойлашган ассоциациялашган фирмалар шўъба корхоналар, филиаллар тармоғини ўз ичига олади. Ўзбек молиявий-саноат гуруҳлари халқаро корпорацияларга ракобат қилиш мақсадида илқ кадамларини ташламоқда. ТМКлар фаолиятининг янги кўринишлари кенг кўламадаги товар, хизмат ва технологиялар номенклатураси бўйича халқаро лизинг ва факторинг операцияларини ўз ичига олади.

## Асосий тушунчалар

Трансмиллий корпорациялар (ТМК) - чет эл активларига эга бўлган йирик компанияни иктисодий ташкиллаштириш кўриниши.

Лизинг — машина, қурilmалар, технология ва кўчмас мулкни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун узок муддатга ижарага бериш.

Факторинг — банк ёки фактор-компанияларнинг маҳсулот етказиб берувчи ва харидор ўртасидаги ҳисоб-китобларда етказиб берувчининг молиявий талабини қарзни кейинчалик харидордан ундириб олиш йўли билан тўлаш воситасидаги жами воситачилик операциялари.

## Назорат саволлари

1. Халқаро корпорациялар фаолияти қўлами қандай?
3. ТМК тузилмаси?
4. а тавсиф беринг.
3. ТМКларнинг қандай кўринишларини биласиз?

## 25-боб. Эркин иқтисодий ҳудудлар

### 1-§. «Эркин иқтисодий ҳудудлар» (ЭИХ) тушунчаси

20-асрнинг иккинчи ярмида жаҳон иқтисодиётидаги энг муҳим ҳодисаларнинг бири эркин иқтисодий ҳудудлар фаолияти ҳисобланади.

Илмий мақолаларда ва халқаро ташкилотларнинг ҳисоботларида турли килдаги ҳудудларни тавсифлаш учун «эркин иқтисодий ҳудудлар» атамаси ишлатилади. Бирок бу атама ҳодисанинг моҳиятини тўлиқ акс эттирмайди. Чунончи, бу ҳудудларнинг кўпчилигида қўлланиладиган иқтисодий қоидалар, дастаклар, махсус маъмурий қонунлар маълум ҳуқуқий ва ҳўжалик режимидан озод қилмайди, балки уни енгиллаштиради ва тадбиркорликни рағбатлантирувчи имтиёзлар беради, холос. Бу билан амалда давлат ўзининг иқтисодий жараёнларга аралашувини камайтиради.

Япониянинг Киото шаҳрида 1973 йил 18 майда қабул қилинган «Божхона жараёнларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш бўйича Халқаро конвенция»га мувофиқ *эркин ҳудуд деганда мамлакатнинг шундай ҳудуди тушуниладики, бу ерга олиб кирилган товарлар миллий божхона юрисдикциясидан ташқарида ҳисобланади, бинобарин божхона назорати ва солиққа тортишдан озод этилади.*

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар учун эркин ҳудудлар амалда ҳудуддаги ишчиларнинг турмуш тарзи, ишлаб чиқариш салоҳиятининг концентрациялашуви қабиларга кўра экстерриториаллик жиҳатдан махсус ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундай ҳудудларга «махсус иқтисодий ҳудудлар» атамаси мос келади.

Эркин иқтисодий ҳудудларни яратилишига уларнинг ташкилотчилари томонидан очик иқтисодиёт тамойилларини амалга оширишнинг муҳим бўғини сифатида қаралади. Уларнинг фаолияти ташки иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва тезлаштириш билан боғланади. Эркин иқтисодий ҳудудлардаги иқтисодиёт ташки олам учун юқори даражада очикликка, бу ердаги божхона, солиқ ва инвестиция

режимлари ички ва ташки инвестициялар учун қулайликка эга. Эркин иктисодий ҳудудлар жаҳон миқёсида ҳаракатланувчи капиталлар учун ўзига хос «қопкон» ҳисобланади.

Эркин иктисодий ҳудудларни ташкил этиш мамлакат ичидаги иктисодий жараёнларни тезлаштиришга қаратилган ҳодиса, яъни хорижий капитални жалб қилишдан ташқари қуйидаги уч асосий вазифа билан боғланади:

- *Саноат экспортини рағбатлантириш ҳамда мана шу асосда валюта маблағларига эга бўлиш.*
- *Бандлик даражасини ўстириш.*
- *Ҳудудни хўжалик юртишининг янги усуллари синаш майдончасига айлантириш.*

Эркин иктисодий ҳудудларни ташкил этишнинг яна бир муҳим томони шундаки, кўпинча мамлакат ўз иктисодиётини хорижий капитал оқиб келиши учун тўлиқ очишни хохламайди, шунинг учун махсус ҳудудлар тарзидаги қисман, локал очикликдан фойдаланади.

Эркин иктисодий ҳудудларни ташкил этиш ва унинг фаолияти борасидаги жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, халқаро иктисодий муносабатларни рағбатлантирувчи жаҳон бозорига чуқур интеграциялашув учун яратилган ҳудудлар (эркин савдо, экспорт саноати, божхона ҳудудлари ва бошқалар) билан бир қаторда маълум ишлаб чиқариш тармоғи ва фаолият турини рағбатлантирувчи махсус режимли ҳудудлар ҳам мавжуд. Масалан, қолоқ районларни ривожлантириш, саноатлаштиришни қўллаб-қувватловчи ҳудудлар. Шунинг учун эркин иктисодий ҳудудларни яратишнинг сабаб ва мақсадлари ҳар бир конкрет ҳолда бир-биридан етарлича ажралиб туриши мумкин. Дарҳақиқат, АҚШ ва Буюк Британия каби ривожланган мамлакатларда эркин иктисодий ҳудудлар депрессив районларда кичик ва ўрта бизнесни жонлантиришга йўналтирилган ҳудудий сиёсатни амалга ошириш учун ташкил этилган. Мана шу мақсадларда тадбиркорларга (кичик ва ўрта тадбиркорларга) мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан катта фаолият эркинлиги ва молиявий имтиёзлар тақлиф эти-



лади. Бу дастурлар хорижий капиталларни жалб этиш учун махсус йўналтирилмаган.

Ривожланаётган мамлакатларда ҳам эркин иқтисодий ҳудудлар худди шунга ўхшаш мақсадларда ташкил этилган бўлиб, бу қолоқ ҳудудларни ривожланувчи ҳудудларга айланишини таъминлаган. Аммо саноати ривожланган мамлакатлардан фарқли равишда бу мамлакатларда эркин иқтисодий ҳудудларни яратишда асосий эътибор хорижий капиталларни жалб қилишга қаратилган.

## **2-§. ЭИХнинг асосий кўринишлари**

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкилий-функционал тузилмаси етарли даражада турли-тумандир. Баъзан у ёки бу эркин иқтисодий ҳудудларни бир сўз билан гуруҳларга ажратиб бўлмайди, чунки улар кўплаб ҳудудларнинг хусусиятларини ўзида жамлаши мумкин. Эркин иқтисодий ҳудудлар мутахассислар томонидан худудда хўжалик юритувчи кўплаб фирмаларнинг фаолият соҳасига - хўжалик юритишнинг ихтисослашувига кўра тахминий гуруҳлаштирилган.

Гуруҳлашда асосий ўрин саноатни қайта ишлаш ҳудудларига ажратилган.

Эркин иқтисодий ҳудудларни яратишда иккита концептуал ёндашиш мавжуд: худудий ва нуқтавий. Биринчи ҳолатда эркин иқтисодий худудга барча резидент-корхоналар хўжалик фаолиятининг имтиёзли режимдан фойдаланадиган махсус территория сифатида қаралади. Иккинчи ёндашувга кўра эса, эркин иқтисодий худуд - бу фирмалар мамлакатнинг қайси қисмида жойлашишидан қатъий назар тадбиркорлик фаолиятининг маълум турига қўлланиладиган имтиёзли режимдир.

Биринчи ёндашувни амалга оширишга Хитойдаги эркин иқтисодий ҳудудлар, Бразилиядаги «Манаус» худуди, ривожланаётган мамлакатлардаги кўплаб экспорт саноати худудлари мисол бўла олади. Айрим корхоналар (оффшор фирмалар, «дютти фри» магазинлари) томонидан таклиф этилган «нуқтавий» худудлар иккинчи ёндашувнинг натижасидир.

## Эркин иктисодий ҳудудларнинг турлари

1. Савдо ҳудудлари	2. Саноат-ишлаб чиқариш ҳудудлари	3. Техникавий илмий ишлаб чиқариш ҳудудлари	4. Сервис хизмат кўрсатиш ҳудудлари
Эркин божхона ҳудудлари Бонд омборлари Эркин портлар Эркин савдо ҳудудлари	Импортнинг ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳудудлари Экспорт саноати ҳудудлари Саноат парклари Илмий-саноат парклари Макиладорас (Мексика)	Технополислар Технопарклар Янги ва юкори технологияларни ривожлантириш ҳудудлари	Оффшор ҳудудлар Молия марказлари Банк хизмати ҳудудлари Туризм хизмати ҳудудлари Экопарклар
5. Комплекс ҳудудлар		6. Халқаро ҳудудлар	

Эркин иктисодий ҳудудларнинг энг содда кўринишларидан бири эркин (божсиз) божхона ҳудудларидир (ЭБХ). Бу ҳудудлар эркин савдо ҳудудлари каби биринчи авлод ҳудудларига киради. Улар XVII ва XVIII асрлардан бери мавжуд. Бундай ҳудудлар экспортга мўлжалланган товарларни сақлаш, кадоқлаш ва кичик ҳажмда қайта ишлаш учун хизмат киладиган транзит ёки консигнацион омборлардан иборатдир. Бу ҳудудларни кўпинча бонд омборлари ёки эркин божхона территориялари ҳам деб аташади. Эркин божхона ҳудудларида товарларни олиб кириш ва чиқиш божхона божларидан озод қилинади. Улар жуда кўп мамлакатларда мавжуд.

Эркин савдо ҳудудлари (ЭСХ) ҳам жаҳонда кенг тарқалган. Эркин савдо ҳудудлари АҚШда энг кўп ривожланди. Савдони қўллаб-қувватлаш, савдо операцияларини тезлаштириш, савдо харажатларини камайтириш мақсадида 1934 йил-

йилда АҚШда эркин савдо ҳудудларини ташкил этиш тўғрисида махсус конун қабул қилинган.

Бундай ҳудудлар АҚШ территориясининг маълум бир чегараланган қисми бўлиб, улар чегарасида бошқа ҳудудларга нисбатан имтиёзли ҳўжалик режими ўрнатилган. Конунда ҳар бир расмий портда ҳеч бўлмаса битта эркин ташки савдо ҳудуди ташкил этилиши мумкин деб кўрсатилган. АҚШ конунчилигига кўра мамлакат ҳудудида фаолият олиб борувчи эркин савдо ҳудудлари умумий ва махсуслаштирилган ҳудудларга (субҳудудлар) ажратилади. Умумий ҳудудлар унча катта бўлмаган майдонни (бир неча кв. км) эгаллайди ва миллий божхона ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлади. У ерда келтирилган товарларни омборларда сақлаш ва қайта ишлаш (кадоклаш, навларга ажратиш, маркировка кабилар) операциялари амалга оширилади.

Субҳудудлар фаолияти умумий ҳудудлар доирасидан ташқарига чиқувчи айрим йирик компаниялар учун яратилади. Бу ҳудудларда экспортга мўлжалланган ва импортни ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Субҳудудлар эркин савдо ҳудудлари ва импортнинг ўрнини босувчи ишлаб чиқариш ҳудудлари режими комбинациясидан иборат.

Оддий эркин савдо ҳудудлари каторига йирик халқаро аэропортларда жойлашган махсус «дюти фри» магазинларини қўшиш мумкин. Амалдаги режим нуктаи назаридан бу ҳудудлар давлат чегарасидан ташқарида ҳисобланади. Эркин савдо ҳудудларига, шунингдек, имтиёзли савдо режимли эркин гаванлар (портлар) ҳам киради.

Саноат-ишлаб чиқариш ҳудудлари иккинчи авлод ҳудудларига киради. Улар савдо ҳудудларининг ривожланиб бориши натижасида пайдо бўлди, яъни бу ҳудудларга товар билан бир каторда капитал ҳам олиб кирилиб, фақатгина савдо фаолияти билан эмас, балки ишлаб чиқариш фаолияти билан ҳам шуғулланиш йўлга қўйилди.

Саноат-ишлаб чиқариш ҳудудлари экспортга мўлжалланган ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариладиган махсус божхона режимли ҳудудларда ташкил

этилади. Бу ҳудудларда сезиларли солиқ ва молиявий имтиёзлардан фойдаланилади. Экспорт саноати ҳудудлари, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда кенг тарқалди. Бундай ҳудудларнинг замонавий модели 1959 йилда Ирландиядаги Шеннон аэропортида яратилган ҳудудий тузилмадан бошланади. Бу ҳудудлардан янги индустриал мамлакатларда кўпроқ самарага эришилди.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида 60-йилларнинг ўрталарида вужудга келган вазият, яъни экспорт саноатини ва бандликни хорижий капиталлар олиб келиш ҳисобига рағбатлантиришга бўлган эҳтиёжларни экспорт саноати ҳудудларининг яратилишига асосий сабаб сифатида келтиришимиз мумкин.

Илмий-техникавий қўллаб-қувватлаш ҳудудлари учинчи авлод ҳудудларига киради (70-80 йиллар). Бу ҳудудлар фавқулодда ёки давлат кўмагида йирик илмий марказлар доирасида махсус ташкил этилади. Уларда миллий ва хорижий тадқиқотлар олиб бориш, лойиҳалаш, илмий-ишлаб чиқариш фирмалари жамланади ва ягона солиқ ва молиявий имтиёзлар тизимидан фойдаланади. Илмий-техникавий қўллаб-қувватлаш ҳудудлари АҚШ, Япония, Хитой мамлакатларида кенг тарқалган. Улар АҚШда - технопарк, Японияда - технополис, Хитойда - янги ва илғор технологияларни ривожлантириш ҳудудлари деб аталади. Жаҳонда энг машҳур ва АҚШдаги энг йирик бўлган технопарк «Силикон Велли» ҳисоблаш техникаси ва компьютер ускуналари ишлаб чиқаришнинг 20 фоизига эга. Унда 20000 атрофида ишчилар иш билан таъминланган. АҚШда 80 дан ортиқ бундай ҳудудлар мавжуд.

Японияда махсус ҳукумат дастурлари доирасида ва етакчи илмий ташкилотлар базасида йигирмадан ортиқ технополислар яратилган. Хитойда ҳам бундай ҳудудлар фан ва техникани ривожлантириш бўйича давлат режаларини амалга ошириш мобайнида яратилган. 90-йилларнинг ўрталарига келиб Хитойда 50 дан зиёд янги ва илғор технологияларни ривожлантириш ҳудудлари фаолият олиб борарди. Осиё «янги индустриал мамлакатлари»да илмий техникани қўллаб-қувватлаш ҳудудлари

мавжуд экспорт саноати ҳудудларида инновация марказлари сифатида шаклланган. Бу инновация марказлари экспорт саноати ҳудудларини илм талаб маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун мослаштиришга хизмат қилган.

Сервис хизмати кўрсатиш ҳудудлари - бу турли молиявий, сугурта ва бошқа хизматлар кўрсатувчи фирмаларнинг тадбиркорлик фаолияти олиб бориши учун имтиёзли режимли территориядир.

Сервис хизмати кўрсатиш ҳудудларига оффшор ҳудудлар ва солиқ гаванлари киради. Оффшор ҳудудлар ва солиқ гаванлари тадбиркорларни бу ҳудудлардаги қулай валюта-молиявий, фискал режим, банк ва тижорат сирини сақланишининг юқори даражадалиги ҳамда давлат томонидан бошқарувнинг сустлиги билан ўзига тортади.

Оффшор ҳудудда рўйхатдан ўтган ҳамда солиқ ва бошқа имтиёзларга эга бўлмоқчи бўлган компанияларга қўйиладиган асосий талаб шуки, улар оффшор ҳудуд жойлашган мамлакатнинг резиденти бўлмаслиги ҳамда бу ҳудуддан даромад олишга ҳаракат қилмаслиги керак. Солиқ гаванлари оффшор ҳудудлардан шу билан фарқ қиладикки, у ерда барча (ҳам маҳаллий, ҳам хорижий) фирмалар ҳар қандай ёки айрим фаолият турлари учун солиқ имтиёзларига эга бўлади. Ҳозирги пайтда жаҳонда 300 дан ортиқ оффшор марказлар мавжуд ва уларнинг ичида 70 та атрофида солиқ гаванлари бор.

Анчадан бери оффшор ҳудудлар фаолият олиб бораётган мамлакатларга Лихтенштейн, Панама, Норманд ороллари, Британиядаги Мен ороли, Антилл ороллари, Гонконг, Мадейра, Либерия, Ирландия, Швейцария кабиларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Кейинги ўн йилликда оффшор ҳудудлар Мальта, Маврикия, Ғарбий Самоа, Исроил, Малайзия (Лабуан ороли) ва бошқа мамлакатларда вужудга келди.

Саноат, савдо, банк, сугурта ва бошқа компаниялар оффшор ҳудудларда умуман солиққа тортилмайди (Ирландия, Либерия) ёки унча катта бўлмаган паушал солиққа тортилади (Лихтенштейн, Антилл ороллари, Панама, Мен ороли ва бошқалар). Масалан, Швейцарияда нисбатан паст солиқ оли-

нади, ҳатто маълум шароитларда умуман олинмаслиги мумкин. Оффшор ҳудудлардаги имтиёзлар яна бу ерда валюта чеклашларининг йўқлиги, фойдани эркин олиб чикиб кетиш, устав капиталининг паст даражаси, божхона божлари ва хорижий инвесторлар учун йиғимларнинг мавжуд эмаслиги, экстерриториаллик кабилар билан белгиланади. Оффшор ҳудудларни ташкил этувчи мамлакатлар қўшимча хорижий капитал маблағларини жалб қилиш, рўйхатдан ўтган компаниянинг ҳудудда фаолият олиб бориши, маҳаллий кадрлар учун иш жойларининг яратилиши орқали охир-оқибат миллий иктисодиётнинг ривожланишидан манфаатдор бўлади.

Оффшор бизнес одатда банк, суғурта иши, денгиз кемасозлиги, кўчмас мулк бўйича операциялар, траст фаолияти, барча турдаги экспорт-импорт операциялари ва консалтинг фаолияти доирасида жамланади. Баъзи баҳолашларга караганда, оффшор бизнес соҳасида тўпланган капитал маблағлари миқдори 500 млрд. долларга етади. Бу бизнесда 2 млн.га яқин омонатчилар (ҳукукий ва жисмоний шахслар) иштирок этмоқда, шунингдек, ҳар йили бир неча минг янги компаниялар рўйхатдан ўтиб, оффшор фаолият ҳажмини оширишмоқда. Оффшор ҳудудлар фаолияти ҳақида мутахассислар фикри бир хил эмас. Уларнинг бир қисми бу ҳудудларни турли банк товламачилиги ва нопок пулларни «тозалаш» жойи деб ҳисоблашади.

Комплекс ҳудудлар маъмурий барпо этилган алоҳида ҳудудда умумий хўжалик режимига нисбатан махсус имтиёзлар бериш орқали ташкил топади. Комплекс ҳудудларга Хитойдаги бешта махсус ҳудудни ва «очик районлар»ни, шунингдек, Бразилиядаги «Манаус» ҳудуди, Аргентинадаги «Оловлиер» территорияси, саноати ривожланган мамлакатларнинг колок районларида яратилган эркин тадбиркорлик ҳудудларини киритиш мумкин.

90-йилларда халқаро эркин иктисодий ҳудудларни шакллантириш жараёни ривожланди. Бундан ҳудудлар икки ёки ундан ортик мамлакат чегарасида ташкил этилди.

Ишбилармонлик шартномаларини мамлакатлараро эмас, балки ҳудудий даражада ўрганиш натижасида ўзаро ташқи

иктисодий алокаларни ташкил этишнинг яна бир кўриниши сифатида еврохудудлар юзага келди. Еврохудуд - бу турли мамкатлар чегара ҳудудларининг кўнгилли бирлашмаси бўлиб, у биринчи навбатда, хўжалик соҳасида ўзаро алокаларни жадаллаштириш мақсадида тузилади. Еврохудуд доирасида фаолият олиб борувчи ҳар бир мамлакат ҳукуматининг олий органи бу ҳудудларга мамлакат чегарасида хўжалик ва бошқа алокаларни жадаллаштиришни кўллаб-қувватловчи ваколат беради. Еврохудудларни ташкил этилишида Польша, Словакия, Чехия, Венгрия, шунингдек, Украина, Белорусия актив иштирок этишмоқда.

*Турли ҳилдаги эркин иқтисодий ҳудудларга хос умумий хусусият ўз ичига божхона, молиявий, солиқ имтиёзларини олувчи қулай инвестиция муҳити ҳамда у ёки бу мамлакатдаги тадбиркорлар учун мавжуд хўжалик режимиغا нисбатан устунликлардир.*

Имтиёзларни тўртта асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

*Ташиқи савдо имтиёзлари.* Улар махсус божхона-тариф режими (экспорт-импорт солиқларини камайтириш ёки олиб ташлаш)ни киритиш ва ташиқи савдо операцияларини амалга ошириш тартибини соддалаштиришни назарда тутлади.

*Солиқ имтиёзлари.* Тадбиркорларнинг аниқ бир фаолиятини солиқ орқали рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган меъёрларни ўз ичига олади. Бу имтиёзлар солиқ базаси (даромад, мулк баҳоси кабилар), унинг айрим таркибий қисмлари (амортизация ажратмалари, маошга ҳаражатлар, ИТТКИ, транспорт ҳаражатлари), солиқ ставкалари даражаси, солиққа тортишдан вақтинча ёки батамом озод қилиш масалаларига тегишли бўлиши мумкин.

*Молиявий имтиёзлар.* Молиявий имтиёзлар турли кўринишдаги субсидияларни ўз ичига олади. Улар нисбатан паст баҳодаги коммунал хизматлар, ер участкалари ва ишлаб чиқариш иншоатларига ижара тўловини камайтириш, имтиёзли кредитлар кўринишда берилади.

*Маъмурий имтиёзлар.* Улар ҳудуд маъмурияти томонидан корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва хорижий фуқароларнинг

*Маъмурий имтиёзлар.* Улар ҳудуд маъмурияти томонидан корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва хорижий фуқароларнинг келиб-кейтиш тартиби жараёнларини осонлаштириш мақсадида ва турли хизматлар кўрсатиш орқали таклиф этилади.

Санаб ўтилган имтиёзлар турли комбинацияларда қўлланилиши мумкин. Эркин иқтисодий ҳудудларда бериладиган имтиёзлар ҳар доим ҳам хорижий капитал жалб қилишга рағбат бўлавермайди. Бу жиҳатдан караганда, сиёсий барқарорлик, инвестиция кафолатлари, инфратузилма сифати, ишчи кучининг малакаси, маъмурий процедуранинг осонлаштирилганлиги ва бошқа омиллар кўпроқ аҳамият касб этиши мумкин. Шундай бўлса-да, барча шароитлар бир хил бўлганда, ҳудудда таклиф этиладиган имтиёзлар биринчи ўринга чиқади.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Эркин савдо ҳудудлари замонавий ХИМда кўзга ташланган янги ва жуда муҳим ҳодиса бўлиб, очик иқтисодиётга ўтишни, капитал киритиш каналларини кенгайтишни ва ахборот-технологиялар айирбошлашни рағбатлантиради. ЭИХнинг 25 дан ортиқ тури мавжуд. Ишлаб чиқариш ихтисослашуви нуқтаи назаридан ЭИХнинг энг аҳамиятлиси - савдо, саноат, техника-тараккиёт ва сервис ҳудудларидир.

### **Асосий тушунчалар**

Эркин иқтисодий ҳудудлар - мамлакатнинг шундай ҳудудики, бу ерга олиб кирилган товарлар миллий божхона юрисдикциясидан ташқарида ҳисобланади, бинобарин божхона назорати ва солиққа тортишдан озод этилади, яъни бу ерда мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қўлланилмайдиган ўзига хос имтиёзлар ва рағбатлантиришлар тизимидан фойдаланилади.

Оффшор ҳудудлар — миллий иқтисодий маконнинг бир қисми бўлиб, бу ерда чет эллик ҳуқуқий ва жисмоний шахслар тижорий операцияларни чет эл валютасида амалга оширишади.



### **Назорат саволлари**

1. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг замонавий жаҳон иқтисодиётидаги аҳамияти қандай?
2. ЭИХ кўринишларига тавсиф беринг.

## **5-бўлим. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ**

### **26-боб. Халқаро валютавий ҳисоб-китоб муносабатлари**

#### **1-§. ХИМ соҳасида валютавий ҳисоб-китоб муносабатларининг моҳияти**

Халқаро ҳисоб-китоблар — турли давлатларнинг ҳуқуқий ва жисмоний шахслари ўртасида иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлардан келиб чиқувчи пул талаблари ва мажбуриялари бўйича тўловларни ташкил этиш ва тартибга солиш жараёнини ақс эттирган ҳолда товар ишлаб чиқариш ва муомала соҳасини глобаллаштириш йўлида вужудга келади. Улар ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳасидан деярли алоҳида бўлган товарлар, хизматлар ва капиталлар халқаро айланмасида қийматлар ҳаракатини ақс эттиради. Халқаро ҳисоб-китоблар асрлар давомида синовдан ўтган ва ҳам ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳам оддий қоида меъёрлари билан мустаҳкамланган тўловларни амалга ошириш шартлари ва механизмларини ўз ичига олади. Халқаро ҳисоб-китоблар асосан нақдсиз тўлов воситасида банклар ва уларнинг хорижий шахобчалари ёрдамида ҳамда бу шахобчалар ўртасида корреспондент, яъни шартнома муносабатларини ўрнатиб орали амалга оширилади. Корреспондент битимларида ҳисоб-китоблар тартиби, комиссия тўловлар миқдори ва заруриятга қараб ҳисобларни тўлдириш усуллари аниқланади.

Халқаро ҳисоб-китоблар амалиёти миллий валюталар, халқаро валюта бирликлари ва олтиндан фойдаланишни назарда тутади. 1914-1918 йиллардаги биринчи жаҳон урушидан олдин «олтин стандарти» деб номланган тизим ҳукмронлик қилган, инглиз фунт стерлинги 80 фоизга яқин халқаро ҳисоб-китобларга хизмат қилган, олтин эса тўлов балансининг пассив қисмини ёпиш воситаси сифатида хизмат қилган. АҚШнинг

иктисодий кудратининг ортиши билан жаҳон бозорида 80-йилларда америка долларининг улуши 70-75 фоизга етди. Бирок 90-йилларга келиб, бу кўрсаткич 55-60 фоизгача камайди, чунки жаҳон бозоридаги ҳисоб-китобларда бошқа мамлакатлар валюталари: немис маркаси, япон йенаси, Швейцария франки кенг микёсда фойдаланила бошланди. Бундан ташқари 70-йиллар халқаро ҳисоб валюта бирликлари: махсус қарз олиш ҳуқуқи (ингл. - Special Drawing Rights (SDR)) ва европа валюта бирлиги (ингл. — European Currency Unit (ECU), кейинчалик евро) кабиларнинг пайдо бўлиши билан ажралиб турди.

1967-1969 йилларда ташкил этилган махсус қарз олиш ҳуқуқи Халқаро валюта фондининг махсус ҳисобларидаги кредит ёзувлари кўринишидаги халқаро активлар (яъни захира ва тўлов воситалар) бўлиб, уларнинг миқдори ХВФга аъзо-мамлакатларнинг квоталарига мос келади. Бу мамлакатлар эквивалент бермасдан олтин ёки миллий валютада маълум суммадаги SDRга эга бўлишади. Халқаро активлардан фойдаланиш муддати вақт бўйича чегараланмаган. SDR захираларидан ХВФга аъзо бўлган мамлакатлар ўзаро ҳисоб-китобларда эркин фойдаланиши мумкин. SDR асосан мамлакат тўлов баланси ва валюта курсини тартибга солишга мўлжалланган. Дастлаб SDR 0,888671 грамм олтинга тенглаштирилган, бу АҚШ долларининг ўша даврдаги олтинда ифодаланган қийматига мос келган. 1974 йилдан буён SDR қиймати валюта савати ёрдамида ўрнатилади, у 1981 йилгача ҳар бирининг жаҳон савдо айланмасида ташқи савдоси 1 фоиздан кам бўлмаган 16 та давлат валютасидан ташкил топган. Кейинчалик ҳисоб-китобларни соддалаштириш учун валюта саватига фақат бешта мамлакат валютаси кирган, АҚШ доллари - 39 фоизга, немис маркаси - 21, япон йенаси - 18, инглиз фунт стерлинги ва француз франки 11 фоиздан улушга эга бўлган.

Ўтган ўттиз йил ичида SDR икки марта: 1970-1972 йилларда 9,3 млрд. долл. ва 1979-1982 йилларда 21,4 млрд. долл. миқдорда эмиссия қилинган. Бирок 1981 йилдан кейин ХВФ аъзолари сони 38 тага етгач, ХВФ директорлар кенгаши

кўшимча 28,9 млрд. долл. миқдорда SDR чиқаришга қарор қилди. Бу 21,4 млрд. SDRга мос келар эди. Узок вақт давомида SDRни тақсимлашнинг турли лойиҳаларни мувофиқлаштириш натижасида ХВФнинг барча аъзоларига бир хил ҳажмда, яъни тахминан миллий квотанинг 30 фоизи атрофида SDR беришга қарор қилинди.

SDRдан фаркли равишда, Европа валюта бирлиги ҳудудий ҳисоб-китоб бирлиги ҳисобланади, зеро 1979 йилда жорий этилган, унинг аҳамияти ва роли сўнгги ўн беш йил ичида сезиларли даражада ортиб борди ва ХИМга таъсири Кўҳна китъа чегарасидан ташқарига ёйилиб кетди. ЭКЮ валюта ҳамкорлиги ва тижорий банклар Европа фондининг ҳисобларидаги нақдсиз тўлов ёзувлари кўринишида Европа Иттифоқининг асосий валютаси сифатида хизмат қилади.

ЭКЮ (евро)нинг қўлланилиш соҳаси нафақат давлат ташкилотлари, балки хусусий молия-кредит муассасаларини ҳам ўз ичига олади. Бу ҳисоб-китоб бирлигининг бошқа бир хусусияти шундаки, йилнинг ҳар бир чораги бошида эмиссия қилинадиган ЭКЮ суммаси ЕИга аъзо-мамлакатлар олтин-валюта захираларининг ўзгаришига мувофиқлаштирилади, чунки ЭКЮ (евро)нинг 50 фоизи олтин, қолган 50 фоизи Европа Иттифоқининг миллий валюталари билан таъминланади. Европа валюта бирлигини баҳолаш битимининг 15 та иштирокчи-давлатлари валютасидан таркиб топган сават асосида амалга оширилади. Марказий курсларни қайта кўриш беш йилда бир марта ёки ЕИ ҳар бир аъзосининг талабига кўра ўтказилади.

1999 йилда ЭКЮ янги ягона европа валюта бирлиги еврога алмаштирилди, евро 2002 йилдан сўнг нафақат нақдсиз тўловлар, балки нақд кўринишга ҳам эга бўлади.

Халқаро ҳисоб-китобларда олтиннинг тутган ўрнига келсак, ундан тўлов воситаси сифатида фақат жаҳон урушлари ва глобал иктисодий инкирозлар (мас. 1929-1933 йиллардаги Буюк тушқунлик) келтириб чиқарган фавқуллодда ҳолатларда фойдаланилди. 70-йилларда юз берган олтин демонетизацияси ҳамда SDR ва ECU эмиссия қилина бошлангандан сўнг мамла-

катлар расмий олтин захираларининг бир қисмини жаҳон бозорларида ташқи савдо битимлари ва кредит муносабатлари бўйича халқаро мажбуриятлари ифодаланган валюталарга айирбошлаш учун сота бошлашди.

Ҳозирги пайтда АҚШ марказий банки энг кўп олтин захирасига эга (8000 тоннадан кўпроқ). Шунингдек, олтин захиралари ҳажми фақатгина мамлакатнинг иқтисодий қувватига эмас, балки мамлакатдаги олтин қазиб олиш даражасига ҳам боғлиқдир.

## 2-§. Халқаро ҳисоб-китоб кўринишлари

Ҳисоб-китоб операцияларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган халқаро битимлар қуйидаги асосий унсурлар: баҳолаш валютаси, тўлов шартлари ва воситалари валютаси, ҳисоб-китоблар банки ва ҳисоб-китоблар кўринишларини назарда тутган ҳолда тўловларни хорижий валютада амалга оширишнинг умумий қоидаларини аниқлаштиради.

*Баҳолаш валютаси* — бу валюта товарнинг шартнома нархини аниқлаб беради (у баъзан бир неча валюталарда ёки халқаро ҳисоб-китоб бирликлари - SDR ва еврода белгиланади). *Тўлов валютаси* импортёр мажбуриятини тўлашда фойдаланиладиган валютани ифодалайди. Валюта курслари барқарор бўлмаганда нархлар бошқа барқарор валютада, тўлов эса, одатда, импортёр-мамлакат валютасида белгиланади. Баҳолаш валютаси ва тўлов валютаси мос келмаганда шартномада ХВФ паритети ёки бозор курси бўйича баҳолаш валютасини тўлов валютасида ҳисоблаш шартномада қайд этилади. Валюта курсини пасайиш хатари экспортёр (кредитор), кўтарилиши эса импортёр (қарздор) зиммасига тушади.

*Тўлов воситаси* нақд тўлаш, кредитга тўлаш, шунингдек, нақд тўловни танлаш ҳуқуқи билан кредитга тўлаш (опцион)ни назарда тутати. Нақд тўлаш экспорт қилинган товарларни товар жўнатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (ҳисоб-фактура, товар-транспорт ҳужжати, суғурта полиси кабилар) тақдим этилган заҳоти тўловни амалга ошириш билан боғлиқ. Кредит орқали тўлаш асосан тижорий кредит кўринишида юза-

га чиқади, бу кредит товар сотувчи томонидан харидорга бир неча ойдан 5-8 йил ва ундан ортиқ муддатга берилади. Нақд тўловни назарда тутувчи опционли кредит беришга мувофик, импортёр тўловни орқага суриш ҳукукидан, яъни кредитдан фойдаланганда нақд тўловда бериладиган нарх ташламалардан маҳрум бўлади. Шартнома хусусияти ҳамда миллий валюта-нинг жаҳон бозорларидаги мавқеи ва иқтисодий конъюнктура-га боғлиқ равишда қуйидаги ҳисоб-китоб кўринишларидан фойдаланилади: аккредитив, инкассо, банк ўтказмалари, очик ҳисоб, аванс.

Санаб ўтилган ҳар бир ҳисоб-китоб кўринишининг хусу-сиятларини очиб беришдан олдин ХИМ амалиётида халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш схемасини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилганлигини қайд этиб ўтамиз. Мас. Халқаро савдо палатаси томонидан 1933 йилда қабул қилинган ҳужжатли аккредитивлар учун унификацияланган коидалар ва таомиллар (1993 йилдаги таҳрири) ўз ролини сақлаб қолган, худди шу ташкилот томонидан 1936 йилда шакллантирилган Инкассо бўйича унификацияланган коидаларнинг 1995 йилдаги таҳрири ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Энди тўловларнинг биринчи кўриниши аккредитивга ўтар эканмиз, шуни қайд этишимиз мумкин, *аккредитив* — шундай битимки, унга мувофик, банк мижознинг илтимосига кўра ҳужжатда кўрсатилган шартларда учинчи шахс (бенифици-ар)га тўловни амалга ошириш ёки бенифициар томонидан кўйилган ўтказма векселни (тратта) тўлашни амалга ошириш (акцепт) мажбуриятини олади.

Аккредитив ҳисоб-китоблари схемаси қуйидаги ҳаракатларни назарда тутади:

*импортёр экспортёр томонидан товар жунатилишга тайёрлиги ҳақида хабардор қилинган, импортёр ўз банкига шартномада белгиланган муддатда аккредитив очишга буйруқ беради;*

*импортёр банк экспортёр банкдан экспортёр (бенефи-циар) фойдасига аккредитив очишни сўрайди;*

ўз банкидан аккредитив очилганлиги ҳақида хабар олгач, экспортёр аккредитив шартларини текшириб кўради, импортёрга товарни жўнатади ва ҳужжатларни расмийлаштиради, бу ҳужжатларга мувофиқ аккредитивдан тўловни амалга ошириш мумкин;

шундан сўнг экспортёр ҳужжатларни ўз банкига топширади, у ўз навбатида ҳужжатларни бенефициар ҳисобига тўлов суммасини ўтказишни амалга оширувчи импортёр банкига юборади;

ва ниҳоят, импортёр банки экспортёр банкидан олган ҳужжатларни ўз мижозига топширади, шундай қилиб импортёр етиб келган товарларга эга бўлади.

Аккредитив кўринишида ҳисоб-китобларни амалга ошириш банклар ўртасида корреспондент муносабатларнинг мавжудлиги туфайли осонлашади (акс ҳолда ҳисоб-китобларда учинчи - *рамбурсловчи* банк иштирок этади), бироқ бошқа ҳисоб-китоб кўринишларига нисбатан комиссия тўловларнинг юқорилигига боғлиқ равишда кийинлашади. Аккредитивнинг асосий турлари бўлиб куйидагилар хизмат килади:

*аккредитив шартларини ўзгартириш (бекор қилиш) имкониятига боғлиқ равишда - чақирилувчи ва чақирилмовчи аккредитив;*

*аккредитив бўйича банкнинг қўшимча мажбуриятлари нуқтаи назаридан - тасдиқланган ва тасдиқланмаган аккредитив;*

*қайтадан ташкил этиш шартларига мувофиқ - қайтадан ташкил этилувчи (револьвер, ролlover) ва қайтадан ташкил этилмайдиган аккредитивлар;*

*иккинчи бенефициар томонидан фойдаланиш эҳтимолига боғлиқ равишда - ўтказма (трансферабел) ва ўтказма бўлмаган аккредитив;*

*валютавий қопланганлиги мавжудлиги бўйича - қопланган ва қопланмаган аккредитив.*

Халқаро ҳисоб-китобларнинг аккредитив кўринишларини кўриб чиқишнинг яқунида энг кенг тарқалган ҳужжатли аккре-

дитивдан ташқари экспортёр банки томонидан ўтказма векселларни тўлашни назарда тутувчи *акцепт аккредитивлар, бўлиб-бўлиб тўлаш мумкин бўлган аккредитивлар* ва *ҳужжатларни сотиб олиш* билан боғлиқ аккредитивлардан ҳам фойдаланилади. Ва ниҳоят, воситачилик операциялари амалиёти *компенсацион* ва *"бэк-ту-бэк"* аккредитивларидан фойдаланишни ўз ичига олади, булар юқорида кўриб ўтилган схемаларга нисбатан мураккаброқ саналади. Куйидаги ҳисоб-китоб кўринишини кўриб чиқамиз.

Инкассо мижоз (экспортёр) буйруғига кўра жўнатилган товарлар ёки хизматлар учун импортёрдан тўловни қабул қилиш ва бу маблағларни экспортёр ҳисобига ўтказиш операциясини назарда тутати. Оддий ва ҳужжатли инкассолар мавжуд. Оддий инкассо молиявий мажбуриятлар, ҳужжатли инкассолар - молиявий ва тижорий ҳужжатлар ёки фақат тижорий ҳужжатлар бўйича тўлов ундиришни билдиради. Бошқаларига нисбатан кенг тарқалган ҳужжатли инкассо бўйича тўловни амалга ошириш схемасини куйидагича ақс эттириш мумкин:

*битим тузилганидан сўнг экспортёр товарни импортёр манзилига жўнатади;*

*кейин экспортёр барча ҳужжатларни ўз банкига топширади ва унга инкассациялаш операциясини буюради;*

*экспортёр банки ўз навбатида ҳужжатларни импортёр жойлашган мамлакатдаги корреспондент-банкка юборади;*

*ҳужжатлар олинганлиги ҳақида импортёрни хабардор қилиб, бу ҳужжатларни нақд ёки тратта акцепти кўринишидаги тўлов бадалига импортёрга топширган ҳолда импортёр банки экспортёр банкига импортёрдан олинган тўлов суммаси унинг корреспондент ҳисобига ўтказилганлиги ҳақида хабар беради;*

*натижанда экспортёр банки ўз мижозига унга тегишли экспорт тушумини тўлайди.*

Ўхорижий валютадан фойдаланиладиган тижорий операциялар амалиёти инкассо кўринишида ҳисоб-китоб қилиш экспортёрга нисбатан импортёр учун фойдалироқлигидан гувоҳлик беради, чунки аккредитивдан фарқли равишда инкас-



со юкорирок хатарга эга. Бу хатар бозор конъюнктурасининг ўзгариши ёки импортёр (тўловчи) молиявий ҳолатининг ёмонлашиши туфайли импортёрнинг тўлашдан бош тортиши билан боғлиқ. Бирок инкассо операцияларини амалга оширишдаги комиссиян йиғимлар миқдори аккредитивдагига нисбатан анча кам бўлади.

Банк ўтказмалари - ўтказувчи (тўловчи) талабига мувофиқ, унинг ҳисобидан олувчи (бенифициар) фойдасига бир банк томонидан бошқа банкка тўлов талаблари воситасида амалга ошириладиган ҳисоб-китоб кўринишидир. Бунда товар ҳужжатлари экспортёр томонидан импортёрга банкларни четлаб ўтган ҳолда юборилади. Банк ўтказмалари почта ёки телеграф орқали, 1973 йилдан бери СВИФТ (Society for Worldwide International Financial Telecommunications) тизими орқали амалга оширилади. SWIFTда жаҳоннинг 60 мамлакатидан 1600 дан ортик молия-кредит муассасалари иштирок этади (1988 йилдан буён замонавийлаштирилган СВИФТ-2 амалда, 2000 йилга келиб СВИФТ-3 лойиҳасини жорий этиш режалаштирилган).

Ўз-ўзидан тушунарлики, аванслаш етказиб бериладиган товарлар учун импортёрнинг олдиндан ҳақ тўлашини акс эттиradi ва у экспортёр учун фойдали ўзаро ҳисоб-китоб кўриниши ҳисобланади. Ҳисоб-китобнинг бу кўриниши қиммат қурилмалар ва шахсий буюртма бўйича тайёрланган тайёр буюмларни етказиб беришда айниқса, кенг тарқалган. Халқаро амалиётга мувофиқ, аванс тўловлари битим суммасининг 10 фоизидан 33 фоизигачасини ташкил этади. Аванслаш жараёни, одатда, экспортёр буйруғига мувофиқ, шартнома шартлари ба-жарилмаган тақдирда унинг банки олинган авансни импортёрга қайтариши тўғрисида кафолат беришини назарда тутати.

Авансдан фарқли равишда, очиқ ҳисоб бўйича ҳисоб-китоб товар импортёр томонидан олингандан сўнг амалга оширилади. Экспортёр импортёрга ҳисоб-фактурани ҳужжатлар билан биргаликда почта орқали банклар иштирокисиз юборади. Импортёр ҳужжатларни олганидан ва шартнома моддаларига мос келишини текшириб кўрганидан сўнг, ўз банкига экспортёр банкига валюта ўтказиш хақида буйруқ беради. Бунда жорий қарздорлик суммаси ҳамкорларнинг ҳисоб-китоб

карздорлик суммаси ҳамкорларнинг ҳисоб-китоб китобларида ҳисобга олинади, қарзни тўлаш тартиби одатда белгиланган муддатларда импортёрнинг экспортёрга даврий тўловлари билан боғлиқ. Ҳисоб-китобларнинг бу кўриниши томонларнинг бир-бирига юқори даражада ишончи билан характерланади ва йирик ТМҚлар доирасидаги муносабатларга хосдир.

Санаб ўтилганлардан ташқари халқаро ҳисоб-китоблар векселлар ва чеклардан фойдаланишни ҳам назарда тутлади. Вексель — белгиланган кўринишда тузилган ёзма қарздорлик мажбурияти, вексель эгаси унда кўрсатилган муддат тугагандан сўнг белгиланган пул суммасини қарздордан талаб қилишга ҳақли. Халқаро амалиётда ўтказма векселлардан фойдаланилади. Ўтказма вексель кредитор (трассант)нинг қарздор (трассат)га маълум бир суммадаги пулни белгиланган муддатда учинчи шахс (ремитент)га тўлаш тўғрисида қатъий буйруғидир. Ўтказма векселлардан фойдаланиладиган ҳисоб-китобларда экспортёр тратта ва товар ҳужжатларини ўз банки инкассосига топширади ва банк импортёрдан валюта олади. Вексель муносабатлари 1930 йили Женевада имзоланган векселлар тўғрисидаги конвенция томонидан тартибга солинади.

Чек — чек имзолаганнинг жорий ҳисобидан муайян суммани бериш ёки бошқа ҳисобга ўтказиш ҳақида банкка берган ёзма фармойишидир. Халқаро ҳисоб-китобларда бу тўлов воситаси XVI асрдан (вексель - XII-XIII асрлардан) буён маълум бўлиб, у қуйидаги схемани назарда тутлади, яъни бу схемага мувофиқ чек берувчининг маблағларини саклаб турувчи банк тўловни амалга оширувчи ҳисобланади. Экспортёр импортёрдан чекни олгандан сўнг шартнома бўйича ўзига тегишли суммани ўз банкидан олиши керак. Чекдаги маблағни ўтказиш тўғрисидаги ёзув (индоссамент) характерига кўра ордерли чек, олувчининг номига ёзилган чек ва кўрсатувчига бериладиган чеклар бўлиши мумкин. Женева чеклар тўғрисидаги конвенцияси қоидалари ҳозирги пайтгача ўз қучида қолган. Халқаро ҳисоб-китобларнинг асосий кўринишлари шарҳининг сўнггида Халқаро савдо палатаси томонидан ишлаб чиқилган Тўлов ва шартнома қафолатларини бериш тўғрисида соддалаштирилган

қоидаларга (1978 йилда таҳрир қилинган) мувофиқ, тўлов ва шартнома кафолатларининг зарурлигини эслатиб ўтамиз.

### **3-§. Валюта клиринги**

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиниши халқаро ҳисоб-китобларда валюта клиринги - икки ва ундан ортиқ ҳукуматлар ўртасида молиявий талаблар ва мажбуриятларни ўзаро ҳисобга олиш ҳақида келишувдан фойдаланишни шарт қилиб қўйди. Бундай клирингларнинг ўзига хос хусусияти бошқа мамлакатлар билан валюта айланмасини клиринг банклари томонидан миллий валютадаги ҳисоб-китоблар билан алмаштириш ҳисобланади. Бу банklar барча талаблар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширади.

Икки томонлама клиринг энг кўп тарқалган. Кўп томонлама клирингга мисол сифатида Европа тўлов иттифоқи (1950—1958) ва унинг ўрнига келган ҳамда 1958 йилдан 1972 йилгача ҳаракатда бўлган Европа валюта битими, 1973 йилдан бошлаб кучга кирган Иқтисодий ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилотининг валюта бўйича конвенциясини келтириш мумкин. СВИФТ тизимини вужудга келиши ва ЭКЮда олиб бориладиган операцияларнинг кенгайиши билан Европа клирингининг асосий агенти сифатида Базелда (Швейцария) жойлашган Халқаро ҳисоб-китоблар банки чиқмоқда. У 33 давлатнинг ўзаро ҳисоб-китобларини амалга оширади. Ҳозирги пайтда халқаро клирингнинг Осиё, Африка ва Жанубий Американинг ривожланаётган мамлакатларида ҳам ривожланиши кузатилмоқда, бу мамлакатларда 90-йилларнинг ўрталарига келиб 150 та икки томонлама ва тўртта кўп томонлама клиринг битимлари амалда эди.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Халқаро валюта-ҳисоб-китоб муносабатлари валюталарнинг тўлов воситаси сифатида ишлатилиши жараёнида юзага келади ва бу валюталар қаторига универсал ҳисоб бирликлари - СДР ва ЭКЮ (1999 йилдан евро), шунингдек олтин ҳам қиради. Олтин XX асрнинг бошларига нисбатан ўзининг

хукмронлик ролини йўқотди. Халқаро тўловларнинг асосий кўринишлари аккредитив, инкассо, банк ўтказмалари, аванс ва очик ҳисоблар ҳисобланади. Векселлар, чеклар, кейинги йилларда эса электрон кредит карталаридан кенг фойдаланилмоқда. Иккинчи жаҳон урушидан кейин давлатлараро муносабатлар амалиётида бир томонлама ва кўп томонлама валюта клиринглари тез ривожланмоқда.

### **Асосий тушунчалар**

Халқаро ҳисоб-китоблар — турли давлатларнинг ҳуқуқий ва жисмоний шахслари ўртасида иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлардан келиб чиқувчи пул талаблари ва мажбуриятлари бўйича тўловларни ташкил этиш ва тартибга солиш жараёнидир.

Махсус қарз олиш ҳуқуқи — Халқаро валюта фондининг махсус ҳисобларидаги кредит ёзувлари кўринишидаги халқаро активлар (яъни захира ва тўлов воситалар) бўлиб, уларнинг миқдори ХВФга аъзо-мамлакатларнинг квоталарига мос келади.

Евро — валюта ҳамкорлиги ва тижорий банклар Европа фондининг ҳисобларида нақдсиз ёзув кўринишидаги халқаро универсал тўлов-ҳисоб-китоб бирлиги.

Аккредитив — миждознинг илтимосига кўра банк томонидан ҳужжатда кўрсатилган шартларда учинчи шахс (бенифициар)га тўловни амалга ошириш ёки бенифициар томонидан кўйилган ўтказма векселни (тратта) тўлашни амалга ошириш (акцепт) бўйича банк мажуриятига ифодаловчи битим.

Инкассо — миждоз (экспортёр) буйруғига кўра жўнатилган товарлар ёки хизматлар учун импортёрдан тўловни қабул қилиш ва бу маблағларни экспортёр ҳисобига ўтказиш операцияси.

Банк ўтказмалари — ўтказувчи (тўловчи) талабига мувофиқ унинг ҳисобидан олувчи (бенифициар) фойдасига бир банк томонидан бошқа банкка тўлов талаблари воситасида бажариладиган ҳисоб-китоб кўриниши.

Аванслаш — етказиб бериладиган товарлар учун импортёр томонидан олдиндан ҳақ тўлашдан иборат. Экспортёр учун фойдали ўзаро ҳисоб-китоб кўриниши ҳисобланади.

Очик ҳисоб — ҳисоб-китоб товар импортёр томонидан олингандан сўнг амалга ошириладиган форма. Экспортёр импортёрга ҳисоб-фактурани ҳужжатлар билан биргаликда почта орқали банклар иштирокисиз юборади.

Вексель — белгиланган кўринишда тузилган ёзма қарздорлик мажбурияти, вексель эгаси унда кўрсатилган муддат тугагандан сўнг белгиланган пул суммасини қарздордан талаб қилишга ҳақли.

Чек — чек имзолаганнинг жорий ҳисобидан муайян суммани бериш ёки бошқа ҳисобга ўтказиш ҳақида банкка берган ёзма фармойиши.

Кредит карточкаси — элетрон банк тизимлари орқали товар ва хизматларни нақдсиз тўлаш инструменти.

Валюта клиринги — икки ва ундан ортиқ ҳукуматлар ўртасида молиявий талаблар ва мажбуриятларни ўзаро ҳисобга олиш ҳақида келишув.

### **Назорат саволлари**

1. Халқаро валюта ҳисоб-китоб муносабатларининг моҳиятини тушунтиринг.
2. Жаҳон валюта тизимида қандай тўлов воситаларидан фойдаланилади?
3. Халқаро ҳисоб-китоблар кўринишларига тавсиф беринг.
4. Вексель ва чек ўртасида қандай умумийлик ва фарқлар мавжуд?
5. Валюта клирингининг ХИМда тутган ўрнини очиб беринг.

## **27-боб. Миллий ва хорижий валюта тушунчаси**

### **1-§. "Валюта" тушунчаси моҳияти**

ХИМнинг муҳим соҳаларидан бири саналган мамлакатларро валюта муносабатлари пул бирликларидан тўлов-ҳисоб-китоб воситаси сифатида фойдаланишга асосланган. Шу билан боғлиқ равишда миллий ва жаҳон валюталари, шунингдек, универсал ҳисоб-китоб валюта бирликларини ажратиб кўрсатиш мумкин. «Валюта» (итал. *valuta* — "баҳо, қиймат") тушунчаси кўп маънога эга бўлиб, бир томондан маълум бир давлатнинг қонун билан ўрнатилган пул воситаси (миллий валюта) бўлса, иккинчи томондан бир ёки бир неча етакчи мамлакатларнинг валютаси кўринишидаги жаҳон резерв пуллари, ва ниҳоят кейинги ўттиз йил ичида Халқаро валюта фонди ва Европа валюта тизими аъзолари томонидан кўп томонлама ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган халқаро валюта бирликларини билдиради.

Валюта муносабатлари миллий ва халқаро миқёсда олиб борилади. Бунда валюта курси ва паритети боғловчи бўғин вазифасини бажаради. Валюта курси — бу миллий валюталар ўртасидаги нисбат, бошқача қилиб айтганда, бир мамлакат валютаси баҳосининг хорижий пул бирликларида ифодаланишидир. Шундай қилиб, нисбий миқдор бўлган валюта курси ўз-ўзидан, абстракт ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас: масалан, сўмнинг долларга нисбатан курси, марканинг франкка нисбатан курси ва бошқалар.

Паритет — бу миллий валюталар ўртасидаги уларда расмий равишда белгиланган олтин миқдори асосида олинган нисбатдир. 70-йилларда олтиннинг демонетаризацияланишидан кейин расман ҳисобланса-да, валюта соҳасида ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

### **2-§. Жаҳон валюта-молия тизими хусусиятлари**

Замонавий жаҳон валюта-молия тизими (ЖВМТ) - халқаро иқтисодий муносабатлар доирасида узок давом этган эволюция

натижасида шаклланган ва давлатлараро битимлар оркали мустаҳкамланган валюта муносабатларини ташкил этиш кўринишидир. Унинг таркибига *халқаро тулов воситалари (валюталар), валюталарни айирбошлаш жараёни, конвертирганлик шартлари, ҳисоб-китоб кўринишлари, жаҳон валюта ва олтин бозорлари тартиби (режими), валюта муомаласини тартибга солиш масалалари билан шуғулланувчи турли глобал, ҳудудий ва миллий ташкилотлар, молия-кредит институтлари тармоғи (банклар)* киради. ЖВМТ фаолиятининг таназзулли ривожланишининг маълум пайтлари учун *жисмоний шахслар* ролининг ортиб бориши ҳосдир.

ЖВМТнинг ривожланиш тарихи объектив иқтисодий конунлар етакчи давлатлар олдига миллий валюта тизимлари доирасидаги сиёсатни мувофиқлаштириш заруриятини кўйган пайтлардан бошланади. Бу 1867 йилда бошланган. Париж анжумани нинтирокчилари олтинни ягона жаҳон пули сифатида тан олишди. Париж валюта тизимининг ўзига ҳос хусусиятлари куйидагилар эди:

- у олтин-пул стандартига асосланган эди;
- ҳар бир валюта маълум миқдордаги олтин билан таъминланган эди;
- талаб ва таклиф асосида, аммо йўл кўйилган тебраниш (1%) чегарасида эркин сузувчи валюта курслари шаклланди;
- барча халқаро тижорий операциялар олтин билан 100 фоизли копланди.

Бирок XX асрнинг бошларига келиб, олтин-пул стандартининг умри аста-секин якунига ета бошлади, зеро у хўжалик алоқалари кўламига ва бозор иқтисодиётини тартибга солиш шартларига жавоб бера олмай қолди. Париж валюта тизимига ҳал қилувчи зарба биринчи жаҳон уруши ва 1918-1922 йиллардаги сиёсий инкироз томонидан берилди, яъни уруш ва инкироз туфайли барча йирнк давлатлар валюта чеклашларини жорий қилишга, банкнотларни олтинга айирбошлашни тўхтатишга ва ҳарбий харажатларни коплаш учун эмиссияни кескин оширишга мажбур бўлишди. Натижада аввалги валюта тизими ўрнига 1922 йилда янги Генуя валюта тизими келди, у

олтинга қўшимча равишда девизларни - 20-30 йиллардаги етакчи давлатлар (Франция, Буюкбритания ва АҚШ)нинг валюталаридан фойдаланишни назарда тутар эди. Девизлар халқаро резерв восита сифатида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган бўлмаса-да, олтинга эркин айирбошланар эди. Бу валюта курсларининг эркин тебраниши тартибини қайтадан тиклади, бундан ташқари вужудга келган барча муаммолар доимий равишда ўтказилувчи анжуманларда муҳокама қилина бошланди.

Генуя тизими олтин стандартига асосланган тизимга нисбатан мустаҳкам бўла олмади. Унинг барбод бўлишига икки сиёсий чайқалиш: икки уруш орасидаги ўн йиллик ва Буюкбритания, АҚШ ва Франциянинг иктисодий якка ҳокимлиги, айниқса, ХИМда Америка капиталининг гегемонияси учун курашни асосий сабаб деб ҳисоблаш мумкин.

1929-1933 йиллардаги жаҳон иктисодий таназзули ЖВМТнинг барқарорлигига путур етказди, у валюта блоклари, яъни стерлинг (1931 йилдан), доллар ва олтин (1933 йилдан) блокларига бўлиниб кетди. Бирок Буюкбритания, АҚШ ва Франция бошчилигида бу гуруҳларни ташкил этилиши етакчи валюталарни олтинга эркин айирбошлаш ва иккинчи жаҳон уруши арафасида уларни девальвация қилишни таъқиқлашнинг олдини ола олмади.

Янги валюта тизими ҳуқуқий жиҳатдан 1944 йилда АҚШнинг Бреттон-Вудс шаҳрида ўтказилган халқаро иктисодий Анжуманда кучга кирди. Бу анжуманда мамлакатлар ўртасида савдони ташкил этиш, валюта-молия ва кредит муносабатларини амалга ошириш коидалари белгиланди. ЖВМТнинг учинчи тарихий кўриниши шу тахлит вужудга келди. Унинг валюта соҳасидаги асосий хусусиятларига қуйидагиларни келтириш мумкин:

- олтинга ва икки резерв валюта - АҚШ доллари ва Буюкбритания фунтига асосланган олтин девиз стандартини жорий қилиш (амалда Вашингтон тазыйқи остида Британия империяси бўлиниб кетиши туфайли 40-йилларнинг охирига келиб доллар ҳеч қандай чеклашларсиз белгилан-



ган баҳода (1934 йилда 1 троя унция, яъни 31,1 грамм олтин 35 доллар) олтинга айирбошланадиган ягона валютага айланди);

- валюталарнинг олтин паритетини сақлаб қолиш ва аини пайтда уни Халқаро валюта фондида белгилаб қўйиш (яъни олтин халқаро тўлов воситаси ва резерв воситаси ролини бажаришни давом эттирди);
- доллар ифодасидаги белгиланган валюта курсларига ўтиш, валюта курслари 1 фоиз (Европа мамлакатлари учун 0,75 фоиз) атрофида тебраниши мумкин бўлиб, марказий банклар томонидан валюта интервенцияси ёрдамида мувозанатлаштириб туриларди;
- иккита янги валюта-кредит ташкилоти - Халқаро валюта фонди (ХВФ) ва Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки (ХТТБ)ни ташкил этиш.

Шундай қилиб, Бреттон-Вудс валюта тизими долларни олтин билан бевосита боғлиқ равишда жаҳон резерв валютаси сифатида яқка ҳукмронлигини билдирар эди. Бу АҚШнинг жаҳон иктисодиётида урушдан кейинги дастлабки ўн йиллардаги ҳукмронлик ролига мос келар эди. Бироқ бу тизимнинг ижобий томонларини рад этмаслик зарур. У хўжалик алоқаларининг тикланиши, уруш туфайли издан чиққан ишлаб чиқариш ва савдонинг ривожланишига кўмак берди.

60-йилларнинг охири - 70-йилларнинг бошларида ёқилғи, хом ашё ва валюта инкирозларининг қўшилиб кетиши Америка монополиясига асосланган жаҳон хўжалик тартибига путур етказди. Бреттон-Вудс валюта тизимини барбод бўлишининг туб сабаблари етакчи мамлакатлар иктисодий ривожланишининг нотекислиги, колониал империяларнинг бўлиниб кетиши ва ўнлаб мустақил ёш давлатларнинг пайдо бўлиши, АҚШ товарларига Ғарбий Европа (энг аввало Германия) ва Японияда ишлаб чиқарилган рақобатбардош товарларнинг кўпайиши кабилардан иборат эди. Жаҳонда учта иктисодий таъсир маркази - АҚШ, Ғарбий Европа ва Япония таъсиридаги марказларни шаклланиш жараёни долларнинг ЖВМТдаги монопол мавқеига путур етказди.

Бреттон-Вудс валюта тизимининг инкирози натижасида етакчи давлатлар иктисодиёти валюта ва олтин «талваса»сини бошидан кечира бошлади: фонд биржаларида валюта курсларининг ўзгаришини кутиш натижасида кимматбаҳо қоғозлар курсларининг тушиб кетиши келтириб чиқарган ваҳималар юз берди. Давлатлар ўз валюталарини девальвация қилишга мажбур бўлишди. Бу жараёнларнинг энг юқори нуқтаси 1971 йилнинг баҳор-ёзи ва 1973 йилнинг баҳорида асосий резерв валюта, яъни АҚШ доллари мавқеининг пасайиб кетиши бўлди. Доллар икки марта девальвация қилинганидан сўнг, уни олтинга эркин алмаштириш бекор қилинди ва 1973 йилнинг мартидан бошлаб белгиланган валюта курсларидан сузувчи валюта курсларига ўтилди.

ХВФ қошида йигирмалар Кўмитаси доирасида юзага келган вазиятдан чиқиб кетиш йўлларини топишга ҳаракат қилинди. 1976 йилдан 1978 йилгача Ямаиканинг Кингстон шаҳрида битим имзоланиши ва аъзо-мамлакатлар томонидан ХВФ Низомида ўзгаришлар ратификация қилинишидан сўнг навбатдаги янги жаҳон валюта тизими расмийлаштирилди.

Ямайка валюта тизими унинг уюшқорлари томонидан қуйидаги тамойиллар асосида яратилди:

- олтин стандарти махсус қарз олиш ҳуқуқи (SDR) билан алмаштириш;
- олтинни демонетаризациялаш, яъни олтин паритетларини бекор қилиш ва олтинни долларга алмаштиришни тўхтатиш;
- ХВФ аъзоларига миллий валюта курслари режимини эркин танлаш ҳуқуқини бериш;
- ХВФ ва ХТТБни жаҳон валюта тизимининг гаранти сифатида саклаб қолиш.

Бреттон-Вудс ва Ямайка валюта тизими солиштирилганда ворислик кузатилади. Хусусан, валюта плюралиزمи тамойилига қарамадан, доллар асосий тўлов ва резерв воситаси мавқеини саклаб қолган, чунки SDR стандарти орақасида айнан Америка доллари туради.

Олтинга ҳали ҳам фавқулодда вазиятларда (урушлар, инкирозлар кабилар) валюта товари сифатида қаралади. Ва ниҳоят, 1944 йилда ташкил этилган халқаро мувофиқлаштирувчи ташкилотлар - ХВФ ва ХТТБ йўқ бўлиб кетмади, балки ўз вазифаларини кенгайтирди.

Барча қайд этилган омиллар Ғарбий Европа мамлакатларини ўзларининг худудий валюта тизимини шакллантиришга мажбур этди. 1979 йилда ташкил этилган Европа валюта тизими ўтган йигирма йилдан ортиқ вақт давомида мустақкамланди ва ҳозирги пайтда ўз ривожланишининг янги босқичига - Европа Иттифоқининг аъзолари валюталарини муомаладан чиқариб, ЕВРО универсал пул бирлигини жорий қилиш босқичига ўтди.

Ямайка валюта тизимининг замонавий босқичи бир қатор хусусиятлар билан тавсифланади.

1. 1976-1978 йилларда имзоланган битимга 80-йилларнинг охири - 90-йилларнинг бошларида сўбик социалистик давлатларнинг ХВФга қўшилиши натижасида аъзо-мамлакатлар сони кенгайди.
2. Ривожланаётган мамлакатлар ва ўтиш даври иктисодиётли давлатлардаги иктисодий кийинчиликлар жаҳон валюта бозорларида бекарорликни кучайтирди.
3. Америка долларининг монопол мавқеига Европанинг янги коллектив валютаси томонидан ҳақиқий муқобил валюта юзага келди.
4. Молиявий операцияларни тезлаштирувчи валюта-ҳисобкитоб муносабатларини ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш жараёнлари ривожланмоқда.
5. Валюта-молия соҳасини тартибга солишда халқаро ташкилотлар ва интеграцион гуруҳларнинг аҳамияти ошди.

### **3-§. Халқаро валюта фонди — Жаҳон валюта-молия тизимининг етакчи институти**

Бреттон-Вудс Анжумани қарорига мувофиқ 1945 йилда ташкил этилган Халқаро валюта фонди (International Monetary Fund (IMF)) 1946 йилдан бошлаб операцияларни амалга ошира

бошлади. ХВФ ҳукуматлараро ташкилот бўлиб, БМТнинг махсуслаштирилган муассасаси сифатида тартибга солиш, маслаҳат бериш ва молия-кредит соҳасидаги бошқа бир қатор вазифаларни бажаради. 180 дан ортиқ аъзо-мамлакатларнинг валюта сиёсатини кузатиш, баҳолаш ва олдиндан айтиб бериш масаласи ХВФнинг диққат марказида туради. Фонднинг штаб-квартираси Вашингтонда жойлашган.

ХВФ замонавий халқаро валюта-молия тизимининг институционал асоси ҳисобланади. Ҳар бир давлат бу ташкилотга аъзо бўлишда маълум миқдорда пул бадали - аъзолик квотасини амалга оширади, квота миқдори ҳар беш йилда қайта кўриб чиқилади. Квота миқдори (SDR ифодаланади) мамлакатнинг жаҳон ЯИМидаги улушига мос келади ва унинг Фонддаги овози сонини белгилаб беради. Овозларнинг таксимланишига эътибор берадиган бўлсак, ҳозирги кунда бир неча мамлакат устунликка эга: АҚШ - 17,7, Германия, Япония - 5,5, Буюкбритания, Франция - 4,9, Саудия Арабистони - 3,4, Италия - 3,1, Россия - 2,9 фоиз овозга эга. ХВФ тузилмасига Бошқарув Кенгаши киради. Бу олий орган таркибига фондга аъзо-мамлакатлар вакиллари ва уларнинг ўринбосарларини бирлаштирган. Улар ўз давлатлари томонидан беш йил муддатга сайланади. Одатда бу лавозимга молия вазирлари ёки марказий банк бошликлари ўтиради. Кенгашнинг иш формаси — ҳар йили ўтказиладиган сессиялардир.

ХВФнинг барча жорий фаолияти Ижроия кенгаши зиммасига юкланади. Бошқарув кенгаши айрим энг муҳим масалалар (масалан, янги аъзоларни қабул қилиш, квота миқдорини қайта кўриш каби)дан бошқа ҳар қандай муаммоларни ҳал қилишни ижроия кенгашига топшириш ҳуқуқига эга. Ижроия кенгаши йўриқчи-директор ва 24 та ижрочи-директорлардан таркиб топган. Бу кенгаш ҳафтада уч мартадан кам бўлмаган мажлислар ўтказилади. Юкоридагилардан ташқари фонд тузилмасида бир қатор бошқа органлар мавжуд: Вактинчалик кўмита, Ривожланиш бўйича кўмита, Тўлов баланслари статистикаси бўйича кўмита. Бу органлар махсус вазифаларни бажаради.

ХВФнинг молиялаш манбалари аъзолик бадалларидан ташқари энг ривожланган мамлакатлардан олинадин қарзлар ҳисобланади. Ҳозирги пайтда ХВФнинг ўз маблағи 290 млрд. долларга етади. Фонднинг энг муҳим вазифаси аъзо-давлатлар валюта-молия сиёсатини мувофиқлаштириш, уларга тўлов балансини тартибга солиш ҳамда валюта курсини сақлаш учун қарз бериш ҳисобланади. Кредитлар фонднинг ўз маблағларидан ва жалб қилинган воситалардан траншея кўринишида берилади. Комиссион йиғим кредит ҳажмининг 0,5 фоизи миқдорида белгиланади. Фоиз ставкаси эса йилига 6-8 фоиз атрофида ўрнатилади, бу купгина тижорий банкларнинг фоиз ставкасидан сезиларли даражада пастдир.

Тақдим этиш шартларига кўра ХВФ кредитлари куйидагича бўлиши мумкин:

- Квотанинг 25 фоизигача миқдорда бериладиган кредит. Одатда бундай кредит 1 йилгача берилади, 4-5 йилгача чўзилиши мумкин;
- Кенгайтирилган вариантда - миллий квотанинг 300 фоизигача миқдорда бериладиган кредит (одатда уч йил муддатга);
- махсус фондлардан компенцицион ёки шошилиш тўловлар кўринишидаги кредит;
- хом ашё (буфер) захираларини молиялаш кўринишидаги кредит;
- 1987 йилда ташкил этилган тузилмавий қайта куриш Фонди орқали аҳоли жон бошига даромад паст даражада бўлган давлатлар учун кредит.

ХВФга аъзо-мамлакатнинг фонд ресурсларидан фойдаланиши иқтисодий мақсадларни макроиқтисодий бошқариш соҳасида жиддий мажбуриятларни бажаришга мажбур этади, энг аввало валюта-молия сиёсати бу ташкилот билан мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилиши керак. Кредитлашнинг стандарт механизми муҳтож мамлакат томонидан ХВФдан маълум суммадаги хорижий валютани ёки SDRни эквивалент миқдордаги миллий валюта бадалига қарз олиш (сотиб олиш)ни назарда тутати. Бу миллий валюта кредит олган давлатнинг марказий

банкида ХВФ ҳисобига ўтказилади. Конвертирланмаган валютали мамлакат карзни қайтаришда эркин конвертирланувчи валюта ҳисобида қайта сотиб олади. ХВФ ўз аъзоларига техник ёрдам кўрсатади ва Вашингтондаги Институти орқали молиявий таҳлил, статистика ва бухгалтерия ҳисоби ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрлаш билан шуғулланади. Фонднинг шарҳлари, маърузалари ва даврий нашрлари иктисодчилар учун катта қизиқиш уйғотиши мумкин.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Миллий ва хорижий валюталар ташки иктисодий операциялар бўйича ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган пул бирликлари сифатида халқаро валюта фонди тизимининг муҳим унсурлари саналади. Жаҳон валюта тизими ўзининг ривожланиш жараёнида бир қатор босқичларни ўтди ва ҳозирги пайтда янги глобал ислохотлар бўсағасида турибди. Давлатлараро миқёсда валюта муносабатларини тартибга солинишига глобал ва ҳудудий валюта-молия ташкилотлари ёрдам беради, уларнинг ичида энг нуфузлиси ХВФ ҳисобланади.

### **Асосий тушунчалар**

Валюта — маълум бир давлатнинг қонун билан ўрнатилган пул воситаси (миллий валюта), бир ёки бир неча етакчи мамлакатларнинг валютаси кўринишидаги жаҳон резерв пуллари, Халқаро валюта фонди ва Европа валюта тизими аъзолари томонидан кўп томонлама ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган халқаро валюта бирликлари.

Валюта курси — миллий валюталар ўртасидаги нисбат, бир мамлакат валютасининг хорижий пул бирликларида ифодаланиши.

Жаҳон валюта-молия тизими (ЖВМТ) — халқаро иктисодий муносабатлар доирасида узок давом этган эволюция натижасида шаклланган ва давлатлараро битимлар орқали мустаҳкамланган валюта муносабатларини ташкил этиш кўринишидир.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) — йирик ҳукуматлараро валюта-молия ташкилот бўлиб, БМТнинг махсуслаштирилган муассасаси сифатида тартибга солиш, маслаҳат бериш ва молия-кредит соҳасидаги вазифаларни бажаради.

### **Назорат саволлари**

1. "Валюта" тушунчаси моҳиятини очиб беринг.
2. ЖВМТ моҳияти ва асосий унсурлари қайсилар?
3. ЖВМТ ривожланиш босқичлари ва замонавий ҳолатига тавсиф беринг.
4. ХВФ нима ва Ўзбекистоннинг ХВФ фаолиятидаги иштирокини тушунтириб беринг.

## 28-боб. Валюта конвертирланганлиги

### 1-§. Валюта чеклашларнинг моҳияти

ХИМнинг моддий асоси жаҳон бозори бўлишига қарамасдан (жаҳон бозорининг объектив қонунлари валюта курслари ва паритетлари нисбати орқали миллий валюталарнинг эквивалент алмашиши таъминлайди), давлатлар ТИФ соҳасига, жумладан, валюта-молия секторига ҳам бевосита ва билвосита таъсир ўтказди. Шундай қилиб, бозор ва давлат томонидан бошқарув бир-бирини тўлдириб туради. Рақобатга асосланган бозор механизми келтириб чиқарган салбий оқибатлар ҳукумат томонидан амалга оширилган махсус иқтисодий чора-тадбирлар тизими ёрдамида тузатилади. Бу жараён инқирозлар ва иқтисодий чайқалишлар даврида, айниқса, зарур ҳисобланади.

Миллий пул бирлиги курсини мустаҳкамлаш, бюджет мажбуриятларининг бажарилишида тўлов балансини таъминлашга йўналтирилган валюта сиёсатининг муҳим таркибий қисми валюта чеклашлари ҳисобланади. Валюта чеклашлари хориж валютаси ва бошқа қимматли нарсалар (олтин) бўйича операцияларни чеклаш учун йўналтирилувчи маъмурий ва қонуний тартибда белгиланган меъёрий қоидалар тизимини ақс эттиради. Одатда валюта чеклашлари нуфузли давлат ташкилотларининг мониторинг, валюта операцияларини қайд этиш ва ҳисобга олиш бўйича тадбирлари билан биргаликда олиб борилади.

Чеклашлар жорий этишдан асосий мақсад - бу молиявий сиёсатнинг жорий ва истиқболдаги масалаларини ҳал этиш учун валютага талаб ва таклифнинг бозор механизмига таъсир кўрсатишдир. Валюта чеклашларининг табиати нисбатан юмшоқ, билвосита (халқаро тўловларни тартибга солиш орқали), қаттиқ, бевосита (масалан, валюта блокадаси) бўлиши мумкин.

Моҳияти ва йўналишига боғлиқ равишда валюта чеклашлари қуйидагиларни назарда тутади:



- марказий ва ваколатли-девиз банкларда валюта ва бошқа кимматли воситалар билан операцияларни марказлаштириш;
- валюта операцияларини лицензиялаш;
- валюта ҳисобларини тўсиб қўйиш;
- валютанинг конвертирланишини чеклаш.

Валюта чеклашлари икки асосий соҳада ҳаракат қилади: тўлов балансининг жорий операциялари (савдо ва хизматлар) ва капитал ҳаракати моддалари (кредитлар) бўйича. Биринчиси хорижий экспортёрлар даромадларини блокировка қилиш, хорижий валютани импортёрларга сотишни чегаралаш, экспорт/импорт бўйича тўловлар муддатини тартибга солиш, операцияларнинг турли кўринишлари, товар гуруҳлари ёки ҳудудлар кабилар бўйича турли валюта курсларини жорий қилишлардан иборат. Иккинчиси эса инвестицияларни ва резидент бўлмаганлар томонидан миллий кимматли қоғозларни сотиб олишни таъқиқлаб қўйиш, марказий банкларда хорижий валютадаги қарзларни мажбуран конверсия қилишни амалга ошириш, резидент бўлмаганларнинг омонатлари бўйича фоизлар тўловини тўхтатиб қўйиш, фоиз ставкасини ўзгартириш, мамлакатга хорижий валюта олиб киришни чегаралаб қўйиш ва бошқаларни назарда тутади.

Валюта чеклашлари етакчи мамлакатлар томонидан уруш йилларида, иқтисодий таназзуллар ва сиёсий вазиятлар мураккаблашган пайтларда жорий қилинган. Шундай қилиб, маълум давлат миллий валютасининг конвертирланглик муаммоси валюта чеклашлари комплексини жорий этиш билан боғлиқ ҳолда ҳукумат валюта сиёсатининг умумий йўналишини аниқлаш билан биргаликда ҳал этилади.

## **2-§. Валюта конвертирланишининг характери ва шартлари**

Конвертирланганлик тушунчаси давлат томонидан миллий валютани хорижий валюталарга резидентлар учун ҳам, резидент бўлмаганлар учун ҳам тўлов балансининг жорий операциялари бўйича эркин алмаштириш тартибини ушлаб туришга

асосланган. Мутахассислар ички (резидентлар учун) ва ташқи (резидент бўлмаганлар учун) конвертирланганликни фаркларди. Ички конвертирланганликда мазкур мамлакатнинг ҳуқуқий ва жисмоний шахсларига хорижга тўловларни амалга ошириш ва чет эл пул белгиларини чегараланмаган миқдорда сотиб олиш ҳуқуқини беради. Ташқи конвертирланганлик эса хорижий шахсларга маблағларни мазкур мамлакат валютасида эркин ўтказиш ва конвертирлаш имкониятини беради.

Конверсияланиш тартибига кўра барча валюталар конвертирланмайдиган, қисман конвертирланадиган ва эркин конвертирланадиган валюталарга ажратилади. Резидентлар учун ҳам, резидент бўлмаганлар учун ҳам валюта операциялари бўйича чеклаш амалда бўлса, мамлакат валютаси конвертирланмайдиган валюта саналади. Фақат баъзи бир хорижий валюталарга, шунда ҳам тўлов оборотининг айрим турлари бўйича айирбошланадиган валюталар қисман конвертирланувчи валюта дейилади. Амалдаги курс бўйича ҳар қандай бошқа валютага эркин ва чекланмаган миқдорда алмаштириладиган валюталар эркин конвертирланувчи валюта (ЭКВ) ҳисобланади. Бунда мамлакатда очик турдаги иқтисодиёт билан бир қаторда жаҳон бозори шароитларига мос келувчи вазиятни жорий этиш талаб этилади ва ЭКВни ҳар қандай операциялар бўйича чекланмаган миқдорда четга олиб чиқиш мумкин бўлади. Ҳозирги пайтда ЭКВ тартибини фақатгина ўттизга яқин бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларгина ушлаб туриши мумкин. ЖВМТда АҚШ, Германия, Япония, Буюкбритания, Франция, Швейцария ва Канада давлатларининг валюталари мустақкам ўринларни эгаллаб келишмоқда. Булар қаторига ХВФнинг стандарт бирлиги SDRни, шунингдек, Ғарбий Европа тўлов-ҳисоб-китоб бирлиги ECU (1999 йилдан бошлаб - ЕВРО)ни кўшиш жоиз.

Жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларининг валюта сиёсатини таҳлил қилганда шунга гувоҳ бўламизки, ХВФга аъзо давлатларнинг тахминан саксонтаси қисман конвертирланувчи валютага эга. Конвертирланмайдиган валюталар қаторига Куба ва Шимолий Кореянинг валюталарини киритиш мумкин. Эркин

конвертирланган валютага ўтиш бўйича турли давлатларнинг тажрибалари бу жараёнинг асосий шартлари куйидагилар эканлигини кўрсатмоқда:

- ҳукуматнинг пухта тайёргарлик ишлари;
- конвертирлашни амалга оширишнинг вақти ва тактикасининг тўғри танланиши;
- халқаро ташкилотларнинг ёрдами.

Бу омилларни ҳисобга олган ҳолда, агар объектив иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароит: умумий иқтисодий ўсиш, барқарор бюджет, улкан олтин-валюта захиралари, тараққий этган қонунчилик ва сиёсий барқарорлик бўлмаса, сўмнинг ЭКВга айлантириш масаласини ҳал қилиш мумкин эмаслигини қайд этиш зарур. Фақатгина ана асосда ва ҳукуматнинг яхши ўйланган стратегияси мавжуд бўлсагина, бизнинг миллий пул бирлигимиз бошқа эътиборли валюталар каторидан ўзига мос ўринни эгаллаши мумкин.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Валютанинг конвертирланганлиги мамлакатнинг молиявий, бинобарин умумиқтисодий ҳолатининг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Ҳукумат валюта сиёсати доирасида валюта чеклашлари комплексининг таркибий қисми бўлган валюта конвертирланганлиги уч хил турга бўлинади.

Конвертирланмаганликдан қисман конвертирланишга, сўнгра тўлиқ конвертирланишга ўтиш жараёни узок вақт давом этадиган жараён бўлиб, мамлакатда объектив ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ва аниқ ўйланган ҳукумат сиёсати мавжуд бўлсагина муваффақиятли яқунланиши мумкин.

### **Асосий тушунчалар**

Валюта сиёсати — мамлакатда хорижий валюталарнинг пул-кредит айланмасини тартибга солишга йўналтирилган тадбирлар тизими.

Валюта чеклашлари — хориж валютаси ва бошқа қимматли нарсалар (олтин) бўйича операцияларни чеклаш учун

йўналтирилган маъмурий ва қонуний тартибда белгиланган меъёрий қоидалар тизими.

Валютанинг конвертирланганлиги — миллий валютани хорижий валюталарга резидентлар учун ҳам, резидент бўлмаганлар учун ҳам тўлов баланснинг жорий операциялари бўйича алмаштириш имконияти

### **Назорат саволлари**

1. Валюта чеклашлари нима?
2. Амалиётда валюта чеклашларининг қайси кўринишлари кўпроқ қўлланилади?
3. «Валюта конвертирланиши» тушунчаси моҳиятини очиб беринг.
4. Конвертирланлиги табиатига кўра қандай валюта типларини биласиз?

## **29-боб. Валюта курси ва унинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар**

### **1-§. Валюта курсининг асосий тавсифлари**

Валюта курси — бу миллий ва жаҳон пул тизимлари ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб, турли мамлакатлар тўлов бирликларининг нисбатини ифода этади. У экспорт қилинадиган маҳсулотга жаҳон баҳосини белгилаш, бозор конъюнктурасига адекват кредит сиёсатини ишлаб чиқиш, хизматлар соҳаси ва ахборот-технологиялар айирбошлаш жараёнини ривожини рағбатлантириш учун зарур. Валюта курсининг қиймат асоси товарлар, хизматлар ва капиталлар ўртача миллий баҳоси даражасини ифодаловчи харид қобилияти ҳисобланади. Шундай қилиб, валюта курси орқали ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ички нархлар ва жаҳон нархлари мутаносиблигини солиштирадilar. Натижада маълум бир товарни ишлаб чиқариш ва экспорт/импорт қилишдаги фойда олиш меъёри, шунингдек, инвестицион оқимлар самарадорлиги баҳоланади.

Валюта курсининг асосий хусусиятлари, энг аввало, унинг реал ва номинал миқдори ҳисобланади. Номинал валюта курси миллий валютанинг ҳар куни эълон қилинадиган ўртача «баҳоси» бўлиб, у банкларо валюта биржасида (конвертациянинг турли кўламида) шаклланади ёки марказий банк томонидан белгиланади (конвертирланмайдиган валюта бўлса). Реал валюта курси номинал валюта курсини икки мамлакатдаги нархлар нисбатига ёки савдо ҳамкорлари бўлган давлатлардаги нархларни солиштириш орқали олинган ўртача қийматга кўпайтириш орқали ҳисобланади.

Валюта мутаносибликларининг рақамли ёзуви (котировка) турли кўринишга эга. Тўғри котировкада хорижий валюта миллий валютага тенглаштирилади (одатда вергулдан кейинги тўртта рақамгача аниқликда). Масалан: 1 АҚШ долл. - 425,54 ўзбек сўми. Тесқари котировка жуда камдан-кам ҳолларда иш-

латилади, бунда миллий пул бирлиги хорижий валютага тенглаштирилади, масалан, 1 ф. ст. - 1,6503 АҚШ долл. Бундай котировка Буюкбритания ва унинг бир қатор собик доминионларига, шунингдек, АҚШнинг ички оборотига хосдир. Ва ниҳоят, банк амалиётида икки хорижий валютанинг кросс-курслари мавжуд бўлиб, бунда ҳар икки валюта ҳам курсни белгиловчи шартнома катнашчисининг миллий валютаси эмас. Масалан, Ўзбекистонда сўмнинг курси асосига доллар - сўм нисбати олинади, бошқа курслар «доллар - валюта» кросс-котировкаси усули бўйича аниқланади. Валюта курсининг бошқа бир хусусияти сифатида унинг икки ёқлама моҳияти хизмат килади ҳамда у харидор ва сотувчи курси сифатида битим пайтида юзага келади. Масалан, Ўзбекистонда  $425,50 - 425,86$  сўм = 1 АҚШ доллари котировкаси банклар долларни мижозлардан  $425,50$  сўм курси бўйича сотиб олиши ва  $426,86$  сўм курси бўйича сотишини билдиради. Бу икки курс ўртасида фарқ молия-кредит муассасасининг фойдаси, яъни маржа саналади. Маржа номинал валюта курси ўзгаргандаги йўқотишларни суғурталашда муҳим восита ҳисобланди. Шунинг учун маржа миқдорини ўсиб бориши валюта бозоридаги инкироздан дарак беради. Сотиб ва олиш курсининг ўртача арифметик қиймати миллий валютанинг ўртача курси бўлиб, бу кўрсаткичдан узок истикбол учун иқтисодий солиштиришларда фойдаланилади. Молия-валюта муносабатлари амалиётида фиксингдан фойдаланилади. Фиксинг - бу ҳар бир валютага талаб ва таклиф ҳажмини навбатма-навбат солиштириш орқали валюталарнинг банклараро курсини аниқлаш ва қайд этиш жараёнидир. Бу тахлитда аниқланган валюта курслари расмий нашрларда эълон қилинади.

## **2-§. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар**

Хўжалик макротизимининг бошқа ҳар қандай унсури каби валюта курси ҳам миллий, ҳудудий ва глобал миқёсда юз берувчи иқтисодий жараёнлардан ажралган ҳолда мавжуд бўла олмайди. Ўз моҳиятига кўра, нархлар мутаносиблигини ифода этувчи валюта курси объектив равишда ўзининг қиймат асоси

бўлган харид қобилияти атрофида тебраниш имкониятига маҳкум этилган. Валюта курсига жуда кўп омиллар таъсир қилади. Уларнинг ичида энг асосийлари қуйидагилар:

- инфляция даражаси (инфляция даражаси қанчалик юқори бўлса, миллий валюта курси шунчалик паст бўлади);
- бюджетнинг, айниқса, мамлакат тўлов балансининг ҳолати (актив баланс валюта курсини оширади);
- миллий фоиз ставкаларидаги фарқлар (фоиз ставкасини ошириш хорижий валюталарни жалб қилади, бу эса валюта курсини мустаҳкамлайди);
- бозордаги чайқовчилик операциялари (бу операциялар ҳажмининг кўпайиши мамлакат иқтисодиётидаги нобарқарорликдан далолат беради ва валюта курсининг тушиб кетишига ёрдам беради);
- валютага ишонч даражаси ва ундан халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиш кўлами (бу қанчалик кенг микёсда бўлса, валюта курси шунчалик юқори бўлади);
- тўловларни тезлаштириш ёки секинлаштириш амалиёти-нинг қўлланилиши (тезлаштиришдан курснинг тушиб кетишини, секинлаштиришдан курснинг ўсиб кетишини олдини олиш мақсадида фойдаланилади);
- ҳукуматнинг валюта сиёсати.

Охирги омилнинг моҳиятини очиқ бериш зарур, чунки валюта сиёсати етарлича турли-туман кўринишларда бўлиши мумкин. Уларга қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- дисконтлаш - марказий банк ҳисоб ставкасини ўзгартириш;
- девиз сиёсати - миллий бозорда ҳукумат ташкилотлари томонидан хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш, яъни валюта интервенциясини амалга ошириш;
- валюта захираларини диверсификациялаш - захира таркибига турли мамлакатлар валюталарини киритиш;
- валюта чеклашларини қўллаш;
- валюта курслари белгилашнинг турли тартибларидан фойдаланиш;

- девальвация ва ревальвация - миллий валюта курсини хорижий валютага нисбатан пасайтириш ва кўтаришдан иборат яхши маълум бўлган анъанавий усуллар.

Иқтисодий омиллардан ташқари валюта курсининг шаклланишида сиёсий омиллар (инқирозлар, тўқнашувлар), шунингдек, инсонлар руҳиятидаги оммавий ўзгаришлар (маълум бир кайфият, қизиқиш ва дидларнинг пайдо бўлиши ва йўқолиб кетиши) ҳам муҳим роль ўйнайди.

Иккинчи томондан шунини ҳам қайд этиб ўтиш жоизки, миллий валюта курсининг кескин ўзгариб кетиши ХИМнинг ривожланишига ҳам таъсир ўтказди. ЖВМТ соҳасидаги ўта чалкашликлар давлатлараро иқтисодий алоқаларнинг бузилиб кетиши, ҳар қандай ҳамкорлик кўринишларининг йўқолишига олиб келишини жаҳон урушлари тажрибаси ҳам кўрсатиб турибди. Валюта курси ташки иқтисодий сиёсатни амалга оширишда ориентир бўлиши мумкин, у миллий экспортёрларнинг жаҳон бозорларидаги мавқеини мустаҳкамлаши ёки аксинча, унга путур етказиши мумкин. Ниҳоят курсларни солиштириш механизми орқали сайёрамиз ЯИМ мамлакатлар ўртасида тақсимланади.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Валюта курси фоиз ставкаси билан биргаликда активнинг ўзига хос баҳосидир. Валюта курси сотиш ва хариднинг номинал ва реал курси сифатида тўғри ёки тесқари котировка орқали кўп сонли иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-руҳий омиллар таъсирида валюта сиёсатида марказий ўринда туради. Ўз навбатида валюта курси замонавий ХИМнинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади.

### **Асосий тушунчалар**

*Валюта котировкаси* — бир валюта баҳосини бошқа валюталарда ифодаланишининг рақамли ёзуви.

*Кросс-курс* — икки хорижий валютанинг кесишувчи котировкаси, бу валюталарнинг ҳеч бири курсни белгилайдиган битим имзоловчи иштирокчининг миллий валютаси эмас.



Маржа — валюта харидори ва сотувчиси курслари ўртасидаги фарк.

Фиксинг — бу ҳар бир валютага талаб ва таклиф ҳажмини навбатма-навбат солиштириш орқали валюталарнинг банклараро курсини аниқлаш ва кайд этиш жараёни.

Валюта интервенцияси — давлат органлари томонидан миллий бозорда хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш.

Девальвация — миллий валюта курсининг хорижий валютага нисбатан пасайтирилиши (тескари жараён — ревальвация).

### **Назорат саволлари**

1. Валюта курсининг моҳияти ва хусусиятларини тушунтиринг.
2. Валюта курсининг тебранишига қандай омиллар таъсир қилади?
3. Валюта сиёсатининг асосий кўринишларига тавсиф беринг.

## 30-боб. Валютага талаб ва таклиф

### 1-§. Валюта режими турлари

Ички бозорларда хорижий валюталарга ва жаҳон бозорларида миллий валютага талаб ва таклиф ҳажми мазкур мамлакат ҳукумати танлаган валюта сиёсатини ўтказиш ва жорий конъюнктура билан аниқланади. Бунда валютанинг айирбошлаш курсини аниқлаш асосида ётувчи механизм сифатида тушунилувчи *валюта режими* муҳим роль ўйнайди.

Валюта режимининг икки қарама-қарши варианты эгилувчан (сузувчи) ва каттиқ (қайд этилган) тизим ҳисобланади. Сузувчи валюта курсига валютанинг мувозанат баҳосини бозордаги талаб ва таклифнинг эркин тебраниши натижасида аниқлаш хос бўлса, қайд этилган валюта курси вариантыда давлат органлари (одатда марказий банк) миллий ва хорижий валюталар ўртасидаги нисбатни расмий равишда ўрнатади.

Эгилувчан валюта курсининг асосий устунлик томони сифатида иқтисодий соҳага давлат аралашувини минималлаштириш имконияти борлигидир. Айни пайтда хўжалик юритувчи субъектлар учун мавҳумлик даражаси ортади. Қайд этилган валюта курсида иқтисодий соҳанинг барқарорлигига давлат томонидан тартибга солиш орқали эришилади. Бирок хўжалик юритувчи субъектларнинг баъзи субъектив омилларга боғлиқлиги қолиш даражаси кучаяди. Ўз-ўзидан маълумки, бу икки вариантнинг ижобий ва салбий томонлари у ёки бу мамлакатдаги конкрет вазиятга мос турли аралаш вариантларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Жаҳонда ўндан ортиқ шунга ўхшаш оралик формалар мавжуд бўлиб, улар ичида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш жоиз:

- *тузатиб борилувчи қайд этилган курс* - маълум муддатга валюта курсини белгилаб қўйишни ва унга даврий равишда тузатишлар киритиб боришни назарда тутати;
- *бошқарилувчи сузувчи валюта курси* - очик бозорда тебранишларга йўл қўйилади, бироқ марказий банк тебранишлар амплитудасининг юқори бўлмаслиги учун даврий равишда валюта интервенцияларини амалга ошириб туради;

- *қўшма сузувчи валюта курси* - бу схемада бир валютанинг иккинчи валютага нисбатан курси белгилаб қўйилади ва учинчи валютага нисбатан уларнинг биргаликда эркин тебранишига йўл қўйилади;
- *валюта коридори (илони)* - миллий валюта курси тебранишининг юкори ва куйи чегараларини белгилаб қўйиш билан боғлиқ бўлади.

ХВФ маълумотларига кўра, 1997 йилда қайд этилган валюта курслари 66 мамлакатда амалга оширилган, бу мамлакатларнинг 21 таси ўз пул бирликларини АҚШ долларига, 14 таси француз франкига, 2 таси немис маркасига, 7 таси бошқа валюталарга, 22 таси валюта саватларига (энг йирик савдо хамкорлари валюталари тўпламига) нисбатан қайд этган. Эгилувчан қайд этилган валюта курслари 14 мамлакатга хос бўлган. Эркин сузувчи валюта курслари энг «мустаҳкам» валютага эга бўлган 49 мамлакатда амалда бўлган. «Ифлос» валюта курслари қолган 62 давлатда кузатилган.

Халқаро валюта амалиётида қайд этилувчи (иктисодиётнинг тижорий соҳаси учун) ва сузувчи (молиявий курс учун) валюта режимларидан бир пайтда фойдаланиш ҳолатлари маълум, бу алоҳида олинган мамлакат иктисодий ривожланишининг маълум бир даврларига хосдир. Бундан мақсад ликвид маблағларни тежаш бўлиб, бундай вариант 70-йилларда Бельгия, Италия ва Францияда қўлланилган.

## **2-§. Валюта таваккалчилиги ва уни суғурталаш усуллари**

Рақобатли бозор муҳитида валюта операцияларини амалга ошириш битим имзоланиши ва тўловларни ўтказиш/қабул қилиш санаси ўртасида вақт оралиғига асосланган турли хавфхатарларнинг вужудга келиши билан боғлиқ.

Макроиктисодий даражада валюта хатари вужудга келишининг бевосита сабаблари иктисодий инкироз, инфляциянинг кучайиши, тўлов балансининг ёмонлашуви, давлат қарзининг кўпайиши ва сиёсий ҳодисалар ҳисобланади.

Микроиктисодий даражада эса бу сабаблар каторига ҳамкорларнинг хўжалик-молиявий ҳолатида юз берган салбий ўзгаришларни киритиш мумкин. Масалан, зарурий айланма маблағларнинг йўклиги, банкрот бўлиш хавфи ва бошқалар.

Валюта хатарининг хусусияти кўрсатилган даврда пул мажбуриятларининг ҳақиқий қийматининг ўзгариши билан аниқланади. Бунда экспортёр нарх валютаси курси тўлов валютаси курсига нисбатан тушиб кетганда зарар кўради, чунки шартномадагига нисбатан кам реал қийматга эга бўлади. Импортёр эса аксинча вазиятда валюта хатарига дуч келади. Бирок ҳар икки ҳолатда ҳам қарздорнинг миллий валютасидаги сумма шартномада белгиланган суммадан кам бўлади.

Шуни қайд этиб ўтиш жоизки, халқаро молия-кредит операцияларининг иштирокчилари фақат валюта хатарига эмас, балки *кредит билан боғлиқ* (қарздорнинг қарзни ва кредит бўйича фоизларни тўламаслиги), *фоиз билан боғлиқ* (фоиз ставкасининг шартномада қайд этилганга нисбатан ўзгариши билан йўқотишлар эҳтимоли) ва *трансферт билан боғлиқ* (валюта чеклашлари туфайли тўлов воситаларини бир мамлакатдан бошқасига ўтказиш имконияти йўклиги билан боғлиқ) хатарларга ҳам дуч келиши мумкин.

Валюта ва бошқа хавф-хатарлардан ТИФ амалиётида ҳамкорлар ўртасида ўзаро мувофиқлаштирилган тадбирлар қабул қилиниши натижасидаги бир томонлама ҳаракатлар комбинацияларини амалга ошириш йўли билан, ҳукумат ва банк кафолатлари остида суғурта компания ёрдамида қутулиш мумкин. Бу маънода энг кўп тарқалган усул иштирокчилар томонидан битимнинг айрим қисмларини ижро этилиши жараёнида қайта кўриш имкониятини берувчи қўшимча шартларни битимга киритиш ҳисобланади. (Масалан, валюта курси ўзгаришига мос равишда тўлов суммасини ўзгартириш тўғрисида изох киритилиши мумкин).

Бундан ташқари давлат ва хусусий компанияларнинг халқаро шартномалари суғурта кафолатларини ҳисобга олган ҳолда имзоланади, бунинг моҳияти шундан иборатки, суғурталовчи компания маълум бонус (одатда йилига суғурта

суммасининг 0,25 фоизидан 25 фоизигача миқдорда тўлов) эвазига экспортёр (кредитор) зарарини қоплаш ҳақида мажбурият олади. Охириги йигирма йил мабайнида халқаро ташкилотлар валюта-кредит операцияларининг гаранти сифатида чиқишмоқда. 70-йиллардан бери валюта хатарини суғурталашнинг бошқа усуллари: опционлар, форвард ва фьючерс кўринишидаги тезкор операциялар, своплардан фойдаланиш кенг тарқалди. Буларнинг барчаси валюта олди-сотдисининг турли шартлари комбинациясига асосланган ва махсус адабиётда панжаралаш (хеджирование) атамаси билан юритилади (ингл. hedge — панжара, тўсиқ).

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Валютага талаб ва таклиф бозорда миллий валютанинг жорий вақтда хорижий валютада ифодаланган ўртача чамаланган баҳосини ифодаловчи мувозанат курсини шакллантиради. Талаб ва таклиф эгри чизикларига алоҳида олинган мамлакатда диапазонни белгиланган курсдан эркин курсгача ўзгарувчи валюта курсини тартибга солиш режими, шунингдек, олди-сотди операцияларини амалга оширишда фавқулодда валюта йўқотиш хавфи билан боғлиқ тижорий таваккалчилик миқдори ва табиати ҳам катта таъсир кўрсатади. Жаҳон амалиётида валюта таваккалчилигидан ҳимояланишнинг бир нечта самарали усуллари мавжуд, улар каторига кўшимча шартлашиш, кафолат ва баҳо бўйича суғурталаш киради.

### **Асосий тушунчалар**

Валюта режими — валюта айирбошлаш курсини аниқлаш асосидаги механизм.

Валюта хатари — валюта курси ўзгариши оқибатида экспортёр/импортёрнинг зарар кўриш даражаси.

Суғурта кафолати — маълум бонус эвазига суғурта компаниясининг экспортёрлар (кредиторлар)га зарарни қоплаш ҳақида мажбурияти.

Панжаралаш (хеджирование) — валюта хатарларини суғурталаш усуллари мажмуи.

### **Назорат саволлари**

1. Валютага талаб ва таклифга валюта курси режимини танлаш қандай таъсир қилади?
2. Валюта хатари нима?
3. Валюта хатаридан ҳимояланиш усуллари қайсилар?
4. Ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатларда валюта бозорларини пайдо бўлиши қай тарзда ўтди?

## 31-боб. Валюта бозорлари

### 1-§. Валюта бозори турлари

Валюта бозорларининг мавжуд бўлишининг объектив асоси ишлаб чиқарувчилар, воситачилар ва истеъмолчилар ўртасида тўлов-ҳисоб-китоб воситаларини айланиши ҳисобланади. Ҳозирги пайтда молиявий оқимларнинг улкан кўлами тўғрисида қуйидаги факт далолат бериб турибди, яъни фақатгина етакчи етти мамлакатлар (АҚШ, Германия, Япония, Франция, Буюкбритания, Италия ва Канада) ўртасидаги молиявий воситалар ҳажми кунига 500 млрд. долларни ташкил этади.

Валюта бозорлари — миллий валюта иштирокида талаб ва тақлиф таъсирида юзага келувчи валюта курсига мувофиқ хорижий валюталарини олди-сотди қилинадиган расмий марказлар ҳисобланади.

Қадимдаги ва ўрта асрлардаги валюта айирбошлаш дўконини валюта бозорининг тарихий прототиби деб аташ мумкин. Бироқ ҳозирги замонавий валюта бозорлари фақатгина XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида жаҳон валюта-молия тизимининг дастлабки кўриниши - олтин стандарти доирасида шаклланди. Валюта бозорлари тузилмаси банклар (жумладан, марказий банклар ҳам), брокерлик (воситачилик) фирмалари, турли кўринишдаги халқаро корпорациялар (айниқса, ТМКлар), шунингдек жисмоний шахсларни ўз ичига олади. Валюта бозорининг энг ривожланган тармоғи банклараро бозор (битимлар умумий ҳажмининг 90 фоизи тўғри келади) ҳисобланиб, у бевосита ва брокер бозорларига (валюта операцияларининг 30 фоизигача) бўлинади. Валюта бозорининг бошқа сегментлари биржа бозори ва миқоз бозори ҳисобланади.

Валюта операцияларининг ҳажми ва табиатига боғлиқ равишда валюта бозорларининг қуйидаги кўринишларини ажратиш мумкин: миллий, ҳудудий ва жаҳон валюта бозорлари. Миллий ва ҳудудий валюта бозорларида маълум

тўпламдаги эркин конвертирланувчи валюталарда ва баъзи бир маҳаллий тўлов воситаларида чекланган миқдорда битимлар амалга оширилади, жаҳон валюта бозорларида эса фақатгина ЭКВда катта миқдорда соддалаштирилган операциялар ўтказилади, уларнинг умумий суммаси кунига 1,2-1,3 триллион АҚШ долларига етиши мумкин. Жаҳон валюта бозорларининг энг йириклари - Лондон, Нью-Йорк ва Токио валюта бозорлари битимлари кўлами жиҳатидан бошқаларига нисбатан анча устун саналади. Бу уч йирик бозорнинг ҳар бирида суткасига бир неча миллиард долларлик операциялар амалга ошади. Франкфурт-на-Майна, Париж, Цюрих, Гонконг, Сингапур ва бошқа бир катор валюта бозорлари ҳам катта бозорлар ҳисобланди. Бундай йирик бозорлар сони йилдан йилга ортиб бормокда. Ҳозирги пайтдаги валюта бозорлари битимни амалга ошириш технологияларининг соддалаштирилганлиги, узулуксизлиги, ер юзининг барча нукталарида амалга оширилиши, чайковчилик ва суғурта мақсадли операциялар кўламининг катталиги, кўпчилик етакчи валюталар (доллар, йена, марка) курсининг барқарор эмаслиги билан характерланади.

## **2-§. Валюта операциялари асосий типларининг тавсифи**

Валюта бозорларида сотиладиган пул активларининг асосий катта қисми йирик банклардаги талаб қилиб олинadиган депозитлар кўринишини олган. Валюта операцияларининг моҳияти хорижий валютани миллий валютага, бошқа хорижий валютага ёки SDR ва ECUга айирбошлаш жараёнини амалга оширишдан иборат. Шуни кайд этиш муҳимки, яъни валюта битимларини амалга оширишда банкнинг хорижий валютада талаблари ва мажбуриятлари ҳисобга олинади, бу валюта позицияси деб аталади. Агар талаб ва мажбурият бир-бирига мос келмаса валюта позицияси очик, аксинча бўлган ҳолат ёпик бўлади. Ўз навбатида очик позиция: сотилган валюта бўйича пассивлар активлардан кўп бўлса қисқа, агар сотиб олинган активлар пассивлардан кўп бўлса узун позиция деб аталади.



Очик бозорда жорий операцияларни амалга оширилиши жараёнида аник бир хорижий пул бирликлари бўйича валюта позициялари вужудга келади (очилади) ва йўқолиб кетади (беркилади). Шунинг учун банклар ва валюта савдосининг бошқа иштирокчилари валюта позицияларини мониторингини амалга оширади, бундан асосий мақсад валюта хатарини баҳолаш, битимлар натижаларини башорат қилишдан иборат.

Қоплаш табиати ва муддатига боғлиқ равишда валюта операцияларининг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

- Спот — битимни имзолаш пайтида контрагентлар қайд этган курс бўйича валютани дарҳол етказиб бериш билан боғлиқ касса операциялари.
- икки банк кунидан ортиқ (1 ҳафтадан 5 йилгача) вақт оралиғида шошилиш тарзда валюта етказиб бериш операциялари, бунда битим имзоланган пайтдаги валюта курси келишилган муддат давомида кучда бўлади ва валюта курси «спот» курсдан маълум миқдорга фарқ қилади. Бу фарқ шошилиш битим курси паст бўлганда - *дисконт*, баланд бўлганда - *репорт* деб аталади. Шошилиш валюта операцияларидан асосий мақсад валюта конверсияси ва курслардаги фарқлар ҳисобига фойда қўришдан ташқари инвестицияларни турли хавф-хатарлардан суғурталашдан иборат.
- Своп — форвард битими ва спот шарти бўйича битим асосида амалга ошадиган турли хилдаги валюта операциялари бўлиб, бу томонлардан бирортаси бирор-бир валюта бозорида нисбий устунликка эга бўлса, валюта мажбуриятлари билан ўзаро айирбошлаш ҳақидаги келишувни назарда тутлади. Своплардан мақсад банклараро қарама-қарши кредитлаш, ҳисобларни таъминлаш, валюта авуарларини диверсификациялаш ва хатарларни камайтиришдан иборат. Бундай битимларни турли вариантлари ссуда капитали бозорларидаги операциялар билан биргаликда валюта арбитражини ташкил этади. Валюта арбитражи миллий, ҳудудий ва жаҳон валюта бозорларида қисқа муддатли капитал ҳаракати ва фоииз ставкаларини ўзгариши ўртасида боғлиқликни ўрнатади.

Валюта операциялари кўринишлари шарҳини якунида фьючерс ва форвард битимлари хусусиятларини солиштириб кўрайлик. Валюта фьючерсларидан илгари хом ашё ва кишлоқ хўжалиги товарлари савдосида товар фьючерс битимларидан фойдаланилган. Валюта фьючерслари эса иккинчи жаҳон урушидан кейин, айниқса, 70-йиллардан бошлаб, Бреттон-Вудс валюта тизимига хос бўлган валюта курсини каттик тартибга солиш усулларидан воз кечилгандан сўнг кенг тарқалди.

Фьючерс битими бўйича савдо қилишнинг йирик майдонлари ҳозирги пайтда Чикаго, Нью-Йорк, Лондон, Сингапур ва бошқа бир қатор биржалар саналади.

10-жадвал

Белгилари	Фьючерс битимлари	Форвард битимлари
1. Қатнашчилар таркиби	Чегараланмаган	Унчалик катта бўлмаган компаниялар ва индивидуал инвесторлар учун чегараланган
2. Воситачилар	Одатда брокерлар орқали	Тўғридан тўғри
3. Бозор характери	Биржа валюта операциялари залида	Банклараро коммуникация воситалари орқали
4. Битимни амалга ошириш механизми	Кафолат депозитлари такдим этиш билан клиринг палатаси орқали	Тўғридан тўғри
5. Битим суммаси ва валютани етказиб бериш характери	Валюта етказиб беришни назарда тутмайдиган стандарт суммадаги шартномалар	Тўлов воситалари албатта етказиб берилмайдиган ҳар қандай талаб қилинган ҳажмдаги битимлар

### 3-§. Собик социалистик мамлакатларда миллий валюта бозорларининг шаклланиш боскичлари

Собик социалистик мамлакатларда (Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, Словакия, Чехия, собик Югославия ва СССР таркибига кирувчи республикалар, Осиедан Вьетнам, Хитой ва Монголия) режали иқтисодий мавжудлиги хорижий тўлов воситалари бўйича барча олди-сотди операцияларида давлат монополиясини англатарди. Бошқача қилиб айтганда, валюта бозори амалда мавжуд бўлмаган. Бу давлатлар томонидан 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошларида амалга оширилган иқтисодий ислохатлар давомида ташки иқтисодий фаолият марказдан бошқаришдан ҳоли қилинди. Энг аввало, резидент ва резидент бўлмаганлар учун миллий валютани ички конвертациясидаги чеклашлар олиб ташланди. Барча корхоналар ва ташкилотларга давлат ва янгидан ташкил этилган тижорат банкларида валюта ҳисобини очиш ҳуқуқи берилди. Компаниялар бу ҳисобларга ташки савдо битимларидан тушган даромадларни ўтказиш имкониятига эга бўлишди. Айни пайтда валюта биржалари ва миллий пул бирлигининг бозор курси асосида хорижий валюта олди-сотдиси бўйича ҳар кунги ўтказиладиган савдоларни ташкил этиш бошланди. ТИФ соҳаси ва унинг валюта тармоғини тартибга солишни назарда тутувчи меъёрий ҳужжатлар бу борада муҳим аҳамият касб этди. Миллий валюта бозорларини ташкил этиш жараёнида, айниқса, молия-кредит муассасалари инфратузилмасини шакллантиришда, шунингдек, рақобат муҳити шаронтида ишлаб оладиган кадрларни тайёрлашда етакчи мамлакатларнинг техник ва маслаҳат кўмаги ҳам ўзига хос ўринга эга бўлди.

Бундан ташқари собик социалистик мамлакатларни глобал (ХВФ, ХТТБ) ва ҳудудий (ЕТТБ) даражадаги халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши ёки аъзолигининг тикланиши бозорга хос валюта муносабатларига ўтишни тезлаштиришга рағбатлантирди. Ва ниҳоят, бу мамлакатларнинг Европа, Евроосиё ва Осие микёсида янги асосдаги интеграцион гуруҳларни ривожлантиришга интилиши янгидан янги миллий ва ҳудудий валюта бозорларининг шаклланишига таъсир этди. Бирок

собик социалистик мамлакатларнинг ҳеч бирининг валютаси ЭКВга айлана олмади ва нуфузли валюта марказларида коти-ровка қилинмайди.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Валюта бозорлари ХВФ тизимининг муҳим унсури сана-лади, улар тўлов воситалари халқаро оборотини узлуксизлиги-ни таъминлайди. Операциялар ҳажми ва табиатига боғлиқ ра-вишда валюта савдоси бўйича миллий, ҳудудий ва жаҳон валю-та бозорлари фаркланади. Валюта операцияларининг энг кўп тарқалганлари сифатида «спот» кўринишидаги касса битимла-ри, «форвард», «фьючерс» ва опцион кўринишидаги тезкор би-тимларни келтириш мумкин. Кейинги йилларда касса ва шо-шилинч битимларнинг устунликларини умумлаштирувчи валю-та своплари кенг тарқалди.

Ўтиш даври иктисодиётли мамлакатларда валюта бозор-ларини вужудга келиши бир неча йиллар давом этди ва ташки иктисодий фаолиятда давлат монополиясини бартараф этиш ва бозорга хос валюта сиёсатини ўтказиш билан боғлиқ қатор босқичларни ўтди.

### **Асосий тушунчалар**

Валюта бозорлари — миллий валюта иштирокида талаб ва таклиф таъсирида юзага келувчи валюта курсига мувофик хо-рижий валюталар олди-сотди қилинадиган расмий марказлар.

Валюта позицияси — банкнинг хорижий валютага талаб ва мажбуриятлари нисбати.

Спот — битимни имзолаш пайтида контрагентлар қайд этган курс бўйича валютани дарҳол етказиб бериш билан боғлиқ кас-са операциялари.

Форвард — битим имзолангандан кейин икки кун давр учун катнашчилар томонидан хатарларни суғурталаш мақсадида ке-лишилган курс бўйича банклараро валюта-молиявий опера-циялар.

Фьючерс — катнашчилар томонидан хатарларни суғурталаш мақсадида келишилган курс бўйича фонд биржасида бажариладиган тезкор муддатли валюта-молиявий операциялар.

Своп — форвард битими ва спот шarti бўйича битим асосида амалга ошадиган турли хилдаги валюта операциялари.

Валюта арбитражи — своплар ва ссуда капитали бозорида битимлар биргаликда амалга оширилишини назарда тутувчи банклараро операциялар.

### **Назорат саволлари**

1. Миллий ва ҳудудий валюта бозорларининг жаҳон валюта бозоридан фарқи нимада?
2. Валюта позицияси нима?
3. Валюта операцияларининг қандай турларини биласиз?
4. Форвард ва фьючерс операцияларининг хусусиятларини айтинг?
5. Ўтиш даври иқтисодий мамлакатларда валюта бозорларини пайдо бўлиши қай тарзда ўтди?

## 32-боб. Тўлов ва ҳисоб-китоб баланси

### 1-§. Тўлов баланснинг моҳияти ва тузилмаси

Тўлов балансини тузиш амалиёти тарихи бир неча асрларга бориб такалади. Унинг ибтидоси Буюкбритания, Франция, Испания қиролликлари, кейинчалик Россия империяси ва АҚШда ғазнага божхона ва солиқ тушумлари реестри (рўйхати)ни тайёрлашдан бошланган.

Тўлов баланси негизида барча битим турларини уларнинг хусусиятларига боғлиқ равишда бухгалтериядаги стандарт кредит-дебит ёзувидан фойдаланган ҳолда гуруҳлаш принципи ётади. Тўлов баланснинг стандарт тузилмаси учта ҳисобни ўз ичига олади: жорий операциялар, капитал ва молиявий воситалар билан операциялар, расмий захиралар.

Қуйида келтирилган жадвалдаги тўлов баланснинг намунавий тузилмасига эътиборимизни қаратар эканмиз, унинг бир қатор хусусиятларини қайд этиб ўтишимиз мумкин. Жорий операциялар балансига келсак, мамлакат учун шундай ҳолат вужудга келиши мумкинки, яъни унинг актив ёки пассивлари ҳажми бойликларни айирбошлаш амалга оширилмасдан ўзгаради. Бунга мисол сифатида миллий корпорацияларнинг даромадларини хорижий фирмаларга қайта инвестиция қилиниши оқибатида ўз ватанига қайтмаслигини кўрсатиш мумкин. Бу ҳолатда халқаро битим амалга ошмаган ҳисобланади, бу даромадлар мамлакат тўлов баланси моддаларидан чиқариб ташланади.

Давлат импорт бўйича даромадлар экспорт бўйича харажатлардан юқорилигини билдирувчи жорий операциялар қамомадига дуч келганда қамомадни молиялаштириш хорижий қарзлар ёки активларнинг бир қисмини резидент бўлмаганларга сотиш орқали амалга оширилади (бу операциялар капитал ва молиявий воситалар билан операциялар ҳисобида ўтказилади). Охириги ҳисобга келсак, унинг ижобий қолдиғи мамлакатга чет элликларга кредит бериш ва хорижий активларни тўплаш имкониятини беради.

**Тўлов баланси тузилмаси.**

<i>КРЕДИТ</i>	<i>ДЕБЕТ</i>
<b>1. Жорий операциялар ҳисоби</b>	
<i>1. Товарлар экспорти</i>	<i>2. Товарлар импорти</i>
<b>Ташқи савдо баланси қолдиғи (ташқи савдо баланси)</b>	
<p><i>3. Хизматлар экспорти (фрахт, туризм ва бошқалр, кредит хизматларидан ташқари)</i></p> <p><i>5. Инвестициядан даромадлар, дивидендлар, фоизлар, хориждаги резидентларнинг маошлари, яъни кредит хизматларидан даромадлар.</i></p> <p><i>7. Жорий ички трансфертлар (нафақалар, совгалар, мамлакатга пул ўтказмалари, мамлакатга хориждан бегараз ёрдамлар.</i></p>	<p><i>4. Хизматлар импорти (табиатига қура экспортдаги каби)</i></p> <p><i>6. Мамлакатдаги инвестициялар бўйича харажатлар, капитал қўйилмалари бўйича дивидендлар, фоизлар учун фактор харажатлар, мамлакатдаги резидент бўлмаганлар учун тўловлар, яъни кредит хизмати бўйича харажатлар</i></p> <p><i>8. Жорий ташқи трансфертлар (нафақалар, совгалар, чет элга пул ўтказмалари, хорижий мамлакатларга бегараз ёрдамлар.</i></p>
<b>Жорий операциялар бўйича баланс қолдиғи</b>	
<b>II. Капитал ва молиявий воситалар билан операциялар ҳисоби</b>	
<p><i>9. Капитал кириб келиши (мамлакатга капитал трансфертлари — узоқ муддатли қарзларни олиш</i></p> <p><i>11. Қисқа муддатли капитал кириб келиши</i></p>	<p><i>10. Капитал чиқиб кетиши (мамлакатнинг капитал трансфертлари — узоқ муддатли қарзларни бериш</i></p> <p><i>12. Қисқа муддатли капитал чиқиб кетиши</i></p>
<b>Капитал операциялари баланси қолдиғи</b>	
<i>13. Тушириб қолдириш ва хатолар</i>	<i>14. Тушириб қолдириш ва хатолар</i>
<b>Расмий ҳисоблар бўйича баланс қолдиғи</b>	
<b>III. Расмий заҳиралар ҳисоби</b>	
<i>15. Валюта заҳираларининг кўпайиши. (олтин, ЭКВ, ХВФдаги заҳира позиция ва хорижий валюта)</i>	<i>16. Валюта заҳираларининг камайиши. (олтин, ЭКВ, ХВФдаги заҳира позиция ва хорижий валюта)</i>
<b>Якуний баланс</b>	

Миллий статистика тизимининг мукамал эмаслиги ёки операцияларнинг яширин табиати билан боғлиқ ҳолда вужудга келувчи «тушириб қолдиришлар ва хатолар» моддасига ҳам эътибор бериш керак. Бу модда активлар ва пассивлар орасида фарқни нолга тенглаштириш имкониятини беради. Расмий ҳисоб-китоблар баланси камомадга учраганда қарзни ёпиш Марказий банк томонидан миллий валюта заҳираларини қисқартириш (бозорда сотиш) ҳисобига амалга оширилади. Заҳиралар *олтин* (миллий олтин заҳиралар, одатда қуйма холида), *хорижий валюталар* (бошқа мамлакатларнинг нақд пуллари, депозитлари, қимматбаҳо қоғозлари), SDR, ХВФдаги заҳира позиция (ХВФ аъзосига тегишли квотанинг бир қисми)лардан таркиб топган.

Халқаро ҳисоб-китоблар амалиётида хорижий қарзларни қоплаш салоҳиятини баҳолаш имкониятини берувчи соф расмий валюта заҳиралари деб аталувчи кўрсаткич қўлланилади.

*(Соф валюта заҳиралари : Умумий импорт ҳажми) X 12,*  
Формула ёрдамида импортни тўлаш учун валюта заҳираларининг етарлилиги даражасини ҳисоблаш мумкин. Бу формула мавжуд валюта заҳиралари ҳисобига давлатнинг импортни тўлашга қодир бўлган давр давомийлигини акс эттиради ва унинг халқаро агентликлардаги кредит рейтингига таъсир қилади. Агар бу кўрсаткич бўйича импортни қоплаш даври уч ойдан кам бўлса, вазият ноқулай ҳисобланади ва янги кредитлар олиш имконияти қисқаради.

Тўлов баланси таҳлилининг ниҳоясида асосий ва балансловчи моддалар мавжудлигини қайд этиб ўтиш жоиз. Моҳияти жиҳатдан асосий (автоном) моддаларга товарлар ёки капиталнинг одатий айланмасини акс эттирувчи моддалар қиради. Балансловчи (компенсацияловчи) моддалар эса товарлар ва капитал ҳаракатини таъминлаш мақсадидаги молиявий ресурслар трансфертини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, асосий моддалар товар ва хизматлар экспорт-импорти, ишлаб чиқариш филиалларини ташкил этиш учун инвестициялар, яъни жорий операциялар ва узок муддатли капитал ҳаракатини ўз ичига олади. Балансловчи моддалар валюта заҳираларининг



ҳаракати, қисқа муддатли активлар ҳажмининг ўзгариши, давлат қарзлари ва кредитлари, икки томонлама битимлар ҳамда халқаро ташкилотлар линияси бўйича молиявий ёрдамлардан таркиб топган. Амалиётда асосий ва балансловчи моддаларга ажратиш шартли саналади.

## 2-§. Тўлов балансининг халқаро соддалаштирилган схемаси

Тўлов баланси тўғрисида батафсилроқ тасаввурга эга бўлиш учун ХВФ томонидан ишлаб чиқилган ва БМТ тасдиқлаган соддалаштирилган лойиҳа билан танишиш фойдадан холи бўлмайди.

Қуйидаги схемадан ташқари алоҳида мамлакатларнинг иқтисодий фаолиятида халқаро инвестицион қарзлар баланси-дан фойдаланилади, унда мажбуриятлар ва маблағларнинг кўпайиши ёки камайиши капитал ва молиявий воситалар билан операциялар бўлимида олдинги дебет ва кредит ҳисоблари суммаси кўринишида қайд этилади. Ўзбекистоннинг шунга ўхшаш баланси учта кичик бўлим: *давлат бошқаруви тармоғи, банклар ва бошқа тармоқлар* бўлимларини ўз ичига олади.

### Халқаро соддалаштирилган тўлов баланси

Индекс	Асосий моддалар
A	Жорий операциялар. Товарлар экспорти, Товарлар импорти, Савдо баланси, Хизматлар (қолдиқ), Инвестициялардан даромадлар (қолдиқ), Трансфертлар (қолдиқ)
B	Узок муддатли инвестициялар, Тўғри инвестициялар. Портфель инвестициялар, Бошқа узок муддатли капитал қўйилмалари
(A + B)	Базис баланси
C	Қисқа муддатли капиталлар (қолдиқ)
O	Хатолар ва тушириб қолдиришлар
(A + B + C + O)	Расмий ҳисоб-китоблар баланси
P	Хорижий давлатлар олдидаги мажбуриятлар
D	Захираларнинг ўзгариши. Олтин. SDR. ХВФдаги резерв позиция. Хорижий резерв валюталар.

### 3-§. Тўлов балансини тартибга солиш воситалари

Халқаро иқтисодий муносабатлар назариясида алоҳида олинган мамлакат тўлов балансининг камомадига бу мамлакат миллий хўжалигида маълум бир номутаносибликлар вужудга келиши оқибати сифатида қаралади. Бу номутаносибликларни уларнинг вужудга келиши сабабларига боғлиқ равишда тўрт гуруҳга ажратиш мумкин: *тузилмавий, баҳога боғлиқ, даромад даражаси билан аниқланувчи, катта миқдордаги капиталнинг автоном қўчиши билан боғлиқ* номутаносибликлар.

Тузилмавий номутаносибликлар ушбу давлатнинг ишлаб чиқариш тузилмасининг жаҳон бозори талабларига мос келмаслиги туфайли юзага келади. Баҳо билан боғлиқ номутаносибликлар инфляция харажатларининг ошиши ва ишлаб чиқариш омиллари қийматининг кўтарилиши билан аниқланади. Учинчи гуруҳ номутаносибликлар давлат даромадларининг камайиши ва харажатларининг ошиши билан боғлиқ бўлади. Ва ниҳоят, охириги гуруҳ номутаносибликлар катта миқдордаги бир марталик тўловлар (масалан, ҳарбий операциялар ўтказиш ёки табиий офатлар билан курашга сарфланадиган харажатлар) оқибатида келиб чиқади. Тўлов балансига таъсир этишнинг турли-туман усуллари ичида асосийларини келтириб ўтамыз:

- миллий банк томонидан резерв валюта захираларини сотиш;
- кредитлар бўйича фоиз ставкалари миқдорини ўзгартириш (марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган қайта молиялаштириш ва ломбард кредити ставкалари фоизларини ўзгартириш);
- пул эмиссияси ҳажмини назорат қилиш;
- самарали солиқ сиёсати;
- ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси;
- валюта курсини ўзгартириш.

Айтиб ўтилганларга яқун ясайдиган бўлсак, импортнинг камайиши, Марказий банк кредитларига фоиз ставкаларининг кўтарилиши, божхона божларининг ошиши, пул массасининг камайиши, миллий валютанинг девальвация қилиниши каби-

лар ҳам тўлов балансини яхшилаш ва ижобий қолдикка эришишга ёрдам беради.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Давлат тўлов балансининг типик тузилмаси бир-бири билан ҳамбарчас алоқадор бўлган учта асосий бўлимни ўз ичига олади: жорий операциялар, капитал ҳаракати ва расмий захиралар. ХВФ бозор иктисодиёти ривожланган мамлакатларда кенг қўлланиладиган соддалаштирилган тўлов баланси схемасини ишлаб чиққан. Давлат молиявий, солиқ ва маъмурий тадбирлар мажмуаси ёрдамида тўлов балансидаги номуғаносибликнинг асосий сабабларини бартараф этган ҳолда тўлов балансининг ижобий қолдиғига эришишга интилади, бу эса миллий иктисодиётнинг илгариланма ҳаракатидан далолат беради.

### **Асосий тушунчалар**

Валюта резервлари — хорижий валюта, олтин, SDR, ХВФдаги резерв позиция кўринишидаги валюта-ликвид воситаларнинг жами.

Тўлов балансининг асосий моддалари - товар ва хизматлар экспорт-импорти, хорижий инвестиция капитали ҳаракатини ўз ичига олади.

Тўлов балансининг балансловчи моддалари — валюта захираларининг ҳаракати, қисқа муддатли активлар ҳажмининг ўзгариши, давлат қарзлари ва кредитлари, икки томонлама битимлар ҳамда халқаро ташкилотлар линияси бўйича молиявий ёрдамларни акс эттиради.

### **Назорат саволлари**

1. Тўлов балансининг намунавий тузилмасини тушунтириб беринг.
2. Халқаро соддалаштирилган тўлов балансининг хусусиятлари қандай?
3. Халқаро инвестицион қарзлар баланси нима?
4. Тўлов балансини тартибга солиш воситалари қайсилар?

## **6-бўлим. ХАЛҚАРО ИШЧИ КУЧИ МИГРАЦИЯСИ**

### **33-боб. Жаҳон ишчи кучи бозори**

#### **1-§. Жаҳон ишчи кучи бозорининг моҳияти ва пайдо бўлиш сабаблари**

Жаҳон аҳолиси ёшига боғлиқ равишда икки типдаги одамларни ўз ичига олади: меҳнатга лаёқатли - 15-60 ёшлилар, меҳнатга лаёқатсиз - болалар ва қариялар. Аҳоли умумий ҳажмининг тахминан 70 фоизи биринчи типга тегишли, бироқ бу улуш турли ҳудудларда ўзгариб туради. Масалан, Осиё ва Африкада вояга етмаганлар, Европа ва Шимолий Америкада қариялар улуши юқори.

Ўз навбатида меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳам иккига ажратилади: иктисодий фаол ва фаол бўлмаганлар. Уй бекалари, талабалар (таътил пайтида), давлат қармоғидаги фуқаролар, шунингдек, фуқаролиги бўлмаганлар иктисодий фаол бўлмаганлар каторига қиради. Бизни иктисодий фаол аҳоли, яъни меҳнатга лаёқатли ва унга интилувчи одамлар қизиқтиради. Фуқароларнинг айнан шу тоифаси мамлакат иқтисодида ва хориждан иш кидириш жараёнида фаол иштирок этади.

Халқаро ишчи кучи миграцияси узок тарихга эга бўлсада, фақатгина XX асрга келиб ишлаб чиқариш омиллари ҳаракатининг етакчи кўринишларидан бирига, бинобарин ХИМнинг алоҳида соҳасига айланди.

Буни қуйидаги сабаблар билан боғлаш мумкин:

- хўжалик ҳаётининг байналмилаллашуви;
- ижтимоий-демографик ўзгаришлар;
- фан-техника ва ахборот соҳасидаги инқилоб;
- интеграция жараёнларининг ривожланиши;
- трансмиллий корпорациялар фаолияти.

Бу барча омиллар меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳаракатчанлигининг кучайишига сабабчи бўлди, зеро инсонлар мамлакатлар ва китъалараро кўчиш учун ривожланган коммуникация инфратузилмасидан фойдаланишади. Ҳозирги кунга келиб шундай жаҳон ишчи кучи бозори (ЖИКБ) вужудга келдики, бу бозор асосини миллий хўжалик тизимлари ва жаҳон иқтисодиёти доирасида ишлаб чиқарувчи кучларнинг даражаси, табиати ва жойлашувига сезиларли таъсир этувчи иқтисодий фаол аҳолининг мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасидаги жами миграцион айланмаси ташкил этади. XX асрнинг охирига келиб меҳнатқаш-мигрантларнинг бир йилдаги ўртача миқдори 35 млн. кишига етди (1960-йилда 3,5 млн.). ЖИКБ фақатгина мигрантларни эмас, балки турли даражадаги миграция хизматларини, шунингдек, хорижий меҳнатқашларнинг ҳуқуқий статуси, уларнинг меҳнатини химоялаш, уларга ижтимоий кафолатлар бериш ва бошқа масалалар билан шуғулланувчи халқаро ташкилотларни ҳам ўз ичига олади. Мазкур бобда аҳолининг кўчиши жараёнлари ичида ижтимоий-иқтисодий мақсадлар келтириб чиқарган меҳнат миграцияси тўғрисида сўз боради. Фуқароларни ўз ватанидан ташқарида иш кидиришга мажбур этувчи омиллар ичида энг асосийси турмуш даражасини яхшилаш ва ўз қобилиятларидан унумли фойдаланишга интилишлари ҳисобланади. Айни пайтда ишсизлик, кишлоқ хўжалигида аҳолининг кўпайиб кетиши каби салбий ижтимоий-иқтисодий ходисалар ҳам яшаш жойини вақтинча ёки доимий ўзгартиришга сабабчи бўлади.

Ҳозирги пайтда давлатлар меҳнат миграциясини тартибга солиш борасида ўз ҳаракатларини кучайтириб боришмоқда. Мигрантларни жўнатувчи (экспортёр-мамлакатлар) ва қабул қилувчи (импортёр-мамлакатлар) томонларнинг ўзаро манфаатларини ҳуқуқий ифодаси одатда икки ва кўп томонлама келишувлар кўринишида амалга оширилади. Бу соҳадаги халқаро конвенцияларни тайёрлашда Аҳоли бўйича БМТ Комиссияси, Халқаро меҳнат ташкилоти, Миграция бўйича халқаро ташкилот каби глобал ташкилотлар сезиларли кўмак бериб келмоқда.

Ишчи-мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи ҳудудий тузилмаларга мисол сифатида Ғарбий Европадаги Миграция масалалари бўйича ҳукуматлараро кўмитани келтириш мумкин. ЖИКБ доирасидаги муносабатларни тартибга солишнинг асосий халқаро меъёрий ҳужжатлари Халқаро меҳнат ташкилотининг 1962, 1975, 1982 йиллардаги Конвенциялари ҳисобланади. Бу ҳужжатларнинг моддалари мигрантларни ёллаш, уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш, миграциянинг яшириш каналлари билан курашиш каби масалаларни тартибга солади.

## **2-§. Меҳнат миграциясининг асосий йўналишлари ва марказлари**

Меҳнат миграцияси деярли барча миллий иқтисодиётларга хос жараёндир. Бирок унинг жадаллик даражаси жаҳоннинг у ёки бу ҳудудларида сезиларли фарқ қилади. Меҳнатқаш-мигрантларнинг энг жадал оқими ишчи кучини экспорт/импорт қилувчи мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасида ва табиий демографик ўсиш суръатида жиддий фарқ бўлганда кузатилади. Миграциянинг асосий тўрт йўналишлари ичида жами миграция оқимининг ҳажми бўйича ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган мамлакатлар томон ишчи кучларининг кўчиши биринчи ўринда туради. Мутахассислар қуйидаги миграция оқимларини алоҳида кўрсатиб ўтишади: Ғарбий Европа ва Шимолий Америка мамлакатлари ўртасида, собиқ социалистик мамлакатлардан бозор иқтисодиётли мамлакатларга, ривожланаётган ёки ўтиш даври иқтисодиётли давлатлар ўртасида (мас. Жанубий Америка чегарасида, Украинадан Россияга).

Ишчи кучи миграциясининг яна бир йўналиши, яъни ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган ёки ўтиш даври иқтисодиётли давлатларга миграция учраса-да, бу йўналишни танловчи мигрантлар сони унчалик кўпчиликини ташкил этмайди ва улар ТМКларнинг шахобчалари ва шўъба корхоналарида банд бўлган кадрлар, турли хайрия ташкилотлари ва фондлари аъзолари, шунингдек, саргузашт изловчилар ҳамда таваккал-

чилардан иборат. Ишчи кучини ўзига тортувчи марказлар ичида энг йирик ва уч юз йилдан бери мавжуд бўлган марказ Шимолий Америка (АҚШ ва Канада) ҳисобланади. Америкалик статистларнинг маълумотларига кўра, 90-йиллар давомида белгиланган квота 675 минг киши бўлишига қарамай йилига 1 млн.дан ортиқ мигрантлар АҚШга кириб келган. Мигрантларни ўзига тортувчи бошқа бир «оҳанграбо» Европа Иттифоки мамлакатларидир. Уларга хорижий ишчи кучи жами айланмасининг тўртдан бир қисмидан кўпроғи тўғри келади. Бу ҳудудда Франция (мамлакат аҳолисининг 8 фоизи хорижликлар), Германия (7,5 фоиз) этакчилик қилмоқда. Булардан ташқари Буюкбритания, Бельгия, Нидерландия, Швеция, Австрия ҳам ишчи кучи қабул қилишда олдинги ўринларда туради. Меҳнат миграциясининг учинчи йирик маркази - Австралиядир. Австралия ҳукумати мамлакат ҳудудининг катта қисмида аҳоли зичлиги даражасининг пастлиги ва унинг таркибида хитой этноси улущининг кўпайиб бораётганидан хавотирда. Шунинг учун ҳам Канберра томонидан Австралия мамлакатига - қитъага оқ ирқга мансуб аҳолини, асосан фертил (турмуш қуриш ва фарзанд кўришга кодир) ёшдаги аёлларнинг кўчиб ўтишини рағбатлантириш борасида чора-тадбирлар мажмуасини эълон қилган.

Мухим миграция марказлардан бири сифатида Исроилни эсга олишимиз ҳам мақсадга мувофиқ. Исроил барча яҳудийларни ўзларининг тарихий ватанларига қайтаришга ҳаракат қилмоқда. Яҳудийларнинг «Жаннатмакон ер»га миграцияси умуман олганда сиёсий сабаблар туфайли бўлсада, унинг иқтисодий жиҳатлари ҳам мавжуд, турмуш даражаси паст бўлган мамлакатлардан Исроилга келаётган мигрантлар оқимининг жадаллиги ҳам бундан далолат бериб турибди.

Кейинги йигирма йил ичида мигрантларни ўзига жалб этувчи янги марказлар вужудга келди. Уларнинг ичида Форс кўрпази мамлакатлари (Саудия Арабистони, Қатар, Қувайт, Баҳрайн, Бирлашган Араб Амирлиги) ва Лотин Америкаси (Аргентина, Бразилия, Мексика) ҳамда Осиёнинг (Индонезия, Малайзия, Сингапур, Тайван) янги индустриал мамлакатлари-

ни ажратиб кўрсатиш мумкин. Африка китъасида эса бундай марказ ЖАР ҳисобланади.

МДХ доирасида Россия йирик марказ бўлса-да, у ҳам экспортёр, ҳам импортёр мамлакат саналади. Россиядан МДХдан ташқарига ишчи кучи экспорт қилинса (йилига 10 минг киши), МДХ мамлакатларидан - асосан Украина, Белорусия, Молдавия, Қозоғистондан (йилига 300-500 минг киши) импорт қилинади.

### **3-§. Халқаро меҳнат миграцияси кўринишлари**

Халқаро миграция айланмаси таркибини тушуниб етиш учун меҳнат миграциясининг кўринишларини белгилаб чиқиш зарур, уларни турли мезонларга кўра синфлаш мумкин. Миграциясининг асосий кўринишлари қуйидагилар:

- *давомийлигига кўра - вақтинчалик, мавсумий ва доимий;*
- *ижтимоий таркибига кўра - малакасиз ишчилар, ўрта техник ва сервис ходимлари, талабалар (таътил пайтида), мутахассислар, фан, маданият ва спорт арбоблари, тадбиркорлар;*
- *табиатига кўра - бевосита ва билвосита (ТМК доирасида фирма ичиди);*
- *меҳнат шартномаси кўринишига кўра - шахсий ва жамоавий;*
- *қабул қилувчи мамлакатдаги ҳуқуқий ҳолатга кўра - ассилицияцион (кейинчалик фуқаролик берилиши) ва ноассимиляцияцион.*

Халқаро статистика маълумотларига кўра, мигрантларнинг асосий қисмини ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигида банд бўлган кам малакали ишчилар ташкил этади. Шундай бўлса-да, мутахассисларнинг, яъни ТМКлар тузилмасида эътиборли ва юқори ҳақ тўланадиган мансабларни эгаллаган юқори малакали ишчи кучининг миграцион оқими ўсиб бормоқда (гап «ақллиларни кетиб қолиши» тўғрисида бормоқда). Бундан ташқари йилдан йилга Европа Иттифоқи каби интеграцион бирлашмаларда аёллар ва ёшларнинг сафарбарлиги кучаймоқда.



ХИМда миграция оқимларининг кучайиб бориши туфайли уларнинг кабул килиб олувчи ва жўнатувчи давлатлар иктисодиётига таъсири янада сезиларли бўлиб бормоқда. Шунинг учун жаҳон ишчи кучи бозорини ана шу нуқтаи назардан кўриб чиқиш жоиз.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Жаҳон ишчи кучи бозори (ЖИКБ) сўнгги эллик йил давомида жадал суръатларда шаклланди. ЖИКБ таркибига ҳам мигрантлар - меҳнат қобилиятли ёшдаги иктисодий фаол одамлар, ҳам хорижда иш қидиришга интилаётган одамларга кўмаклашувчи миграция хизматлари ва халқаро ташкилотлари киради. Меҳнат миграциясининг асосий йўналиши ишчи кучининг ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган мамлакатларга чиқиши саналади, хорижий ишчиларни ўзига тортувчи асосий халқаро марказлар Шимолий Америка, Ғарбий Европа, Австралия ва Исроил ҳисобланади. Булар билан меҳнатқашмигрантларни ўзига тортувчи янги худудий «кутблар»: баъзи араб давлатлари ракобат кила бошлади.

### **Асосий тушунчалар**

Жаҳон ишчи кучи бозори (ЖИКБ) — миллий хўжалик тизимлари ва жаҳон иктисодиёти доирасида ишлаб чиқарувчи кучларнинг даражаси, табиати ва жойлашувига сезиларли таъсир этувчи иктисодий фаол аҳолининг мамлакатлар ва худудлар ўртасида жами миграцион айланмаси

### **Назорат саволлари**

1. Жаҳон ишчи кучи бозорининг вужудга келиш сабабларини айтинг.
2. Меҳнат миграциясининг асосий йўналиш ва марказларини айтинг.
3. Меҳнат миграциясининг қандай кўринишларини биласиз?
4. Ўзбекистоннинг халқаро миграция айланмасидаги ҳолатини тушунтиринг?

## **34-боб. Ишчи кучи миграциясининг мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига таъсири**

### **1-§. Жаҳон ишчи бозоридаги экспортёр мамлакатлар**

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ишсизликни камайтириш, эмигрант-ишчилардан валюта маблағларининг кириб келиши, қабул қилувчи мамлакатда уларга етарли даражадаги турмуш шароитини таъминлашга кўмак бериш учун эмиграцион сиёсат олиб борилиши қайд этилади. Мигрантларнинг асосий қисмини 30-40 ёшдагилар ташкил этади, уларнинг хорижга чиқиши ички меҳнат бозоридаги рақобатни юмшатиш имкониятини беради. Бинобарин, миллий иқтисодиётнинг беқарорлиги шароитида ижтимоий кескинлик юмшатилади.

Эмигрантларнинг ўтказмаларидан келиб тушадиган валюта маблағлари жаҳондаги асосий ишчи кучи экспортёрлари (Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатлари, шунингдек, баъзи собиқ социалистик давлатлар) учун миллиардлаб доллар ҳажмида ўлчанади. Бундай мамлакатлар ўнта атрофида. Ўттиздан кўпроқ мамлакат йилига 100 ва ундан кўпроқ миллион доллар миқдорида эмигрантларнинг пул ўтказмаларини олади. Бунда канал орқали валюта даромадлари олиш ишлаб чиқариш харажатлари билан кузатилмайди, зеро бундай харажатлар товар савдосига хосдир. Натижада ишчи кучи экспортдан иқтисодий самара товарлар ёки хизматлар савдосидагидан тахминан беш марта юқори бўлади. Мутахассислар мигрантларнинг чет элга чиқишидан келадиган валюта даромадларининг бешта манбасини кўрсатиб ўтишади: воситачи-фирмалар фойдасидан солиқлар, мигрантларнинг ўз юртига пул ўтказмаларидан солиқлар, мигрантларнинг шахсий инвестициялашлари, ишчи кучини импорт қилувчи мамлакатлардан экспортёр мамлакатларга давларлараро каналлар орқали келиб тушадиган капиталлар, хайрия фондлари ва халқаро ташкилотларнинг субсидиялари.

Бундан ташқари мигрантлар чет элда ишлаб қайтгандан сўнг, одатда икки-етти йил давомида валюта ўтказмаларига эк-

вивалент микдорда кимматли буюмлар ва жамғармалар олиб келишади. Ишчи кучи экспортнинг ўзига хос ижобий томонларига узок вақт давом этган хорижий фаолиятдан сўнг бу ишчиларнинг умумий касб маҳорати даражаси ортиши ва улар ўз ватанларида иқтисодий ҳаётнинг янги соҳаларида ишлашга тайёр бўлишини киритиш мумкин.

Ишчи кучининг чет элга юборилишининг салбий жиҳатлари ичида энг асосийси меҳнатга лаёқатли ва юқори малакали мутахассисларнинг йўқотилиши ҳисобланади.

## **2-§. Миграция жараёнларининг импортёр мамлакатлар иқтисодиётига таъсири**

Ишчи кучини импорт қилувчи мамлакатлар одатда, мигрантлар сони ва сифатий таркибини тартибга солиб борувчи иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлардир. Тартибга солиш дастаклари сифатида иммиграцион квоталар ва турли чеклашлардан (мигрантнинг ёши, маълумотлилиқ савияси, касб маҳорати даражаси, соғлиғи кабилар) фойдаланилади. Шунинг учун ҳам хориждан ишчи кучини жалб этиш жараёнида танлов тамойилидан фойдаланилиши тўғрисида гапириш мумкин.

Ички меҳнат бозорида кўшимча ишчи кучининг пайдо бўлиши шубҳасиз ижобий жиҳатларга эга ва уларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- иммигрантлар томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар харажатларининг камайиши (хорижликлар импортёр мамлакат фуқароларига нисбатан фаолроқ ва камроқ иш ҳақига ишлашга тайёр бўлишади) ҳисобига бу товарларнинг рақобатбардошлиғи ошади;
- мигрант-ишчилар томонидан товар ва хизматларга ички талабнинг рағбатлантирилиши;
- малакали мутахассислар тайёрлаш, ижтимоий дастурлар, шунингдек, бошқа давлатлардан патентлар, лицензиялар ва ноу-хаулар сотиб олишга зарур маблағларнинг тежалиши;
- ишчи кучи таклифи соҳасида рақобатни кучайтириш орқали ички меҳнат бозорига кўшимча эгилувчанликни бериш.

Бирок, ишчи кучини экспорт қилишдаги сингари унинг импортида ҳам салбий жиҳатлар мавжуд. Хусусан, резидентлар ва мигрантлар ўртасидаги иш жойи учун кўшимча рақобат ишсизликнинг кучайишига олиб келади. Иммигрантлар оқимининг кенгайиши билан боғлиқ равишда мамлакатдан валюта маблағларининг хорижга чиқиб кетиши ортиб боради. Бундан ташқари хорижий ишчи кучи, айниқса, африкалик ва осиеликлар Фарбий Европа ва Шимолий Америкада миллий, ирқий ва диний негиздаги тўқнашувларни келтириб чиқаради, иктисодиёт криминаллашади.

Шундай қилиб миграция жараёнларининг жаҳон мамлакатлари иктисодиётига таъсири етарли даражада зиддиятлидир, унинг салбий ва ижобий томонларини нисбий баҳолаш мазкур мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий вазият ва унинг ХИМ тизимидаги ҳолатига бевосита боғлиқ бўлади.

### **3-§. «Ақлли кишиларнинг кетиб қолиши» муаммосининг моҳияти**

Ишчи кучи экспорти миллий иктисодиётда ижобий оқибатлар билан бир қаторда салбий оқибатлар ҳам қолдиради. Бу энг аввало «ақлли кишиларнинг кетиб қолиши» деб аталувчи юқори малакали мутахассисларнинг хорижга кетиб қолиши билан боғлиқдир. Бу жараённинг моҳияти шундаки, мутахассислар турмуш даражаси паст давлатлардан юқори иш ҳақи, яхши меҳнат шароитлари, ижодий имкониятларни амалга оширишга етарли шарт-шароит ва ниҳоят ижтимоий қафолатлар яратиб бера оладиган мамлакатларга кетиб қолади.

Ишчи кучини жўнатувчи давлат учун салбий бўлган жиҳатлар қабул қилиб олувчи мамлакатлар учун ижобий ҳисобланади. Чунки кириб келувчи ишчиларнинг аксарият қисмини юқори даражада ижтимоий, иктисодий ва сиёсий фаол бўлган ёшлар ташкил этади. Бунга мисол сифатида Польшадан 1983-1987 йилларда ёш кадрларни чиқиб кетиши билан боғлиқ вазиятни келтириш мумкин: бу мамлакатни тарқ этганларнинг 15 фоизини (50 минг киши атрофида) олий маълумотлилар ташкил этган, бу Польша олий ўқув юр்தларининг бир

йиллик битирувчиларига мос келади. "Интеллектуал миграция" жами ишчи кучи миграцияси микдорининг 3—5 фоизига тенг бўлса-да, ҳозирги пайтда бу улушнинг йилдан-йилга ортиб бориши кузатилмоқда. Бинобарин жўнатувчи мамлакат учун иқтисодий зарар микдори ҳам ошиб борапти. Бу зарар баъзи бир мамлакатлар миллий даромадининг 10 фоизигача тенг бўлмоқда. Мутахассисларнинг четга чикиб кетиши жаҳон бозоридаги ракибларнинг мавқеини кучайтиради, чунки бу мутахассисларнинг кўпчилиги йирик трансмиллий корпорацияларга ишга жойлашади.

«Юқори сифатли» ишчи кучини ўзига жалб қилувчи асосий марказлар энг бой мамлакатлар: АҚШ, Канада, Германия, Франция, Буюкбритания, Швеция, камроқ даражада Япония, Сингапур, Тайвань саналади. Ақлли кишиларнинг чикиб кетишининг асосий каналлари биринчидан, хорижий талабалар ва аспирантларни чет элдаги университетлар томонидан жалб этилиши, иккинчидан, тажрибали мутахассисларни халқаро компанияларда ишга таклиф этилиши ҳисобланади.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Меҳнат миграциясининг миллий иқтисодиётларга таъсири даражаси турлича бўлиб, кўп жиҳатдан ҳукумат томонидан олиб бориладиган сиёсатга боғлиқ. Ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар асосий фойдани хориждан валюта трансферти оқимларининг кенгайиши туфайли олади, аммо аксарият ҳолларда юқори малакали кадрларини йўқотади. Импортёр мамлакатлар эса меҳнат иммиграциясининг микдорий ва сифат даражасини квоталар ва чеклашлар жорий қилиш орқали тартибга солишга ҳаракат қилади, ҳозирги пайтда малакали кадрларнинг ва илмий-техника соҳасидаги экспертларнинг кириб келиши мақсадга мувофиқдир.

Ақлли кишиларнинг кетиб қолиши муаммоси ХИМда кейинги йигирма-ўттиз йиллар ичида энг долзарб муаммога айланди. Муаммонинг моҳияти шундаки, ишга жойлашиш мақсадида хорижга чикиб кетган малакали кадрларни йўқотиш экспорт

килувчи мамлакат учун маълум миқдорда иқтисодий зарар етказди.

### **Асосий тушунчалар**

Иммиграцион квота — хорижий фуқароларнинг кириб келишини давлат томонидан миқдорий чеклаш.

«Ақлли кишиларнинг кетиб қолиши» — мамлакатдан "интеллектуал элита" вакилларининг чет элда ишга жойлашиш мақсадида чикиб кетиши.

### **Назорат саволлари**

1. Ишчи кучи экспортининг жўнатувчи мамлакатлар учун ижобий ва салбий жиҳатларини тушунтириб беринг.
2. Ишчи кучи импортидан олинадиган иқтисодий самара қандай?
3. «Ақллиларнинг кетиб қолиши» муаммосини тушунтиринг?

## **35-боб. Халқаро илмий-техникавий ва илмий хамкорлик**

### **1-§. Жаҳон ахборот ва технологиялар бозорининг хусусиятлари**

XX асрнинг асосий хусусиятларидан бири фан ва техниканинг мисли кўрилмаган даражада ривожланиши бўлди. Сўнгги юз йил давомида ХИМнинг янги ахборот-технология тузилмаси вужудга келди ва шаклланди. Унинг негизини Жаҳон ахборот ва технологиялар бозори (ЖАТБ) ташкил этади. Иқтисодий нуқтаи назардан ахборот - бу бизни қизиқтираётган объект тўғрисидаги билимларимиз ҳажмини кенгайтирувчи янги маълумотлар йигиндиси бўлиб, у қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланди: фойдаланиш жараёнида йўқолиб кетмаслиги, моддий предметлар амортизациясига нисбатан бошқача «эскириш» механизмига эгаллиги ва универсал қиймат баҳосининг мавжуд эмаслиги.

Технология жаҳон бозорига ишлаб чиқаришнинг усул ва услублари, шунингдек, уни ташкил этиш ҳамда бошқариш кўринишлари тўғрисидаги илмий-техник билимлар мажмуаси сифатида чиқади. Ҳар қандай янги технология маълум «хаётий цикл»ни ўтайди. У яратилгандан сўнг маркетинг, реклама каби омилларга боғлиқ равишда ўз истеъмолчисига эга бўлувчи товар ҳисобланади. Кейинчалик, муваффақиятли жорий этилса, бу технология ўзининг яратувчисига фойда олиб келади, фойда миқдори вақт ўтиши билан максимумга эришади ва шундан сўнг камайиб боради. «Хаётий цикл»нинг охириги босқичида технология замонавийлаштирилади ёки янгиси билан алмаштирилади. Шундай қилиб технология-товарни тижорий мавжуд бўлиш босқичлари ҳар қандай маҳсулотнинг «туғилиш, етулик ва эскириш» босқичларига мос келади. Бироқ бошқа товарлардан фарқли ўларок, ахборот ва технологияларнинг қиймати кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар қийматига ўхшайди, яъни улардан фойдаланишдан келадиган фойда миқдорига боғлиқ бўлади ва технология/ахборотлар бозорида сотиш давомида

вужудга келадиган кўшимча даромад билан белгиланади. Бу ерда гап технологик рента хусусида кетяпти.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ЖАТБнинг объектлари - бу моддий (қурилмалар) ва номоддий (турли кўринишдаги ахборотлар, ишлаб чиқариш тажрибалари ва билимлар) кўринишидаги интеллектуал фаолият натижаларидир. ЖАТБда давлат тузилмалари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, хусусий компаниялар ва жисмоний шахслар - мутахассислар қатнашади. Маълумотлар ва технологиялар жаҳон бозори жуда тез ривожланмоқда. 90-йилларнинг ўрталарига келиб, ахборот ва технологиялар тармоғи АҚШ ЯИМининг салкам 75 фоизини таъминлаган. Мамлакат фароонлиги манбалари анъанавий ишлаб чиқариш омилларидан ахборот ресурслари томон кўчмоқда.

Ижод жараёни, айниқса, илмий-техник соҳадаги ижод қилиш жараёни ривожланган мамлакатларда тараққиётга ёрдам берувчи йўлдошгина эмас, балки тараққиётнинг асосий омилига айланиб бормоқда, зеро бу жараён ишлаб чиқариш соҳасига кучли рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади. Алоҳида давлатларнинг иктисодий ўсиш суръатларининг дифференциаллашуви кучаймоқда, натижада миллий иктисодиётларнинг илмий-техник етуқлиги даражасидаги фарқ ортиб бормоқда. АҚШ, Япония, Германия, Франция ва Буюкбритания илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига дунёнинг қолган барча мамлакатларининг биргаликдаги харажатларидан кўпроқ маблағ сарфлайди. Бу беш давлатнинг ичида АҚШнинг улуши 50 фоиздан ошади. Айни пайтда ривожланаётган мамлакатлар, айниқса янги индустриал давлатларнинг қолоқликни бартараф этиш, замонавий инфратузилмани яратиш, ташқи бозорларга ўз товарлари билан чиқиш учун янги технология ва ахборотларга қизиқиши ортиб бормоқда.

ЖАТБда халқаро айирбошлашнинг кенгайишига таъсир этувчи муҳим омил сифатида ТМКлар фаолиятини келтириш мумкин. Йирик ТМКлар рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш жараёнига технологиялар билан ёриб кириш учун ўзларининг илмий-тадқиқот марказларини яратишмоқда. Ўрта



ва кичик компанияларга келсак, улар зарар кўрмаслик учун йирик компаниялардан ахборот ва технологиялар сотиб олишга мажбурдирлар. ЖАТБнинг ривожланишига ҳарбий ишлаб чиқаришни конверсиялаш жараёни ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

## 2-§. Инновацион фаолият тушунчаси

Назарий моделни бозор талабига мос технология-товарга айлантиришдан иборат узоқ йўл инновацион фаолият деб аталади. Халқаро тажрибалардан маълумки, бу жараённинг асосий унсури - ишлаб чиқариш соҳасидаги янгиликларни тижоратлаштириш, ахборот билан таъминлаш ва ходимлар тренинггига ихтисослашувчи инновацион-технологик марказлар (ИТМ)ни яратишдир. ИТМлар кўплаб ўрта ва кичик корхоналарни бирлаштирувчи конгомератлар саналади. Давлат эса бундай марказларга илмий-ишлаб чиқариш ва сервис эркин иктисодий ҳудудлари доирасида илғор лойиҳалар ва янги технологияларни синовдан ўтказиш учун ўзига хос «инкубатор»ларни яратиш орқали кўмаклашиши мумкин.

ИТМлардан ташқари инновацион фаолиятда илмий-тадқиқот тажриба-конструкторлик ишлари (НИОКР) билан шуғулланувчи махсус бўлимларига эга бўлган ТМКларнинг аҳамияти катта ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра, илмий-техникавий янгиликларга қилинадиган харажатлар «IBM» ва «Кодак» компанияларининг савдодан тушган даромадларининг 6 фоизигача миқдорга етади, «Воетс»да — 5,5 фоиз, «Хегох»да эса — 4,7 фоиз. Сотиб олинган патентлар ва лицензияларнинг 4/5 қисми халқаро корпорацияларга тўғри келади.

Инновацион фаолиятнинг кенгайиб бориши янги кашфиётлар ва ресурсларни тежовчи технологик жараёнларни жорий этишга асосланган илм талаб товарларни ишлаб чиқариш билан боғлиқки, улар харажатларни камайтириш ва буюмнинг истеъмол хусусиятларини яхшилашни таъминлайди. Дунёнинг етакчи мамлакатлари НИОКРга катта миқдорда бюджет ассигнацияларини ажратишади. Масалан, Японияда бу мақсадларга

ЯИМнинг 3, АКШда - 2,54, Францияда — 2,34, Германияда — 2,26, Буюкбританияда — 2,05 фоизи сарфланади.

### **3-§. Халқаро илмий-технологик айирбошлаш каналлари ва кўринишлари**

Ахборот ва технологиялар билан халқаро айирбошлаш ҳамкорлар ўртасидаги узок муддатли ўзаро алоқалар жараёнини акс эттиради. У ахборот/технологияларни танлаш ва сотиб олиш, уларни аниқ локал шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўзлаштириш, кейинчалик модификациялаш ёки бошқа янги, замонавийларига алмаштиришни назарда тутади.

Ахборот-технологиялар айирбошлашни асосий каналларига қуйидагилар киритилади:

- давлатлараро (илмий-техникавий ҳамкорлик дастурлари ёки ташки савдо битимлари бўйича);
- фирмалараро (хорижий ҳамкорлар билан кенг кўламдаги шартномалар бўйича);
- фирма ичидаги (бир корпорация тузилмалари ўртасида, яъни турли мамлакатларда фаолият олиб боровчи шахобчалар ва шўъба корхоналар ўртасида).

Кейинги йилларда айнан фирма ичидаги ахборот-технологиялар етказиб бериш халқаро айирбошлаш каналлари ичида, айниқса, патент-лицензия савдоси соҳасида муҳим аҳамият касб этади. Бундай айирбошлашга тасвиф беришда шуни қайд этиш жоизки, айирбошлаш ҳам тижорий, ҳам нотижорий кўринишларда мавжуд бўлиши мумкин. Ҳамма нарса сотувчи ва харидор (ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи) ўртасидаги битимда пул тўловларининг амалга оширилиш-оширилмаслигига боғлиқ.

Нотижорий кўринишлардан бошлайлик, улар қуйидагиларни кўзда тутади:

- маълумотлар манбалари (махсус адабиётлар, Интернетнинг ахборот массивлари, маълумотлар базаси кабилар)дан текин фойдаланиш;

- конференция, кўргазма ва клубларда олимлар ва кашфиётчилар ўртасидаги шахсий алоқаларда ғоялар, тамойиллар, янгиликлар билан айирбошлаш;
- мутахассисларнинг чет эллардаги давлат ва хусусий компанияларда тажриба ортириб келиши;
- илмий-техникавий кадрларнинг вақтинчалик ёки қайтиб келмаслик асосидаги миграцияси.

Нотижорий трансфертда етакчи ўринни патентлаштирилмаган (муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома билан химояланмаган) маълумотлар ва технологиялар эгаллайди.

Интеллектуал фаолият натижаларини тижорий айирбошлашга келсак, уларнинг ичида энг кенг тарқалган кўринишлари ичида қуйидагиларни қайд этиб ўтиш жоиз: технологияларни моддий кўринишда сотиб олиш, сотиш ва ижарага олиш, патент-лицензиялар айирбошлаш, бозорда ноу-хаулар сотиш, инжиниринг, франчайзинг, консалтинг.

Технологик қурилмаларни олди-сотдиси умуман олганда товар ва хизматлар савдоси соҳасига киради. Бинобарин, юқоридаги қараб ўтилган барча ҳолатлар (қурилмалар ва технологияларни ижарага олиш, хусусан лизинг) унга ҳам ҳосдир. Бошқа тижорий кўринишларга келсак, бу ерда патентли лицензион айирбошлаш муҳим роль ўйнайди. Ҳуқуқий нуқтаи назардан патент - бу унинг эгасига ўз кашфиётини маълум ҳудудда маълум вақт оралиғида танҳо ишлаб чиқариш, сотиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат ҳисобланади.

Илмий янгиликларни жорий этиш муддатларини қисқартириш зарурияти лицензияларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Лицензия ахборот-технологиялар айирбошлаш соҳасида янгилик муаллифининг учинчи шахсларга ўз кашфиётидан вақтинча ва маълум шартлар асосида бонус тўлови эвазига фойдаланишга руҳсат этишидир.

Ишбилармонлик амалиётида лицензияларнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

- оддий лицензия - лицензиатга (харидорга) лицензия объектдан маълум чегарада фойдаланиш ҳуқуқини беради, ли-

цензиар (патент эгаси, кашфиёт муаллифи) эса лицензияни бошка шахсларга ҳам сотиши мумкин;

- махсус лицензия - лицензиат лицензия объектідан маълум бозорда танҳо фойдаланиш имкониятига эга бўлади;
- тўла лицензия - патентдан фойдаланишнинг барча ҳуқуқлари харидорга ўтади, яъни у амалда сотилади;
- чапараста лицензия - икки ҳамкор ўртасида лицензияларни ўзаро айирбошлашни назарда тутади;
- ошкор лицензия - патент эгасининг лицензияни ҳар қандай шахсга таклиф этишга тайёрлигини кўзда тутади;
- мажбурий лицензия - лицензияларни олди-сотдиси жараёнига маълум вазиятларда давлат органларининг иштирок этиши мумкинлигидан далолат беради;
- ҳамроҳли лицензия - қурилмаларни етказиб бериш илова қилинади.

Агар лицензия сотувчи лицензияланаётган объект масаласида сир сақланишидан манфаатдор бўлса, опцион келишувдан фойдаланилади. Унга кўра харидор лицензия умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида пул ўтказиши ва сир сақлаш шарти билан ахборотларга рухсат олади ва шундан кейин уни сотиб олиш масаласини ҳал этади. Агар у лицензияни сотиб олса, ўтказилган пул битимнинг умумий ҳажмида ҳисобга олинади, агар хариддан воз кечса, аванс тўлови сотувчида қолади.

Лицензия шартномасини имзолашда умумий тўловлар роялти ёки паушаль тўлов кўринишида амалга оширилади. Роялтида умумий тўлов лицензия бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигида амалга оширилади, паушаль тўловда эса умумий сумма бўлиб-бўлиб (масалан, 20 фоизи шартнома тузилганда, 30 фоизи техник ҳужжатлар имзоланганда, 30 фоизи маҳсулот чиқа бошлаганда, 20 фоизи қафолат тўловлари кўринишида) тўланади. Лицензион битимларнинг амал қилиш муддати одатда 10 йилдан ошмайди, ўртача 5-7 йил.

Ахборот-технологиялар айирбошлашнинг ривожланишини сўнгги йилларда ноу-хаулардан фойдаланишсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ноу-хау патентлаштирилмаган ишлаб чиқариш

тажрибаси ва маҳорат сирларидир. Ноу-хау олди-сотдиси патентсиз лицензиялар деб аталувчи савдо схемасида амалга оширилади. Бундай битимларнинг муддати 3-7 йилга тенг бўлади. Патентли-лицензион айирбошлашдан фаркли равишда ноу-хауни сотиб олиш ва ундан фойдаланиш асосини тижорий сир ташкил этади. Бунда рақобатчилар технологияларни ана шундай ноу-хау асосида мустақил равишда ишлаб чиқиш имкониятига эгадирлар.

ЖАТБ соҳасида *инжиниринг, франчайзинг и консалтинг* кенг тарқалган. Инжиниринг *ишлаб чиқаришни таъминлаш, маҳсулот сотишни уюштириш, ишлаб чиқариш объектини қуриб, ишга тушириш юзасидан маслаҳат бериш ва хизмат кўрсатишни* билдиради. Франчайзинг *бир компания томонидан бошқа йирикроқ ёки бош компаниянинг савдо маркаси, товар белгиси ва бошқа атрибутларидан фойдаланиш билан боғлиқдир.* Консалтинг *консалтинг фирма томонидан ҳар қандай истеъмолчига кенг кўламдаги маслаҳат хизматлари кўрсатишни билдиради.*

ЖАТБни кузатиш Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ), Умумжаҳон интеллектуал мулк бўйича ташкилот (штаб-квартираси Женевада жойлашган, 156 мамлакат аъзо), Европада эса Европа патент ташкилоти кабилар томонидан амалга оширилади. Европа патент ташкилоти, Япония патент бошқармаси ва АҚШ патент ва товар белгилари бюросининг уч томонлама ҳамкорлиги 1983 йилдан бери амалга оширилиб келмоқда, унда дунёдаги 90 фоиз кашфиётлар қайд этилган.

Интеллектуал мулкни химоя қилиш соҳасида халқаро ва миллий муассасалар олдида турган энг муҳим муаммо «қарокчилик» ва саноат жосуслигига қарши кураш ҳисобланади.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Жаҳон ахборот ва технологиялар бозори (ЖАТБ) моддийлашган ва моддийлашмаган кўринишдаги аклий фаолият натижаларини айирбошлашнинг мураккаб тизимини акс эттиради. Инновация фаолияти жараёнида ўз харидорини топган илмий-

техникавий янгиликлар бир мамлакатдан бошқасига тижорий ва нотижорий айирбошлашнинг турли каналлари ва кўринишларида етказиб бериледи. Айирбошлаш кўринишлари ичида патент ва лицензиялар сотиб олиш етакчи ўринни эгаллайди, кейинги йилларда ЖАТБда инжиниринг, франчайзинг ва консалтинг кабилар пайдо бўлди.

### **Асосий тушунчалар**

Информация ва технологиялар жаҳон бозори (ИТЖБ) — интеллектуал фаолият натижаларини айирбошлаш халқаро соҳаси.

Инновацион фаолият — Назарий моделни бозор талабига мос технология-товарга айлантиришдан иборат узок жараён дир.

Ноу-хау — муаллифлик гувоҳномаси (патент) билан химояланмаган ишлаб чиқариш тажрибаси ва маҳорат сирлари.

Инжиниринг — ишлаб чиқаришни таъминлаш, маҳсулот сотишни уюштириш, ишлаб чиқариш объектини қуриб, ишга тушириш бўйича хизматлар

Франчайзинг — бир компаниянинг бошқа йирикрок ёки бош компаниянинг савдо маркаси, товар белгиси ва бошқа атрибутларидан фойдаланиши

Консалтинг — консалтинг фирма томонидан ҳар қандай истеъмолчига кенг кўламдаги маслаҳат хизматлари курсатиш.

### **Назорат саволлари**

1. Информация ва технологиялар жаҳон бозорининг моҳияти намада?
2. Инновацион фаолият деганда нимани тушунасиз?
3. Халқаро ахборот-технологик айирбошлашнинг қандай каналлари ва кўринишларини биласиз?
4. Ўзбекистоннинг жаҳон информация ва технологиялар бозори доирасидаги мавқеи қандай?

## 7-бўлим. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ

### 36-боб. Жаҳон хўжалигида интеграция жараён- лари

#### 1-§. Халқаро иқтисодий интеграциянинг дастлабки шарт-шароитлари ва моҳияти

Ташқи савдони давлатлараро тартибга солишга бағишланган бобларнинг бирида интеграция жараёнларининг ТИФни эркинлаштиришдаги муҳим аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтган эдик. Бирок интеграция фақатгина савдо соҳаси билан чекланмайди, бинобарин бу масалани кенгрок ва батафсилрок кўриб ўтишимиз жоиз.

Ҳозирги пайтда интеграция жараёнлари тўғрисида мутахассислар орасида ягона нуқтаи назар мавжуд эмас. Бир гуруҳ иқтисодчилар интеграцияни мамлакатлар ўртасида янги товар оқимларини шакллантириш орқали «ресурслар чекланганлиги» муаммосини бартараф этиш йўли деб талқин этишади (бу орқали алоҳида олинган мамлакатда нисбатан серхаражат товарлар ишлаб чиқаришни йўқотиш, технологик айирбошлашни кенгайтириш имкониятини беради, бу НИОКРга харажатларни камайтиради). Бошқа гуруҳ олимлар интеграцияни талаб этувчи дастлабки туртки сифатида ноиқтисодий омилларни илгари суради (масалан, мамлакат мудофаа қобилятини мустаҳкамлаш). Учинчи гуруҳ эса интеграция гуруҳларини ташкил этиш ишлаб чиқаришни барқарор ўсиши, ижтимоий барқарорлик каби мақсадларга осонрок ва тезрок эришиш имкониятини беради деб ҳисоблайди. Бу ва бошқа назарий ёндашувларни умумлаштирган ҳолда шуни қайд этиб ўтишимиз мумкин, интеграция - бу ҳудудий микёсда сифат жиҳатдан янги иқтисодий муҳитни яратиш йўли орқали миллий хўжалик комплексларининг ўзаро яқинлаши ва бир-бирига кириб бориши жараёнидир.

Интеграцион жараёнлар ХИМда иккита асосий микёсда ўтади:

- микро — трансмиллий корпорацияларнинг ташкил этилиши орқали;
- макро — иқтисодий сиёсатни давлатлараро мувофиқлаштириш орқали.

ХИМ ривожланишининг замонавий босқичида турли табиатдаги интеграция жараёнлари сайёрамизнинг барча китъаларида мавжуд. Кундан кунга хўжалик ҳаётининг интеграциялашуви жараёни чуқурлашиб бормоқда. Бу интеграциялашув ХИМнинг савдодан тортиб илмий-ахборот айирбошлашгача бўлган турли кўринишларининг бир-бирига қўшилиб боришини назарда тутаяди.

## **2-§. Интеграция жараёнлари жаҳон марказлари**

Ҳозирги кунда жаҳонда 20 дан ортиқ халқаро иқтисодий бирлашмалар мавжуд. Сайёрамиз ЯИМнинг 2/3 қисми, товар айланмасининг ва инвестицияларнинг асосий қисми ана шу бирлашмалар ҳиссасига тўғри келади. Бирок бу марказлар ичида учта асосий интеграция марказини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ: Ғарбий Европа, Шимолий Америка ва Осиё-Тинч океани минтақаси. Ғарбий Европада иккинчи жаҳон урушидан кейин иккита йирик гуруҳнинг, яъни Европа иқтисодий Ҳамжамияти (ЕЭС) ва Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕАСТ)нинг вужудга келиши натижасида интеграцион жараёнлар шиддатли ривожланди. 90-йилларнинг ўрталарига келиб ЕЭС (1995 йилдан бошлаб Европа Иттифоқи) деярли ЕАСТни ютиб юборди. ЕАСТ ўз таркибида фақатгина Исландия, Лихтенштейн, Норвегия ва Швейцария давлатларини сақлаб қолди. Бу икки бирлашмани солиштирадиган бўлсак, ЕАСТ ўзининг таракқиётида божхона иттифоқини яратишдан у ёғига ўтмади, унинг тузилмаси миллатлараро ташкилотлар билан мустаҳкамланмади.

1990 йилда ЕИ ва ЕАСТ ўртасида Европа иқтисодий маконини яратиш тўғрисида келишиб олинди. Бу макон доирасида ЕАСТ аъзоларининг ишлаб чиқарувчилари ЕИ аъзолари ком-



паниялари билан бир каторда преференциал божхона режимидан фойдаланишади.

Шаркий Европада эса собик социалистик давлатлардаги демократик қайта қуришлар 1949 йилдан бери мавжуд бўлиб келган Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг тарқалиб кетишига сабабчи бўлди. Шаркий Европа давлатлари ўзларининг иқтисодий алоқалари йўналишларини ғарбий бозорларга қаратишга ва янги бирлашмалар ташкил этишга интилишмоқда. Масалан, 1992 йилда Эркин савдо тўғрисида Марказий Европа келишуви имзоланиб, унга Венгрия, Польша, Чехия ва Словакия аъзо бўлган.

Собик СССР республикалари 1991—1993 йиллар мобайнида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) доирасида Иқтисодий иттифокни шакллантиришга ҳаракат қилдилар.

Аҳамияти жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи халқаро интеграция маркази Шимолий Америка ҳудуди ҳисобланади. Бу ерда 1994 йил 1 январда Шимолий Америка Эркин савдо Ассоциацияси (НАФТА) қучга кирган. НАФТА АҚШ, Канада ва Мексика давлатларини ўз таркибига бирлаштирган. Ҳозирча НАФТА фаолиятининг самараси ҳақида гапиришга эрта бўлсада, чунки ҳалигача тартибга солиш органлари ташкил этилмаган, бу келишув товар ва хизматлар савдосида чеклашларни олиб ташлаш, келишмовчиликларни ҳал этиш механизмларини ишлаб чиқиш, бир-бирига нисбатан инвестицион муҳитни эркинлаштиришни назарда тутди. НАФТАнинг ЕИга нисбатан ўзига хос хусусияти интеграция жараёнларининг симметрик эмаслигидир: Канада ва Мексика устун равишда АҚШга интеграциялашишга интилишади, ўзаро қучсиз боғланишган.

Учинчи марказ бошқаларига нисбатан ҳудуди, аҳолиси ва ресурслари миқдори бўйича устунроқдир. Бирок интеграциялашув йўлида Осиё-Тинч океани минтақасида жуда кўп тўсиклар мавжуд. Масалан, бу минтақадаги мамлакатлар иқтисодий ривожланиш даражасидаги кескин тафовутлар, этник-маданий фарқлар, ўзаро сиёсий даъволар юки, ҳудудий тўқнашувлар ана шу тўсиклар жумласига қиради. Ҳозирги кунда Тинч океани ҳавзасида бир неча йирик субҳудудий

иктисодий гуруҳлар (Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН), Жанубий Хитой Форуми, Австралия-Янги Зеландия эркин савдо худуди ва бошқалар) мавжуд бўлиб, улар ҳам дунёнинг энг йирик океани соҳилларида жойлашган давлатларнинг умумий ташкилотини шакллантиришга ҳалақит бермоқда.

Осиё-Тинч океани минтақаси давлатларининг иктисодий ҳамкорлиги деб номланувчи ташкилот расмий равишда 1989 йилда ташкил этилган. 1998 йил 1 январдан бери бу ташкилот турли даражада иктисодий ривожланишга ва ХИМда турли мавқеларга эга бўлган 21 давлатни ўз таркибига бирлаштирган. Ҳақиқатан ҳам, АҚШ ва Папуа-Янги Гвинея, Япония ва Бруней, Хитой ва Перу, Канада ва Вьетнамнинг хўжалик комплексларини солиштириш мумкинми? Бу ташкилотнинг 1995 йил Осака шахрида маъқулланган ҳаракат дастури 2010-2020 йилларгача савдо ва инвестициялашни УСТ стандартларига мувофиқ эркинлаштиришга йўналтирилган. Ҳозирги пайтда бу интеграцион гуруҳ ўз йўлининг бошида турибди, зеро мувофиқлаштирилган ҳужжатлар декларатив табиатга эга, аъзо-мамлакатлар эса божхона, тариф, транспорт ва бошқа соҳалардаги муаммоларни ҳал этиш учун ҳали кўп ишларни амалга ошириши керак.

### **3-§. Интеграция жараёнларининг миллий иктисодиётга таъсири**

Интеграцион бирлашмага қўшилувчи давлат иктисодиёти ўзаро алоқалар олиб борувчи ҳамкорларга хос умумий жараёнларни бошидан кечира бошлайди. Бу жараёнлар кўпчилик ҳолларда ижобий таъсир кўрсатса-да, баъзи бир салбий жиҳатларга ҳам эга.

Миллий хўжалик учун интеграциянинг устунлик томонларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бозор миқёсининг кенгайиши, бунинг натижасида таклифнинг кўпайиши туфайли капитал айланмаси тезлиги ортади, бу эса миллий бозори чекланган кичик ва ўрта мамлакатлар учун айниқса катта аҳамият касб этади;

- иштирокчи-мамлакатлар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиши;
- интеграцион блок аъзоси обрў-эътиборининг ошиши, бу унга турли савдо-иқтисодий музокараларда яхши мавкега эга бўлишини таъминлайди;
- ахборот-технологиялар айирбошлаш суръатларининг тезлашиши, бу экспорт маҳсулотининг таннархини камайтириш, сифати ва рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради;
- кўпгина ижтимоий-иқтисодий муаммоларни тартибга солиш имконини берувчи мамлакатлар ўртасидаги миграция айланмасини ошиши.

Интеграциянинг яққол кўзга ташланувчи салбий оқибатлари ичида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- кучсизроқ иқтисодиётли мамлакатлардан ресурсларнинг кучли ҳамкорлар томон оқиб ўтиши;
- компаниялар ўртасида ошкор бўлмаган картель битимлар ва ўзаро бирлашишлар натижасида ТМК ва миллий монополиялар аҳамиятининг кучайиши, бу «соғлом» бозор рақобатини чеклайди;
- интеграцион блокнинг бюрократик институтлари фаолияти натижасида катта миқдордаги харажатларнинг вужудга келиши.

Миллий ва хорижий иқтисодчиларнинг асарларида шу ҳолат тўғри кўрсатилдики, яъни интеграцион гуруҳда у ёки бу мамлакатнинг иштирок этишининг ижобий ёки салбий жиҳатларини баҳолаш жуда мураккаб ва турличадир. Бироқ ўз-ўзидан тушунарлики, интеграциядан ички бозори кичик, ресурсларга камбағал, жаҳон ЯИМда кам улушга эга бўлган давлатлар кўпроқ иқтисодий самара олишади. Бундай натижага турли интеграцион ташкилотлар, хусусан Европа Иттифоқининг ривожланиш босқичини таҳлил қилиш асосида келиш мумкин.

## **Бобнинг қисқача мазмуни**

Миллий иктисодиётларнинг ўзаро яқинлашиши ва бир-бирига кириб бориши объектив жараён сифатида XX асрнинг сўнггида ХИМнинг ўзига хос белгиларидан бири бўлди. Интеграция жараёнларининг етакчи марказлари Европа, Шимолий Америка ва Осиё-Тинч океани саналади, интеграция жараёнларининг юқори даражада чуқурлашуви Ғарбий Европа мамлакатларига тўғри келди - иккинчи жаҳон урушидан кейин улар қудратли иктисодий гуруҳни, яъни Европа Иттифоқини туздилар.

## **Асосий тушунчалар**

*Иктисодий интеграция* — ҳудудий микёсда сифат жиҳатдан янги иктисодий муҳитни яратиш йўли орқали миллий хўжалик комплексларини ўзаро яқинлаш ва бир-бирига кириб бориш жараёни.

## **Назорат саволлари**

1. Иктисодий интеграциянинг моҳияти ва сабабларини тушунтириг.
2. Интеграцион жараёнларнинг қандай марказларини биласиз?
3. Халқаро интеграциянинг ижобий ва салбий жиҳатлари қайсилар?

## 37-боб. Интеграциянинг асосий кўринишлари

### 1-§. Интеграцион гуруҳлар типологияси

Интеграцион гуруҳлар типологияси асосини иштирокчи-мамлакатлар миллий иктисодиётининг макро ва микро даражада ўзаро яқинлашиши ва бир-бирига кириб боришининг нақадар чуқурлигини баҳолаш ташкил этади. Бу мезонга кўра интеграциянинг тўрт кўринишини ажратиб кўрсатиш мумкин: эркин савдо ҳудуди, божхона иттифоқи, умумий бозор ва иктисодий иттифок. Эркин савдо ҳудудига бобнинг тўртинчи саволида батафсил тўхталиб ўтамиз. Бу ерда эса, эркин савдо ҳудудларининг ўзига хос аломати унинг иштирокчилари ўртасида божхона тарифлари ва квоталарни ўзаро бекор қилиш тўғрисида келишиш эканлигини қайд этиб ўтамиз, бунда учинчи мамлакатларга нисбатан савдо сиёсати мустақил танланиши мумкин.

Божхона иттифоқи тўғрисида давлатлараро ташқи иктисодий фаолиятни тартибга солиш кўриниши сифатида б-бобда сўз юритганмиз. Ҳозир эса божхона иттифоқининг эркин савдо ҳудудидан асосий фарқи иттифок чегараларида мувофиқлаштирилган савдо-божхона режимини жорий этиш эканлигини эслатиб ўтамиз.

Интеграция жараёнларининг кейинги ривожланиши интеграциянинг энг етук кўриниши умумий бозор, сўнгра иктисодий иттифокнинг шаклланишига олиб келади. Жуда кўплаб иктисодий бирлашмаларнинг вужудга келиши ва таракқиётдан маълумки, айнан умумий бозор ва иктисодий иттифок энг кўп диққатга сазовордир.

### 2-§. Умумий бозор

Жанубий Америка, Африка ва Осиёдаги бир қатор ташкилотлар товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг ягона бозори кўринишидаги гуруҳларни ташкил этилганлиги тўғрисида шошилиб эълон қилган бўлсалар-да, ҳозирги пайтгача интеграциянинг бу кўриниши амалда фақат Ғарбий Евро-

пада амалга оширилган. Умумий бозорлар каторига қуйидагилар киради:

- *Жанубий конус мамлакатлари умумий бозори (МЕРКОСУР)* — Аргентина, Бразилия, Парагвай ва Уругвайни бирлаштирган.
- Марказий Америка умумий бозори - Гватемала, Гондурас, Коста-Рика, Никарагуа ва Сальвадорни бирлаштирган.
- Шарқий ва Жанубий Африка умумий бозори (*КОМЕСА*), таркибига Африканинг 19 давлати киради.
- Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (*АСЕАН*) — Тинч ва Ҳинд океанлари ўртасида жойлашган тўққизта мамлакатни бирлаштирган.

Божхона иттифоқини умумий бозорга айлантириш жараёни фақатгина савдони эмас, балки иктисодий сиёсатнинг бошқа соҳаларини ҳам камраб олувчи катта миқдордаги қонуний меъёрларни уйғунлаштириш масалаларини ҳал этиш билан боғлиқ. Шунинг учун ички божхона тўсиқлари ва бошқа чеклашларни бартараф этиш, шунингдек, учинчи мамлакатлар билан савдода умумий тамойилларни ишлаб чиқиш билан бирга, умумий бозор иштирокчилари иктисодиётнинг алоҳида соҳа ва тармоқларини ривожлантириш бўйича ҳаракатларни мувофиқлаштириш зарурки, бунинг натижасида миллий чегаралар орқали хизматлар, капитал ва ишчи кучининг ҳеч қандай тўсиқларсиз ўтишига шароит яратилади. Бундан ташқари умумий бозорни шакллантириш давомида ижтимоий ва ҳудудий ривожланиш учун жамоавий фондларни яратишга зарурият туғилади, умумий бозорни иктисодий иттифокка айлантириш жараёнида бу фондларнинг аҳамияти жуда катта бўлади. Бунда миллатлараро мувофиқлаштирувчи органлар муҳим аҳамият касб этади. Европа Иттифоқи тажрибасидан маълумки, бундай органларни ташкил этмасдан миллий қонунчилик меъёрларини соддалаштириш ва интеграцион бирлашма иштирокчиларининг умумий қарорлари бажарилишини назорат қилиш тизимини жорий этишга эришиш жуда мураккаб бўлади.

### 3-§. Иқтисодий иттифок

Умумий бозорни иқтисодий иттифокка айлантириш замонавий боскичда Европа Иттифокининг асосий муаммосидир. Фақатгина шу ташкилот иқтисодий интеграциянинг энг юкори чўккисига интилишини яққол намойиш этмоқда.

Маълумки, Европа Иттифокига аъзо-мамлакатларнинг давлат раҳбарлари ХХI аср бошида ўз олдиларига қўйган мақсадга эришишни режалаштиришган. Ҳозирча яқуний натижалар тўғрисида гапиришга эрта бўлса-да, иқтисодий иттифокка хос аломатлар кўзга ташланиб қолди. Бу аломатлар қуйидагилар ҳисобланади: умумий қонунчилик меъёрларини яратиш, солиқ базасини соддалаштириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ягона стандартларни жорий этиш, мувофиқлаштирилган пул сиёсатини ўтказиш, ягона валютага ўтиш.

Кўрсатиб ўтилган интеграция кўринишларининг умумлаштирилган тавсифлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

13-жадвал. Интеграцион бирлашмалар кўринишлари.

Кўриниш номи	Иттифок ичида эркин савдо	Учинчи мамлакатларга нисбатан ягона савдо-божхона сиёсати	Ишлаб чиқариш омилларининг эркин ҳаракатланиши	Қонунчилик, ижтимоий ва валюта соҳаларида иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш
Эркин савдо ҳудуди	X			
Божхона иттифоки	X	X		
Умумий бозор	X	X	X	
Иқтисодий иттифок	X	X	X	X

#### **4-§. Эркин савдо ҳудудлари (ЭСХ)нинг моҳияти**

Юкорида кайд этиб ўтганимиздек, эркин савдо ҳудудлари халқаро иқтисодий интеграциянинг бошланғич босқичи саналади. Эркин савдо ҳудуди замонавий талкида преференциал ҳудуд ҳисобланиб, унинг доирасида божхона ва миқдорий чеклашлардан ҳоли савдо тартибига риоя қилинади. ЭСХ амалда икки ва ундан ортиқ давлатларнинг ўзаро савдосида божлар, лицензия ва квоталарни музлатиш ва аста-секин бекор қилиш тўғрисидаги битимнинг имзоланиши натижасида шаклланади. Бунда, ЕИ, НАФТА ва МЕРКОСУР тажрибасидан маълумки, кишлок хўжалиги маҳсулотларига нисбатан савдо режимини эркинлаштириш чекланган табиатга эга, дастлаб божхона номенклатурасидаги баъзи позицияларни камраб олади.

ЭСХ ижобий жиҳатларига иштирокчи-мамлакатлар савдо сиёсатида барқарорликнинг ўрнатилишини киритиш мумкин. Бу ЭСХга аъзо-мамлакатларни халқаро иқтисодий муносабатларга жалб этиш жараёнини тезлаштиришга ёрдам беради, улар халқаро меҳнат тақсимотидан самарали фойдаланиш имконига эга бўлади.

Салбий жиҳатларга келсак, улар ички бозорда рақобатнинг кучайиши билан белгиланади, чунки бу миллий ишлаб чиқарувчиларга салбий таъсир этиши ва банкротлик хавфини кучайтириши мумкин. Бундан ташқари ЭСХни яратиш миллатлараро тартибга солувчи органларни ташкил этиш билан бирга кузатилмайди, бу эса биргаликдаги қарорлар қабул қилишни секинлаштиради ва бу қарорларни бажарилишини назорат қилишни қийинлаштиради.

Бирок интеграциянинг бошланғич босқичидаги қийинчиликлар ва муаммоларга қарамадан, эркин савдо ҳудудлари жаҳон иқтисодиётида кенг тарқалган.

#### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Халқаро иқтисодий интеграция тўрт асосий модификацияда ривожланади: эркин савдо ҳудуди, божхона иттифоқи, умумий бозор ва иқтисодий иттифок. Ҳозирги пайтга келиб



жаҳонда факат битта гуруҳ учта босқични босиб ўтиб тўртинчи босқичга ўтган, бу Европа Иттифоқидир.

Эркин савдо ҳудудлари (ЭСХ) хўжалик интеграциялашувининг бошланғич поғонаси саналади. Бу ҳозирги пайтда мавжуд бўлган иқтисодий гуруҳларнинг вужудга келиши тарихидан ҳам маълум. ЭСХнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бундай ҳудуд иштирокчилар ўртасидаги товар оқимларини биргалликда божхона-тарифли тартибга солиш режимидир.

### **Асосий тушунчалар**

Умумий бозор — ишлаб чиқариш омилларининг миллий чегаралар орқали эркин кўчиб ўтиши таъминланадиган иқтисодий интеграция кўринишидир.

Иқтисодий иттифок — иқтисодий интеграциянинг олий кўриниши, у умумий ҳуқуқий меъёрлар, солиқ базасининг соддалаштирилиши, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ягона стандартларни жорий этиш, ягона валютага ўтиш кабилар билан тавсифланади.

Эркин савдо ҳудудлари (ЭСХ) — преференциал ҳудуд ҳисобланиб, унинг доирасида божхона ва миқдорий чеклашлардан холи савдо тартибига риоя қилинади.

### **Назорат саволлари**

1. Интеграцион бирлашмалар кўринишлари типологиясини келтиринг.
2. Умумий бозор ва иқтисодий иттифокқа тавсиф беринг.
3. Эркин савдо ҳудудларини тавсифланг.
4. Қандай ЭСХ сизга маълум?

## 38-боб. Европа Иттифоқи

### 1-§. Европа Иттифоқи эволюцияси босқичлари, мақсадлари, тамойиллари ва фаолияти

Бирданига бир неча тарихий ходисалар Ғарбий Европа мамлакатлари интеграцион гуруҳининг вужудга келишига замин яратди. Уларнинг ичида Ғарбий Европа давлат раҳбарларининг сиёсий хоҳиш-истаклари, жумладан, 1950 йил 9 майда Германия ва Франция ўртасида кўмир ва пўлат ишлаб чиқаришни мувофиқлаштиришни таклиф этган Франция ташқи ишлар вазири Р. Шуманнинг таклифини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Умумевропа ҳамкорлигини уюштиришда «Маршалл режаси» ҳам маълум аҳамият касб этди. Бу режа доирасида Ғарбий Европа давлатлари ўз иқтисодиётларини тиклаш ва қайта қуриш учун АКШдан катта моддий ёрдам олдилар. Бундан ташқари собиқ СССР бошчилигида Шарқий Европа давлатларининг 1949 йилда Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашининг ташкил этилиши ҳам ғарбий мамлакатлар миллий хўжаликларининг бир-бирига яқинлашишига тurtки бўлди. Ва, ниҳоят, мустамлака империялар (Британ, Француз, кейинчалик Испан ва Португал империялари)нинг парчаланиши собиқ метропол давлатларнинг ўз қитъасидаги қўшнилари билан алоқаларини ривожлантиришга эътибор қаратишга мажбур этди. Шундай қилиб, 1951 йилнинг апрелида Кўмир ва пўлат бўйича Европа бирлашмаси (КПЕБ)ни таъсис этиш ҳақида Париж шартномаси имзоланди. Унга олти давлат аъзо бўлди: Бельгия, Нидерландия, Люксембург (БЕНИЛЮКС), ГФР, Франция ва Италия.

1955 йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган Мессин Анжумани қарорлари интеграция жараёнларининг ривожланишига янги тurtки бўлди. Бу Анжуманда Европа интеграциясининг истикболлари белгиланди, пировард мақсад миллий иқтисодиётларнинг бирлашиши ва ижтимоий сиёсатни мувофиқлаштириш орқали умумий бозорни шакллантириш эди.

Европа Иттифокининг навбатдаги йирик тарихий босқичи 1957 йилнинг март ойида божхона иттифоқи ва кишлок хўжалиги соҳасида умумий сиёсат олиб боришга асосланган *Европа Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕИХ)*ни ташкил этиш тўғрисида Рим шарномасининг имзоланиши бўлди. Бундан ташқари шу йили Атом Энергетикаси бўйича Европа ҳамжамияти (Евроатом) ташкил этилди. Рим шартномасининг кучга кириши КПЕБ, ЕИХ ва Евроатомни бирлаштирди, юқорида зикр этилган олти мамлакат унга аъзо бўлиб кирди. Бу ҳужжат интеграцияни ривожлантиришга доир асосий ёндашувларни, жумладан «тўртга эркинлик» маконини яратишни, яъни товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракатланиши маконини яратишни ифодалаб берди. 60-йилларда ЕИХнинг давлатлараро мувофиқлаштирувчи органларини шакллантириш жараёни амалга оширилди. Вазирлар Кенгаши, Европа Комиссияси ва Европа Суди ташкил этилди.

1969 йил Гаага шаҳрида (Нидерландия) бўлиб ўтган мажлис ЕИ тарихида биринчи босқич тугаганлигидан далолат берди. Бу даврни божхона иттифоқи босқича деб аташ мумкин. 1973 йили «олтилик»ка Буюкбритания, Дания ва Ирландия, 1981 йилда — Греция, 1986 йилда эса — Испания ва Португалия қўшилди. 1974 йилда Европа Кенгаши ташкил этилди, 1979 йилдан бошлаб эса Европа Парламенти сайлана бошланди. 1979 йилда Европа валюта тизими вужудга келди.

1986 йилда имзоланган Ягона Европа Акти (ЯЕА) ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Бу акт умумий бозорни иқтисодий иттифокка айлантириш йўналишларини белгилаб берди. Булар савдо йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлаш, иштирокчи мамлакатлар ички чегараларини очиш, илмий-технологик айирбошлашни жадаллаштириш, ягона валютани жорий этиш ва Европа Иттифокининг барча фуқаролари ҳуқуқлари тенглиги ҳамда ижтимоий қафолатни таъминлаш кабилар эди.

Европа Иттифоқи ривожланишининг учинчи, яъни замонавий босқичи Ғарбий Европада иқтисодий иттифок яратишга қартилган бўлиб, у XX асрнинг охириги ўн йилликларига тўғри келади. 1990 йилда Ҳамжамиятнинг ўн икки аъзоси одамлар,

товарлар, капитал ва ахборотларнинг эркин ҳаракатланиши учун иштирокчи-мамлакатлар ўртасидаги чегараларни 1993 йилнинг 1 январидан бошлаб очиш тўғрисида Шенген битими-ни имзолادилар. 1992 йилда Европа Иттифоқи тўғрисида Маастрихт шартномаси имзоланди. Бу ҳужжатга кўра куйидагилар таъсис этилди:

- ягона Европа фуқаролиги;
- сиёсий иттифок;
- иктисодий ва валюта иттифоқи.

Маастрихт шартномасида миллий валюталарни аста-секин муомаладан чиқариш ва ягона умумевропа пул бирилиги жорий этишдек мураккаб жараёнга илк кадам қўйилди. Ва, ниҳоят, 1995 йилда Ҳамжамиятга яна учта давлат; Австрия, Финляндия ва Швециянинг кириши ва Европа Иктисодий Ҳамжамиятининг Европа Иттифоқи деб номланишидан сўнг бу интеграцион бирлашма ўзининг ҳозирги замонавий кўринишига эга бўлди.

Ҳозирги кунда Иттифок 370 млн. кишидан ортиқ аҳолига эга ва умумий ЯИМ 5 триллион долларга тенг бўлган 15 мамлакатни ўз таркибига бирлаштирган. 70-80- йилларда кўплаб ривожланаётган мамлакатлар, 90-йилларда ЕАСТ аъзолари, АКШ ва Япония билан тузилган битимлар Европа Иттифоқини жаҳон иктисодиётининг йирик марказларидан бирига айлантирди. ЕИ билан Европа қитъасидан ташқаридаги барча етакчи мамлакатлар алоқалар олиб боришади. Европа Иттифоқининг мавқеини шундан ҳам билиш мумкинки, ҳозирги кунда бу бирлашмага аъзо бўлиш учун Европанинг деярли барча давлатлари ариза беришган. Бироқ биринчи навбатда Венгрия, Кипр, Польша, Словения, Чехия ва Эстония қабул қилинади, чунки Ғарбий Европа интеграцион бирлашмаси раҳбарларининг фикрига кўра, бу давлатларнинг мавқеи Иттифоқнинг 15 аъзосининг бозор ҳўжалиги савиясига нисбатан яқин келади.

Европа Иттифоқи учта асосга таянади:

- иктисодий иттифок;
- юстиция ва ички ишлар соҳасида ҳамкорлик;
- хавфсизлик ва ташқи сиёсат соҳасида келишиб иш кўриш.

Европа Иттифокининг асосий мақсадлари Европа халқларининг узвий алоқасини ташкил этиш, барқарор иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш, ички чегараларсиз умумий маконни яратиш, ижтимоий соҳада ўзаро алоқаларни кучайтириш ҳисобланади.

Европа Иттифокининг энг муҳим тамойиллари сифатида аъзо-мамлакатларнинг миллий хусусиятлари ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат билан қарашни келтириш мумкин. Европа Иттифокининг штаб-квартираси Брюсселда жойлашган, бу ерда Кенгаш мажлисларини ўтказади ва Европа Комиссияси доимий аснода фаолият олиб боради. Ўз навбатида, Европа парламенти ва суди Люксембургда жойлашган.

## **2-§. Европа Иттифоқи тузилмаси, замонавий босқичдаги муаммолари ва истикболлари**

Европа Иттифоқини Европа Кенгаши бошқаради. Кенгаш аъзо-мамлакатларнинг давлат ёки ҳукумат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари, Европа Комиссияси Раиси ва унинг бир аъзосидан таркиб топган. Кенгашнинг фаолият кўриниши ярим йилда бир ўтказиладиган сессиялардир. Бу сессияларда энг муҳим, энг аввало, сиёсий характердаги қарорлар қабул қилинади.

Европа Иттифокининг Олий қонун чиқарувчи органи *Европарламент* ҳисобланади. У 626 депутатдан ташкил топган. Бу депутатлар умумий сайловларда 5 йил муддатга мамлакат аҳолиси сонига мутаносиб равишда сайланади (энг кўп депутат Германиядан сайланади - 99 та). Европарламент ўзининг умумий мажлисларини ойда бир марта бир ҳафта давомида Франциянинг Страсбург шаҳрида ўтказади. Парламентнинг муҳим ҳуқуқи - ЕИ бюджетини тасдиқлашдир.

*Европа Иттифоқи Кенгаши аъзо-давлатларнинг ҳукумат вазирларидан иборат.* Бу ташкилотнинг қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади, бу эса мамлакатларга маълум квоталар беришни талаб қилади. Масалан, Германия, Италия, Франция ва Буюкбританиянинг ҳар бири 10 тадан, Испания — 8, Бельгия, Греция, Нидерландия ва Португалия — 5 тадан,

Австрия ва Швеция — 4 тадан, Дания, Ирландия ва Финляндия — 3 тадан, Люксембург — 2 та овозга эга. Вазирлар таркиби мажлис мавзусига қараб ўзгариб туриши мумкин. Кенгаш ўз фаолиятида Доимий вакиллар Қўмитасига суянади. Бу қўмита Европа Иттифоқида аккредитациядан ўтган 15 та элчидан ташкил топган.

*Европа комиссияси* — олий ижрочи орган бўлиб, доимий аснода фаолият юритади. Йирик давлатлар Комиссияда иккитадан, кичиклари биттадан овозга эга. Барча қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Европа Иттифоқи тузилмасининг аҳамияти жиҳатидан эмас, балки тартиб жиҳатидан охирги ташкилоти Европа Суди саналади. Суд аъзо-давлатларнинг умумий розилигига биноан олти йилга сайланувчи 15 та судья ва 9 та прокурордан таркиб топган. Суд иттифоқ аъзолари ва ЕИнинг алоҳида институтлари ўртасидаги баҳсларни ҳал этишда қатнашади.

Сўнгги йилларда Иктисодий ва ижтимоий қўмита интеграциянинг ривожланишида ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Бу маслаҳат берувчи орган бўлиб, у иктисодий ва ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларининг вакиллари бўлган 222 та аъзони бирлаштирган. Қўмита таркибида учта гуруҳ ташкил этилган: иш берувчилар, ишчилар ва бошқа ижтимоий қатламлар (фермерлар, истеъмолчилар ва бошқалар). Бу тузилма мавқеи жиҳатдан юкорида санаб ўтилган органларга тенглаша олмасда, ЕИ Кенгаши ва Европа Комиссияси иктисодий ва ижтимоий соҳадаги қарорлар чиқаришдан олдин Қўмита билан маслаҳатлашади.

Европа Иттифоқининг муаммоларига келсак, энг аввало, асосий муаммо сифатида бу ташкилотнинг бундан кейинги кенгайиши масаласини қайд этиш лозим. Юкорида айтиб ўтилгандек, Европа Иттифоқига янги олти давлатни қабул қилиш масаласи ижобий ҳал этилган. Бирок иттифоққа киришга навбатда турганлар ҳали жуда кўп. Номзодлар қаторида Шаркий Европа давлатлари, собиқ Югославия республикалари, Туркия, Мальта ва Болтик бўйи мамлакатлари бор. Уларнинг қабул қилинишига асосий тўсиқ миллий хўжаликларининг

нисбатан паст даражада ривожланганлиги ва бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг тўлиқ яқунланмаганлигидир. Европарламент ваколатларини кенгайтириш ва ЕИ Кенгаши нуфузини аста-секин чеклаш тенденцияси кузатилмоқда.

Иқтисодиётга келсак, Европа Иттифокининг яқин йиллардаги энг муҳим вазифаси валюта ислохотларини ўтказиш ҳисобланади. Бу миллий валюталарни муомаладан чиқариш ва ягона валюта еврони жорий этишдан иборат. Бу жараён ибтидоси 1992 йилдаги Маастрихт шартномасидан бошланган. Валюта иттифоки томон ҳаракат уч босқичда амалга оширилмоқда. 1996 йил 1 январгача тайёргарлик, 1999 йил 1 январгача ташкилий ва 2002 йилгача яқуний босқичлардир. Евро ҳудудига кириш учун асосий мезонлар қуйидагилар:

- бюджет камомади 2 фоиздан юқори бўлмаслиги;
- давлат қарзи ЯИМнинг 60 фоиздан кўп бўлмаслиги;
- йиллик инфляция 1,5 фоиздан юқори бўлмаслиги;
- узок муддатли кредитлар бўйича ўртача номинал фоиз ставкаси йилига 2 фоиздан юқори бўлмаслиги;
- валюта курсининг тебраниши 2,25 фоиздан баланд бўлмаслиги керак.

Валюта иттифокига кирувчи мамлакатларга қўйилган мувофиқлаштирилган талабларнинг каттиклиги ЕИ давлатларининг икки гуруҳга сараланишига олиб келди. 2002 йилгача еврони муомалага киритадиган давлатлар (15 тадан 11 таси) ва бу жараёни 2002 йилдан кейинга қолдирувчи давлатлар (Буюкбритания, Греция, Дания, Швеция).

2002 йилнинг ўрталарига келиб, 11 та давлат ўз миллий валюталарини эмиссия қилишни тўхтатишди, муомалага евронинг 5 та танга пули ва 9 та қоғоз пуллари киритилди. Мавжуд миллий пул белгилари аста-секин муомаладан чиқарилади, барча ҳисоб-китоб операциялари халқаро электрон тизим «Таргет» ёрдамида еврога ўтказилади.

## **Бобнинг қисқача мазмуни**

Ҳозирги пайтга келиб жаҳонда фақат битта гуруҳ учта босқични босиб ўтиб тўртинчи босқичга ўтган, бу Европа Иттифокидир. Европа Иттифокининг бу босқичдаги асосий муаммоси миллий валюталарни йўқотиш ва умумий евровалюта - ЕВРОни жорий қилиш билан боғлиқ.

## **Асосий тушунчалар**

Европа Иттифоқи (ЕИ) — Ғарбий Европанинг 15 та давлатини бирлаштирувчи иқтисодий ва сиёсий гуруҳ.

Европа валюта тизими (ЕВТ) — ЕИ аъзоларининг ҳудудий валюта гуруҳи

Евро — универсал европа ҳисоб-китоб-тўлов бирлиги бўлиб, ЕИга аъзо мамлакатлар ҳудудида ЭКЮ ўрнига жорий этилган.

## **Назорат саволлари**

1. Европа Иттифоқи ривожланишининг асосий босқичларини айтинг.
2. Европа Иттифоқи фаолиятининг мақсадлари ва тамойиллари қайсилар?
3. Бу ташкилот тузилмасини тавсифланг.
4. Ҳозирги кунда ЕИ олдида қандай муаммолар турибди?



# 8-бўлим. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДАГИ РОЛИ

## 39-боб. Халқаро иқтисодий ташкилотлар

### 1-§. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг ХИМда тутган ўрни ва аҳамияти

Олдинги бобларда баъзи бир халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари (савдо ташкилотлари - ГАТТ/УСТ; инвестицион ташкилотлар - ХТТБ, ЕТТБ; валюта, миграция ва илмий-техника соҳасидаги ташкилотлар) тўғрисида фикр юритилди. Мазкур боб материаллари умумлаштирувчи характерга эга бўлиб, улар юқоридаги унсурларнинг ХИМни яхлит бир комплекс сифатида ривожланишида тутган ўрни ва аҳамиятини тушунтириб беришга ёрдам беради. ХИМ мураккаб механизм сифатида бир томондан бозорга хос ўз-ўзини бошқариш қобилятига эга бўлса (ХИМнинг моддий асоси ҳали ҳам жаҳон бозори ҳисобланади), иккинчи томондан, айниқса, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, алоҳида мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни осонлаштирувчи давлатлараро тузилмаларни яратишни талаб этади. Айни пайтда шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари орасида халқаро ташкилотларни гуркираб вужудга келиш жараёни (айнан ана шу вақтда Халқаро меҳнат ташкилоти, ўзининг «Инкотермс» каби тижорий ҳужжатлари билан таниқли бўлган Халқаро савдо палатаси, Халқаро ҳисоб-китоблар банки ташкил этилган) ва, айниқса, 40-йилларда иккита глобал тўқнашувни бошидан кечирган давлатлар тарихидаги фавқулудда ҳолатлар ва 1929 йилдан 1932/33 йилларгача давом этган чуқур иқтисодий таназзул билан боғлиқ. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг вужудга келишининг иккинчи «тўлқини» ва ҳаракатдагилари фаолиятининг фаоллашуви мустамлақачилик

тизимининг парчаланиши ҳамда 60-70- йиллардаги иктисодий чайкалишлар билан алоқадордир.

Ва ниҳоят, 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошларида халқаро иктисодий ташкилотлар фаолиятида учинчи босқичнинг бошланганлигини гувоҳи бўлдик. Бунга сабаб сифатида тоталитар тизимларнинг инқирозга учраши ва янги минг йиллик остонасида инсониятнинг глобал муаммоларини кескин кучайиши кабиларни кўрсатиш мумкин. Кўплаб мамлакатларнинг ҳукумат органлари замонавий халқаро иктисодий алоқалардаги муаммоларни мустақил ҳал эта олмадилар ва кўптомонлама маслаҳатлар, ҳамкорлик ва қайд этиб ўтилган муаммоларни ҳал этишда биргалашиб ҳаракат қилиш усулларини ишлаб чиқа бошладилар. Ҳозирги пайтда иктисодий гуллаб-яшнаш ва жаҳон халқлари фарофонлигини таъминлаш масалалари билан шуғулланувчи бир неча минглаб халқаро ташкилотлар ҳисобга олинган. Экспертларнинг баҳолашларича, жаҳон иктисодиётига сезиларли даражада таъсир ўтказа оладиган халқаро ташкилотлар сони 100 та атрофида.

Халқаро иктисодий ташкилотлар типологияси ҳақида гапирганда, иккита мезондан фойдаланиш зарур: *жугрофий қамрови кенлиги ва фаолият хусусиятлари*. Биринчисидан келиб чиқиб, икки томонлама, ҳудудий ва глобал тузилмалар ажратиб кўрсатилади. Иккинчи мезонни қўллаган ҳолда махсуслаштирилган (соҳалар бўйича) ва глобал ташкилотларга эга бўламиз. Буларнинг ичида 24 октябрь 1945 йилда ташкил этилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тассарруфидаги иктисодий ҳамкорлик органлари алоҳида ўринга эга. БМТ — иккинчи жаҳон урушидан сўнг Антигитлер коалицияси аъзолари томонидан ташкил этилган энг универсал, обрў-эътиборли ва сон жиҳатдан энг йирик халқаро ташкилот ҳисобланади.

## **2-§. БМТ доирасидаги иктисодий ҳамкорлик органлари тизими**

БМТ штаб-квартираси Нью-Йоркда жойлашган, унинг таркибида 185 та аъзо-мамлакат мавжуд. БМТ низомининг 1-моддасига кўра, ўз фаолиятининг асосий мақсадлари ичида

«иктисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар характердаги халқаро муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик қилиш» мақсади ҳам етакчи ўринда туради. БМТ иктисодий соҳада тўртта йўналиш бўйича фаолият олиб боради:

- глобал муаммоларни ҳал этиш;
- давлатларнинг иктисодий ҳамкорлигига кўмаклашиш;
- мамлакатларнинг иктисодий ривожланишидаги узилишларни енгиб ўтиш;
- ҳудудий ривожланишни рағбатлантириш.

Амалда санаб ўтилган йўналишларнинг ҳар бири БМТ муассасаларнинг фаолиятида ахборот, техника-маслаҳат ва молия соҳасида ҳамкорликни ўз ичига олади. БМТ бош ва ёрдамчи органлардан, шунингдек, 18 та махсуслаштирилган институт ва бир қатор автоном тузилмалар: кенгашлар, комиссиялар ва дастурлардан иборат. БМТнинг бош тузилмавий бўлимлари Бош Ассамблея (БА), Иктисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС) ҳамда Секретариат ҳисобланади.

Бош Ассамблея йилда бир марта сессиялар ўтказди (сентябрь—декабрь), бу сессияларнинг ҳар бирида раис, унинг ўринбосарлари ва асосий кўмиталарнинг бошликлари сайланади. Жаҳон иктисодиётидаги асосий масалалар ҳам умумий мажлисларда, ҳам махсус Иккинчи кўмита доирасида муҳокама қилинади.

Иктисодий ва ижтимоий кенгаш 1946 йилда ташкил этилган. 54 мамлакат унинг аъзолари саналади ва аъзоларнинг учдан бир қисми (бешта доимий аъзолар - Буюкбритания, Хитой, Россия, АҚШ ва Франциядан ташқари) ҳар йили уч йил муддатга қайта сайланади. Юкоридаги бешта давлат уруш ва тинчлик масалалари билан шуғулланувчи Хавфсизлик Кенгашида бўлгани каби доимий равишда ЭКОСОС таркибига киради. Кенгаш одатда бир йилда икки марта сессия ўтказди: ижтимоий-ҳуқуқий ва гуманитар мавзуда, шунингдек, иктисодий ва ижтимоий масалалар бўйича. ХИМ муаммолари бўйича қарорлар ва тавсиялар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган барча ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш маъсулияти ҳам ЭКОСОС зиммасидадир. Бугунги кунга келиб ЭКОСОС олти доимий

кўмита, еттита функционал ва бешта ҳудудий комиссияларни таъсис этган. Булардан ташқари 18 та махсулаштирилган муассаса, Жаҳон озик-овқат дастури ва ЮНКТАД/УСТ Халқаро савдо маркази ҳам ЭКОСОС патронажи остида фаолият олиб боради. БМТнинг иктисодий органлари тизимида учинчи бўғин сифатида Секретариат фаолият олиб боради. Секретариат бир неча бўлимлардан (жумладан, иктисодий ва ижтимоий масалалар бўйича Департамент) таркиб топган бўлиб, маъмурий-ижрочи тузилма сифатида иш олиб боради.

Жаҳон хўжалиги муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ равишда энг сезиларли мавқега эга бўлган БМТнинг ташкилотлари шарҳида БМТнинг савдо ва таракқиёт бўйича Анжумани (ЮНКТАД) ва БМТнинг саноат таракқиёти бўйича ташкилоти (ЮНИДО) тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

1964 йилнинг охирида БМТнинг Бош Ассамблеяси халқаро савдо бўйича ҳамкорликка кўмаклашиш учун ЮНКТАДни таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилди. Анжуманнинг олий органлари тўрт йилда бир ўтказиладиган сессия ва йилда икки марта тўпланадиган Кенгаш ҳисобланади. Кенгаш назорати остида доимий кўмиталар, вақтинчалик ишчи гуруҳлари ва Секретариат фаолият олиб боради. ЮНКТАДга ҳозирги пайтда 186 та давлат аъзо бўлиб, унинг штаб-квартираси Женевада жойлашган. ЮНКТАД раҳбарлиги остида ўтказилган ҳукуматлараро маслаҳатлар натижасида бир қатор муҳим савдо битимлари имзоланди, хом ашё товарлари савдоси соҳасидаги ҳолатларни ўрганиш учун эксперт гуруҳлари ташкил этилди. Анжуман Европа ва Америка бозорларида ривожланаётган мамлакатларнинг маҳсулотлари учун махсус имтиёзлар бериш режимини қувватлаш йўналишида фаол ҳаракат олиб бормоқда.

1967 йилда ташкил этилган ЮНИДО 166 та давлатни бирлаштирган ва штаб-квартираси Вена шаҳрида жойлашган. Бу ташкилотнинг бош вазифаси Осиё, Африка, Жанубий Америка ва Океаниядаги камбағал ва ривожланиш даражаси паст бўлган мамлакатлар гуруҳини иктисодий қолоқликдан олиб чиқиш жараёнини рағбатлантириш мақсадида БМТ доирасида саноат ривожланишини мувофиқлаштиришдан иборат. ЮНИДОнинг

олий органи икки йилда бир марта чакириладиган Бош Анжуман саналади. Бошқарув тузилмалари эса саноат тараккиёти бўйича Кенгаш ва бюджет масалалари бўйича Қўмита ҳисобланади. ЮНИДО фаолияти ҳукуматлар ва хусусий тармоқ билан узвий ҳамкорлик асосида қурилган. Ташкилот инвестициялар, техник ва саноат ҳамкорлиги масалалари бўйича форумлар ўтказади, хорижий инвестицияларнинг кўпайиб боришига, ривожланаётган мамлакатларга технологиялар етказиб беришга кўмаклашади. Бу масалаларни амалга оширишда ЮНИДОнинг Саноат ва технологик ахборотлар банки (СТАБ) самарали фаолият олиб бормоқда.

Молиялаштиришдаги муаммолар, ортиқча қоғозбозлик ва қарорларнинг бажарилишини назорат қилишнинг кучсизлигига қарамасдан, замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида БМТ тизимидаги иқтисодий ташкилотларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. БМТнинг махсулаштирилган муассасалари ролининг кучайиб боришининг сабаби сифатида халқаро меҳнат тақсимоти тузилмасининг мураккаблашуви, ахборот-технология айирбошлашнинг янгидан янги каналларининг вужудга келиши, инсоният олдидан турган жиддий глобал муаммолар шароитида жаҳон хўжалик ҳаётининг жадаллашуви кабиларни келтириш мумкин.

### **3-§. Халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти**

БМТ доирасига қирмайдиган иқтисодий ташкилотларга штаб-квартираси Парижда жойлашган ва 1961 йилда вужудга келган Иқтисодий ҳамкорлик ва тараккиёт ташкилоти (ИХТТ) мисол бўла олади. ИХТТ иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ молиявий ёрдамидан самарали фойдаланиш ва Кўхна китъадаги тикланиш жараёнини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган Европа иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг вориси ҳисобланади. «Бойлар клуби», жаҳон иқтисодиётининг «ақл маркази» деб аталувчи ИХТТ ҳозирги пайтда жаҳоннинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган 29 та мамлакатини ўз таркибига бирлаштирган. Чунончи, бу ташкилотга аъзо-

мамлакатлар ҳиссасига жаҳон товар ва хизматлар ишлаб чиқаришининг 2/3 қисми тўғри келади.

ИХТТнинг олий органи Кенгаш бўлиб, унинг таркибига ҳар бир аъзо-мамлакатдан биттадан вакил киради. Кенгаш аъзолари ойда бир марта Бош қотиб раислигида учрашишади. Бош қотибни беш йил муддатга Кенгаш сайлайди. Бундан ташқари Кенгаш вазирлар (ташки ишлар вазирлари, молия вазирлари, иктисодиёт вазирлари кабилар) миқёсида йиллик мажлисларини ўтказди.

Доимий асосда иш юритувчи Ижроия кўмитанинг вазифалари ИХТТ фаолиятини назорат қилиш ва Кенгаш мажлисларини тайёрлашдан иборат. 200 дан ортиқ кўмиталар, ишчи гуруҳлари ва эксперт комиссиялари ижтимоий-иктисодий ҳарактерда бўлган кенг доирадаги масалалар билан шуғулланади.

ИХТТ тузилмаси ҳақида сўз кетганда *Европа ва ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик марказини* эслатиб ўтиш жоиздир. Бу марказ 1990 йилда ташкил этилган бўлиб, ИХТТ ва Шарқий Европа мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириб туради. ИХТТ фаолиятидаги энг муҳим жиҳат - бу ташкилотга аъзо-мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида иктисодий ва ижтимоий сиёсат муаммолари бўйича фикр алмашишни йўлга қўйишдир. Капиталлар ва хизматларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш, порахўрликка қарши кураш кабилар тўғрисидаги қонунлар бу сайр-ҳаракатларнинг самарасидир. Ҳозирги кунда ИХТТнинг амалий вазифалари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- болалар ва аёллар меҳнати, маҳсулот баҳосини атайлаб пасайтириш кабилар ҳисобига бўладиган ғирром рақобатни чегаралаш йўллари излаш;
- меҳнатни химоялаш бўйича барча мамлакатлар учун ягона бўлган меъёрлар тўғрисида конвенция қабул қилиш;
- глобал миқёсда бевосита чет эл инвестициялари бериш режими тарғибга солиш (Инвестициялар тўғрисида қўп томонлама келишув лойиҳаси компанияларга, ўзларини нуктаи назарича, ҳукуматнинг ноҳолис инвестицион сиёсати билан тортишиш имкониятини беради);

- саноат корхоналари фаолиятини экологик жиҳатдан халқаро назоратини амалга ошириш.

#### 4-§. Баъзи ҳудудий иқтисодий ташкилотлар

Жаҳонда интеграция жараёнлари - ЕИ, НАФТА, МЕРКОСУР, МДХ қабилар билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган ўнлаб ҳудудий микёсдаги халқаро иқтисодий ташкилотлар мавжуд. Уларнинг фаолият механизмларини ўрганиш мақсадида Ғарбий ярим шар ва Африка қитъасида муҳим аҳамият касб этувчи Америка давлатлари ташкилоти (АДТ) ва Африка Бирдамлик Ташкилоти (АБТ) тўғрисида батафсил тўхталиб ўтамиз.

АДТ 1948 йилда Богота шаҳрида (Колумбия) ўтказилган Америка давлатларининг 9-чи халқаро Анжуманида ташкил этилган бўлиб, таркибига 35 давлатни бирлаштирган, штаб-квартираси Вашингтонда жойлашган. Ташкилот фақат иқтисодийгина эмас, балки сиёсий характерга ҳам эга. «Совук уруш» даври ўтгач, иқтисодий масалалар бу ташкилот фаолиятида олдинги ўринга чиқди. АДТнинг олий органи *Бош ассамблея* ҳисобланади, йилда бир марта чакириладиган сессияларда энг жиддий масалалар бўйича қарорлар қабул қилинади. *Доимий кенгаш* ташкилотнинг барча жорий фаолиятига раҳбарлик қилади ва назоратни амалга оширади, шунингдек, доимий кўмиталар ва ишчи гуруҳларига таянган ҳолда Бош Ассамблеянинг сессияларини тайёрлайди. Аъзо-мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга қўмаклашишга қаратилган *Америка давлатлариаро иқтисодий ва ижтимоий кенгаши* ҳам муҳим аҳамият касб этади.

1994 йилда Америка қитъасидаги 34 мамлакат (Кубадан ташқари) давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашувида «Тараққиёт ва ривожланиш мақсадида ҳамкорлик тамойиллари: демократия, эркин савдо ва Америкада барқарор ривожланиш тўғрисида декларация» қабул қилинди. Анжуман катнашчилари келажакда - 2005 йилдан сўнг Панамерика эркин савдо ҳудудини ташкил этишга қарор қилишди.

Африка Бирдамлик Ташкилоти 1963 йилда Аддис-Абеба шаҳрида (Эфиопия) ўтказилган Африка давлатлари раҳбарларининг анжуманида ташкил қилинган. 53 аъзо-мамлакатни бирлаштирган бу ташкилотнинг штаб-квартираси ҳам шу шаҳарда жойлашган бўлиб, унга Африканинг деярли барча давлатлари аъзо бўлган (Мароккодан ташқари). АБТ фаолияти АДТдаги каби комплекс характерга эга, иктисодий масалалар ҳамisha бошқарув тузилмалари диккат марказида туради. АБТнинг олий органи *Давлат ва ҳукумат раҳбарлари Ассамблеяси ҳисобланиб*, у йилда бир маротаба сессиялар ўтказди. Ташкилотнинг бошқа муассасалари ичида Африка давлатларининг иктисодий ривожланишига кўмаклашиш юзасидан бевосита масъул бўлган *Иқтисодий ва ижтимоий комиссия* сезиларли мавқега эга.

АБТ ҳудудий сиёсатига тавсиф берганда, 1991 йилда аъзолар-мамлакатлар томонидан қабул қилинган Африка иктисодий ҳамжамиятини ташкил этиш тўғрисидаги битимни эслатиб ўтиш керак. Бу жараён умумий давомийлиги 34 йилга мўлжалланган олти босқичдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, ҳудудий иктисодий ташкилотлар глобал миқёсдаги тузилмалар билан биргаликда мамлакатларга миллий чегараланганликни енгиб ўтиш, хўжалик алоқаларини жадаллаштириш ва ХХ асрнинг якунида инсоният дуч келган жуда кўп муаммоларни ҳал этиш учун ҳаракатларни бирлаштириш имконини беради. Бу муаммолар ичида алоҳида ўрин тутадиганлари глобал муаммолар бўлиб, улар тўғрисида кейинги бобда тўхталиб ўтамыз.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Фаолият кўлами ва соҳаси турли туман муассасаларни ўз ичига олувчи халқаро иктисодий ташкилотлар ХИМда вақт ўтган сайин янада аҳамиятлироқ бўлиб бормоқда. Халқаро иктисодий ташкилотлар ичида БМТ тизимига қирувчи тузилмалар (ЭКОСОС ва бошқалар) марказий ўринни эгаллайди. БМТ доирасидан ташқари ҳам жуда кўп нуфузли ва обрўли глобал ва ҳудудий миқёсдаги ташкилотлар мавжуд.



### Асосий тушунчалар

Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ЭКОСОС) — БМТнинг асосий бошқарув органларидан бири бўлиб, унинг ХИМ соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

Савдо ва тараққиёт бўйича БМТ Анжумани (ЮНКТАД) — БМТ тизими доирасидаги махсус муассаса.

Саноат тараққиёти бўйича БМТ Анжумани (ЮНИДО) — БМТ тизими доирасидаги махсус муассаса.

Халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР) — энг ривожланган индустриал мамлакатлар бирлашмаси.

### Назорат саволлари

1. Сўнги 50-70 йил давомида халқаро иқтисодий ташкилотларнинг вужудга келишининг фаоллашуви жараёнининг сабаблари қайсилар?
2. БМТ тизимидаги иқтисодий муассасаларнинг тузилмалари ва вазифалари ҳақида сўзланг.
3. ОЭСР фаолияти нималарни ўз ичига олади?
4. Худудий иқтисодий ташкилотларга мисоллар келтиринг.

## 40-боб. Глобал муаммоларнинг иқтисодий жихатлари

### 1-§. Глобал муаммоларнинг моҳияти ва хусусиятлари

Цивилизациямиз ўзининг ривожланиш жараёнида ҳеч қачон ҳозирги пайтдагидек кескин муаммолар гирдобига дуч келмаган. Бу муаммоларни ҳал этмасдан туриб, инсоният ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидан илгариланма ҳаракат қила олмайди. У ёки бу муаммони глобал (умумжаҳон) миқёсдаги муаммолар каторига киришини кўрсатувчи асосий мезонлар куйидагилар ҳисобланади:

- Унинг оламшумул аҳамият касб этиши.
- Инсонлар ҳаётининг барча соҳаларига тааллуқлилиги.
- Муаммони ҳал этишда кўпчилик давлатларнинг биргаликда ҳаракат қилишининг зарурлиги.

Олимлар ва жамоат арбоблари орасида мамлакатлар ёки ҳудудлар тараққиётидаги локал, ўзига хос масалаларнинг глобал муаммоларга айланиши хусусида турли фикрлар мавжуд. Аммо шуни қайд этиб ўтиш жоизки, бу жараёнга асосий сабаб жаҳон ҳўжалигининг XX аср индустриал бозор иқтисодиёти босқичига хос бўлган экстенсив ривожланиши бўлди. Охириги ўн йилликларда Европа, Америка ва Осиёнинг ривожланган мамлакатлари ўз иқтисодиётларини интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш учун бемисл ҳаракатлар олиб бораётган бўлсалар-да, кўплаб колок, ривожланаётган, шунингдек, бир қатор ўтиш даври иқтисодиётли собиқ социалистик мамлакатлар учун интенцификациялаш жараёни ечилмаган энг муҳим муаммолар бўлиб қолмоқда.

Инсоният учун энг долзарб масалаларни қараб чиқишни ҳар тарафлама универсал ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этувчи конверсион муаммодан бошлаш лозим. Шундан сўнг табиий-иқтисодий табиатдаги: экологик ва озиқ-овқат муаммолари ҳақида сўз кетади. Боб сўнггида аҳоли сонининг ўсиши билан

боғлиқ бўлган масала - демографик муаммоларни таҳлил этамиз.

Аmmo кўрсатиб ўтилган масалалар билан жаҳондаги давлатлар ва дунё аҳолисини хавотирга солган оламшумул даражадаги масалаларнинг хилма-хиллиги чекланиб қолмайди. Бундан ташқари глобал муаммоларни шарҳлаганда иктисодий жиҳатдаги масалалар диққатимизни тортади.

## **2-§. Қуролсизланиш ва ҳарбий ишлаб чиқаришни ўзгартириш**

Инсоният тарихида юз берган турли хилдаги ўн беш мингдан ортиқ урушларнинг иктисодиёт учун қанчалик вайрон келтирувчи таъсирга эгаллиги барчага маълум. Бирок цивилизация тараққиётининг нисбатан тинч даврларида ҳам армия ва мамлакат мудофааси учун харажатлар давлат бюджетлари учун оғир юк ҳисобланади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирги пайтда ҳарбий харажатлар жаҳон ЯИМининг 5-6 фоизи миқдорига етмоқда, чунки қурол-яроғ тайёрлаш энг кўп меҳнат ва ресурс талаб қилувчи ишлаб чиқариш саналади, мудофаа қобилиятини ушлаб туриш катта миқдордаги кўшимча молия воситаларини талаб қилади.

Ҳарбий кучларни оммавий қисқартириш ва доимий армияларни қуролсизлантириш улкан тежамқорликка олиб келиши, иктисодий ўсишни рағбатлантириши, очлик, қолоқлик ва қамбағаллик билан курашга мадад бериши мумкин.

Ҳарбий салоҳиятни қисқартириш, айниқса, Россия каби йирик давлатларда кўплаб мураккаб масалаларга олиб келиши мумкин, ҳарбий-саноат мажмуаси - бу ўлим келтирувчи маҳсулот ишлаб чиқаришида банд бўлган минглаб корхоналар ва миллионлаб инсонлардир. Бундан ташқари жаҳон қурол-яроғ савдоси энг даромадли бизнес кўринишларидан бири бўлиб, баъзи мамлакатларга миллиардлаб доллар миқдорига даромад олиб келади.

Мана шулардан конверсия муаммоси - ҳарбий ишлаб чиқаришни фуқароларга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга айлантириш муаммоси келиб чиқади. Конверсияни

амалга оширишнинг энг самарали йўли «икки ёклама мўлжалланган» технологиялардан фойдаланиш ҳисобланади, бу асбоб-ускуналарни қайтадан созлаш ва бу соҳада бандликни ушлаб туриш имкониятини беради. Аини пайтда ҳарбий ишлаб чиқаришга хос бўлган юксак технологияларда тайёрланган маҳсулотларни сотиш орқали катта фойда олиш ҳам мумкин.

### **3-§. Экологик муаммолар**

Экологик муаммолар кўп асрлик тарихга эга, бироқ ХХ асрнинг охирига келиб, такрор ишлаб чиқариш ва инсонларнинг хўжалик фаолияти орасидаги мувозанатнинг бузилиши оқибатида биосфера ҳолатида кескин ёмонлашиш кузатилмоқда. Кўп сонли статистик маърузаларда экспертлар томонидан келтирилган рақамлар атроф-муҳит деградацияси кўламининг катталашиб бораётгани билан ваҳимага солади. Кейинги 100 йил ичида сайёрамиздаги ўрмонларнинг 2/3 қисми йўқолиб кетди, атмосферадаги карбонат ангидрид миқдори 13 фоизга кўпайди, ўнлаб турдаги ўсимлик ва ҳайвонлар бутунлай қирилиб кетди, инсоннинг генофондининг ўзи ҳам олдини олиб бўлмайдиган мутацион ўзгаришлар хавфи остида қолди.

Бизнинг республикамиз аҳолиси ҳам Орол денгизи сувининг камайиб кетиши билан боғлиқ муаммони ўз бошидан кечирмоқда. Орол денгизининг қуриб қолиши фақат бизнинг республикамиз муаммосигина эмас, балки глобал муаммо эканлигини жаҳон ҳамжамияти ҳам тан олмоқда. Бу муаммо ўз вақтида ҳал этилмаса, инсоният учун катта хавф туғдириши мумкин. Бу борада ҳозирги пайтда турли йирик дастурлар бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Экологик хавф-хатарларнинг кучайиши жаҳон иктисодиётини экологизациялаш жараёнини ривожлантиришга асос бўлади, зеро табиатни ҳимоялаш омиллари савдо, инвестициялар, ишчи кучи миграцияси қабиларга таъсир этади. Мутахассисларнинг қайд этишича, умумий айламаси 150 млрд. долл.га тенг бўлган табиатни асровчи товарлар, хизматлар ва технологияларнинг маҳсус бозори вужудга келди.

Атроф-муҳитни химоялаш тадбирлари экспорт килинувчи маҳсулотларнинг рақобатбардошлигига ҳам таъсир қилади, зеро истеъмолчилар экологик тоза ва хавфсиз маҳсулотларни афзал ҳисоблашади. Экологик муаммоларнинг кучайиши шунга олиб келдики, бу муаммолар кўплаб мамлакатлар ривожланишининг стратегик дастурларида марказий ўринга чиқди ва улар бу муаммони глобал ва ҳудудий халқаро интеграцион ташкилотларнинг кун тартибига олиб киришди. Албатта, бу борада халқаро ташкилотларнинг энг йириги - БМТ ҳам четда қолмади. БМТ 1972 йилдан буён махсус *Атроф-муҳит буйича дастур* (ЮНЕП)ни амалга оширмоқда. 1992 йилда ўтказилган Атроф-муҳит буйича БМТ Анжуманининг (Рио-де-Жанейро) ўтказилиши катта аҳамият касб этди. Анжуман катнашчилари барқарор ривожланиш тамойилини қабул қилдилар. Бу тамойил 27 та тавсиявий характердаги принципларни ўз ичига олади, уларнинг моҳияти экологик хавфсизликнинг универсал мезонларини қабул қилиш, чиқиндисиз технологияларни жорий этиш, саноат ва ҳарбий соҳадаги чиқиндилардан режали равишда фойдаланиш, янги авлодларни атроф-муҳитни асраб-авайлашга қарата тарбиялашдан иборат. Риодаги Анжуман «Ер Хартияси»ни тайёрлашни белгилаб олди. Бу хартия XXI асрнинг экологик муаммосини ҳал этишнинг стратегик дастури бўлиши керак.

#### **4-§. Озиқ-овқат муаммоси**

Сайёрамиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан оптимал таъминлаш режимиға эришиш муаммоси ХХ асрнинг охириға келиб фақатгина ўттизга яқин ривожланган мамлакатлар учун ўз долзарблигини йўқотди, бироқ бошқа кўпчилик давлатлар учун энг муҳим масалалигича қолмоқда. Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш аста-секин ўсиб бораётган бўлса-да, бу жараён аҳоли сонининг кўпайиб боришиға нисбатан бир текис юз бераётгани йўқ. Осиё ва Африқада бу барқарорлашган, яъни бир одамға тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулоти миқдори ўзгаргани йўқ. Сўнги 30 йил ичида

дон маҳсулотлари икки марта кўпайди, лекин бу вақт давомида ер юзидаги аҳоли сони ҳам 1,8 марта ошди.

*Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолчи мавжуд заҳиралар ҳисобига кафолатланадиган кунлар сони билан белгиланадиган* озиқ-овқат хавфсизлиги нуқтаи назаридан энг жиддий вазият Саҳара саҳросининг жанубидаги Африка давлатлари ва Осиёнинг жанубий ҳамда марказий қисмидаги баъзи давлатлар (Афғонистон, Бангладеш, Мьянма, Ироқ), шунингдек, бир қатор Кариб хавзаси (Гаити) давлатларида юзага келган. Бу давлатларда озиқ-овқат хавфсизлиги икки ойдан кам муддатга тўғри келади.

1996 йил ноябрь ойида Римда бўлиб ўтган Озиқ-овқат масалалари бўйича Бутун жаҳон учрашувида қайд қилинишича, жаҳонда доимий равишда 800 миллион киши тўйиб овқатланмайди. Ҳосилнинг яхши бўлмаслиги, табиий офатлар ва ҳарбий низолар сабабли ошқора очарчиликнинг «аж олиши» билан бир қаторда кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар ва ўтиш даври иктисодиётли давлатлардаги аҳоли турмуш фаровонлиги ва сифатининг пастлиги билан боғлиқ бўлган «яширин» очлик кўриниши янада кенг тарқалмоқда. Кейинги 20 йил ичида 54 давлатда озиқ-овқат билан таъминлашнинг мутлақ пасайиши кузатилганлиги бежиз эмас.

Албатта озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш борасида ижобий мисолларни ҳам келтириш мумкин. Масалан, Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолчи мавжуд заҳиралар ҳисобига кафолатланадиган озиқ-овқат хавфсизлиги режимини яратиш йўлида сезиларли ютуқларга эришган давлатлар қаторига Вьетнам, Ҳиндистон, Хитой, Мексика, Филиппинни киритиш мумкин. Уларнинг тажрибасидан шуни кўриш мумкинки, «*яшил инқилоб*»ни, яъни илғор технологияларни жорий қилиш, ўсимликлар ва ҳайвонлар селекциясини ривожлантириш, тупроқни қайтадан культивациялаш қабилар бўйича комплекс чораталбирлар бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр тармокни инвестициялашни йилига 3,5 - 4 фоизга кўпайтириш муҳим шарт ҳисобланади.

Шуни қайд этишимиз мумкинки, яъни ишлов бериладиган майдон бирлигига тўғри келадиган дон маҳсулотлари

хосилдорлигини кўпайтириш, чорва моллари бошига тўғри келадиган сут ва гўшт маҳсулотлари миқдорини ошириш муаммони ечишда асосий омил саналади. Жаҳон ҳамжамияти олдида 2015 йилгача очликни бошидан кечираётган одамлар сонини икки мартага камайтириш ва Умумжаҳон соғликни сақлаш ташкилоти стандартларидан паст даражада егулик истеъмол килувчилар сонини сезиларли миқдорда қискартириш масаласи долзарб бўлиб турибди.

### **5-§. Демографик муаммо**

Демографик муаммоларнинг мавжудлигига биринчи бўлиб XVIII асрнинг охирида илк бор инглиз донишманди Т.Р. Мальтус ўз эътиборини қаратган. Бу муаммонинг моҳияти озик-овқат маҳсулотлари ва инсонлар ҳаёти учун зарур бўлган бошқа моддий ноз-неъматлар ишлаб чиқаришга нисбатан аҳоли сонининг назорат қилиб бўмайдиган даражада ошиб боришидан иборат. Мутахассисларнинг башорат қилишича, 2020 йилга келиб жаҳон аҳолиси сони 8 миллиард кишига етади ва унинг 80 фоизи Осиё, Африка ҳамда Лотин Америкасининг ривожланаётган мамлакатларида яшайди. Кўз олдимизда юз бераётган «демографик портлаш» кейинчалик табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш ва инсонлар хўжалик фаолияти ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига олиб келади. У жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидаги камбағаликни енгиш, очлик, соғликни сақлаш ва таълим соҳасидаги муаммоларни чуқурлаштириб юборади.

БМТ ва ҳудудий ташкилотлар демографик хавфга етарлича аҳамият бериб келмоқда, яъни оилани режалаштириш дастурларини, аҳоли миграцияси ва ривожланаётган мамлакатларда урбанизация жараёнларини молиялашни амалга оширмоқда.

Глобал муаммоларга бағишланган қисқача шарҳимиз якунида шуни қайд этиб ўтмоқчимиз, яъни экспертлар иқтисодий тизимни тотал қайта қуришни амалга оширишни тавсия этишмоқда. Бунда уч йўналишда ҳаракат қилиш зарур: сайёра-миз аҳолиси сонини барқарорлаштириш, энергия олишининг

муқобил манбаларига ўтиш, утилизацияга бўйсунувчи саноат материалларидан фойдаланиш.

### **Бобнинг қисқача мазмуни**

Глобал муаммоларнинг иктисодий жиҳатлари уларнинг жаҳон хўжалигига кўрсатадиган таъсири билан асосланади. Бу муаммоларни ечиш катта миқдордаги маблағлар ва жаҳон ҳамжамиятининг биргаликдаги ҳаракатларини талаб қилади. Бу бобда глобал миқёсдаги муаммоларнинг фақат баъзилари: конверсион, экологик, озиқ-овқат ва демографик муаммолар кўриб ўтилган. Бу муаммоларнинг ҳар бири жаҳоннинг барча миллатлари манфаатларига мос ечимларни белгиловчи ўзига хос хусусиятга эгадир.

### **Асосий тушунчалар**

Глобал муаммолар — оламшумул аҳамиятга эга бўлган ва ўз ечимини топишида жаҳондаги барча мамлакатларнинг биргаликдаги ҳаракатларини талаб этувчи цивилизациямизнинг энг долзарб масалаларидир.

Конверсия — Ҳарбий саноат комплекси корхоналарини фуқароларга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтказиш жараёни.

Озиқ-овқат хавфсизлиги — миллий ва глобал эҳтиёжларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти.

"Демографик портлаш" — жаҳоннинг кам ривожланган ва камбағал мамлакатларида назорат қилиб бўлмайдиган даражада аҳоли сонининг ўсиши.

### **Назорат саволлари**

1. Глобал муаммоларни вужудга келиш моҳияти ва сабаблари нимада?
2. Конверсион, экологик, озиқ-овқат ва демографик муаммоларга тавсиф беринг.
3. Бу муаммолардан қайси бирлари Ўзбекистон учун долзарб ҳисобланади?



## Адабиётлар

1. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”, - Т.: “Ўзбекистон”. 2005 й.
2. Каримов И.А. “Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз”, - Т.: “Ўзбекистон”. 2000 й.
3. Каримов И.А. Узбекистан по пути углубления экономических реформ. Т. Узбекистан., 1996
4. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отнош. Учебник. М.: 2002г.
5. Булатов А.С. Мировая экономика. Учебник. М.: Юристъ. 2003 г.
6. Дюмулен И. Всемирная торговая организация. М.: Экономика. 2003 г.
7. Кругман П. Международная экономика. 5-е изд. Питер. СПб.: 2002г.
8. Киреев А. Международная экономика. В 2-х ч. Часть 2. М.: 2003г.
9. Ливенцев Н. Международные экономические отношения. Учеб. М.: 2005 г.
10. Ломакин В. Мировая экономика. Учебник. М.: Юнити-Дана. 2004 г.
11. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. Т.: 2002 й.
12. [www.wto.org](http://www.wto.org)
13. [www.wto.ru](http://www.wto.ru)
14. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org)
15. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
16. [devdata. www.worldbank.org-data-query-.url](http://devdata.worldbank.org-data-query-.url)

**НАЗАРОВА ГУЛЬЧЕХРА ГАЗЫЕВНА**  
**ХАЙДАРОВ НАМОЗАЛИ ХОЛМИРЗАЕВИЧ**

Муҳаррир	Абдуллаев О.
Мусаххих	Тўйчиева Д.
Тех.муҳаррир	Дадабоев Ш.Х.
Компьютерда саҳифаловчи	Хайдаров Н.Х.

Босишга руҳсат этилди 04.05.2005 йил. Бичими 60x84 1/16.  
Ҳажми 17 б.т. Офсет босма. Times New Roman. Адади 1000  
нусха. Келишилган нарҳда.

Фан ва технология босмахонасида босилди. Тошкент,  
Олмазор, 171.



